

*Марҳума адибамиз  
Ойдин Собирова хотирасига  
бағишлайман  
Муаллиф*

**Тўхтасин Жалолов**

# **ЎЗБЕК ШОИРАЛАРИ**

**Ғафур Ғулом номидаги  
бадний адабиёт нарийти  
1970**





### «ЎЗБЕК ШОИРАЛАРИ» ҲАҚИДА

*Тўхтасин Жалолов Улуғ Октябрь инқилобидан илгари ўтган ўзбек шоирлари ҳақида ғоят муҳим асар ёзди.*

*Шу вақтга қадар ўзбек адабиётида ўзбек шоирлари, уларнинг асарлари, ҳаётлари ўрганилмаган деярлидир. Улар ҳақида яқинланган асарлар йўқдир. Айрим шоирлар тўғрисида энди-энди адабиётчиларимиз ишлаб бошладилар. Бу ҳуқуқсиз, чексиз жафо кўрган мазлума шоирларнинг асарлари, уларнинг бахтсиз тақдирлари бўронида йўқ бўлиб, унутилиб кетган. Т. Жалолов тарих варақларини ахтара-ахтара ўзбек шоирлари ҳақида қимматли хийла маълумотлар тўплади. Ўзининг катта, синчикли текширишлари натижасида ўттиздан ортиқ ўзбек шоирларини топди. Бу ғоят ажойиб воқеадир.*

*Халқимиз ўзбек адабиёти тарихининг ёрқин саҳифаларини кўришга муштоқ ва бундай асарларга ташнадир.*

17 XI 1958 й.

Ойбек









### СУЗБОШИ УРНИДА

Ўзбек шоиралари ижоди устида илмий тадқиқот олиб бориш зарурати ва шу хусусда бирор нарса ёзиш ғояси дастлаб марҳума адибамиз Ойдин опада пайдо бўлиб, шу орзунни рўёбга чиқаришни у киши биздан илтимос қилган эдилар.

Биз бу таклифга рози бўлиб, кўпдан буён меҳримиз тушиб юрган Зебуннисо Бегим ижоди ҳақида бир мақола ёзиб бердик<sup>1</sup>. Бироқ, бу орада Улуғ Ватан уруши бошланиб, бошқа муҳим сабаблар рўй бергани учун шоирлар ижоди устидаги ишимиз чала қолган эди. Орадан кўп вақт ўтиб, 1956 йилда яна шу масала қўзғалди. Бу гал бу муҳим масалани филология фанлари доктори, профессор Иззат Султон ўртага қўйиб, бизни чала қолган ишимизни битиришга даъват қилди. Биз профессор Иззат Султоннинг бу таклифини мамнуният билан қабул қилиб, «Эзгуликнинг кечи йўқ» мақолига амал қилиб, яна тарих ва тазкираларни қидира бошладик. Ана шу изланишларнинг маҳсули ўлароқ ушбу рисола майдонга келди.

Материал жуда кўп бўлгани учун биз «Ўзбек шоирлари»ни икки мустақил китоб қилишга қарор қилдик. «Ўзбек шоирлари»нинг қўлингиздаги I китобида Октябрь инқилобигача яшаб, ижод этган ўттиздан ортиқ шоиранинг ҳаёт йўли ва ижодий фаолияти ҳақида маълумот берилади, II китобида эса, Совет даври шоиралари ижоди устида муфассал тўхталмоқчимиз.

<sup>1</sup> «Ерқин ҳаёт» журналнинг 1940 йил, 3-сонига қаралсин.

Шунин ҳам айтиш зарурки, Улуғ Октябрь инқилобига яшаб, ижод этган шоиралар фақат ўттиз кишидан иборат эмас, улар кўп бўлиши, гоёт гўзал асарлар ёзган бўлишлари мумкин. Бироқ ҳурматли адиб ва олимимиз Ойбек айтганидай: «Бу ҳуқуқсиз, чексиз жафо кўрган мазлума шоираларнинг асарлари, уларнинг бахтсиз тақдирлари бўронида йўқ бўлиб, унутилиб кетган». Бинобарин, биз йигирма йил давомида қидира-қидира, ҳозирча, топганимиз шулар бўлди.

Агар муҳтарам китобхонлар, ҳиммат қилиб, инқилобдан аввал ўз шаҳар ва қишлоқларида яшаб, ижод этган шоиралар ва уларнинг асарлари ҳақида бизни хабардор қилсалар, ўзбек адабиёти тарихи учун гоёт катта хизмат қилган бўладилар.

Тошкент, 1958 йил.

*Тўхтасин Жалолов*





## ИККИНЧИ НАШРИГА МУАЛЛИФ ИЗОҶИ

Муҳтарам ўқувчи! Қўлингиздаги китоб — «Ўзбек шоиралари»нинг иккинчи нашри. Бинобарин, сизда, китобнинг биринчи ва иккинчи нашри орасида қандай тафовут бор, деган савол туғилиши табиий.

«Ўзбек шоиралари» босилиб чиққандан бери ўтган давр орасида биз шоираларнинг адабий меросини қидиришда давом этиб, бир мунча янги материаллар топишга муваффақ бўлдик. Хоразм халфаларидан Ожиза ва Хоним Сувчининг таржимаи ҳоллари, шунингдек Ожизанинг «Тар ғунча», «Келмади-келмади», «Уёламан», «Тунугун», «Қай боғдан олдингиз?» сарлавҳали шеърлари шулар жумласидандир. Шоира Нозикнинг «Рехт гул» радифли ажойиб ғазалини эса, тожик шоири Ҳайратнинг Рожий Бухорий баёзига киритилган мухаммасидан ажратиб олдик.

Тадқиқотларимизнинг энг муҳим маҳсули — шоира Самар Бону девонининг топилиши, албатта. Бу нашрда муҳтарам китобхонлар ажойиб шоирамиз Самар Бону ижоди билангина эмас, балки машҳур шоиримиз Ҳувайдо номига пайванд бўлиб келган бир адабий сулола билан танишадилар. Бинобарин, «Ўзбек шоиралари»нинг тўлдирилган иккинчи нашри китобхонларимизни яна ҳам кўпроқ мамнун этар, деган умиддамиз.

Бундан ташқари, «Ўзбек шоиралари» ҳақида матбуотда айтилган фикрларни ва филология фаълари доктори муҳтарам Азиз Қаюмовнинг «Қўқон адабий муҳити» номли асарида баён этилган мулоҳазаларни

эътиборга олиб, китобнинг айрим бобларига жузъий ўзгаришлар киритдик.

«Ўзбек шоирлари»нинг иккинчи нашри муносабати билан китобга киритилган шоиралар ижодига оид энг сўнги тадқиқотларни кўздан кечиришга тўғри келди. Шу жумладан Маҳбуба Қодирова нашрга тайёрлаган Нодиранинг ўзбек ва тожик тилларидаги ғазаллари «Девон»ини<sup>1</sup>, Андижон Пединституту илмий ходимлари нашрга тайёрлаган Увайсий «Девон»ини<sup>2</sup> зўр диққат-эътибор билан ўқиб чиқдик.

Икки сеvimли шоирамиз қаламига мансуб кўп янги ғазалларни ўз ичига қамраб олган бу нашрларнинг ўзича аҳамияти зўр, албатта. Бироқ, улар «Ўзбек шоирлари» учун деярли янги материал бермади, чунки ҳар икки шоиранинг янги топилган шеърлари на бадий-балоғат, на ижтимоий, фалсафий камолот жиҳатидан бу китобда мавжуд шеърлардан фарқ қилмайди. Бинобарин, бу шеърлар хусусида баҳс этишни муносиб кўрмадик. Зотан, ҳар бир ғазални талқин этиш китобхонлар заковатига нописандлик бўларди.

Аmmo Нодиранинг Макнуна тахаллуси билан форс-тожик тилида ёзилган ғазаллари (шоиранинг бу тилдаги маҳорати жиҳатидан) шоёни таҳсиндир. Шу вайдан биз шоиранинг бир неча тожикча ғазалларини намуна учун ушбу китобга дарж этдик.

Айтилмаган бир гап қолди. Матбуот саҳифаларида ушбу китоб хусусида ўз қимматли мулоҳазалари билан ўртоқлашган муҳтарам олимларимизга самимий ташаккур айтишни ўз бурчимиз деб биламиз.

Тошкент, 1968 йил

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон ССР Фанлар академияси нашриёти, Тошкент, 1963 йил.

<sup>2</sup> ЎзССР Давлат бадий адабиёт нашриёти, Тошкент, 1963 йил.







Менинг эрим ҳам китоб,  
бахтим ҳам китоб, ҳатто  
жаннатим ҳам китобдир  
*Зебуннисо*

Кишилик жамияти шаклланиб, илм-урфонга қадам қўйгандан бери, ижтимоий фаолиятнинг ҳамма соҳаларида улуғ аёлларнинг номлари зикр этилиб келинади. Аёллардан чиққан буюк давлат арбоблари, оташин ватанпарварлар, машҳур олималар билан бир қаторда, жуда қадим замонлардан бери сўз санъатининг ифтихори саналган санъаткор шоиралар ҳам бор. Қадим Юнон шоираси Сапфо, француз уйғониш даври шоираси Маргарита Наварская, машҳур Шарқ шоираси Зебуннисо, ўзбек шоиралари: Увайсий, Маҳзуна ва Нодира шулар жумласидандир.

Исломиятда хотинлар олами асорат панжасида эзилиб, дин уларнинг онгини оғулаган бир даврда, оналар ва опа-сингиллар тилидан фарёд қилган бу олижаноб шоираларнинг аламли мисралари тарихий бир ҳақиқатнинг садоларидай янграйди. Уларнинг ғам-ҳасрат билан тўла мисраларидан хотинлик оламининг бош душмани бўлган ислом динига қарши исён овозлари янграйди.

Зебуннисо Ҳиндистонда ҳукм сурган темурийлардан машҳур Бобир Мирзонинг чевараси Абу Зафар Муҳиддин Аврангзеб Оламгирнинг қизидир. Унинг онаси Дилрасбону Бобирнинг Гулбадан деган қизига бориб туташади. Аврангзеб улуғ бобоси Бобир томонидан Ҳиндистонда барпо этилган бобирийлар давлатининг подшоҳларидан эди.

Зебуннисо Бегим 1639 йилда Ҳиндистоннинг Деҳли шаҳрида дунёга келди. Отаси Аврангзеб қизига шеър ва шоирликка майл сезгач, ўша даврнинг машҳур олими

Мулло Муҳаммад Ашраф Исфаҳонийни унга муаллим қилиб тайинлади. Зебуннисо Бегим бу улуғ олимнинг тарбиясида забардаст шоира, олима, созанда-музикант ва хаттот бўлиб вояга етди. Сўнгра Зебуннисо Бегим илоҳийтга оид бир асар ёзиб, уни шу устозига бағишлади. Тарихчиларнинг ривоятига қараганда, Зебуннисо Бегим шеърини асарларидан ташқари тасаввуф фалсафасига оид яна бир асар ёзган.

Зебуннисо Бегим Ҳиндистон олимлари, шоирлари ва санъат аҳлларига кўп ғамхўрлик ва ҳомийлик қилиб, ўз замонида илм ва санъатнинг ривожланишига зўр таъсир қилган. Уша замоннинг кўп олимлари шахсан Зебуннисо Бегимдан маош олар эдилар. Шунинг учун ҳам тарихчилар Зебуннисо Бегимга юксак баҳо бериб: Зебуннисо Бегим отаси ҳукмдорлик билан қозона олмаган шуҳратни илм ва одоб билан қозонган деб таъкидлайдилар.<sup>1</sup>

Зебуннисо Бегимнинг ҳаёт йўли романтик бир лавҳани эслатади. У насл жиҳатидан жуда юқори, яъни Бобир авлоди — шоҳ қизи, бунинг устига зўр шеърини қобилиятга эга бўлган лирик шоира ва шеърини ҳуснга молик гўзаллар маликаси... Зебуннисо шу ҳусн, шу латофат, шу малоҳат ва фазилатлари билан узоқ умри давомида ўзига муносиб ҳаёт йўлдоши тополмади<sup>2</sup>.

Гўзал маликага, ўз асрининг улуғ шоираси ва олимасига ҳаёт йўлдоши бўлишни кўп кишилар орзу қилганлар. Бироқ, Зебуннисо уларнинг ҳеч бирини маъқул кўрмаган. Шубҳасиз, Зебуннисога оғиз очганларнинг аксари шаҳзодалар, шоирлар ва бойваччалардан иборат эди. Масалан, ўша даврнинг кучли шоирларидан

---

<sup>1</sup> Машҳур шоир Мирзо Абдуқодир Бедилнинг бирдан-бир қизи ҳам Зебуннисо Бегим тарбиясида камол топиб, шоирлик даражасига етган. «Мунтахабут-таворих» ва бошқа тазкираларда қуйидаги содда ва самимий байг Бедилнинг қизига нисбат берилади:

Ерам маро ба хонае танҳо нишонду рафт,  
Гуфтам, ки ман ғуборам, доман фишонду рафт.

(Ерим мени бир уйга ёлғиз ташлаб кетди, йўлингда ғуборингман десам, этак қоқиб кетди.)

<sup>2</sup> «Мунтахабут-таворих»да айтилишича, Зебуннисо Бегим опанишикига меҳмон бўлиб борганда, уни тўлғоқ тутиб, қаттиқ азоб тортиб турган, ўлим билан олишаётган пайтига тўғри келади. Шунда Зебуннисо, — жуфтликнинг оқибати шу бўлса, оламдан тоқ ўтганим бўлсин, — деб аҳд қилган эмиш.



бири Зебуннисони севиб қолади. Унинг фироқида куйиб, кўп ошиқона шеърлар ёзади. Шоир, ниҳоят бир кун бир байт ёзиб Зебуннисога юборадик, бу байт, ўртада совчилик вазифасини ўтамоғи лозим эди. Бу шўх шоиранинг табиатини англаш учун шу «совчи байт» билан Зебуннисонинг унга берган санъаткорона жавобини кўриб ўтайлик.

Ошиқ шоир:

Туро, э гулбадан, бепарда дидан орзу дорам,  
Латофатҳойи ҳуснатро расндан орзу дорам.

(Э, гулбадан қиз, сени пардасиз — очиқ кўриш орзусидаман, ҳусн ва латофатларингга етишиш орзусидаман.)

Зебуннисонинг жавоби:

Булбул аз гул бугзарад гар дар чаман бинад маро,  
Бутпарастий кай кунад гар барҳаман бинад маро?  
Дар суҳан пинҳон шудам монанди бӯ дар барги гул,  
Майли дийдан ҳарки дорад дар суҳан бинад маро.

(Булбул чаманда мени кўрганда, гулнинг баҳридан кечарди, бутпарастлар мени кўрганда, бутга сажда қилмасди, гулнинг ҳиди ўз япроқларига яширингандай, мен сўзда яширинганман, кимнинг мени кўрмоққа майли бўлса, мени сўзда — шеърда кўрсин.)

Бир кун Зебуннисо боғдан бир олмани узиб тишларкап, унинг лаззатидан шукуҳланиб, ўзига анча яқин бўлган Носир Али номли ҳинд шоирига мушоира учун:

«Аз ҳам намешавад зи ҳаловат жудо лабам»,

(Лабим ширинликдан бир-бирига ёпишган) деган мисрани юборди. Носир Али уятсизларча тамагирлик билан:

«Гўё расида бар лаби Зебуннисо лабам»

(Гўёки менинг лабим Зебуннисонинг лабларига теккандай) деган мисрани қўшади.

Бу адабсиз мисрадан газабланган Зебуннисо Носир Алини қуйидаги байт билан огоҳлантиради:

«Носир Али ба номи Али бурдан паноҳ,  
Варна ба Зулфиқори Али сар буридамат».

(Носир Али, Алининг номига суянибсан, йўқса бо-  
шингни Алининг зулфиқори билан кесардим.)

Лекин, Носир Али тиниб ўлмайди. Бир кун Зебуннисо қизил либос кийиб, боғ сайрига чиқади. Узоқдан унга кўзи тушган Носир Али баланд овоз билан бу мисрани ўқийди:

«Сурх пўше ба лаби боми назар меояд».

(Назаримиз томида қизил кийимли келаётир.)

Зебуннисо унга дарҳол қуйидаги мисра билан жавоб қайтаради:

«На базори, на базўри, на базар меояд».

(Зорлансанг ҳам, зўрласанг ҳам, зар берсанг ҳам келмайди.)

Зебуннисонинг ошиқ шоирларга берган жавоблари ва мушоира учун ёзилган мисралари унинг ўз харидорларига нисбатан кўп даражада юксак санъаткор эканлигини кўрсатганидек, бу жозибали ва ҳозиржавоб қизнинг эр зотига унча майли йўқлигини, бутун фикр-зикри, орзу-истаклари шеърятда эканини ҳам намойиш қилади. Шеърят, музыка, ижод — Зебуннисога ҳар қандай ёр васлидан тотлироқ бўлиб кўринган. Гўзаллик, санъат, илм — унинг идеали эди. У ўзининг бутун ҳаётини нафис санъатга, илмга бағишлайди. Зебуннисонинг энг севган машғулоти: шеър ўқиш, шеър ёзиш, музыка тинглаш ва китоб мутолаа қилишдан иборат бўлган. Унинг, нега жуфтликни хоҳламайсиз, деган кишиларга қарата: «Менинг эрим ҳам китоб, бахтим ҳам китоб, ҳатто жаннатим ҳам китоб!» деб берган жавоби бу фикримизни тўла тасдиқлайди. Зебуннисо, ўз гўзаллигини бикр-маъно, санъаткорона шеърдек тушунган. Шоиранинг:

«Майли дидан ҳарки дорад дар сухан бинад маро» деган алангали мисралари ҳам юқоридаги фикрни тасдиқловчи бир далилдир. Бир форс шоирининг:

«Доно, ба карашмайи сухан машғул аст,  
Ошиқ, ба ҳалоки хештан машғул аст»

(Доно сўзнинг карашмаси билан машғул, ошиқ эса ўзини ҳалок этиш билан машғул) деган ҳикматли мисралари, гўё Зебуннисога қарата айтилгандай туюлади.

Зебуннисо ҳаёт олдига ғоят катта талаб қўяр, йўқни йўндиришига тиришар эди. Бир рубойида бу юксак талабларнинг қуйидагича порлоқ ва санъаткорона ифодасини берган:

«Ман аз даҳани мор шакар металабам,  
Аз хонаи анкабут пар металабам,  
Аз синаи наррашер шир металабам,  
Аз марди бараҳнапой зар металабам».

(Мен илоннинг оғзидан шакар, ўргимчак уясида пар талаб қиламан, эркак шердан сут, гадолардан зар талаб қиламан.)

Зебуннисо ўзининг ҳаёт йўллошидан мана шу зайлда йўқни бор қилувчи, ижодкор одам бўлишни орзу қиларди. У бутун умр бўйи мана шундай бир идеал ёрга зор бўлиб, 1702 йилда оламдан ўтди. Зебуннисо Бегимнинг қабри Деҳлида бўлиб, қабр тошига шоиранинг ғоят камтарлик билан айтган қуйидаги байти ёзилган:

«Бағайри сабза напўшад касе мазори маро,  
Ки қабрлўши ғарибон ҳамин гиёҳ бас аст».

(Менинг қабримни сабадан ўзга ҳеч ким ёпмасин, ғариблар қабрини ёпмоқ учун шу гиёҳнинг ўзи басдир.)

Зебуннисо форс ва араб тилларининг сарф, наҳвини жуда яхши ўрганган бўлиб, ўз замонасининг традицияларига кўра, шеърларини форс ва араб тилида ёзди.

Зебуннисонинг ғазал ва рубойлари жўшқин севги лирикасидир. Унинг бу мисраларида абадий ҳажр ва фироқнинг шиддатли тўлқинлари, жафокор ёрнинг ситамларидан фарёд садолари акс этади. «Машоҳир нисвоп» («Машҳур аёллар») номли китобда айтилишича, Зебуннисо Оқилхон Розий деган йигитга яширин муҳаббат қўйиб юрар экан. Таассуфки, бу йигит ёшлигида ўлдирилган. Шунинг учун бўлса керак Зебуннисо афсус ва надоматлар билан қуйидаги ҳасратли мисраларни ёзди:

«Ҳайф он умреки сарфи лола рухсоре нашуд<sup>1</sup>  
Бишканад дастеки хам бар гардани ёре нашуд».

Сад баҳор охир шуду ҳар гул ба фарқе жо гирифт,  
Гунчан доғи дили мо зеби дасторе нашуд.

<sup>1</sup> Қўп баёзларда ва газкираларда шу мисра қуйидагича ёзилган:  
Дўр бод аз тан саре к'орбйиши доре нашуд.

Ҳар матоери харидорест дар бозорхо  
Пир шуд Зебуннисо, ўро харидоре нашуд...»

(Лола юзли бир гўзал учун сарф бўлмаган умр  
хайф кетади. Ернинг бўйнига солинмаган қўл синсин.  
Юзлаб баҳор тугаб, ҳар гул ўз жойини топди. Аммо  
бизнинг бу дилимиз гунчаси ҳеч ёрнинг чеккасига зий-  
нат бўлмади. Бозорларда ҳар бир матога харидор бөр,  
аммо Зебуннисо қариди-ю, унга харидор бўлмади.)

Зебуннисо Бегим шоҳ қизи бўлишига қарамасдан, кўп  
вақт отаси Аврангзебнинг таъқиби остида юради. Авранг-  
zeb қизининг озод фикрларидан ҳайқиб, уни мудом ку-  
затиб юради. Бир куни Зебуннисо Бегим боғда юрганида  
қўққисдан қуйидаги байтлар хотирига келади:

Чаҳор чиз ки дил мебарад кадом чаҳор:  
Мадому, сабзау, оби равону, рўйи нигор,

(Тўрт нарса дилимни овлайди: май, сабзалар, оқин  
сув, ёр юзи.)

Худди шу аснода боғда отаси Аврангзебнинг оёқ то-  
вушлари эшитилади; Зебуннисо қўрққанидан шу шеър-  
ни қуйидагича ўзгартиб ўқишда давом этади:

Чаҳор чиз ки дил мебарад кадом чаҳор.  
Намозу, рузау, тасбех, деғар истиғфор.

(Тўрт нарса дилимни овлайди: намоз, рўза, тасбех  
ва тавба.)

Зебуннисо Бегимнинг шеърларидаги эркин фикрлар  
Аврангзебга ёқмай, унга шеър айтишини ман қилган  
бўлса керакки, шоира отасига нозик бир киноя билан:

Э булбули хушилдон махрушу дам фуру каш,  
Табъи латифи султон тоби суҳан надорад.

(Э хушовоз булбул, сайрама, нафасингни чиқарма,  
султоннинг нозик табииати гап кўтармайди) дейишга  
мажбур бўлади.

Бугина эмас, Зебуннисо ўзи мансуб бўлган синф би-  
лан чиқиша олмайди, халққа, айниқса хотин-қизларга  
қилинган жабр-зўлм ва ҳақоратлар унинг олижаноб  
қалбига ханжардек санчилади. Шунинг учун у:

Духтари шоҳам валекин рў ба факр овардаам,  
Зебу зийнат бас ҳаминан: номи ман Зебуннисост.

(Шоҳнинг қизимаи, лекин юзимни фақирларга ўғирганман, менинг отим Зебуннисодир, шунинг ўзи менинг зебу зийнатимдир) деб фақирлар, камбағалларга юз ўгиради.

Шоҳларнинг зулм ва адолатсизлигидан нафратланиб, фақирларга юз ўгирган, бутун ҳаётини санъат — илмга бағишлаган санъаткор Зебуннисо Бегим биз учун қимматли ва севимлидир.

### ЗЕБУННИСО МАХФИЙ ЭМАС!

Маълумки, бу кунгача Ҳиндистон, Афғонистон, Эрон, Татаристон ва бутун Урта Осиёда Махфий тахаллусли шоиранинг девонини Зебуннисога нисбат бериб келар эдилар. Биз ҳам «Зебуннисо Бегим» сарлавҳали мақоламизда<sup>1</sup> шу эътиқодни таъкидлаб ўтган эдик.

Аммо, бизнинг ҳозирги тадқиқотларимиз бу фикр шубҳали, тўғриси, янглиш эканини кўрсатди. Чуқур таассуф билан эътироф қилишимиз лозимки, Махфий девонидаги кўпгина шеърлар бу девон Зебуннисониники эмаслигини исбот қилиб турса-да, бирор олим бу ҳақда жиддий бош қотириб, уларни синчиклаб ўрганмаган. Бундан ташқари, кўпгина муътабар тарих китоблари Зебуннисонинг Махфий тахаллуси билан шеър ёзганини рад этади. Шундай қилиб, Зебуннисонинг Махфий тахаллуси билан шуҳрат қозониши—тожиклар таъбири билан айтганда, «ғалати машҳур»дир (шуҳрат топган янглишдир).

Бу фикримизни исбот қилиш учун тарих китобларига мурожаат қилайлик<sup>2</sup>:

«Махфий унинг (Зебуннисонинг) тахаллуси деб шуҳрат топган, янглишдир. Айтадиларки, Махфий, Бегимнинг мулозими бўлган бир шоирнинг тахаллуси. Унинг (Зебуннисонинг) номи билан шуҳрат топган «Девони Махфий» шоир Махфийниқидир»<sup>3</sup>.

Кўриниб турибдики, «Тазкираи хавотин» автори Махфий тахаллусли шоирни Зебуннисо эмас, унинг хизматкори деб даъво қилади. Балки бу даъво тўғридир, чунки

<sup>1</sup> «Ерқин ҳаёт» журнали, 1940 йил, № 3.

<sup>2</sup> Шарқшунослик институтида узоқ вақтлар ишлаб, зўр тажриба ва билимга эга бўлган Абдулло Носиров бизни Зебуннисо Бегим ҳақидаги номаълум манбалар билан таништиргани учун у кекса ва камтар олимга ташаккур изҳор қиламиз. (Т. Ж.).

<sup>3</sup> «Тазкираи хавотин». 139-бет.

Зебушисоннинг фозил бир мулозими сарлигини бошқа тарих китобларида ҳам зикр қиладилар.

Энди XIX асрда Фарғонада ёзилган «Мунтахабу-таворих» китобига мурожаат қилайлик. Бу китобнинг автори Ҳакимхон тўра бизга Махфий ҳақида қуйидаги маълумотни беради:

«Нурижаҳон Бегимки, Машҳад амирини қизи эрди. ҳусни суратда, фазли сиратда саромади рўзгор эди ва Шерафканхонни завжаси эди ва Шерафкан Шоҳижаҳоннинг сардорларидан бири эди»<sup>1</sup>

Тарихчининг ривоятига қараганда, Шоҳижаҳон ўз саркардасининг хотинига ғойибона муҳаббат қўйиб, Нурижаҳонга етишмоқ учун чора тополмай ҳайрон қолиб юради. Бирдан мамлакатига душман босиб келиб, кўп вилоятларни ишғол қилади. Мана шу фурсатдан фойдаланиб, Шоҳижаҳон Шерафканни қўшинига бошлиқ қилиб, душманни даф қилишга юборади. Лекин урушда: «Душман ғалаба айлаб, Шерафканхон шикаст топиб, ул жанги мағлубада шаҳид бўлди. Бу хабар Шоҳижаҳонга етти, бу шикастни айни зафар тасаввур айлаб, зимнан Нурижаҳон Бегимга пайғом юбориб, ўз васлидан умидвор айлади. Бир неча кундан сўнгра ул гавҳари яктони ўз ақдига киргизди. Ва Нурижаҳон Бегим ўзига сажиъ муҳур қилибдур, байт:

Нурижаҳон гарчи ба сурат зан аст

Дар сафи мардон зани Шерафкан аст

(Нурижаҳон гарчи хотин суратида бўлса ҳам, эрлар сафида Шерафкан (шерни енгувчи) хотиндир.)

Назмда тахаллуси Махфий эрди»<sup>2</sup>.

Шундан сўнг тарихчи Ҳакимхон тўра Нурижаҳон Бегимнинг Шоҳижаҳон билан қилган мушоираларидан, турли муносабат билан Шоҳижаҳонга айтган ажойиб шеърларидан қатор мисоллар келтирганки, булар Нурижаҳон Бегим (Махфийнинг) забардаст шоира эканига далолат қилади. Мана шулардан бири:

Ҳадиси ҳоли ту дар нома сабт мекардам,

Синадвор нуқат бар сари сухан месухт.

Шаҳиди шикри турсе шаб ба хоб меидам,

Ки ҳамчу шувлаи фонус дар кафан месухт.

Зи сўзи синаи Махфий шуд он қадар маълум,

Ки ҳамчу ха мижлаи дар гиристан месухт.

<sup>1</sup> «Мунтахабу-таворих» ўзбекча қўлёзмаининг 99-104-бетлари.

(Сенинг аҳволинг ҳақида нома битмоққа киришганимда, сўзлардаги нуқталар ўтга тушган исиріқ донларидек ёна бошларди, сенинг ишқинг йўлида шаҳид бўлганларни кечаси тушимда кўрардим, улар худди фонус шуъласидек, ўз кафанлари ичида ёнардилар; Махфий юрагининг ёниши шу қадар ошкор бўлдики, йиғлаганда киприклари хасдек ёна бошлади.)

«Тазкирани Хусайний»да Нурижаҳон Бегимнинг шоҳ хотини экани таъкидланиб, ҳикоя қилинади:

«Рўзе подшоҳ майли суҳбат мекард ва Бегим узр дошт, ин матлаи бадих бихонд:

Ба қатли ман, агар шоҳо, дилат хушнуд мегардад,  
Бажон мишнат, вале тифи ту хун олуд мегардад»<sup>1</sup>

(Шоҳим, агар мени ўлдириш билан кўнглинг хушнуд бўлса, бош устига, лекин қиличнинг қон бўлади.)

Бироқ Нурижаҳон Бегимнинг шоирлиги ва Махфий тахаллуси билан шеър ёзгани ҳақида ҳамма тарихчи ва таъкирчилар бир фикрда бўлсалар-да, унинг Шерафкандан сўнг қайси шоҳнинг хотини экани ҳақида ихтилоф бор. Агар «Мунтахабут-таворих» эгаси Нурижаҳоннинг Шерафкандан кейинги эри Шоҳижаҳон деса, «Тазкирани Хусайний»да: «Нурижаҳон Бегим ҳарами Жаҳонгир подшо» дейди. «Машҳур аёллар» номли китобнинг автори ҳам Нурижаҳонни Жаҳонгирнинг хотини деган фикрini тасдиқлайди (394-бет).

Шундай қилиб, Нурижаҳон Махфий тахаллуси билан шеър ёзган иккинчи шахсдир. (Биринчиси Зебуннисоннинг мулозими.)

Хотинлардан Махфий тахаллуси билан шеър ёзган учинчи шоира Салима Бегимдир. Салима Бегим Ҳумоюннинг Гулрух Бегим исмли қизидан туғилган набирасидир. Отаси Мирза Нуриддин Муҳаммад, нақшбандий тариқатига мансуб зодагонлардан эди. «Субҳи гулшан» номли китобда қуйидаги байт Салима Бегим Махфийга нисбатан берилган:

Кокулитро ман зи мастий риштаи жон гуфтаам  
Маст будам зин сабаб ҳарфи парешон гуфтаам.<sup>2</sup>

<sup>1</sup> «Тазкирани Хусайний», 324-бет.

<sup>2</sup> «Субҳи гулшан», 394-бет.

(Кокилингни мен мастликда жон риштаси дебман,  
маст эдим, шунинг учун паришон сўзни сўзлабман.)

Шундай қилиб, бу уч Махфийдан (Зебуннисонинг мулозими — Махфий, Нурижаҳон Бегим — Махфий ва Салима Бегим — Махфийдан) бошқа, Улуғ Мўғул сулоласи давридан яна икки шоир яшаганким, буларнинг ҳам тахаллуслари Махфий эди. Бу сўнгги икки шоирнинг бири Махфий Тароштий, иккинчиси Махфий Раётийдир.

Демак, деярли бир даврда икки шоира (Нурижаҳон ва Салима Бегимлар) ва уч шоир Махфий тахаллуси билан шеър айтганлар. Девонларда эса, Махфий тахаллуси билан ёзилган ҳамма шеърлар: Зебуннисо Бегимга нисбат берилганким, бу — ғалати машҳурдир.

Шуни ҳам қайд қилиш лозимки, бу хатонинг кенг томир ёйишига Ҳиндистон ноширлари кўпроқ сабаб бўлдилар. Бу жанобларни адабиётда адолат эмас, тижорат кўпроқ қизиқтирганга ўхшайди.

1912 йилда Лоҳурда Шайх Илоҳий бахш томонида нашр этилган «Девони Махфий»нинг биринчи бетиде Зебуннисонинг сурати атрофига шоиранинг машҳур рубойисини бузиб кўчириб, уни зўр-зўраки шоира Махфий қилишга уринганлар. Мана бу рубойи:

Шўри булбул, кам шавад гар дар чаман бинад маро,  
Бутпарасги кай кунад, гар барҳаман бинад маро.  
Дар сухан Махфий шудам чун буйи гул дар барги гул  
Майли дидан ҳарки дорад дар сухан бинад маро.

Бу рубойи нари борганда шоир ёки шоира Махфийнинг Зебуннисога муваффақиятсиз тақлиди бўлиб, барча тарих ва тазкира китобларидаги асл нусхага хилофдир. Ҳолбуки Зебуннисонинг ўзи ҳеч вақт шеърда Махфий тахаллусини қўллаган эмас. Унинг ҳамма машҳур шеърларида тахаллуси ўрнида ўз исми зикр этилади. Ма салан:

«Пир шуд Зебуннисо, ўро харидоре нашуд»  
«Бидки Зебуннисо ҳамчу ман гадо инжост»  
«Зебу зилпат бас ҳаминам: номӣ ман Зебуннисост»

қабӣ.

Шарқ мамлакатларида Зебуннисо ижоди билан қизиқсинган зийрак ўқувчилар Зебуннисога нисбат берилиб Ҳиндистонда такрор ва такрор нашр этилган «Девони



Махфий»ни ўқиб, ҳақли равишда шубҳага тушганлар. Мана шундай шеърфаҳм китобхонлардан бири Афғонистонда чиқадиган «Ислоҳ» газетасининг таржимони Абдулҳамид Махмур жанобларидир. Бу киши «Девони Махфий»ни мутолаа қилиб, ундаги шеърларнинг аксари Зебуннисоникни эканига шубҳаланади ва Зебуннисо билан Махфий бошқа-бошқа шахслар бўлса керак, деган фикрга келади. Бироқ, бу муаммони ҳал қилишда етарли далил бўлмагани учун «Кобил» адабий журналининг редакциясига қуйидаги савол билан мурожаат қилади:

«...Аксар тарих ва тазкира китобларида «Девони Махфий» Ҳиндистон подшоҳи Аврангзебнинг қизи Зебуннисодан ёдгорлик деб ёзилган. Шунинг учун бўлса керак баъзи машҳур шарқшунослар бу девонни Зебуннисоникни деб ҳукм қилганлар».

«Камина бу девонни мутолаа қилган пайтда, баъзи бир шубҳали ўринларга дуч келдим; шулардан баъзиларини ёзиб, бу шубҳани бартараф қилиш учун «Кобил» журналининг подир саҳифасида лутфан жавоб қайтарарсиз деб мунтазирман»<sup>1</sup>.

Энди «Девони Махфий»ни мутолаа қилиш натижасида Абдулҳамид Махмурни шубҳага солган шеърларни кўриб ўтайлик. Зебуннисога нисбат берилган бу шеърларнинг бирида қуйидаги мисраларни ўқиймиз:

Бу Алини рўзгорам аз Хуросон омада,  
Аз пайи эъзоз бар даргоҳи султон омада,  
Ҳайрате дорам ки ёраб, анларин гирдобни Ҳинд  
Тўтиин фикрам пайи шақкар зи ризвон омада.

(Замонанинг Бу-Алисимаи-у Хуросондан келганман, иззат қилиб султон даргоҳига келганман: ё раббий, фикрим тўтиси учун шақкар излаб бу Ҳинд гирдобига жаннатдан келганман.)

Кўришиб турибдики, бу шеърнинг Зебуннисога ҳеч қандай алоқаси йўқ. Зебуннисо Аврангзебнинг қизи бўлиб, Ҳиндистонда тугилиб, шу ерда нашъунамо топгани ва шу ерда вафот этгани бизга аён. Бу мисралар автори шоир Махфий эса, подшо саройида иззат-ҳурмат кўраман деган умид билан Хуросондан (Эрондан) Ҳиндистонга келганини ўзи айтиб турибди. Бу шеър мазмун ва мантиқ эътибори билан Зебуннисонинг:

<sup>1</sup> «Кобил» журнали, 1934 йил, № 10, 47—58-бетлар.

Духтари шоҳам на лекин ру ба фазр овардаам.

лаби мисрасига том маъноси билан зиддир.

Абдулҳамид Махмурни шубҳага солган иккинчи шеър ҳам ҳар қандай талқиқотчининг диққатига сазовор дандилдир, бу шеър ҳам «Мен Зебуннисоники эмас» деб турибди, мана бу шеър:

Бар дари султони аср ҳайф надорам дирам,  
Токи расонад ба арз мақсадам аркони ў.

Сонин Соҳибқирон, подшаҳи инсу жон,  
Онки фалак сар ниҳад бар хати фармони ў.

(Ҳайфки қўлимда пулим йўқ, қўлимда пул бўлганда эди, шоҳ амалдорлари менинг мақсадимни шоҳга арз қилишар эди.

Соҳибқирони соний — инсу жиннинг подшоҳи ва фалак ҳам унинг фармонига итоат этади.)

Тарих китобларида «Соҳибқирони соний» (иккинчи Соҳибқирон) деб Шоҳижаҳонни атайдилар. Шунга кўра, юқоридаги шеърнинг автори шоир Махфий Зебуннисонинг бобоси Шоҳижаҳон замонида яшаган сарой шоири бўлиб чиқади.

Бундан ташқари шу Махфийнинг:

Имшаб шаби идаст-у маҳи ман бамағоқ аст.  
Махфий назарам суйи Хуросону Ироқ аст.

(Бу кеча ҳайит кечаси бўлса ҳам, менинг ойим чикмастир. Махфий кўзлари Хуросону Ироқ томонга термулмоқда) каби ғамгин мисралари ҳам бу шоирнинг Ҳиндистонда мусофир эканини айтиб турибди.

Абдулҳамид Махмурнинг саволига «Кобил» журналининг муҳаррир муовини Ғулом Жилонихон жаноблари жавоб бериб айтади:

«Девони Махфий» мутолаасидан сўнг жанобингизда пайдо бўлган мулоҳазаларга Афғонистон ва Ҳиндистоннинг баъзи шоирлари ҳамфикрдиранлар...»

Сўнгра Ғулом Жилонихон «Мифтоҳут-таворих», «Оташкада», «Машоҳир нисвон» каби тарихий асарлардан қатор мисоллар келтириб, Зебуннисо Махфий таҳаллуסי билан шеър ёзмаган, унинг номи билан шуҳрат

топган «Девони Махфий» Махфий таҳаллусли бошқа эр ва аёл шоир ва шоираларнинг муштарак тўплами деган фикрни олга биради.

Ғулум Жилонихон ўз сўзини давом эттириб ёзади: «Сиз ва бошқалар иштибоҳ қилиб Махфий бошқа шаҳе, Зебуннисо бу девон ва таҳаллус эгаси эмас, деган ақидада бўлганидек, Қанпур матбаасининг эгаси ҳам шу гумонни таъкидлаб, Қанпурда нашр этилган Ғани Қашмирийнинг девони охирида «Девони Махфий» ҳақида бундай дейди:

«Девони Махфий» форс тили устозларидан Махфий Раштийнинг асаридир. Қандайдир бир беҳабар уни Зебуннисо Бегим номи билан нашр этибдирки, бу катта хатодир»<sup>1</sup>.

Ғулум Жилонихон қиссадан ҳисса чиқариб айтади: «Махфий номи билан нашр этилган бу девон ҳақида сиз жаноб шубҳалангандек камина ҳам кўп далилларга асосан ўйлайманки, бу девон ёлғиз Зебуннисоники бўлмай, ўша замондаги бошқа икки-уч шоир-шоиранинг асарлари ҳам шу девонда тўпланган».

Шундан сўнг, Ғулум Жилонихон савол берувчи Абдулҳамид Махмурни қаноатлантириш ниятида тарихчи Муҳаммад Аббоснинг «Машоҳир нисвон» номли асаридан Зебуннисо ҳақидаги катта бир бобни далил ўрнида таржима қилиб беради. «Машоҳир нисвон»дан келтирилган бу бобда биз қуйидагиларни ўқиймиз:

«...Афсуски, бу мавзу атрофида кўп янглиш фикрлар пайдо бўлиб, аксар вақт унинг (Зебуннисонинг) шеърин асарлари қайси ва улар қани? Махфий номи билан нашр этилган бу девон унким, ёки бошқа кишиликими? Махфий унинг таҳаллусими, ёки бундай эмасми, каби баҳсларга сабаб бўлмоқда. Кошки биз ҳиндистонликлар илмдўст ва талқиқотпарвар бўлсак, токи тарих тугунларини ечиб, хатоларни бартараф қилишга лойиқ ва комил истеъдодимиз бўлса...»

«Ғар ҳолда шуниси шубҳасизки, Махфий бир таҳаллус бўлиб, табиат ҳам хоҳ-похоҳ буни хотинлар таҳаллуси деб ҳукм қилади. Чунончи: Салима Бегим номли бир хонимнинг ҳам шундай таҳаллуси бор эди. Лекин миш-мишларга ишонувчи авторлар бу таҳаллусни ёлғиз Зебуннисогагина нисбат бериб қўймай, Нурижаҳон Бе-

<sup>1</sup> «Кобил» журнали, 1934 йил, 10-сон, 47—58-бетлар.

гимни ҳам шу тахаллус эгаси деб биладилар. Яна шуниси ҳам борки, Махфий тахаллуси фақат хотинларга тааллуқли бўлмай, балки Зебуннисодан илгари ўтган ҳазрати Жомийнинг устозлари Махфий Тароштийни ҳали тарих ёддан чиқарган эмас. Бунга илова қилиб шуни айтиш зарурки, Зебуннисонинг бир мулозими шоир бўлиб, Махфий тахаллуси бор эди. Зебуннисо номига нисбат берилган бу девон ҳақиқатда ўшанинг девонидир. Бошқа бир Махфийки, Махфий Раштий дейилади, бу форс ҳокими Имомқулихоннинг суҳбатдоши эди. Кўпинча камтар, содда табиатли шоирлар тахаллусларини ўз отларидан олур эдилар. Чунончи: Мир Носир Али — «Али», Нурижаҳон «Нур» деб тахаллус қилурдилар. Шунингдек Зебуннисо «Зеб» деб тахаллус қўярди:

Духтари шоҳам валекин рў ба овардаам,  
Зебу зийнат бас ҳаминнам: номи ман Зебуннисост.

Бас, Зебуннисонинг тахаллуси Махфий эди дейишга ҳеч қандай далилимиз йўқ, тадқиқотлардан маълумки, унинг ҳеч вақт Махфий тахаллуси бўлмаган<sup>1</sup>.

Юқорида кўрилган мисоллар ва даъволардан шу нарса равшанки, Канпур ва Лоҳурда нашр этилган «Девони Махфий» Зебуннисо Бегимнинг шеърлари эмас, Зебуннисо Махфий тахаллуси билан шеър ёзмаган.

Демак, Махфий тахаллуси билан бу девонга кирган шеърлар юқорида номлари зикр қилинган икки шоира (Нурижаҳон, Салима Бегимлар) ва уч шоирнинг (Зебуннисонинг мулозими — Махфий, Жомийнинг устози — Махфий Тароштий ва Имомқулихоннинг суҳбатдоши — Махфий Раштийнинг асарларидир.

Кўриниб турибдики, «Девони Махфий» Зебуннисоник эмаслигини тасдиқловчи тарихий ҳужжатлар янги нарсалар бўлмай, булар кўпдан бери мавжуд бўлганлар. Бироқ, Зебуннисо ижодиёти ҳақида махсус илмий иш қилган ўртоқ Ҳаким Ҳомидий озгина бўлса ҳам заҳмат чекиб, тарихий ҳужжатларга назар солмаган. Шунинг учун ҳам у ўз илмий ишига асос қилиб «Девони Махфий»ни олганки<sup>2</sup>, бу девондаги шеърларнинг Зебуннисо ижодига ҳеч қандай алоқаси йўқлигини энди ҳурматли уқувчилар яхши биладилар.

<sup>1</sup> «Кобил» журнали, 1934 йил, 10 сон, 47—58-бетлар.

<sup>2</sup> «Шарқ юлдузи» журнали, 1947 йил, № 1.

Тожикистон олимлари ҳам кўндан бери шу ғалати машҳурнинг мафтунли бўлиб келмоқдалар. Ж. Икромий Зебуннисони Махфий тахаллусли шоира деб, «Намунаҳои адабиёти тожик»ка киритди. Ж. Суҳайли томонидан тузилиб, Зебуннисога нисбат бериб, Тожикистон Давлат нашриёти томонидан нашр этилган «Мажмуаи шеърҳо»да (1940 йил) Ж. Икромий йўл қўйган хато яна такрорланди. Зебуннисонинг шеърлар тўплами сифатида ўқувчиларга тақдим этилган бу китобда Зебуннисонинг фақат бир ғазали ва икки рубоийси бор, холос. Китобдаги бошқа шеърлар юқорида кўриб ўтганимиз Махфий тахаллусли шоира ва шоирларнинг асарларидир.

Шувиси таажжубки, Тожикистоннинг ҳофиз ва ҳофизалари ҳар кун Зебуннисонинг «Инжост» радибли шеърини куйлайдилар. Бу ашулани Ўзбекистон радиоси СССР халқ артисти Ҳалимахоним ижросида эшиттиради, шунинг учун бу шеър ҳамма жойда машҳур ва маъруфдир.

Суҳайли лояқал мана шу машҳур шеърининг асли текстини топишга ҳаракат қилмай, Махфий тахаллусли шоир (эҳтимол шоиранинг) «Инжост» радибли шеърини тўпламга киритганки, бу шеърнинг Зебуннисонинг «Инжост» радибли шеърига ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Зебуннисонинг «Инжост» радибли шеъри бадиий балоғат, гўзаллик ва нафосатнинг ажойиб намунаси бўлиб, бундай бошланади:

Биёки зулфи каж-у чашми сурмасо инжост,  
Нингоҳи гарму адоҳойи дилрабо инжост.

Суҳайли китобига киритилган Махфийнинг «Инжост» радибли ғазали эса, мана бундай бошланади:

Даро бахонаи арбоби дилки жо инжост,  
Тариқи мардуми бегонаошно инжост.

Бундан ташқари, Зебуннисо «Инжост» шеърида тахаллус ўрнида ўз номини қўллаб:

Закоти ҳусн агар медиҳи баройи худо,  
Биёки Зебуннисо ҳамчу ман гадо инжост —

деган бўлса, Суҳайли Зебуннисоникни деб китобга киритган «Инжост» радибли шеърда:

Машав ба каъба равон аз пайи дуо Махфий,  
Биё-биёки ижобатгаҳи дуо инжост

дейлади.

Бу мисол Суҳайлининг хатосини исбот қилишдан ташқари, Зебуннисо билан Махфий бошқа-бошқа шахс деган даъвомизнинг исботи учун ёрқин далил бўлади.

Булардан бошқа Ж. Суҳайли тузган «Мажмуан шеърҳо» тўпламида шундай ғазаллар борки, уларнинг мазмунига қараб, ҳар бир зийрак китобхон, бу Зебуннисониники эмас, дейиши мумкин. Чунки бу шеърлар мазмун ва моҳият эътибори билан Зебуннисонинг ўз даври, жамиятида тутган мавқеига тамомила хилофдир. Маълумки, Зебуннисо даврдан жафо чекмаган, ситам кўрмаган. Агар ўтмишда замон бир фозила қизни эркалатган, ардоқлаган бўлса, у — Зебуннисо эди, бир неча қизларни ардоқлаган бўлса, Зебуннисо шуларнинг бири эди. Ахир Зебуннисо мамлакатни идора қилишда Авангзебнинг энг яқин маслаҳатчиси эди. Модомики ҳол шундай экан:

Наштаре дорам ниҳон дар синаи ҳар нолае.

Бас дили аҳли ситам афгор хоҳам карду рафт.<sup>1</sup>

(Ҳар бир ноламнинг кўксида яширин наштарим бор, у билан ситамгарлар аҳлининг дилини афгор қилиб кетмоқ истайман) каби сўзларни қандоқ қилиб Зебуннисога нисбат бериб бўлади?

Ахир бу ноланинг сабаби нима? Мамлакат маликасига зулм ва ситам қилишга ким жасорат қилди?

Кўп тарихчиларнинг яқдиллик билан айтишларига қараганда, Зебуннисо Бегим жуда художўй, мўмин, мулойим қиз бўлиб, илоҳиётга оид асар ёзган ва «Қуръон» ни етти дафъа кўчирган экан. Ҳамма хаттотлар «Қуръон» ва бошқа китобларни кўчириб, шу билан тирикчилик қилганлар, албатта. Бироқ, Зебуннисо Бегим хаттотликдан келадиган даромадга муҳтож эмас эди. Демак, у «Қуръон»ни кўчириш билан ўзининг диний эътиқодини мустаҳкамлаган, бу оғир касбдан руҳий озиқ излаган. Бас, шундай қизнинг:

Дин агар ниясту имон ину аҳли қибла ин.

Риштан тасбеҳро зуннор хоҳам карду рафт.<sup>2</sup>

(Агар дин шу, имон шу ва аҳли қибла шундан иборат бўлса, тасбеҳ риштасини бутга боғ қилиб кетмоқ истайман) деб шаккоклик қилиши мумкинми?

Бхуд Зебуннисо Бегимнинг:

<sup>1</sup> Зебуннисо. «Мажмуан шеърҳо», 50-бет. 1940 йил.

<sup>2</sup> Уша ерда. 50-бет.

Ситам аз ҳад гузафт охи саҳар афрохтан дорам.  
Ба заҳр олуда тире нолам андохтан дорам.  
Ситамгарон намедонам киро ғорат кунанг имшиб.  
Сипоҳи полау оҳам ҳавоин тохтан дерам.<sup>1</sup>

(Ситам ҳаддан ошди, саҳарги оҳ-нолаларим кўкна етди, нолам заҳарли ўқ бўлиб отилмоқда. Ситамгарлар бу оқшом кимни талон-торож қилишини билмайман, оҳу но-лаларим қўшини ҳужумга ўтиш хаёлида) деб зорлани-шини табиий ҳол деб бўладими?

Ёки:

Манам ки меҳнат-у ғамро зи маи жудойи нест,  
Ба базми офиятам ҳеч ошноин нест.<sup>2</sup>

(Меҳнат-у ғам мендан сира ажралмайди, осойишта-лик базмида ҳеч ошнам йўқ) каби ҳасратноманинг бу-туғ умрини осойишталикда, фарогатда ўтказган Зебун-нисо Бегимга қандай дахли бор?

Ҳиндистондек улуг мамлакат малikasi, подшоҳнинг яқин маслаҳатчиси, ўз замонидаги илм ва санъат аҳлла-рининг ҳомийси, тақдир ҳеч бобда камситмаган, ҳар парсага қодир Зебуннисо Бегимнинг мана бу зайлда тў-либ-тўлиб нолаю фарёд чекишига ақл бовар қиладими?

З андоза бурун дар дил, андуҳу ғаме дорам,  
Дар сина ба ҳар узве, пинҳон аламе дорам.  
Бас хуни жигар ояд аз ғиря ба чашмонам.  
Аз ҳар мижаи ҳоре жўе зи ғаме дорам  
То чанд тавонад дўхт, жарроҳ пинҳон захмам  
Бар ҳар сари мў аз ғам, захме, аламе дорам.<sup>3</sup>

(Юрагимда андозадан ташқари ғаму аламим бор, кўксимда ҳар узвим учун яширин аламим бор. Йиғла-моқдан жигарим қон бўлиб, кўзларимдан оқмоқда; ҳар бир кипригим тикан бўлиб, ғамдан аригим бор. Жарроҳ яширин яраларимни қачонгача тикади? Ҳар бир тукимда аламнинг яралари бор.)

Бундай мисолларни «Мажмуан шеърҳо» ва «Девони Маҳфий» дан истаганча келтириш мумкин, аммо шулар-нинг ўзи ҳам кифоя деб ўйлаймиз. Биз келтирган ми-

<sup>1</sup> Зебуннисо, «Мажмуан шеърҳо», 4-бет

<sup>2</sup> Уша ерда, 42-бет.

<sup>3</sup> Уша ерда, 56-бет.

соллар ҳаммаси махфий тахаллусли шоирлар еки шоирларнинг асарлари бўлиб, мазмун ва моҳият эътибори билан уларни Зебуннисога нисбат бериб бўлмайди. Бу шоирлар ким бўлса бўлсин, ҳар ҳолда улар замоннинг жабру жафосини, дарду аламларини, азобу изтиробларини қайта-қайта татиб кўрган жабрдийда шоирлардир. Шунинг учун боёқиш шоир:

Зи жаври аҳли ситам, дўстон, чи чора кунам?  
Ба гайри он ки гиребони сабр пора кунам.

Замона бар сари озори мост, эй Махфий,  
Биёки хонайи дилро зи санги хора кунам.<sup>1</sup>

(Дўстлар, золимларнинг зулмига не чора қилай? Сабр тўнининг ёқасини пора қилишдан ўзга чора қолмади-ку. Эй Махфий, замона бизга ўчакишиб қолди, кел, кўнгил уйини қаттиқ тошдан ясай) деб фарёд қилади.

Зебуннисо Бегимнинг эса: «Замона бизга ўчакишиб қолди» деб айтиши сираям мумкин эмас, чунки замонанинг тизгини отаси билан унинг қўлида эди.

Хуллас, бу шеърлар зако ва истеъдод жиҳатидан бири-бирдан фарқ қиладиган Махфий тахаллусли шоир ва шоираларнинг асарлари бўлиб, Зебуннисога ҳеч қандай дахли йўқ. Демак, Зебуннисо бошқа шахс, Махфий бошқа шахс, яъни Зебуннисо Махфий эмас!

Ҳар ҳолда бизни бир нарса ҳайратда қолдиради. Наҳотки «Қуръон»ни етти дафъа кўчирган бу меҳнатсевар малика ўз асарларини бирор дафъа кўчириб китоб ҳолига келтирмаган бўлса? Бунга ақл бовар қилмайди!<sup>2</sup> Агар кўчирилган бўлса, бу шоҳ асар қани? Бизнинг қаттиқ эътиқодимизча, бу девон Ҳиндистон ёки Покистонда бўлиши керак. Агар Ўзбекистон илмий муассасалари Ҳиндистон ва Покистон билан ривожланиб бораёт-

<sup>1</sup> Зебуннисо, «Мажмуан шеърҳо», 59-бет.

<sup>2</sup> Бу тахмин илмий ҳақиқатга яқин кўринади. Андижонлик шоир Улфат (Имодиддин Қосимов) бу ҳақда бизга қуйидагиларни айтди: — Зебуннисанинг ўз қўли билан кўчирилган ва ҳамма шеърларида тахаллус ўрнида ўз номини ишлатган мукамал девони ўратепалик Миршароб хаттот қўлида бўлиб, унинг дўсти Мирҳусайн хаттот орқали Андижон фузалоларидан Абдумажид домланинг қўлига тушган, лекин кейинча, бу китобни қайтариб олганлар.



гад маданий алоқалардан истифода қилиб, Зебуннисо асарларини қидириб топишга муяссар бўлсалар, шубҳасиз, жаҳон адабиёти хазинасига бебаҳо гавҳар қўшган бўлар эдилар.

\* \* \*

Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг Тошкентда бўлиб ўтган конференцияси кунларида, биз Зебуннисо Бегим ҳақида Ҳиндистон ва Покистон вакиллари билан суҳбатлашдик. Бизнинг суҳбатдошимиз — ҳинд шоири Фулом Раббоний Тобон жанобларининг айтишича, сўнгги йилларда Ҳиндистонда форс тили ўқитилмагани сабабли ёшлар форс тилини билмайдилар. Зебуннисонинг шеърлари эса, кўпдан буён Ҳиндистонда нашр этилмаган. Аммо форс тилидан хабардор қариялар Зебуннисони яхши биладилар.

Сўнгра Фулом Раббоний Тобон, Зебуннисо Бегим Покистонда жуда машҳур эканини айтиб, бизни Покистон вакиллари билан таништирди.

Покистон ёзувчиларидан Ҳафиз Жоландҳарий жанобларининг айтишига қараганда, Покистон адабиёт олимлари Зебуннисо ижоди устида жиддий илмий тадқиқот ишлари олиб борганлар. Натижада, бу кунгача Зебуннисога нисбат берилиб келган «Девони Махфий» Зебуннисониники эмас, унинг хизматкори шоир Махфийники деган эътиқодга келганлар. Покистонлик меҳмонимиз Ҳафиз гўё суҳбатга яқун ясаб:

— Авом ҳали ҳам «Девони Махфий»ни Зебуннисога нисбат бериб келади, — деб қўйди.



## ЗЕБУННИСО ШЕЪРЛАРИ

### ПИР ШУД ЗЕБУННИСО

Дур бод аз тан саре к-оройиши доре нашуд,  
Бишканад дасте, ки хам бар гардани ёре нашуд.

Дар қиёмат сар чи сон берун кунад аз жайби хок?  
Синayi он кас, ки доғи лола рухсоре нашуд.

Дар назар шоҳид надори дийда аз олам бипӯш,  
Кўр беҳ чашме, ки лаззатгири дидоре нашуд.

Сад баҳор охир шуду ҳар гул ба фарқе жо гирифт,  
Ғунҷаи доғи дили мо зеби дасторе нашуд.

Ҳайф бар аммомаи зоҳид ба чандин печутоб,  
Риштаи тасбеҳ гашту тори зунноре нашуд.

Ҳар матоеро харидорест дар бозорҳо,  
Пир шуд Зебуннисо, ўро харидоре нашуд.

\* \* \*

Тандин ажралсин у бош, гар лойиқи дор ўлмаса,  
Синсин ул қўл, ёр бўйнига агар бор ўлмаса.

Ул киши қандай кўтаргай тонгла маҳшар бошипи  
Гар унинг кўксида доғи лоларухсор ўлмаса?

Бу жаҳондан кўзни юм, кўз олдида ёр ўлмагач,  
Кўр бўлмоқ яхшидир, ул кўзи хуммор ўлмаса.

Юз баҳор охир бўлиб, ҳар чаккадан жой олди гул,  
Ҳайфдир бизнинг гулимиз зеби дастор ўлмаса.

Ҳайф зоҳид салласига ким, бу печутоб ила,  
Тасбеҳига ип бўлиб, зуннор учун тор ўлмаса.

Ҳар матога бор харидор ҳусннинг бозорида,  
Не учун Зебуннисо қарриб, харидор ўлмаса?

*Д. Муҳаммадқулов таржимаси.*

### ЧАШМИ СУРМАСО ИНЖОСТ

Биёки зулфи каж-у чашми сурмасо инжост.  
Нигоҳи гарму адоҳойи дилрабо инжост.

Қарашма — теғу, мижа — ханжару, ниғаҳ —  
алмос,  
Шаҳодат ар талаби Дашти Қарбало инжост.

Агар биҳишт диҳандат фиреби кас на хури;  
Қадам зи майкада берун манеҳ, ки жо инжост.

Ба тавфи Қаъба кужо мерави, диле дарёб,  
Қи халқ беҳуда жон мекананд, жо инжост.

Зи пой то сари у ҳар кужо ки менигарам,  
Қарашма домани дил мекашад ки: жо инжост.

Қитобхонаи олам варақ-варақ жустам,  
Хати ту дидаму гуфтам, ки: «муддао инжост!»

Зақоти ҳусн агар медиҳи баройи худо,  
Биёки Зебуннисо ҳамчу ман гадо инжост.

\* \*  
\*

Зулфи ҳалқа-ҳалқау кўзи қаро бу ердадир.  
Боқиши шафқатли-ю, нозикадо бу ердадир.

Киприги ханжар, карашма тиғу кўз ташлаш  
яшин,  
Гар шаҳид бўлмоқчи эрсанг, Қарбало бу  
ердадир.

Берса ҳам жаннатни, алданма кишилар сўзига,  
Бир қадам майхонадин жилмаки, жо бу ердадир.

Қаъбага бормоқ на ҳожатдир, агар дил овласанг,  
Беҳуда йўллар кезар бу халқу, жо бу ердадир.

Ҳуснига бошдин-аёқ боққанда ҳар бир нуқтадин,  
Дилни тортиб ҳар карашма, дерки: жо бу  
ердадир.

Изладим бир-бир жаҳонда ҳар неча бўлса китоб,  
Кўрдиму хаттингни дедим: муддао бу ердадир.

Истасанг ҳуснинг закотини берарга мустаҳиқ,  
Келки, бу Зебуннисо янглиғ гадо бу ердадир.

*М. Муинзода таржимаси*





Лайли зотидан эсам-да, дилда Мажнунча ҳаво<sup>1</sup>,  
Тоғу тош кезгум келур, лекин йўлим тўсгай ҳаё.

Мендан ўрганди-ю бўлди гулга булбул ҳамнишин,  
Менгадур парвона ҳам шогирду, ишқимдур расо.

Зоҳиримдур ғозаранг, аммо ниҳоним қон эрур,  
Уз ичида соқлагандек қип-қизил рангни ҳино.

Баски қўйдим мен фалакнинг елкасига ғам юкин,  
Кийди мотам тўнини-ю, бўлди қадди ҳам дуто.

Шаҳ қизи бўлсам-да, қилдим фақр йўлин ихтиёр,  
Бас менга бу зебу зийнатким, отим Зебуннисо.

*М. Муинзода таржимаси.*

---

<sup>1</sup> Ҳ а в о — ҳавас, истак, орзу, ишқ.

### ШАКАР МЕТАЛАБАМ

Ман аз даҳани мор шакар металабам  
Аз хонаи анкабут пар металабам,  
Аз синаи паррашер шир металабам,  
Аз марди бараҳнапой зар металабам.

#### Т а р ж и м а с и:

Мен илон оғзидан шакар талабман,  
Ургумчак инидан мен пар талабман,  
Эркак шер кўксидан сут талаб қилсам,  
Оёқланглардан сим-зар талабман.

*Ш. Шомухамедов таржимаси.*

### БУЛБУЛ АЗ ГУЛ БУГЗАРАД

Булбул аз гул бугзарад гар дар чаман бинад маро,  
Бугварасти кай кунад гар барҳаман бинад маро?  
Дар сухан пинҳон шудам монанди бӯ дар барги гул,  
Майли дийдан ҳарки дорад дар сухан бинад маро.

#### Н а с р и й т а р ж и м а с и

Булбул чаманда мени кўргач, гулнинг баҳридан кечад,  
буднараст мени кўрганда буга чуқинармиди? Гул-  
нинг ҳиди ўз япроқларига яширингандай, мен сўзда  
яширинганман, кимнинг кўрамоққа майли бўлса, мени  
сўзда — шеърда кўрсин.









Увайсий, юз жафо кўрсанг ҳақиқат ёридин доим,  
Ўтурма юзги андин, солмакўзни ўзга дилдора.

*Увайсий*

I

XIX асрда етишган уч забардаст шоиранинг бири ва эг машҳури Увайсийдир. Увайсийнинг халқ орасида донг чиқаришига унинг ҳис-ҳаяжонлар билан тўла, жўшқин лирик шеърлари сабаб бўлди. Увайсийнинг бебаҳо ғазаллари қарийб бир асрдан буён Фарғона хонандалари — ҳофизлари томонидан завқ-шавқ билан куйланиб келмоқда. Бироқ, тарих китобларида бу заковатли шоиранинг ҳаёт йўли ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ.

Увайсийнинг замондоши Фазлий эса, «Мажмуаттуш-шуаро» тазкирасида Увайсий ҳақида жуда хасислик ва қандайдир нописандлик, ғаразгўйлик билан икки байтдан иборат тавсифнома ёзган, холос. Бу тарихий-адабий факт ўқувчилар эътиборидан четда қолмаслиги учун, биз Фазлийнинг Увайсий ҳақидаги тавсифномасини айнан келтирамиз:

Дигар Вайса ҳам аз гуруҳи нисост,  
На монанди Маҳзун фаҳиму расост,  
Хаёлам ба тавсифи у бар нахост —  
Азон рў, ки гаҳ каж шуду гоҳ рост.<sup>1</sup>

(Увайсий ҳам хотинлар жумласидандир, лекин Маҳзун-надек зийрак ва ақли расо эмас, у гоҳ эгри, гоҳ тўғри юргани сабабли уни тавсиф қилишни истамадим.)

Шоиранинг шаънига номуносиб бу баҳони рад, ё тасдиқ этиш учун қўлимизда бошқа ҳеч далилимиз йўқ, лекин сарой шоирларининг ахлоқи, жумладан Фазлийнинг ўзи мақтаб кўкларга кўтарган Маҳзунага муносабатини

<sup>1</sup> «Мажмуаттуш шуаро», Шарқшунослик институти қўлёзмаси, № 3371, varaқ, 8, 6.

Ўйлаб, унинг Увайсийга берган баҳосида ҳам бирор тамагарлик, гаразгүйлик йўқмикин деган мулоҳазадамиз. Чунки ўзбек аёлларидан қарийб бир ярим аср муқаддам, биринчи ўлароқ сарой шоирлари орасига кириб, комил ҳуқуққа эга бўлган бу шеърят маликаси уларнинг гийбат ва ҳасадларига дучор бўлиши ҳақиқатдан йироқ эмас.

Шунинг учун Фарғона халқи ўзининг бу ширин забон қизига, жабрдийда аёлларимизнинг орзу-тилакларини куйга солган бу заковатли шоирага бошқа, порлоқ бир тарих яратган; бу тарих кўҳна китобларнинг сарғайган саҳифаларида эмас, Фарғона халқи тилида доим зикр қилинади. Мана шу тарихнинг бир вариантыни биз 1930 йилда драматург Ғулом Зуфарийдан эшитган эдик. У вақтда Ғулом Зуфарий Самарқандда Давлат китоб палатасининг директори, бу сатрлар автори эса, Самарқанддаги Педакадемиянинг студенти эди. Бир суҳбат асноси Ғулом Зуфарий Умархон давридаги шоирлар ҳақида сўз очиб, бизга қуйидагиларни нақл этган эди:

Увайсийнинг исми Жаҳон бўлиб, марғилонлик олим ва фозил бир зотнинг қизи экан. Жаҳон ёшлигидаёқ хатсаводли бўлиб шеърятга майл кўрсатади. Отаси унга адабиётдан дарс беради ва шеър назариясини ўргатади. Шу тариқа Жаҳон тез фурсатда чигатой (ўзбек) ва форс классикларини пухта ўрганиб, шоир бўлиб етишади. У балоғатга етгач, эрга берадилар. Эри нодон ва жоҳил бир кимса бўлгани учун Жаҳон у билан муроса қилолмай, ажралиб кетади ва отасининг уйда ўтириб, яна шеър ўқиш ва шеър ёзиш билан машғул бўлади. У шеърларини Увайсий тахаллуси билан ёзар экан.

Умархон саройида жуда кўп шоирлар тўплангани ва улар орасидаги адабий мунозаралар ҳақидаги доврўқ Марғилонгача ёйилиб, бу хабар Увайсийнинг қулоғига етади. Шу кундан бошлаб, унинг вужуди Марғилонда бўлса ҳам, қалби Умархон саройидаги шоирлар суҳбатида бўлади. Адабий суҳбатларга бўлган ташналик, шоиралик маҳоратини пешқадам шоирлар олдида синаб кўриш хоҳиши Увайсийнинг осойишталигини бузади. Ниҳоят, у бу истагини амалга ошириш ниятида отасидан Кўқонга бориш учун рухсат сўрайди. Қизнинг бу нияти отасига ғайри табиийдек туюлиб, дастлаб рози бўлмайди. Увайсийга Кўқонга боришга рухсат бермайди. Лекин қизи қайта-қайта шу масалани ўртага қўйиб, отасига ёлворади, ил-

тижо қилади. Охири отаси қизнинг адабиётга булган рағбатини синдирмаслик учун унинг талабига рози бўлиб, уни бир мактуб билан қўқонлик бир дўстининг уйига юборади. Увайсий бу дўст хонадонда бир неча кун истиқомат қилиб, сарой шоирлари тўпланиб, адабий суҳбатлар ўтказадиган вақтларни аниқ билиб олади.

Кунлардан бир кун Увайсий ана шу қўқонлик ҳомийсининг маслаҳати билан жулдур паранжи ёпиниб, кампир қиёфасида Умархон саройига боради. Уни ўрда соқчилари тўхтатиб, нима муддао билан келганини сўрайдилар. Соқчилар бу «кампир»га, шоҳ ва шоирлар мажлиси қаерда-ю, сен қаерда мақомида муомала қилиб, мажлисга киритмайдилар. Шунда соқчига бир қоғоз бериб, буни подшоҳга топшинг, деб илтимос қилади. Соқчи саройга кириб, подшоҳга воқеани батафсил ҳикоя қилиб, «кампир» берган қоғозни топширади. Умархон букланган бу қоғозни очиб қараса, у газал экан. Шоҳ уни юзлаб шоирларга билади овоз билан ўқиб беради. Газал ҳаммага манзур бўлади<sup>1</sup>. Шундан сўнг Умархон соқчига, кампирни олиб келинг, деб фармон беради. Соқчи дарҳол «кампирни» бошлаб келади. Аҳли мажлис кампирнинг газалига гоят юксак баҳо бериб мақтайди. Шунда, Увайсий, нишонга урганини фаҳмлаб, жулдур паранжини секин бошидан олиб ташлайди...

Умархон ва сарой шоирлари ақл бовар қилмайдиган муъжизани кўрадилар: уларнинг қаршисида кампир эмас, соҳибжамол бир жувон турарди.

Умархон Увайсийдан қаерлик ва нима муддао билан келганини сўрайди. Увайсий шоҳга ўз саргузаштини батафсил сўзлаб беради. Увайсийнинг ҳикоясини эшитиб

<sup>1</sup> Менинг тахминимча, ҳаммага манзур бўлган бу ажойиб газал Увайсийнинг:

Забонингни кетурғил, эй шакарлаб тўти гуфтора,  
Нечужким марҳамат ўлсун неча мендек дил афтора,—

деб бошланадиган газали бўлса керак. Чунки бу газал чиндан ҳам Увайсийнинг мумтоз асари бўлиб, унинг қуйидаги мисралари далил туриб, жамиятда ўз ўрнини талаб этган шоиранинг овози, албатта:

Мени «лоядхулу!» деб, маҳрум этма, боғбон аҳли,  
Азал деҳқони бағрим қонини сочкан бу гулзора...  
Увайсий, юз жафо кўрсанг ҳақиқат ёридин дом,  
Угурма юзини тандин, солма кўзинг ўзга дилдора.

Умархон ва сарой шоирлари бу жувоннинг адабиётга муҳаббати, ҳиммат ва жасоратига қойил қоладилар. Шундан кейин Умархон Увайсийни Урдадаги хоним ойимларга мураббий қилиб тайинлайди ва унга алоҳида жой беради. Шу тариқа Увайсий ўз замонидаги машҳур шоирлар қаторида муҳим ўрин олиб, сарой шоирларининг адабий мунозараларига комил ҳуқуқли аъзо сифатида қатнашар экан.

Фулом Zufарийдан бу ҳикояни эшитиб, мен ундан:

— Увайсийнинг хонимларга мураббийлиги нимадан иборат бўлди экан?— деб сўрадим.

У мандан:

— С. Айнийнинг «Тожиқ адабиёти намуналари»да Умархон билан Нодира орасидаги шеъринг савол-жавобларини ўқиганмисиз?— деб сўради.

— Ҳа, ўқиганман,— деб жавоб бердим мен.

Шундан сўнг у яна бир лирик ҳикояни нақл қилди-ким, ундан ёдимда қолганлари мана бундан иборат:

Андижон ҳокими Раҳмонқули бий қизи Нодирани Умархонга ҳадя қилиб юборади. Умархон шеърятга қаттиқ берилган бир киши бўлганидан, менинг ҳамхонам, албатта, шоира бўлиши лозим, деб юраркан, Нодира эса, кибор онлага мансуб соҳибжамол қиз бўлса ҳам, шоира эмас экан. Мана шу «нуқсон» учун Умархон Нодирани ўз никоҳига олмайди: бундан таҳқирланган қиз заъфарондек сўлиб боради. Увайсий воқеадан хабардор бўлиб, қизга жуда ачинади, келиб у билан суҳбат қилади, қараса, Нодира жуда фозила қиз бўлиб, ҳар нарсага ақл-фаросати етади. Шу кундан бошлаб Увайсий Нодирага адабиётдан назарий ва амалий дарс бера бошлайди. Нодира шеърлар ёзишни машқ қилади. Шу тариқа орадан бир йил ўтади, бу даврда, Нодира ўзбек ва форс тилларида етук шеърлар ёзиб, устози Увайсийга манзур қилади. Нодира Увайсий имтиҳонидан ўтади, лекин Умархонга не йўсинда имтиҳон бериш устоз ва шоирнинг бошини қотиради.

Ез кунларининг бирида, аср билан шом орасида, Увайсий Нодирага ҳарир либослар кийдириб, Умархоннинг боғига олиб чиқади. Боғдаги мрамор ҳовуз атрофида ранго-ранг гуллар очилган, булбуллар сайраб турган. Мрамор ҳовузда эса, олтин балиқлар сузиб ўйнаб турган бўлади. Увайсий Нодирани ҳовуз бўйидаги курсида ўтқазиб, ҳарам хонимларидан бирига: «Менинг

шоҳ ҳазратларига жуда зарур ишим бор, шаҳаншоҳим илтифот қилиб, бир сайри боғ қилмасмикинларки, камина бу фурсатдан истифода қилиб, ул ҳазратга ари ниёз қилсам» дейди ва ўзи дарҳол қайтиб, ҳовуз атрофидаги бир гул остига яширинади.

Орадан андак фурсат ўтмай, боғда Умархон пайдо бўлади. У виқор билан, оҳиста мармар ҳовуз томонга қараб юради. Яқинроқ келиб қараса, одатда Умархон ўтирадиган ҳашамдор курсида соҳибжамол бир қиз ўтирибди. Умархон бу гулчеҳра қизга маҳлиё бўлиб, унга форс тилида шеър билан савол беради ва Нодира унга муносиб жавоблар қайтаради.

Ўз саволларига бундай қутилмаган жавобларни эшитган Умархон қизнинг ҳусни жамолигагина эмас, фазлу камолига ҳам мафтун бўлиб, унга яқин келиб, қўлидан ушлайди. Худди мана шу аснода «Шоҳим!» деб бир гул остидан Увайсий пайдо бўлади, Умархон Увайсийга мурожаат қилиб:

— Бу қиз ким?— деб сўрайди.

— Бу қиз сизнинг рафиқангиз ва меним шогирдим,— деб жавоб беради Увайсий.

Ана шундан сўнг Умархон катта тўй-томошалар қилиб, Нодирани ўз никоҳига олади. Умархон ва Нодира ҳузурда Увайсийнинг иззат-ҳурмати юз чандон ошиб, уни «Жаҳон отун» деб атайдилар.

Бизнинг драматург Фулом Зуфарийдан Увайсий ҳақида эшитганларимиз мана шулардан иборатдир.

1941 йилда «Қизил Ўзбекистон» газетасининг топшириги билан «Мактаб ва оилада бола тарбияси» масалаларини ўрганиш ниятида шоир, журналист Юнус Латиф билан Фарғона водийсига бордик. Бир кун Марғилонда Тўхтасин Ширмонпаз деган бир кишининг уйида меҳмон бўлдик. Шу ердаги зиёфатда Ўзбекистон халқ артисти Юсуфжон қизиқ ҳам бор эди. Марғилон Увайсийнинг ватани бўлгани учун мен Юсуфжон акадан: «Увайсий ҳақида сизга нималар маълум? Шу ҳақда биланларингизни биз билан ўртоқлашмайеизми?» деб илтимос қилдим. Сўнгги бир ярим асрда Фарғонада рўй берган воқеаларни гоят яхши билган бу санъаткор бизга ўз биланларини батафсил сўзлаб берди. Бироқ, Фулом Зуфарий билан Юсуфжон ака айтган ҳикоялар бир хил бўлганидан, биз сўнгги ҳикояни такрорлаб ўтирмаймиз. Аммо, Юсуфжон ака, бу ҳикояни бир мод-

дий далил билан тўлдирадиган, буни кўрсатиб ўтиш фойдадан холи эмас.

Юсуфжон аканинг айтишича, Умархон Увайсийга Марғилонда мухташам бир иморат солиб берган, бу иморат Марғилондаги ипакчилик фабрикаси мавзида бўлиб, 1941 йилгача унда шоиранинг авлодлари яшаб келганлар.

Увайсий ҳақидаги бу ҳикоялар оғиздан оғизга, наслдан наслга ўтиб, охири илмий адабиётга кириб келмоқда. Марҳум О. Шарафиддинов шундай ҳикоялардан бирини «Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси»га<sup>1</sup> киритган. Уткир Рашидов эса, «Уч шоира» тўпламига ёзган сўз бошида Увайсийнинг ҳаёт йўли ҳақида юқорида биз нақл қилган халқ ҳикоялари изидан борса ҳам, шоиранинг қандай қилиб саройга киргани хусусида шу ҳикояларнинг бошқа бир вариантыни олға суради. Унингча: Увайсий «хон ўрдасига Нодирага шеър ёзиб киргизиб, ундан кўмак кутади. Нодира уни саройга чақириб, ўз ёнида олиб қолади»<sup>2</sup>.

Увайсийнинг адабий мероси жуда салмоқли: унинг асарлари катта бир девон, шу девон давомига ёзилган «Қарбаломна» ва «Воқоти Муҳаммад Алихон» номли манзум (шеърӣ) ҳикояларидан иборатдир<sup>3</sup>. Бу девон 1857—58 йиллар мобайнида Муҳаммад шоҳ Юнусхон тарафидан кўчирилган бўлиб, юз саҳифадан иборатдир. Девонда юқорида зикр қилинган икки манзум ҳикоядан ташқари, 269 ғазал, 29 мухаммас, 55 мусаддас ва бир мурабба бор. Шоиранинг ҳамма асарлари ўзбек тилида бўлиб, Навоийнинг тўққиз ғазалига, Фузӯлийнинг уч ғазалига ва Умархоннинг беш ғазалига мухаммаслар боғлаган. —

## II

Увайсий лирика жанрида ўз асрининг пешқадам шоираси бўлиб, унинг равон ва нафис ғазаллари Умархон саройидаги «манман» деган шоирларнинг энг яхши асарларидан қолишмайди. Маълумки, Умархон сарой

<sup>1</sup> «Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси», том II, 240-бет, Тошкент, 1943 йил.

<sup>2</sup> «Уч шоира», 5-бет, Тошкент, 1958 йил.

<sup>3</sup> Увайсийнинг ҳамма асарларини ўз ичига олган бу қўлёзма девонни Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институтида эълон қилди. (№ 1837, III).



шоирлари орасида назирагўйлик, радифгўйлик ғоят даражада авж олган эди. Баъзан муваффақиятли чиққан бир шеърга шу вазн, шу қофия, шу ғояни кузатиб, қирқ-элликлаб шоирлар назира ёзганлар. Албатта, бу усулни бадий ижод учун муносиб йўл сифатида тавсия қилиб бўлмайди, чунки бу усул шоирларга ҳақиқий санъат асари яратиш учун имконият доирасини торайтириб қўяди. Назирагўйлик йўли билан ёзилган ғазалларда бир хиллик вужудга келади. «Шоирлар бу бир турлиликни йўқотиш, унга ранг-баранглик бериш, мотивларини жонлантириш учун кўпроқ қофия, вазн, техника, айниқса порлоқ метафора ва ўхшатишлар яратишга аҳамият берадилар. Уз усталиклари, оригиналликларини шунда кўрсатишга тиришадилар»<sup>1</sup>.

Бошқача айтганда, назирагўйлик бир нав шеърий мусабақадирким, унда (Бобир тили билан айтганда)

«То билинган ҳар кишининг табиъи бирла ҳолати».

**Мана** шу жиҳатдан баҳо бериш учун Увайсийнинг «Қил» радифли ғазалини бу радифдаги бошқа ғазалларга қиёсатириб кўрайлик. Мисолимиз узун бўлмаслиги учун биз ҳар бир ғазалининг фақат матлабини (биринчи байитини) келтирамиз.

Увайсий:

Дилбаро, юзунг узра кокулунг паришон қил,  
Хуснига ниқоб ўлсун, мақсадимни пинҳон қил.

Амир (Умархон):

Лаб ўгур такаллумга, зулфингни паришон қил,  
Қанд қимматин синдур, вархи анбар арзон қил.

Хижлат:

Келгил, эй қубш юзлик, фикри шоми ҳижрон қил,  
Фурқатинг маризиман, васлинг ила дармон қил.

Адо:

Эй кўз, айла мардумлуғ, ул санамни меҳмон қил,  
Вей шарарфишон ашким йўлига чароғон қил.

Фазлий:

Гул юзингда зулфингни боғ аро намоён қил,  
Лола бирла суибулни доғ этиб паришон қил.

<sup>1</sup> О. Шарафидинов: «Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси», том II, 191-бет, Тошкент, 1945 йил.

Биз мисол тариқасида беш забардаст шoirдан намуналар келтирдик. Бир вазн, бир радифда ёзилиб, бир мақсадни кўзда тутган бу байтларнинг энг гузали, шубҳасиз, Увайсий билан Фазлийникидир. Бу байтда ган маъшуқанинг гул чехраси-ю, хушбўй сочи ва зулфи устида боради. Амир бу мазмунни ривож эттиролмай, байтни тўлдириш учун маъшуқани «такаллумга» даъват этади; Хижлат эса, маъшуқанинг юзи, кокули ва зулфи ҳақидаги мавзудан тамом четга чиқиб кетади. Шоир Адо ҳам шунчаки вазн, қофия ва радифни сақлаш учун ҳаракат қилиб, «санамни меҳмон қил» деб мавҳум гўзал тавсифига ўтади. Увайсий билан Фазлий эса, гўзал юз, зулф ва кокулнинг гўзал юзида паришон бўлгандаги ҳолати адосида гоят гўзал ва реал таъбирлар топганлар. Чунончи, Увайсийнинг:

Дилбаро, юзунг узра кокулунг паришон қил,  
 Ҳуснинга ниқоб ўлсун, мақсадимни пинҳон қил —

байтида, паришон кокул, юзга ниқоб, лирик қаҳрамоннинг хоҳишини ошкор қилмаслик учун парда бўлиб келади. Зулф ва кокул тавсифида классик шоирлар жуда кўп ёзганлар. Соч ва зулф гоҳ шаби ҳижронга (узунлиги ва туси), гоҳ мушки анбарга (ҳиди), гоҳ дом-тузоққа ўхшатилади. Гўзалнинг юзи эса миллион мартаба ой, қўш (қамар, шамс, меҳр) ва гулга ташбеҳ этилган. Аммо дилбар юзида паришон кокулнинг парда бўлиб, маъшуқа мақсадини пинҳон тутиши Увайсийнинг ихтиросидир.

Ёки Увайсийнинг анор таърифида айтган шеърини олиб кўрайлик. Бу шеър шу мавзудаги энг мумтоз асар бўлиб, ҳеч ким анорнинг бунчалик тасвирини берган эмас. «Анор» шеъри шоиранинг мушоҳада кучини, унинг нарсаларга нечоғлиқ эътибор билан қараганини, бошқача айтганда, ҳаётга рассом кўзи, санъаткор қалби билан тикилганидан дарак беради. Мана бу шеър:

Бу на гумбаздур эшиги, туйнугидин йўқ нишон,  
 Неча гулгун пок қизлар манзил айлабдур макон;  
 Туйнунг очиб аларнинг ҳолидин олсам хабар,  
 Юзларида парда тортуғлиқ турарлар бағри қон.

Анорни эшик-туйнуксиз гумбазга, ичидаги доналарни пок қизларга, дона устидаги юкка дўстини қизлар юзидаги пардага, ва анор доналаридаги қизил шарбатга

ишора қилиб, бу доналарни бағри қон бўлган қизларга  
ухшатиш учун Увайсий каби зўр санъаткор бўлиш дар-  
кор:

Шоиранинг «Кўндаланг» радифли шеъри севги бо-  
бидаги бир ҳақиқат ифодаси бўлиб, ташбеҳлари самни-  
мий, тили содда ва халқонадир:

Маъшуқ эрмас, бўлмаса васл ичра нози кўндаланг,  
Ошиқ эрмас бўлмаса сўзу гудози кўндаланг.  
Неча кун бедор ўлуб ҳеч топмадим андин асар,  
Туш аро бўлдим муяссар эътирози кўндаланг.

Бугина эмас, Увайсийнинг бошқа ғазаллари ҳам шун-  
дай содда, раво ва оҳангдордир. Буларни ўқиса ҳам,  
куйласа ҳам бўла беради.

Чунончи:

Кўзларинг фироқида танда лолағун қонлар,  
Қилгали тамошосини саф чекибди мужгонлар.

Ехуд:

Жафосин чекмайин бўлмас муяссар сенга жонининг,  
Юракка дарде тегмай, таъсир этмас оҳу афгонинг —

каби ажойиб шеърларни ўқиган ҳар бир киши Ўткир  
Рашиднинг: «Унинг ғазалларида фикрий такрорликлар,  
ғализ иборалар ва шеърини технологик камчиликлар  
ҳам кўп учрайди»<sup>1</sup> ситгани асоссиз баҳосига ҳайрон  
қолади, албатта.

Шарқ адабиётида радифгўйлик деб аталган шеърини  
мусобақада кўп забардаст шоирларни орқада қолдир-  
ган Увайсий ўз шеърларининг қадру қимматини жуда  
яхши билар ва:

Ажаб ашъори мавзун боғлади Вайсий ҳасаддинким,  
Умархон зуфунунекам, кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди —

дея фахрланади.

Увайсийнинг бадий жиҳатдан баркамол ғазалла-  
рида лирик қаҳрамон сабрли, қаноатли, камтар, одоб-  
ли, хуш назокат, оқила, фозила, вафодор, ифбатли ва

<sup>1</sup> «Уч шоира», 6-бет.

жозибали бир жонона сифатида намоён бўлади. Барча шод бўлиб, унинг ҳиссаси қайғудан иборат бўлса ҳам, замова кулфатидан, бефаҳмлар маломатидан кўнгли доғ бўлса ҳам, ёр жафокор бўлиб, зулму ситам қилса ҳам, у ёрга ҳамон содиқ қолиб:

Увайсий, юз жафо курсанг ҳақиқат еридин доим:  
Угурма юзни андин, солма кўзни ўзга дилдора —

деб эзгуликка, вафодорликка даъват қилади.

Увайсий самовий муҳаббатни эмас, инсонларга бахт-саодат келтирувчи ёр муҳаббатини, инсон муҳаббатини куйлаган шоирадир.

У:

Кел эй зоҳид, топиб бир ёрни олдида жон бергил —

деб самога термулган зоҳидни ҳам ер қизи олдида жон беришга даъват этади.

Улуғ бобомиз Навоий фалсафий қарашларига яқун ясаб:

Хушдурур боги кинот гули,  
Барчадин яхшироқ ҳаёт гули —

деб, ердаги ҳаётга мадҳия ўқиган эди. Увайсийнинг «Ғанимат» радифли ғазали ҳам ҳаётга, коинотнинг лагофатига, уйғунлигига бағишланган симфониядир:

Дунёни букун даврина даврони ғанимат,  
Келтурди халойиқники меҳмони ғанимат.  
То булбула мастона сухайрезини бул дам,  
Айвони жаҳон боғу гулистони ғанимат.  
Умрунгни баҳорида муҳаббатни суғорғил,  
Кўз мардумининг гиряи борони ғанимат.  
Очғил кўзинг, эй дил, қилакўр вақти тамошо,  
Айеми жаҳоннинг маҳи тобони ғанимат.  
Фазли била ул ғунчаи нашкуфта очилмиш,  
Сайри чаману ҳам гули хандони ғанимат.

Ҳаёт ҳади қилган неъматлардан, коинотнинг муҳташамлигидан, табиатнинг зебо ва раънолигидан завқ-шавққа тўлган бу шоиранинг кўп шеърларида мунг, қайғу оҳанглари янграйди, шоира ўзини танҳо ҳис этади, маломатлардан ниқоят қилади. Агар Увайсийнинг шахсий ҳаётидаги оилавий бахтсизликни ҳисобга олмаганда, у бадний гояларига эришиб, жамиятда ўзига

муносиб ўрни топган биринчи ўзбек аёлидир. Бас шунадай экан, сарой шоирлари:

Давр бизнинг давримиз, даврон бизим давронимиз —  
деб маддоҳлик қилиб турган бир пайтда, оқимга қарши  
бориб, Увайсийнинг:

Замона кулфатидин бу кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди,  
Бу чархи бемурувватдин кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди.  
Жароҳат бўлди бағрим тиғи бедоди рақиблардин,  
Бу кўтоҳфаҳм мардумдин кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди —

каби алам билан тўла фарёдига қандай маъно бериш керак? Ехуд шоиранинг бевосита Умархонга мурожаат қилиб:

Эшитгил арзи аҳволимни, э, шоҳи жаҳон, тақсир,  
Ки изҳор айлаёлмам дилда кўп дарди ниҳон, тақсир.

Сиринким донасини кўрди юзим тупроғида андин,  
Маънаёт қушлари бошимга қилмуш ошён, тақсир —

Маънаёт қилишини не йўсинда талқин қилмоқ мумкин?

Агар биз Увайсийнинг шеърларидаги бу мунгли мотивларни замона аҳлининг шоира тили билан баён этилган фарёду фигони деб изоҳласак масалага тўғри ёндашган бўламиз. Бизнинг қаттиқ эътиқодимизча, Увайсий ўз замонаси савиясидан юқори кўтарилган санъаткордир. Шунинг учун шоира сарой атрофида ўрмалашиб юрган, ўз шахсий манфаатидан бошқани ўйламаган бир тўда ғазалфурушларнинг калтафаҳмлигидан киноя қилиб:

Бу кўтоҳфаҳм мардумдин кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди —

деб зорланади.

Увайсийнинг замонадан зорланиши бежиз бўлмагандек, бу борада у ёлғиз ҳам эмас. Увайсий ижодидаги бу мотивларни тўғри англаш учун унинг ижодини демократик фикрлар жарчиси Махмур ва Гулханий ижодидан ажратмай, буларнинг барига бир бутун сифатида қараши лозим. Чунки Увайсий кўзда тутган «мардуми нофаҳм»

Давр бизнинг давримиз, даврон бизим давронимиз —

деб айюҳаннос тортганда, халқ ҳаётига ибрат назари билан қараган Махмур «Ханалак» шеърисида, Умархон қи-

ламравидаги (қул остидаги) халқнинг оғир солиқлар ту-  
файли хонавайрон бўлганини дадил туриб шохга арз эт-  
ган эди. Сарой шоирлари тарафидан мақталиб, арши  
аълога кўтарилган бу даврда халқнинг қандай оғир аҳ-  
волда экани Махмурнинг қуйидаги мисраларида жуда  
равшан акс этган:

Одами барчаси ҳам ўласидур, қоқу хароб,  
Очлигидин эгилиб, қомати мисли камалак.  
Ажриқнинг темирин майда ўғурда янчиб,  
Қайнатиб кунда ичар, отини дерлар сумалак.  
Йўрғагида онаси ул ўраган латталари,  
То ҳануз устидадур, уч мингу юз етти бўлак.

Кўриниб турибдики, бу ҳаёт эмас, азоби алимдир.  
Модомики буни Махмур кўрган ва ёзган экан, Увайсий-  
нинг бундай мудҳиш аҳволдан беҳабар бўлиши асло  
мумкин эмас. Халқнинг кўз-қулоғи бўлган санъаткор  
бундай ҳоллардан ҳамиша воқиф бўлади, уни чуқур ҳис  
этади, қайгуради. Ўз замонасининг сергак ва фозила қи-  
зи Увайсий ҳам:

Меҳнату аламларга мубтало Увайсийман,  
Қайда дард эли бўлса, ошно Увайсийман —

деб, ўзини «дард эли», замона жабр дийдалари тарафи-  
да эканини тантанали равишда эълон қилади.

Увайсий кўп шеърларида маломатдан нолийди. Бу  
маломат тоқатни тоқ қиларли даражага келгани учун  
бўлса керак, боёқиш шоира:

Маломат қушлари бошимга қилмуш ошён, тақсир —

дея подшога шикоят қилиб қақшайди.

Дарҳақиқат, дунёда ҳақсиз маломатдан кўра алам  
ангез яна нима бор? Ҳақсиз, адолатсиз маломат, бўҳтон  
— киши қалбини эговлайди, вужудини заҳарлайди,  
қувонч билан тўла оламни ғамхонага айлантиради.  
Санъатда, ҳаётда олий гўзалликни қидириб, шеърят  
жаннатига келган Увайсий маломат, бўҳтон дўзахига  
тушган бўлса, не ажаб?

Диний, хурофий тушунчалар одамларнинг онгини за-  
ҳарлаб турган XIX аср шароитида, хотинлар инсон эмас,  
ҳайвон қаторида саналган бир даврда, Увайсийнинг ба-  
дний идеаллар шавқида «тарки ватан» қилиб, у вақтда

хотин жинси учун ярим худо саналган эрлар жамиятига дадил бостириб кириши — мусулмон хотинлари тарихидаги катта қаҳрамонлик эди. Бунинг устига ақли ҳам сочидек узун бўлиб, сарой «донишманд»ларини «мардуми пофаҳм» деб атаган бу заковатли шоиранинг ҳасаддан маломат тошларига нишон бўлмаслиги мумкинми? Маълумки, хотин-қизлар бировни севиш, эр танлаш ҳуқуқидан маҳрум эдилар, бу жиҳатдан улар ота-онанинг муте фармонбардор қуллари бўлиши талаб қилинарди; бу — ислом ахлоқининг талаби эди. Инсондаги табиий хоҳишга сиртмоқ солинган шу даврда Увайсийнинг бу таҳқирланган жинс номидан:

Бир пари пайкар суманбар ёра ошиқ бўлмишам,  
Латли дилкаш, сўзи хуш дилдора ошиқ бўлмишам,—

деб рўйпрост куйлаши сарой атрофидаги мутаассиб **одамларга** хуш келарди деб ким айта олади?

**Менимча**, Увайсийнинг маънавий қиёфати ҳақида сарой гийбатчилари томонидан тўқилиб, Фазлийнинг «Мажмуаттуш шуаро» саҳифасигача чиққан бу маломатларининг асли сабаби ҳасад, ғаразгўйлик ва хотинлар овозини ўчиришга бўлган тараддуддан иборатдир. Буни ўзгача изоҳ қилиб бўлмайди. Бироқ, маломатчиларнинг хоҳишларига қарши шеърятда хотинлар овози ўчмади, улар тобора кўпайиб, ҳаётнинг аччиқ ҳақиқатларини баланд овоз билан куйлай бошладилар. Увайсийнинг самияят билан тўла, равон, ўйноқи ва ҳаётга ундовчи ажойиб газаллари эса, кун сайин баландроқ янграб, янги авлодга завқ-шавқ бағишламоқда.

Увайсийнинг «Воқиоти Муҳаммад Алихон» номли эпик асари Муҳаммад Алихоннинг Қашқарга юришига бағишланган шеърый ҳикоя бўлиб, бадий жиҳатдан жуда заифдир.

Увайсий «Қарбалонома»ни не мақсад билан қаламга олганини билолмадик. Аммо, бир нарса аниқки, Увайсийнинг «Қарбалонома»си бу мавзуда ёзилган ўттизлаб асарнинг энг заифдир. Революциядан илгари «Имом Ҳасан ва имом Ҳусайн воқеалари» номи билан нашр этилган китоб эса, Увайсий «Қарбалонома»сининг бошқа авторлар томонидан тўлдирилган, такомиллаштирилган вариантдир. У китобни бутунича Увайсийга нисбат бериш хато.

Жўшқин лирик шеърлари билан донг чиқарган Увайсийнинг эстетик асарларидаги муваффақиятсизлигини қандай изоҳлаш мумкин? Нега У. У.з.вали неъмату Муҳаммад Алихон мадҳида тузук асар ярата олмади? Нега пайғамбарзодаларнинг фожиали ҳалокати унинг диний эҳтиросини туғёнга келтирмади?

Бизнинг эътиқодимизча, Муҳаммад Алихоннинг жаҳонгирлик юриши, пайғамбарзодаларнинг дашти Қарбалодаги жанглари Увайсий табиатидан жуда йироқ мавзулардир. Увайсий моҳир ғазалнавис — лирик шоирадир. У руҳий кечинмалар, ҳис-ҳаяжонлар, нозик кайфиятларни дарҳол ҳис этувчи ҳассос — туйғун шоирадир. Маана бу мавзуларда Увайсий булбул бўлиб сайрайди. Аммо, жаҳонгирлик ва диний тарғибот мавзуида шоиранинг қалби ақлига ҳамкорлик қилмаган, қалб ақлга ҳамроҳлик қилмаган жойда поэзия бўлмайди.





## УВАЙСИЙ ШЕЪРЛАРИ

### УВАЙСИЯМАН

Меҳнату аламларга мубтало Увайсийман,  
Қайда дард эли бўлса, ошно Увайсийман.

Истадим бу оламни, топмадим вафо аҳли,  
Барчаднн юмиб кўзни, муддао Увайсийман.

Уз дилниг тааллуқдин банд қил худо сори,  
То дегил кеча-кундуз мосиво Увайсийман.

Кечалар фигонимдин тинмади кавокиблар,  
Арзу то само узра можаро Увайсийман.

То кўриб хароботин, таън этма, эй зоҳид,  
Бир нафас эмас холи, иқтидо Увайсийман.

Қаҳр боргоҳиға қўйса гар қадам ҳар ким,  
Бош анга керак бўлса, жон фидо Увайсийман.

«Вайсий бериёзат» деб, саҳл тутма, эй ориф,  
Ишқ аро ниҳон дарди бедаво Увайсийман.

## ЗАБОНИНГНИ

Забонингни кетургил, эй шакарлаб, тўти гуфтора,  
Нечукким, марҳамат ўлсун неча мендек дилафгора.

Нигоҳинг ташлагил, лутф айлабон, эй шўхи бепарво,  
Йўлингда интизор ўлгон мани бул ошиқи зора.

Мени «лоядхулу!» деб, маҳрум этма, богбон аҳли,  
Азал деҳқони бағрим қонини сочкан бу гулзора.

Харидор ўлдим ул «пахнуқасамно»да санга дилбар,  
Замон аҳлини кам деб солма кўп ҳуснингни бозора.

Элимда бош ила жон хориж ўлгум икки оламдин,  
Қилиб жаллодлик кўрсатма зулмингни харидора.

Бағир қоним эди саҳрода бутгон лолаи рангин,  
Биҳамдиллаҳ на соат, кун эди сончилди дастора.

Хабардор ўл харобот аҳли ичра соқийи даврон,  
Паё-най тут аёгинг ташналаб ўлгон бу хуммора.

Муяссар бўлмаса, гар тоқи абру саждагоҳингдин,  
На ҳосил санга, зоҳид, ташлагил бўйнингни зуннора.

Увайсий, юз жафо кўрсанг ҳақиқат ёридин доим,  
Ўгурма юзни андин, солма кўзни ўзга дилдора.

## МАСТОНА-МАСТОНА

Хиром айлар гулнстон ичра ул мастона-мастона,  
Табассумдин намоён айлабон дурдона-дурдона.

Тамошо чоғида монидурур кўздин юрак қони,  
Бу ҳасратдин тўкар мардумларим, маржона-маржона.

Майи гулранг ародур жилвагар рухсори, эй соқи,  
Таваққуф айламай сўнгил яна паймона-паймона.

Ушал шўхи ситамгарни бўлурму ошно деб ҳеч,  
Рақиб аилтифот айлар, манга бегона-бегона.

Манга то болу пар эрди хаданги тири пайкопинг,  
Етолмам ошённингга ки бол афсона-афсона.

Хати Хизр ила ораз даврида зулфи зарафшони,  
Гул атрофида гуё сунбули райҳона-райҳона.

Мани девоная бу хирқа фақр олудасидур беҳ,  
Ани бермам ҳарири кисвати султона-султона.

Қаю бир тун аро рухсори жонона назар солғач,  
Бу кўз ойинаси ҳуснигадур ҳайрона-ҳайрона.

Увайсидур рафиқи дарду ҳижрона эрур муни,  
Ғами дилдор бирлан доимо ҳамхона-ҳамхона.

## КЎНДАЛАНГ

Гул эмас то бўлмаса олдида хори кўндаланг,  
Ёр кўйи эрмас ул, йўқ дилфигори кўндаланг.

Ул санам кўйига еткайман дебон қилма наво,  
Йўл аро неча санингдек интизори кўндаланг.

Шўхлик бирла муноди қилдириб қон тўккали —  
Кирса майдон ичра улдам, шаҳсувори кўндаланг.

Ҳар киши Мансурдек берса «аналҳақ»дан хабар,  
Ул замон бўлғай ани олдида дори кўндаланг.

Вайсий, сўз кўтоҳ қил, дам урма нодонлар аро,  
Сўзни соф эткунча то чиқмай ғубори кўндаланг.

## ДИЛБАРО, ЮЗУНГ УЗРА

Дилбаро, юзунг узра кокулунг паришон қил,  
Хуснига ниқоб ўлсун, мақсадимни пинҳон қил.

На деб эътироз эттинг мустамади зоринга,  
Журм кўп эса афв эт, лабларингни хандон қил.

Ташналиғдадур мискин, гушнаליғдадур ғамгин,  
Фақр ақлини дохили хотами Сулойман қил.

Қатра май гадолардин, соқие, дариг этма,  
Ақлдин қилиб фориг, мастлиғда султон қил.

Жонни можаросига сабр айлагил, эй тан,  
Рашкдин яқиндур бул чиқмоғига, меҳмон қил.

Мунда етмади Вайсий васлинги баҳосига,  
Юмди кўз бу оламдин, раҳм айлаб арзон қил.

### КУЗЛАРИНГ ФИРОҚИДА

К ўзларинг фироқида танда лолагун қонлар,  
Қилғали тамошосин саф чекибди мужгонлар.

Эй ғаний, карам айлаб ҳуснунги закотидин,  
Фақр аро гадоларга айлағайсан эҳсонлар.

Ўлмайинму ўксукдин, манга қилмадинг парво,  
Ғайр аҳлига на деб марҳамат фаровонлар.

Зоҳидо, ҳазар қилгил хўбларни домидин,  
Ҳалқа-ҳалқа нур узра зулфидур паришонлар.

Сабр анжуман эттим, бўлмади мурод ҳосил,  
Тишладим адаб тошин токи синди дандонлар.

Бул шарораи оташ саҳл тутма, эй маҳбуб,  
То чиқорди оҳимни кўнглум ичра сўзонлар.

## ГУЛЗОР РАЪНОЛАНМАСУН

Оразинг зеб айла то гулзор раъноланмасун,  
Лайлидин сўз эт дурн шаҳвор раъноланмасун.

Қатран сув комима қуйғил лабинг серобидин,  
То қиёмат бўлгуча хуммор раъноланмасун.

Зарра саргардон этиб ташла висолингдин шифо,  
Жисмима ҳажринг аро бемор раъноланмасун.

Дилбаро, бошинг учун ғайрига раъно этма сўз,  
Деда раъноланмаса, ночор раъноланмасун.

Таънадин ўлдум буқун, ишқингга мандин сўнгги эл  
Вайсийдин бир панддур, иқрор раъноланмасун.

## ОШИҚ БҮЛМИШАМ

Бир пари пайкар суманбар ёра ошиқ бўлмишам,  
Лаъли дилкаш, сўзи хуш дилдора ошиқ бўлмишам.

Мадди оҳим кўкдадур, сориг юзумга ашки ол,  
Ул қади раъно, юзи гулнора ошиқ бўлмишам.

Қилма гулқандиғ ила заъфим иложин, э ҳаким,  
Манки, гулбарги шакар гуфтора ошиқ бўлмишам.

Нолау афғон этарман қумридек булбул каби,  
На учунким, сарви гулрухсора ошиқ бўлмишам.

Лабларингдин то кўринмиш хуш-хуш инжу тишларинг,  
Лаъли бирла ул дури шаҳвора ошиқ бўлмишам.

Дўстлар кўнглум олон зулфи мусулмонкуш эрур,  
Кофиредур, кокули зуннора ошиқ бўлмишам.

Ўзни қутқармоқ учун елдим-югурдим ҳар сари,  
Оҳ вовайлоки, бора-бора ошиқ бўлмишам.

Манзилу кўю, алойиқ бандидин озодман  
То тариқи Ҳожаи Аҳрора ошиқ бўлмишам.

Баски, саргардон, қуюн янглиғ югурмакдур ишим,  
Ишқ водисига ман овора ошиқ бўлмишам.

Вайсийдин хуш истамаклик йўқ муносиб, не учун?  
Бир пари пайкар суманбар ёра ошиқ бўлмишам.



## АЙЛАМИШ

Раҳм қил, ёраб, фалак моҳимни пинҳон айламиш,  
Меҳр ободини султоним ки вайрон айламиш.

Ой юзини нуридан олам мунаввар бўлдимки,  
Масканимни билмадим бир йўли зиндон айламиш.

Инғламайму қон ютиб, бўлдимки жонондин жудо,  
Фурқати ул шаҳсувор ашкимни тўфон айламиш.

Базмгоҳини ити эрдим ки васли ичра ман,  
Ҳажр жаллоди ялоғимни қаро қон айламиш.

Шукр тасбеҳин тилимдин манъ қилдимму экан,  
Ҳар жазога қадр ўтмакликни чандон айламиш.

Излабон қон йиғласанг ҳам ўтти вақти фурқати,  
Фоний оламда гадоу шаҳни меҳмон айламиш.

Вайсиё, хатм ўлди ўхшар васл бу олам аро,  
Тангри маҳшаргоҳда мушкилни осон айламиш.

## ЯХШИ

Жафо чекканлара, жоно, вафолиғ қилганинг яхши,  
Асири ишқ улонларға шифолиғ қилганинг яхши.

Дили мажруҳими захмиға марҳам берсанг, эй сайёд,  
Кадангингга нишон айлаб яролиғ қилганинг яхши.

Муяссар бўлса васлиниг чулки жон бермаклигимдин сўнг,  
Танимдин дар маҳал жоним жудолиғ қилганинг яхши.

На лозим юз ўгурмоқ ташнадурман, бергил, эй соқи,  
Қадаҳ элгимга, андин иддиолиғ қилганинг яхши.

Мани маҳрум этиб шаҳло кўзингдин, эй харидорим,  
Каси арзонни гафлаттин баҳолиғ қилганинг яхши.

Бақосиз билдинг эмди бу жаҳон раъноларин, э дил,  
Бориб майхона кунжида фанолиғ қилганинг яхши.

Букун ёр олдида қўйғил, Увайсий, шўру ғавғони  
Худо қози бўлон кун можаролиғ қилганинг яхши.

### УРГУЛАЙ

Дилбаро, ўлтур, бошингдин мисли гардун ўргулай,  
Ақлими барбод этибон мисли Мажнун ўргулай.

Итларинг бағримни бурда қилди, танни реш-реш,  
Жори айлаб қонларимни жома гулгун ўргулай.

То кўриб расволиғим ор этма, эй ҳуш маъдани,  
Бовар эткил кеча-кундузларда макнун ўргулай.

Лабларинг ҳажринда бағрим лахта-лахта қон эрур,  
Оқузуб кўз чашмасидин ашки пурхун ўргулай.

Соқие, жон етди лабга, ваъда қил лаълинг майин,  
Гарчи ман лабташнаман, хуммори мамнун ўргулай.

Тангри халқ этмиш мани муфлис гадолардин нетай,  
Йўқ дирам, йўқ тоатим, кўз ёши Жайхун ўргулай.

Демоғил Вайсийни сан «ул Вайсийи бехонумон!»  
Фаҳм қилғин ҳасратим, ҳоли дигаргун ўргулай.

## КҮНГУЛ ДОҒ ҰЛДИ, ДОҒ ҰЛДИ

Замона кулфатидин бу кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди;  
Бу чархи бемурувватдин кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди.

Жароҳат бўлди бағрим тиғи бедоди рақиблардин,  
Бу кўтоҳфаҳм мардумдин кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди.

Бу гулзори фано ичра маҳалли бехалал йўқдур,  
Ҳамеша захми хородин кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди.

Фано мардумларини сирридин ҳеч кимса йўқ оғаҳ,  
Қабиҳ гуфтор мардумдин кўнгул доғ ўлди; доғ ўлди.

Кўнгул қони фароғи дийдадин бир лаҳза банд ўлмас,  
Вужудим изтироб айлаб кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди.

Турубдур бағрим ичра қон мисоли ғунча, найларман.  
Очилмай гул сифат ушбу кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди.

Сўзимдан хотиринг узра гумоне ўзга еткурма,  
Ки изҳор айлама найлай, кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди.

Мени расвойи оламдин мабодо эътироз этма,  
Такаллум бирла шод айла, кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди.

Кўнгулни оташин бежо қилибдур нутқи гуфтори,  
Қаю боғ андалибидин кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди.

Бу сўзни айлади барпо ажаб густоҳлиқ бирла,  
Малоди хотир ўлғайму, кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди.

Ажаб ашғори мавзун боғлади Вайсий ҳасаддинким.  
Умархон зуфунунеким, кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди.

## ЭШИТГИЛ АРЗИ АҲВОЛИМНИ

Эшитгил арзи аҳволимни, эй шоҳи жаҳон, тақсир-  
Ки, изҳор айлаёлмам, дилда кўп дарди ниҳон, тақсир.

Жунуним хайли ақлим масканин торож этган вақт,  
Тутинг маъзур, бунёд айласам оҳу фиғон, тақсир.

Паришон ҳол зоҳир ўлди куйгай ҳушманд аҳли,  
Начунким қўямасин доим, ёшим оби равон, тақсир,

Таажжуб этмагил, шоҳо, кўриб ҳоли дигаргуним,  
Кеча-кундузки ман расво-у, ул соҳибқирон, тақсир.

Назокатлиғ сўзинга қанду шаккар ҳаммасоф ўлмас,  
Қуя олмас элингга сувни Билқиси замон, тақсир.

Муносиблиққа деб бордим санга, Юсуф-Зулайхосан-  
Ки, асло тушмасин ўтруға бир ғайри дадон, тақсир.

Забарга хат уриб зер айламуш ул котиби иқбол,  
Анинг-чун ақли кўтоҳлар ўқурлар инни он, тақсир.

Сиришким донасин кўрди юзим тупроғида андин,  
Маломат қушлари бошимга қилмуш ошиён, тақсир.

Вужудинг сабр тоғидур, дилингим ақл боғидур,  
Дедиким билганича Вайсийи бир нотавон, тақсир.

## ҒАНИМАТ

Дунёни букун даврина даврони ғанимат,  
Келтурди халойқники меҳмони ғанимат.

То булбули мастона суханрезини бул дам,  
Айвони жаҳон боғу гулистони ғанимат.

Умрунгни баҳорида муҳаббатни суғоргил,  
Кўз мардумининг гиряи бороши ғанимат.

Сенгил кўзинг, эй дил, қилакўр вақти тамошо,  
Айёми жаҳонинг маҳи тобони ғанимат.

Фазли била ул ғунчаи нашкуфта очилмиш,  
Сайри чаману ҳам гули хандони ғанимат.

Вайсийи гадодир, букун ўксутма гадони,  
Лутф ила тараҳҳум яна эҳсони ғанимат.

## КИМДУРУР

Кимдурур ишқини, жоно, ошкор этмас сенга,  
Кимдурур кўздин жигар қонин нисор этмас сенга?

Кимдурур шавқинг аро тарки насиҳат этмаган  
Кимдурур носихга душман, ўзни ёр этмас сенга?

Кимдурур фаҳму фаросатда Аёз ўлмак тилар,  
Кимдурур доим умиди эътибор этмас сенга?

Кўрса ногаҳ бир хиром этмоқда алвон ишвани,  
Кимдурур ишқингда қуллуқ ихтиёр этмас сенга?

Қилса Мажнун нечани ул Лайли кўзгу сафо,  
Кимдурур ишқингда кўз, юзний ғубор этмас сенга?

Кўз демасман ё басират ёки девори мағок,  
Кимдурур, э нур, кўзни интизор этмас сенга?

Остонанга бошим қўйдим кўтармак йўқ умид,  
Вайсий бечоранг ғубори ҳеч кор этмас сенга.

## ОШИҚОНА КҮЗ ТУТАЙ

Термулуб, қон йиғлаюб мен ошиқона кўз тутай,  
Юзи гул, лаъли лаби мул жонажона кўз тутай,

Уйнатиб келғай самандин, э улус, манъ айла кўз.  
Интизорида қолон шўхи замона кўз тутай.

Ғам танаъум эрди доим фурқати дилдор аро,  
Васл фонидур букун хурду калона кўз тутай.

Кимса бадгў ёнидин топди кўнгул ҳар дам вафот,  
Ҳар сўзидур бир Масиҳ, ширин забона кўз тутай.

Зоҳидо, кўз тутмагимдин келмасун сенга губор;  
Сирри ихфоси аниким бегумона кўз тутай.

Сифлаи дундин букун ашким Бўлубдур лолагун,  
Ҳам ўзи сарроф, ҳам боимтиҳона кўз тутай.

Пайкари бадҳола, равзан зоҳир ўлмиш бешумор,  
Жумлаи суроҳдин руҳи равона кўз тутай.

Бошима солса маломат қушлари кошонае,  
Ишқида ашкимни айлаб дона-дона кўз тутай.

Соқие, ўлтурса соғар бер, Увайсий илгина,  
Чеҳраи майдинки акси меҳрибона кўз тутай.



## ЖАФОСИН ЧЕКМАЙИН БЎЛМАС

Жафосин чекмайин бўлмас муяссар сенга жонөнинг,  
Юракка дарде тегмай, таъсир этмас оҳу афғонинг.

Кўнгул, сайр айлагил, бетоқат ўлма ҳажр шомина,  
Зулумот ичра кирмай топмағайсан оби ҳайвонинг.

Надин дод айламай?— Уммид субҳи шома айланмиш,  
Фирибу макр ила васлини афсун этди ҳижронинг.

Қошинг бир ғамзаси то тўқди юз ушшоқ қонини,  
Кўзинг майдонида саф-саф тамошо қилди мужгонинг.

Вужудим поймолин хоки роҳидинки манъ этди,  
Аё ҳоким, ватан кўйида тутдинг бору армонинг?

Увайсий, ёра кўрсатмай ҳижоб ўлган тааллуқот,  
Аларни гарқ этар тўфон ўлуб бу чашии гирёнинг.

## ЎЗНИ ИЗҲОР ОҒТОБ

Қилди у машриқ саридин ўзни изҳор офтоб,  
Не учунким излагай ҳар рўз дийдор офтоб.

Чарх зарқиға қўйиб оғзин ютар ҳар кунда қон,  
Шом вақтида шафақ билгурди хунбор офтоб.

Кеча излар, кундуз излар, ваҳки бир дам тинмайини,  
Чарх водийсида мажнуни жигарҳор офтоб.

Бенасибнинг деб эдим бир мандуман ҳар рўзу шаб,  
Мен каби, жоно, юзинг кўрмаккадур зор офтоб.

Мен начук Мажнун каби расвойи олам ўлмайини,  
Чарх уза рухсори моҳингга гирифтор офтоб.

Дўст деб тутдим этогин ул фалак ғаддорни,  
Шатта урди, кетди мағриб, топди озор офтоб,

Вайсий, бошинг узра қўй, хуршед талъат ёрни,  
Билмадингму зарралар бошинда дастор офтоб.

## УВАЙСИНИНГ ФУЗУЛИЙГА МУХАММАСИ

Дило, мақруби жонон ўлма, улдур — кори сўзонлиғ,  
Қариб аввал, ҳарим ўлмоғлиғинг эрмасдур осонлиғ,  
Фанойи фақр тупроғида қилғил ўзни пинҳонлиғ,  
Кел эй роҳат сонан асбоб жамъин, қилма нодонлиғ,  
Тариқи фақр дутким, фақр эмнш оламда султонлиғ.

Қулоқ тут ушбу панда, жону дил бирлаки, сомиъсан,  
Ҳавоу, орзу, юз минг ҳавасдин балки мониъсан,  
Бўлиб гаҳ мониъу, гаҳ раъйи нафсдин гарчи қониъсан,  
Мурод ар салтанатдин, коми дилдур, нафса тобиъсан,  
На ҳосил салтанат одила қилмоқ бандафармонлиғ.

Тазаллум бирла қатл этди дин аҳли кўзлари кофир,  
Деб эрдим манъ бўл манзуридин ҳеч бўлмади жоғир,  
Умид оби ҳаёт айлаб ки зулмотида бўл собир  
Паришонлиғдин эй халқи жаҳон сиз жамъ эдинг хотир,  
Ки ман жамъ айладим ҳар хонда вордур тирпарронлиғ.

Манга тангри насиб этмоб экандур фаҳм ила дониш,  
Фаросат, ҳуш ҳам идрок ила ҳам ақл ила бениш,  
Бу ким, кўтоҳлиғ иқболими ҳеч қилмадим андиш,  
На толиъдур буким, оламда оғоз этмадим бир иш,  
Ким ул ишдан саранжом этмадим охир пушаймонлиғ.

Мани маҳрум этиб, чашмим тар айлар кимса манъ этмаз,  
Юроким реш, ашким қонлар айлар кимса манъ этмаз,  
Увайсий, сабр қил жаврин ар айлар кимса манъ этмаз.  
Манга зулмин сариҳ ул кофир айлар кимса манъ этмаз,  
Фузулий куфр ўлурму, гар десам йўхдур мусулмонлиғ.

## УВАЙСИЯНИНГ ЖОМИГА МУХАММАСИ

Қолдим балоя кўнглими бердимки ёшқа,  
Чунким, мудом икки кўзим тўлди ёшқа,  
Хусни зуҳурин олдида неҳад қуёшқа,  
Зулфи хаёли тушкали шўрида бошқа,  
Ғам бошқа ўлтурур мани, ҳижрони бошқа.

Булбулни саждагоҳидурур доимо чамаи,  
Фарз ўлди анга шому саҳар тинмайин суҳан,  
Ашким зиҳор ўлди, бағир қони пераҳан,  
Меҳробга на фарзки ман сажда қилғаман,  
Қилғумдурур сужуд ман ул икки қошқа.

Чарлар нигор олдиға келдурғали мани,  
Юз сўзни зоҳир айлади кулдурғали мани,  
Қаддин тонутти хаттини билдурғали мани,  
Кўзу қошинг талошадур ўлдурғали мани,  
Ўлтур ўзинггу, қўйма иковни талошқа.

Айди бировга: «мунда келтургил ятимни!»  
Бирға дедикки: «тош ила ургил ятимни!»  
Боз айди бирға: «ҳолини сўргил ятимни!»  
Ашкимни қон кўриб, деди: «кўргил ятимни,  
Бурни қонади — оғзи етушканда ошқа».

Жоним, таним, бағир-жигарим тўьма ўхшади,  
Нодон эли ейишди мани, боз кавшади,  
Бир сангдил муҳаббати Вайсийни қуршади,  
Жомий бир оҳ чекди, ани кўнгли юмшади,  
Оҳим ўтини кўр на асар қилди тошқа.

## АНОР

Бу на гумбаздур эшиги, туйнугидин йўқ нишон,  
Неча гулгун пок қизлар манзил айлабдур, макон.  
Туйнугин очиб аларнинг ҳолидан олсам хабар.  
Юзларида парда тортуғлиқ турарлар, бағри қон.





Модура  
(Моҳарр оиун)







Нодира, жами муҳаббатни лаболаб ичибон,  
Мастлик бирла қилай ишқ намозини адо.

*Нодира*

## I

**Ма**шҳур ўзбек шоираси Нодиранинг асли исми Моҳлар **ойим бўлиб**, XVIII асрнинг охирида Андижонда туғилган. Моҳлар ойимнинг отаси Андижон ҳокими Раҳмонқули бий эди. Раҳмонқули бий ўзбек қабилаларидан Минг уругига мансуб оқсуяклардан бўлиб, Фарғона ҳукмдори Олимхоннинг тоғаси эди. Олимхон укаси Умархонга Марғилон ҳокимлигини беради ва «уни тоғаси — Андижон ҳокими Раҳмонқули бийнинг қизи Моҳлар ойимга (бўлажак шоира Нодирага) уйлантиришга қарор беради. Бу қизнинг (Моҳлар ойимнинг Т. Ж.) ақллилиги, одоби ва гўзаллиги тегра ёққа дoston бўлган эди. Умархон унга ғойибона ошиқ ҳам бўлган, дейдилар. Олимхон бу ақд орқали ўз тоғаси ва укаси ўртасидаги қариндошлик муносабатларини мустаҳкамламоқчи бўлади. Шундай қилиб, Моҳлар ойим Умархон никоҳига киритилади».<sup>1</sup>

Олимхон, Умархон ва Муҳаммад Алихон (Маъдалихон) даврларини жуда яхши билган амалдорлардан — тарихчи Ҳакимхон тўра Умархон билан Моҳлар ойим никоҳи ҳақида сўз очиб, қуйидагиларни ёзади:

«Ул вақт Андижон ҳукумати Раҳмонқули бий, амир Олимхоннинг тоғаси эрди, унга тааллуқ эрди. Раҳмонқули бийнинг исматида бир қизи бор эрди, исми Моҳлар ойим эрди. Амир Олимхон хоҳладиким, ул му-

<sup>1</sup> Азиз Каюмов. «Нодира». «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари», № 1, 37-бет.

хаддарани амир Умархоннинг никоҳига киргизса, Маъсумхон тўрани бениҳоят ҳадя бирла юбордиким, Умархонни Андижонга олиб бориб, ақди никоҳ қилиб, Марғилонга келтуруб қўйиб келгил, деб рухсат берди. Маъсумхон тўра Марғилонга келиб, шаҳзода Умархонни домодлиққа таклиф қилиб, Андижонга олиб, яхши соатда ул авжи салтанатни товҳиди руҳга ақд боғладилар».<sup>1</sup>

Бу воқеа 1808 йилда эди. 1810 йилда Олимхон ўлдирилиб, ўрнига укаси Амир Умархон тахтга чиқди. Шундай қилиб, Андижон ҳокимининг қизи, Марғилон ҳокимининг хотини Моҳлар ойим тез фурсатда мамлакат маликаси даражасига кўтарилди.

Орадан ўн тўрт йил ўтгач, Умархон вафот этади. Сарой аҳллари ўзаро маслаҳат қилиб, бир иттифоққа келиб, Нодиранинг ўша вақтда тахминан ўн тўрт ёшларда бўлган ўғли Муҳаммад Алихонни подшоҳ қилиб кўтардилар. Бу воқеани ўз кўзи билан кўрган ва бу маросимда шахсан иштирок қилган Ҳақимхон тўра бундай деб ёзади:

«...Ушбу байъатга катта-кичик боиттифоқ рози ва роғиб бўлуб, якдил ва якжиҳат фақирни буюрдилар; фақир ҳарамни муҳтарамдин Муҳаммад Алихонни ташқарига олиб чиқдим. Умаролар Муҳаммад Алихонни оқ намадга солиб, маснадни ҳукуматга олиб, отани жойига ултургузуб муборакбод қилдилар»<sup>2</sup>.

Шундай қилиб, Қирғизистон, Қозоғистон ва Ўзбекистоннинг ярмидан кўпини ўз ичига олган Умархон давлати ўн тўрт яшар Муҳаммад Алихон (Маъдалихон) қўлида қолади. Бу гўдакнинг бундай катта давлатни идора қилолмаслиги табиий эди. Шунинг учун Умархон вафотидан сўнг Моҳлар ойим — Нодира мамлакатни идора қилиш ишида фаол иштирок этади. Умархон даври анъаналарини давом эттириб, илм аҳлларига, санъат ва адабиёт арбобларига раҳбарлик ва ҳомийлик қилади.

«Умархон ўлгач (1822), тахт унинг ўн тўрт ёшлик ўғли Маъдалихонга қолади. Лекин хонликнинг барча ишлари Нодиранинг қўлида бўлади. Нодира адабиёт, маданият масаласида Умархоннинг изидан борди. Олимлар, санъаткорларга катта ҳурмат кўрсатди. Уларни турли китоблар ёзишга ташвиқ қилди ва ҳар вақт катта

<sup>1</sup> «Мунтахабул-таворих». Ўз Ф. А. Шарқшунослик институти қўлёмаси. 594, 161 а/б парақлари.

<sup>2</sup> «Мунтахабул-таворих», 306 б/в.

ҳадялар билан сийлаб турди. Ҳзи Қўқонда бир мадраса, ҳаммом ва сарой бино қилдирди»<sup>1</sup>.

Ҳша давр шоирларидан Нодирнинг «Ҳафт гулшан» номли манзум ҳикоясини Нодирага бағишланиши ҳам шу фикрларни исбот этувчи бир далилдир.

Маъдалихон, отаси Умархон ўлгач (1822), 21 йил ҳукумат тепасида турди. Ҳз давлатини Қашқар ва Тожикистоннинг Қора-Тегин вилояти ҳисобига кенгайтирди.

«Маъдалихоннинг қилган ишлари орасида кишининг диққатини ўзига тортадиган бир жиҳат — унинг руҳонийлар билан чиқиша олмаганидир. Маълумки, Маъдалихондан илгари Қўқон хонлигида хўжалар, сайидлар, умуман руҳонийларнинг роли жуда катта эди. Хонлигининг сиёсати шу гуруҳнинг қўлида бўлиб, Умархон даврида улар айниқса авж олган, ҳукуматнинг турли мансабларини ўз қўлларига олган эдилар. Маъдалихон мана шу гуруҳга қарши сиёсат тутди. Уларнинг кўпларини мансабдангина эмас, мамлакатдан ҳам қувди. Бу қувилганлар Бухорога тўпландилар»<sup>2</sup>.

Ана шу қора гуруҳлар Маъдалихонга қарши фитна уюштириш учун, камоли золимлигидан «Насрулло қас-соб» деб ном чиқарган Бухоро амири Насруллога: «Маъдали ўз ўгай оналаридан бирига уйланди, бу кофирдан Фарғонани қутқариш керак» деб ариза ёздилар. Амир Насрулло бу аризани сўраб-суриштирмай, Қўқонга қарши уруш бошлади. Қаттиқ ва қонли жанглардан сўнг Маъдалихон қўшини мағлубиятга учради. Охири Амир Насрулло Қўқонга бостириб кириб, Қўқонни талон-торож қилди. Маъдалихонни, укаси Султон Маҳмудхонни, ўн тўрт яшар ўгли Муҳаммад Аминхонни, онаси Нодирани ва бир неча аъёнларнинг хотинларини фожиали равишда ўлдиради.

Машҳур ўзбек шоираси Нодира — Моҳлар оймнинг кишининг ҳавасини келтирадиган ва даҳшатга соладиган ҳаёт йўли мана шундай.

Нодираниннг ўлдирилиши тафсилоти ҳақида эски тарихий манбаларда бир-бирига тамомила зид фикрлар баён этилган. Бу китоблардаги маълумотларни бир-бирига таққослаб қараганда, тўғриси қайси-ю, нотўғриси

<sup>1</sup> О. Шарафиддинов. «Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси» том II, 244-бет.

<sup>2</sup> О. Шарафиддинов. Юқоридаги китоб. 148-бет.

(уйдирмаси) қайси эканини аниқлаш ҳаёт даражада мушкулдир. Мана шу манбаларга танқидий муносабада бўлмай, уларнинг фақат бирига асосланиб, Нодиранинг ўлдирилиш тафсилотини баён қилган ёш илмий ходимларимиз масалани жуда ҳам чигаллаштириб юбордилар. Биз бу масалага аниқлик киритиш учун, ўтмишдаги тарихчилар ва ҳозирги ёш адабиётшуносларнинг бу борадаги фикрларини бир-бирига таққослаб, ақл бовар қиладиган бир хулоса чиқаришга уринамиз.

Нодирани қандай вазиятда ўлдирилгани ҳақида сўз очиб, Уткир Рашид бундай дейди:

«...Бу урушда Амир Насрулло ғолиб келиб, неча юзлаб гуноҳсиз кишиларни қиличдан ўтказди, Маъдали ва унинг ўғли Муҳаммад Аминни жаллодга топширади. Жаллод уларни ўлдиришга тайёрланиб турганда, оппоқ сочлари тўзиган, паришон ҳолда Нодира пайдо бўлади. У бегуноҳ, уч яшар набирасини қучоқлайди ва Насруллога қараб шундай хитоб қилади:

Эй забардасти зердаст озор!

Сенга ҳам келур бу қизиқ бозор...

Амир Насрулло буйруги билан Нодира, унинг ўғли Маъдали ва набираси Муҳаммад Аминни жаллод кундасига келтирадилар. Жаллод аввал Нодиранинг сочини қирқади. Кейин набираси, ўғли ва ҳар учаловларининг қўлларини кесади, сўнг оёқларини қирқади ва охири учаловларининг баравар каллаларини қирқади»<sup>1</sup>.

Уткир Рашид бу тафсилотни қайси манбага асосланиб ёзганини кўрсатмаган. Фикримизча, у «Тарихи Туркистон» номли китобга мурожаат қилган кўринади. «Тарихи Туркистон»да эса:

Эй забардасти зердаст озор!

Сенга ҳам келур бу қизиқ бозор —

байти Нодиранинг сўнги сўзи сифатида эмас, тарихчининг лирик чекиниши ўрнида ишлатилган. Аслда эса, бу шеър форс-тожик шоири Саъдий Шерозийнинг «Бўстон» номли асаридан олинган бўлиб, асли қуйидагичадир:

Эй забардасти зердаст озор!

Гарм то ҳай бимонад ин бозор?

<sup>1</sup> «Уч шоира», 10—11-бетлар.

Ба чи кор сядат жаҳондори?!  
Мурданат беҳ, ки мардум озори!

Демак, бу байтн Нодирага нисбат берилиши ва унинг ўлим олдидаги сўнги сўзи дейиш хато.

Тоҷик адабиётшуноси Тоҷи Усмон Венгрия олими Герман Вамберининг «Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи», Мулла Ниёз Муҳаммад ибни Ашур Муҳаммаднинг «Тарихи Шоҳрух» асарига ва «Тарихи Қори Қундузий» китобларига асосланиб, Нодиранинг ўлдирилиш тафсилоти ҳақида сўз юритади ва Нодира ўлим олдида айтган шеърдан қуйидаги байтн келтиради:

«...Бу тупроқлар кўзим қони ила минг лозазор ўлса,  
Бобомдур бу, момомдур бу, отамдур бу, онамдур бу»<sup>2</sup>.

Нодиранинг ўзига хос услубидан хабардор бўлган ~~халқ~~ **бир киши бу байтн**, Нодираники эмас, деб дарҳол

~~Улдирилиш~~ **Тамий** ходимлардан Азиз Қаюмов Нодиранинг ўлдирилиш тафсилоти ҳақида Уткир Рашид ва Тоҷи Усмон билан ҳамфикр. Аммо Қаюмовнинг Нодираси ўлим олдида газалхонлик қилмай, ёш набирасини ўлимга буюрган Амир Насруллога қараб: «Эй золим, отасини-ку ўлдирдинг, бу гўдакда нима гуноҳ бор, нега бунн ҳам ўлдирасан?» — деб хитоб қилади. Амир унга ҳақорат билан қараб: «Истасанг сени ҳам ўлдираман», — деб жавоб беради. Нодира: «Бундай фожиаларни кўриб тирик қолганимдан кўра ўлганим минг марта афзал», — деб хитоб қилади. Шундан сўнг Насруллонинг буйруғи билан жаллодлар Нодирани ҳам қатл этадилар»<sup>3</sup>.

Кўриниб турибдики, бу даъволар бир-бирини рад этади. Адабиётшуносларнинг бир масала устида, бир ҳолат тасвирида бир-бирига қарама-қарши фикрлар баён қилиши — бу фикрларнинг тўғрилигига шубҳа туғдиради. Ахир бу авторларнинг қайси бири ҳақли? Кимнинг даъвоси тўғри?

Нодиранинг халқ орасида қатл этилишига ишонса бўладими? Ўлим ҳукми билан унинг ижроси орасидаги

<sup>1</sup> Мухтасари «Бўстон». 31—32-бетлар, Душанба, 1945.

<sup>2</sup> «Бисту се адаба», 102-бет.

<sup>3</sup> «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари», № 1, 40-бет.

дахшатли уч-тўрт дақиқани бемалол ўтириб, турли вазнда ғазал тўқийдиган бир ҳолат деб бўладими?

Йўқ, бу мумкин эмас! Бизнинг фикримизча, булар бари тарихчилар тарафидан сўнгра тўқилиб, Нодилага нисбат берилган уйдирма, афсоналардир. Агар бу тарихий ҳақиқат бўлганда, ҳамма китобларда бир хил нақл этилган, бир хил ифода қилинган бўларди. Модомики, тарихчиларнинг фикрлари уч хил бўлиб, бири иккинчисини инкор қилар экан, бас, буни қандай қилиб ҳақиқат деб бўлади?

Биз юқорида «Тарихи Туркистон» китобига асослашиб, Нодира билан бирга бир неча аёнларнинг хотинлари ҳам ўлдирилган, деган эдик. Азиз Қаюмов ҳам: «Ансобус-салотин ва таворихи хавоқин» китобнинг автори Мирзо Олим, Нодира билан бирга Хушқол Биби, Нор Биби ва яна бир хотиннинг ахтахонада ўлдирилганини ёзади»<sup>1</sup> дейди.

Биз ҳам мана шу Мирзо Олим фикри тарафдоримиз. Манتيқ ҳам шу фикрнинг тўғрилигига далолат қилади. Амир Насрулло қанча золим, қанча қонхўр бўлса, шунчалик жоҳил ва мутаассиб киши эди. Унинг Фарғонага қарши хуружининг бош сабаби ҳам кўр-кўрона диний эътиқод ва мутаассибликнинг тугғени эди. У Фарғонага гўё дини исломни мустақкамлаш, тўғри йўлдан тойганларни жазолаш учун келди. У комил мусулмонлик даъвосида эди. Модомики Насрулло юришининг манتيқий моҳияти шундан иборат экан, модомики Насрулло шариятпешволари олдида мусулмончиликнинг «классик» намунасини намойиш қилиш орзусида экан, бас, унинг Нодира билан бир неча мусулмон хотинларини оломон орасига чиқариб қатл этмоғи сира ҳам мумкин эмас. Чунки бундай хатти-ҳаракат уни халқ олдида батамом бебурд қилиб қўяр, шариат номидан қилган даъволарини пучга чиқарарди. Амир Насрулло — золим эди, қонхўр эди, мутаассиб эди, лекин аҳмоқ эмас эди.

Бундан ташқари, Маъдалихоннинг ўғли Муҳаммад Аминхон, Уткир Рашид айтганидай, уч яшар гўдак эмас, ўн тўрт яшар йигитча эди. Ўн тўрт яшар йигит, бугун бўлмаса эртага отасининг қонини ва тахтини даъво қилиб, майдонга чиқиши муқаррар эди. Чунки Маъдалихон ўзи ҳам ўн тўрт ёшда тахтга чиққан эди.

<sup>1</sup> «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари», № 1, 41-бет.

Нодиранинг ўлдирилишига — унинг уч яшар гўдакни ҳимоя қилиши сабаб бўлди деб ўйламоқ бир нав сиёсий соддадиллик бўларди. Нодира ҳалокатининг сабаби бундан кўра чуқурроқ.

Маълумки, Нодира ўттиз йилдан зиёдроқ бир даврда мамлакатда подшоҳдан сўнг энг муътабар зот ҳисобланарди. Маъдалихоннинг ёш чоғларида эса, подшоҳлик асосан Нодира қўлида эди. Шу тариқа бу аёл мамлакатни идора қилишга салоҳиятли эканини исбот қилиб, сарой доирасида ҳам, халқ орасида ҳам зўр обрў қозонди. Агар Амир Насрулло Нодиранинг икки ўғлини (Муҳаммад Алихон ва Султон Маҳмудхонни), шунингдек валиаҳд Муҳаммад Аминхонни ўлдириб, Нодирани тирик қолдирганда, Нодира ўз нуфузидан (обрўсидан) фойдаланиб, бутун Фарғона халқини Амир Насруллога қарши оёққа турғизиши, галаён кўтариб, «Насрулло қассоб»ни ~~махдан тобутга~~ тортиши — қоронғи тундан сўнг ёруғ ~~маънаси~~ ~~шунинг~~ ~~дек~~ муқаррар эди.

Амир Насрулло мана шу муайян таҳликадан, аниқ хилфу хатардан қутулиш учун ўзининг қобилиятли рақиб Нодирани ўлдирди десак — бу тарихий фожиадан мангикий хулоса чиқарган бўламиз.

## II

Шоира Нодира ўз шеърларини аввал «Комила», кейинча «Нодира» тахаллуслари билан ёзиб, Фарғона халқи орасида «Нодирани даврон» номи билан шуҳрат қозongan бир санъаткордир.

Нодирага жуда яқин турган замондоши, шоира Увайсий эса, «Воқиоти Муҳаммад Алихон» номли манзум ҳикоясида:

Шаҳлар орасидадур Умархон,  
Бир неча куни сурарди даврон.  
Маҳора эди унинг заифи,  
Макнунди тахаллуси латифи.

деб, Нодиранинг учинчи тахаллуси ҳақида хабар қилади. Бироқ, Нодира ўз девонига ёзган дебوحасида ўзини: «...Шариат аҳкомида омила, алмуллақаб бил-Комила» деб таништиради ҳам, девонда «Комила» ва «Макнун» тахаллуси билан ёзилган бирорта шеър йўқ. Тўғри, Умар-

хон сарой шоирларининг деярли барча адабий маҳсул-  
ни ўз ичига олган Фазлийнинг «Мажмуаттуш-шуаро»си-  
да «Макнун» тахаллуси билан ёзилган шеърлар бор.  
Аммо бу Макнуннинг биринчи шеърини китобга киритиш-  
дан олдин Фазлий бу шоир ҳақида қуйидагича маълум-  
мот бериб ўтади:

Бигуфт ин ғазал қозии Эрназар,  
Ба табиати шоҳи олий гуҳар;  
Замираш зи файзи сухан оғаҳ аст,  
Дуогўйи даргоҳи шоҳаншаҳ аст.

(Олий гавҳардек шоҳимизга пайрав қилиб, бу шеър-  
ни Эрназар қози ёзди; табиати сўз файзидан огоҳ бу зот  
шаҳаншоҳ даргоҳининг дуогўйларидандир).

Фазлийнинг бу справкасида кўриниб турибдики, бу  
«Макнун» шоира эмас, шоирдир, Моҳлар ойим эмас, Эр-  
назар қозидир. Шундай қилиб, ҳозир мавжуд манбалар-  
да Нодиранинг Комила ва Макнун тахаллуси билан ёз-  
ган шеърларидан бирорта намуна кўринмайди. Бизнинг  
фикримизча, Нодиранинг Комила ва Макнун тахаллуси  
билан ёзилган шеърлари махсус девонларни ташкил  
этиб, Амир Насрулло қўшини Қўқонни талон-торож қи-  
либ, мадрасадаги китобларни гулханда ёққанда, Нодира  
девонлари ҳам «жиноятчининг» асари сифатида шу жа-  
ҳолат гулханида куйиб кул бўлган бўлса керак.<sup>1</sup> Зотан,  
Нодиранинг ҳозир мавжуд девони ҳам хаттотлар томо-  
нидан зебу зийнат билан шоҳ саройига атаб тузилган  
муҳташам девон бўлмай, турли котиблар томонидан кў-  
чирилган ғариб бир тўпламдир. Девоннинг дебчаси  
(унинг ҳам охири йўқ) бир хил қоғозга, Нодира шеър-  
лари бошқа қоғозга, шу девон охиридаги бошқа шоир-  
ларнинг шеърлари бошқа хил қоғозга кўчирилган. Фик-  
римизча, шоиранинг Амир Насрулло торожидан омон қол-  
ган, ёхуд халқ орасига тарқалган ғазалларини бирор  
адабиёт муҳиби тўплаб тартибга солган бўлса керак.  
Девонда Нодиранинг 109 та ўзбекча ва форсча ғазалла-  
ри бўлиб, тахминан 1700 мисрадан иборатдир.

<sup>1</sup> Менинг бу тахминим тўғри бўлиб чиқди. ЎзССР Фанлар Ака-  
демияси ҳузуридаги адабиёт музейининг илмий ходими Маҳбуба  
Қодирова Нодиранинг «Макнуна» тахаллуси билан ёзган форсча  
ғазалларидан иборат бир девон тонгани ҳақида матбуотда хабар  
қилинди. 1963 йилда М. Қодированинг ташаббуси билан бу форс-  
тожик тилидаги ғазаллар Нодиранинг ўзбекча ва тожикча мукамал  
девонида нашр этилди.



### III

Нодира ўз ҳаётида ҳам, ғазалларида ҳам вафодор ёр образининг мужассам тимсолидир. Утмишнинг ҳамма шоирлари, шоиралари, адиблари, адибалари инсониятни эзгу йўлга бошлаш учун тасаввур этилмиш оламни куйлаганлар, улар ўзлари яратган бу гўзал оламнинг муштоқи эдилар. Нодира эса, тақдир бошини сийлаган бир қиз эди. Ўзининг ҳусни жамоли, ақлу заковати билан Фарғона халқи орасида дoston бўлган бу соҳибжамол қизни бахту толе мамлакат маликаси даражасига кўтарди. Тўғри, подшоҳнинг хотини бўлиш ҳамиша бахт эмас, лекин Умархондек ҳам шоҳ, ҳам забардаст шоирнинг рафиқаси бўлиш катта бахт эди, албатта. Шунинг ҳам айтиш керакки, Нодира Умархоннинг энг севикли хотини эди. Нодира билан Умархоннинг оилавий ҳаётини жуда яхши билган шоирамиз Увайсий Умархон билан Нодира орасидаги муносабатни шарқ адабиётидаги машҳур ошиқ-маъшуқлар билан қиёс қилиб ёзди:

Шаҳлар орасидадур Умархон,  
Бир неча қун сурарди даврон.  
Маҳпора эди унинг заифи,  
Макнунди тахаллуси латифи —  
У Юсуф эди, будур Зулайхо,  
Ул Вомиқ эди, бу эрди Узро.  
Бириси Лайли, бириси Мажнун,  
Бир-бирини муҳаббатига мамнун.<sup>1</sup>

Увайсийнинг бу шаҳодати — гувоҳлиги ҳеч қандай шарҳ ва изоҳга муҳтож эмас. Демак, Нодира билан Умархон тарихда жуда сийрак учрайдиган масъуд-бахтли оилавий ҳаёт кечирганлар.

Агар бунга Нодиранинг:

«...Сайид Умар Баҳодирхон... аксари авқот мавзун хаёллар бирла ғазал ва мухаммас ва таржиъи мурассаъ қилур эрди ва андин ошиқларга сурур ва ҳусн аҳлига ғурур пайдо бўлур эрди... Мен ҳам алар мутобатида... бирор байт тақлид билан айтур эрдим. Ҳазрат баъзи нуқсонларига ислоҳ бериб, мавзун ва мурассаъ

<sup>1</sup> ЎзФА Шарқшунослик институти қўлёзмаси, № 1837. III парак, Увайсий. «Воқиоти Муҳаммад Алихон».

қилур эрдилар...»<sup>1</sup> каби иқрорини қўшсак, Умархон Нодирига учун севгили ёрғина эмас, шеърятда гамхўр, меҳрибон устоз ҳам эканлиги равшан бўлиб қолади. Демак, Фарғона гўзали Моҳлар оғимни машхўр шоира даражасига етказган, унинг «Нодираи даврон» лақаби билан донг чиқаришига сабаб бўлган устоз — Умархон эди.

Шунинг учун Нодирига ўз ижодининг ибтидосидан иштихосигача ўзини куйлади: у кулиб боққан бахтга тароналар ёзди, маъшуқа бўлиб ошиғини, Лайли бўлиб Мажнунини, Зулайхо бўлиб Юсуфини куйлади. Нодирига ўзи севиб ва севилганини чуқур ҳис этиб ёзгани учун унинг ғазаллари ҳис-ҳаяжонлар билан тўла. У ишқ-муҳаббат мавзуида сўз юритганда, қалби тўлиб-тошар, минг йиллар давомида такрорлана-такрорлана трафарит ҳолига келган ташбеҳлардан қочиб, ўзига хос, янги тасвирлаш воситалари топади. Чунончи, ошиқ ёхуд маъшуқанинг руҳий ҳолати тасвирида, у муҳаббат майидан маст эди, таъбири шарқ адабиётида айтилган, такрорланган таъбирдир. Лекин бу кўҳна сўз материалдан Нодирига мазмуннинг шундай тоза майини қуядики, у ҳар қандай ўқувчини завқ-шавқдан сархуш этади:

Нодирига, жомини муҳаббатни лаболаб ичибон,  
Мастлиқ бирла қилай ишқ намозини адо.

Муҳаббат жомини бундай тўлдириб ичмоқ ва мастлиқ бирла... ишқ намозини адо қилмоқ ўзбек классиклари орасида фақат Нодирига мансуб ихтиродир. Муҳаббат майидан маст бўлиб, ишқ намозига сажда қилган бу шоиранинг муҳаббат ҳақидаги тушунчаси жуда кенг, шоира муҳаббатни комил инсонликнинг нишонаси ҳисоблаб, бу нашъадан маҳрум кимсани одам қаторида санамайди. Бу жиҳатдан қараганда, Нодирига билан ўзбек халқи орасида тўла ҳамфикрлик бор, масалан, ўзбек халқ мақолида:

Ишқи йўқ — эшак, дарди йўқ — кесак —

дейилган бўлса, Нодирига бир шеърда:

Муҳаббатсиз киши одам эмасдур,  
Ҳар одамсан муҳаббат ихтиёр эт —

деди.

<sup>1</sup> УзФА қўлёзмаси, № 4182, varaқ, 3а, 3б.

Шу фикр шоиранинг бошқа шеърларида қайта-қайта таъкидланиб, бир жойда:

Жаҳонда Нодира, ишқ ихтиёр эт,  
Муҳаббатсиз кечурган ҳайф авқот —

тарзида ифода этилган бўлса, бошқа бир шеърда:

Менга, эй Нодира, қисмат бу эркан,  
Азал кундан бўлубдур ишқ пайдо —

дейди.

Муҳаббатни бундай чуқур англаган, унга бундай кенг маъно берган Нодира оилавий ҳаётда вафо, садоқатнинг мужассам тимсоли эди. Зотан, вафо — оилавий ҳаётнинг маъноси, моҳияти, файзидир. Шунинг учун Навоий вафони гавҳари ноёб деб атайди. Бу жиҳатдан қараганда, Нодира ўз шахсий ҳаёти билан бошқа қизларга намуна бўларли гавҳари ноёбдир. Ёрга вафо — Нодира ғазалларининг асли моҳияти, уларнинг мағзидир. Мана шу мантиқдан чиқиб, шоиранинг қуйидаги мисраларига эътибор қилингиз:

Бўлса то умру ҳаётим боқий,  
Мену элгимдир домони вафо.

Ехуд:

Берай жон висол ичра, эй нўшлаб,  
Фироқингда тоқай қилай тобу таб?  
Жамолинг менга муддао субҳу шом,  
Висолинг менга орзу рўзу шаб.  
Агар келса бошимга тиғи ажал,  
Қилурменму йўлингда тарки талаб?

Нодиранинг вафо бобидаги бу фидокорона, самимий фикрларини ўқиб, ихтиёрсиз улуғ Навоийни эслайсан, киши. Навоийнинг Мажнун тили билан Навфал қизига:

Ерингга вафо шиоринг ўлсун-  
Ким, тенгри ҳамиша ёринг ўлсун —

деган мисралари, аслда келажак авлодларга қаратилган насиҳат эди. Нодира мана шу насиҳатни «лаббай» деб

кабул этган қизларнинг бири бўлиб, у шахсий ҳаётида бунга амал қилди, ижодий фаолиятида вафо унинг бош мавзуи бўлди: Нодира — вафони куйлаган шоирадир.

Нодира ҳали ёш экан, унинг севгили ёри, устози Умархон вафот этди, лекин Нодира унга ўз умри охиригача содиқ қолиб, ғам-ғусса билан тўлган аламангез ғазалларда бу ёрнинг идеал образини яратиб, унга абадий садоқатини куйлади. Мана у нима деди:

Бевафолардек сени ҳаргиз фаромўш айламай,  
Нодира ёдингни айлар то дами явмул-ҳисоб.

Нодира ёрни беқиёс даражада қадрлар, у билан ўтказилган ҳар бир лаҳзани улуг давлат деб билар эди, шу маъно шоиранинг «Рўза» шеърисида жуда порлоқ ифодасини тошган:

Жон кўрмади рўзани ҳаловат.  
Ифторда ёрсиз на лаззат?  
Ёр айласа ёри бирла ифтор,  
Йўқ рўзада мундин ўзга давлат...

Ёрига бунчалар меҳрибон, бунчалик мунис Нодиранинг шодлик ва қувончларини куйлаган сони Умархон вафотидан кейин, бирдан мотам нашидасини куйлай бошлади. Нодиранинг кейинги шеърлари шоиранинг қалбидаги изтироблар, ҳаяжонлар, мустарлик, маъюслик тасвиридан иборат бўлиб, мотамзадалик кайфиятидаги синиқ руҳнинг ҳазин нолишидир.

Васл уйин обод қилдим, бузди ҳижрон оқибат,  
Сели ғамдин бу имерат бўлди вайрон оқибат.

Орзу қилдим тутармен деб висоли доманин,  
Пора бўлди ҳажр илгида гирибон оқибат.

Нодира булбул каби то нола иншо айладим,  
Навбахор ўтти, хазон ўлди гулистон оқибат...

Ёлғиз бу шеърдагина эмас, бу даврда ёзилган бошқа шеърларида ҳам шунингдек мунг, руҳий шикасталик, абадий ҳижрондан шикоят, ёрга интизорлик, уни қўмсаш, танҳолик ва жудоликдан фарёд ва нола овози эшитилиб, киши руҳига вазмин таъсир қилади. Чунончи:

Менки қолдим ҳажр вайронида бесомон бўлуб.  
Ёр келмас кулбаи эҳзонима меҳмон бўлуб.  
Дашту саҳродин сўроғингни тополмай дард ила,  
Айланиб келдим яна ғам уйига ҳайрон бўлуб.  
Шарбаги лаълинг хумори бирла чандон йиғладим,  
Қатра-қатра кўзларимдан оқди бағрим қон бўлуб.

Ехуд мана бу мусибатномани ўқиб кўрингиз. Ғам алам ва мотам шоиранинг вужудига шу қадар сингиб кетганким, бу руҳий ҳолат тасвирида у ўз замондошларининг баридан пешқадам шоирадир:

Вафо шаҳбозидурман, гар мени сайд этмоқ истарсан,  
Муҳаббат риштасидин қилғасен, зинҳор, домимни.  
Муриди ишқи оламсўзман ушшоқ базмида,  
Навою нолаи найдек баланд этди мақомимни.  
Қаронғудур кўзимга ҳажр шони, тийрадур айшим,  
Фалак туфроғи гинҳон айлади моҳи тамомимни...

Ғараз хизматларимдин ёр васли иқтивосидур.  
Тиларман васлини, ёраб, зиёд эт эҳтимомимни.  
Жавоби шоҳ байти Нодира, ул нодири даврон,  
Тегиб санги ажал синдурди мино бирла жомимни..

Ехуд мана бу куйга солинган нолага эътибор қилингиз:

Ҳар лаҳзаки, эй ёр, сени ёд қилурман,  
Ҳажр офағидин нолау фарёд қилурман,  
Ўз жонима бедод уза бедод қилурман,  
Бахтимни забун толиидин дод қилурман,  
Муншини қадар менга қалам чекди дигаргун,  
Паймонан айшимни қазо айлади вожун..

Бу аламангез, бу мотамомез шеърлар мутолаасидан биз қалбимизда дард ҳис этамиз, шунинг билан бирга, булар вафо ҳақидаги кўшиқлар бўлгани туфайли, буларни куйлаган шоирага нисбатан юрагимизда чексиз ҳурмат-эҳтиром ҳис этамиз. Зотан, Нодира вафо куйчиси сифатида бундай ҳурматга сазовор шоирадир.

Нодира инсон бахтини, ер муҳаббатини куйлаган шоирадир. Шунинг учун у самовий муҳаббат ҳақида сафсата сотган шайхлар — зоҳидларга қарши оппозицион мавқе тутди, у шайхларни фош этишда Навоий пизидан борди. Нодиранинг эътиқодича, шайхларнинг ҳамма

кирдикори: тамаъгирлик, ҳийла-пайраиғ ва риёкорликдан иборатдир. Мана, у вима дейди:

Риёу, ҳирсу, тамаъ савтидир таронаи шайх,  
Эшитмагум, ҳама афсун эрур фасонаи шайх.

Кўнгуллар ўлди совуқ суҳбатидин афсурда,  
Эрур чу боди хазон оҳи ошиқонаи шайх.

Нодира:

Ишқу муҳаббат ўлди ошиққа дину мазҳаб

шиори остида иш кўриб, турли муносабат билан зоҳидларга пичинг қилади, улардан кулиб, масхаралайди; шоира Хайёмдек ҳаётдаги хушнудликлар — қувончлар символи сифатида майни мадҳ этади, зуҳд аҳлининг совуқ суҳбатидан қочиб, майхона аҳлига яқинлашади, соқий билан дўстлашиб:

Соқий, менга қадаҳ (тут) бу дайр аро лаболаб,  
Зуҳд аҳлидин ўсондим, тутдим сенинг-ла машраб,—

деб, ҳаётдаги қувончларни куйлайди. Шоиранинг «Эй хушо» деб бошланадиган гўзал бир газали чиндан ҳам хайёмонадир, бу газал ҳаётга бағишланган қувноқ-хушчақчақ мадҳиядир. Мана бу газал:

Эй хушо, шиша аро оби ҳаёти ҳукамо,  
Ким они ҳар киши нўш этса бўлур Хизрнамо.  
Ҳукамо ишқ маризига буюрмиш майи ноб,  
Ҳажр дардиға демишлар бу муфарриҳни даво...  
Бўлди гул мавсуми-ю майкадалар жонибидин,  
Муждан айшу тараб етқузадур боди сабо...  
Нодира жоми муҳаббатни лаболаб ичибон,  
Мастлиқ бирла қилай ишқ намозини адо.

Зоҳидлар, минг йиллар давомида ҳаётни куйлаган реалист шоирларнинг рақиби бўлиб келдилар. Бундай шоирлар билан зоҳидлар икки қутбга ўхшайди, булар ўт билан сувдек бир-биринга зид ақида билан яшайдилар. Зоҳидлар мавҳум жаннат билан ҳурлар умидида моддий оламнинг қувончларидан воз кечиб, риёзатга майл кўрсатадилар ва бошқаларни шунга даъват қи-

ладилар. Реалист шоирлар эса, зоҳидларнинг бу таг-сиз хом даъволаридан кулиб, ҳаётнинг моҳиятини хуш-нудликда кўрадилар, шунинг учун улар май, майхона мавзуни тўлиб-тўлиқиб куйлайдилар. Чунки май ва майхона, улар назарида, қувончларнинг манбаидир. Нодира мана шу ҳаёт ҳақиқатини идрок этмаган зоҳидларни кўзда тутиб ёзади:

Ҳақорат бирла, эй соқий, боқар майхона аҳлига,  
Сўниб бир жоми май, зоҳидни анда нақши девор эт.

Эрур пири муғондин бу башорат, турғил, эй соқий,  
Лаболаб жом ила зоҳидни даъвосини бекор эт.

Нодира зоҳиднинг фаросатсизлигини, бефаҳм ва беидрок эканини фош қилиш учун ҳар хил муносабатлар тонади ва ундан қаттиқ кулади; шулардан бири қуйидаги байтдир:

Тарки иншқ эт, деди менга зоҳид,  
Демади ҳеч телба мунча қабиҳ.

Шу тариқа, Шарқ шоирлари майхонани — жаннатга, майни — кавсар сувига, маҳбубани ҳурларга қарши қўйиб, хаёл, тасаввур этилмиш оламни рад этадилар, моддий дунёнинг мавжуд нозу неъматларини, ер қизининг фазлу камолини, васл жаннатини, ҳажр дўзахини, хуллас, биз яшаб турган шу моддий оламнинг латофатини, қувонч ва азобларини куйлаш билан, уларнинг баъзилари идрок этиб, баъзилари ҳис-туйғу орқали идеализм позициясидан материалистик позицияга ўтиб қоладилар.

Минг йилдан зиёд бир даврда шайх ва зоҳидларга қарши қаратилган ижтимоий лириканинг фалсафий моҳияти мана шундан иборат. Ўзбек халқининг сеvimли шоираси Нодира бу борада ўзининг улуғ салафлари: Хайём ва Навоий каби файласуфлар изидан борди.

Умархон даврида шеърятда радифгўйлик, назирогўйлик авж олгани учун у давр шоирларининг шеърлари вазн, услуб ва ғоялари жиҳатидан бир-бирига ўхшаб кетади. Аммо Нодира шеърларида бу нуқсон кўринмайди, у ҳеч кимга эргашмаган, ҳеч кимга тақлид этмаган, радифгўйликка, назирогўйликка зеб бермаган. Нодира ўз

услуби, ўз овози билан, шеърларининг сермазмун, серҳаяжонлиги, жўшқинлиги ва самимийлиги билан ҳаммадан фарқ қилиб, ажралиб туради. Бошқача айтганда, Умархон даври поэзияси ўзи бир олам, Нодира поэзияси ўзига хос бошқа бир оламдир.

Ўткир Рашид ва Азиз Қаюмовлар, шоир Фазлий Нодирани Зебуннисо билан бир қаторга қўйиб тилга олса ҳам, унинг асарларидан намуналар келтирмайди, деб «Мажмуатгуш-шуаро» муаллифидан ўпкалайдилар<sup>1</sup>. Бу авторлар Фазлийнинг Маҳзуна ҳақидаги:

Ба маъни чу Зебуннисо нодира,

Ба Ҳуқанд машҳура-у шоира —

деган тавсифномасини кўзда тутадилар. Бу хато, албатта. Аслда Фазлий Нодирани умуман тилга олган эмас ва уни тилга олиб, таъриф-тавсиф қилиши, унга қандай бўлмасин баҳо бериши мумкин ҳам эмас эди. Зеро Нодира Фазлий назарида мамлакат маликаси, Умархондан сўнг эл-юртнинг энг улуг, энг муътабар кимсаси эди. Бас шундай экан, Фазлийнинг мамлакат маликаси ҳақида қандайдир мулоҳаза юртиши, юмшоқ қилиб айтганда, одобсизлик бўларди.

Фазлийнинг:

Ба маъни чу Зебуннисо нодира

мисрандаги «нодира» сўзи эса, Фарғона маликаси Моҳлар ойимнинг тахаллуси эмас, балки Зебуннисонинг сифатидир. Бу байтнинг ўзбекча маъноси қуйидагичадир:

(Маҳзуна) маънида Зебуннисодек ягона бўлиб, Қўқоннинг машҳур шоирасидир.

Хуллас, Нодира номи мудом «Мария Стюарт» трагедиясини эслатиб, киши кўнглини вайрон этади. Дарҳақиқат бу икки маликанинг фожиали тақдири икки томчи сувдек бир-бирига ўхшайди; орадаги фарқ шундаки, Марияга Шиллер абадий ҳайкал қўйиб кетди, Нодирага эса, бу ҳайкални ким қўяди, буниси ҳали номаълум. Нодира — бахт ва бахтсизликнинг мужассам тимсоли, нодир бир асарнинг ҳали қаламга олинмаган мавзуидир.

<sup>1</sup> «Уч шоира» тўпламига ва «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнаlining 1958 йил, № 1 сонига қаралсин.



## **НОДИРА ШЕЪРЛАРИ**

### **ИМТИҲОН ЭТИБ КЕТ**

Кел даҳрни имтиҳон этиб кет,  
Сайри чамани жаҳон этиб кет.

Бедардларинг жафоларидин  
Фарёд чекиб, фиғон этиб кет.

Дунё чаманини булбулисан,  
Гул шоҳида ошъён этиб кет.

Эй ашқ, кўзимни мактабидин,  
Ҳайрат сабақин равон этиб кет.

Олам чаманики бевафодур,  
Бир оҳ била хазон этиб кет.

Ушшоқ мақоми бўстондур,  
Азми раҳи бўстон этиб кет.

Мақсад на эди жаҳона келдинг?  
Кайфиятини баён этиб кет.

Фош этма улусқа ишқ сиррин,  
Кўнгулда ани ниҳон этиб кет.

Кел, ишқ йўдида кўзларингни,  
Эй Нодира, дурфишон этиб кет.

### ФАРҲОД АГАР

Фарҳод агар урса менга лофи муҳаббат,  
Бир оҳ ила айларман уни доғи хижолат.

Ҳарчандки бемори гамн ишқ эди Мажнун,  
Дардимни кўриб, тишлади ангушти надомат.

Фарҳодда бўлсайди менинг гайрати ишқим,  
Бир оҳ ила айлар эди ул тоғни горат.

Мажнунда агар бўлса эди сабру таҳаммул,  
Қилмасму эди мен каби шаҳр ичра иқомат.

Гар бўлса Зулайхода менинг заррача ишқим,  
Қолмас эди Юсуфни фироқида саломат.

Ишқ офатига тоғ таҳаммул қила олмас,  
Ман-манки қилурман бу гаму дардига тоқат.

Дарду аламу ғуссаки, ҳажрида чекарман,  
Бу меҳнату гам кимдадир, эй аҳли муҳаббат?

Юздаи бири Мажнунда агар бўлса ғамимни,  
Бир оҳ ила оламга солур шўри қиёмат.

Ҳар ҳолда, эй Нодира, шукр айла худога,  
Қим, берди сенга ишқу муҳаббат ила давлат.

## БАҲОР КЕЛДИ

Баҳор келди кўзим гулга боқмади асло,  
Надинки, гулшан аро гулрухим эмас пайдо.

Юзимга бўлди юзинг муқтарин биҳамдиллоҳ  
Очилди меҳру вафо боғида гули раъно.

Сариг юзимда қизил ашкими таровати бор,  
Нечукки, соғари заррин аро майи ҳумро.

Лабидан айру менга бода тутма, эй соқий,  
Хумор кулфатига моний ўлмади саҳбо.

Бу жони хастаки, васлингни орзу айлар,  
Хаёл туррасидин бошида узун савдо.

Фироқ лашкари тугёнидин маозаллоҳ-  
Ки, қилди сабру таҳаммул диёрини яғмо.

Юзинг назораси ушшоқларни фирдавси,  
Ҳарими дарғаҳинг аҳбоба жаннатул-маъво.

Сенинг салосили зулфинга мубталодурман-  
Ки, бўлди аҳли хирад қушлариға доми бало.

Фалакдин ўтди фиғоним, қуёшга етди уним,  
Ҳануз, Нодира, кам бўлмади бу оҳу наво.

## МАРҲАБО

Марҳабо, эй пайки султон, марҳабо.  
Ҳудҳуди мулки Сулаймон, марҳабо.

Талъатинг фаррух, муборак мақдаминг,  
Қилди кулбамни гулистон, марҳабо.

Хўб келдинг, яхши келтирдинг хабар,  
Айладинг дардимга дармон, марҳабо.

Бўлди мавзун қоматингдин мунфайл,  
Сарви нози боғи ризвон, марҳабо.

Қилғасен ул моҳ меҳрин ошкор,  
Субҳ янглиғ покдомон, марҳабо.

Мужда келтирдинг висоли ёрдин,  
Топти таскин дарди ҳижрон, марҳабо.

Кел бери, то хоки пойингни қилай  
Тўтиён чашми гирён, марҳабо.

Равшан айларман чароғи оҳни,  
Кўзларимдур гавҳарафшон, марҳабо.

Бу кеча ҳижрон шабистонидадур,  
Анжуми ашким чаргон, марҳабо.

### ЭЙ ХУШО, ШИША АРО

Эй хушо, шиша аро оби ҳаёти ҳукамо-  
Ким, они ҳар киши нўш этса бўлур Хизрнамо

Ҳукамо ишқ марзига буюрмуш майи ноб,  
Ҳажр дардига демишлар бу муфарриҳни даво

Бодадин айлама парҳез, дамо-дам қадаҳ ич,  
Келди мазмум муҳаббат йўлида зуҳду риё.

Бўлди гул мавсуми-ю майкадалар жонибидин,  
Муждаи айшу тараб еткузадур боди сабо.

Эй хуш ул ринди майшоми сияҳмаст мудом  
Жоми май илгида, олдида сабуву мийно.

Ғусса паймонасида хуни дил ошом айлар,  
Бодадин ҳар кишиким, айлар эса истиғно.

Зоҳидо, гар десанг ишқ аҳлига расво бўлмай,  
Демоғил майкада авбошиға кўп чуну чаро.

Бода муштоқига лутф айла, қадаҳ тут, соқи,  
Йўқса Жамшидға ҳам айламади жом вафо.

Нодира, жоми муҳаббатни лаболаб ичибон,  
Мастлик бирла қилай ишқ намозини адо.

### КЕЛ, СЕНГА ЭЙ ШАҲИ ЖАҲОН

Кел, сенга, эй шаҳи жаҳон, мамлакати жаҳон фидо  
Дийдаларимга қўй қадам, ҳар қадамингга жон фидо.

Лаъли лабинг фироқида хуни жигар ғизо менга,  
Сарви қадинг ҳавосида жон этарам равон фидо.

Айшу нишоти офият дарду гамингни садқаси,  
Бир нафас иштиёқинга ишрати жовидон фидо.

Вақти хиром, эй сапам, дийдаларимга қўй қадам,  
Хоки раҳингга айларам чашми гуҳарфишон фидо.

Гарчи менинг алимдадур ҳосили мулки мамлакат,  
Етса висолинг, айларам барчани ройгон фидо.

Йиғлама эмди, эй кўзим, тўкма юракни қонини,  
Доғни тоза айладинг қониға бўлди қон фидо.

Подираи ғазал саро назмини кўрса ногаҳон,  
Дурру жавоҳирин қилур фикрига бағри қон фидо.

\* \*  
\*

Аз ҳажри рухаш азоб дорам,  
Як пора дили кабоб дорам,

Аз сар наравад ҳавон масти,  
Аз фикри лабаш шароб дорам.

Аз баҳри расидани висолаш,  
Чун барқ бәсе шитоб дорам.

Гардонда зи рӯзу шаб варақҳо,  
Умри гузарон — китоб дорам.

Пурсидани ҳоли дарди ҳижрон,  
Журме набувад, савоб дорам.

Макнуна зи зулми фурқати ӯ,  
Ду дида даруни об дорам.

### ЭЛДИН НИХОН ИЧ

Май ичсанг, эй кўнгул, элдин ниҳон ич,  
Лаби ёди била май ройигон ич.

Агар ғамдин халос ўлмоқ тиларсен,  
Суроҳидек шароби арғувон ич.

Кўнгул, шодоб эди васли майидин,  
Лабидин айру тушдинг, эмди қон ич.

Кириб майхонага, ғамдин омон топ,  
Дамо-дам жом тут, май ҳар замон ич.

Майи ноб эл иёриға маҳак (дур),  
Ўзингни айламакка имтиҳон ич.

Будир мазмуни мавжи бодаи ноб-  
Ки, саҳбо пирни айлар жувон, ич.

Сенга, эй Нодира, жоми муҳаббат,  
Чу сунди соқийи ширин забон, ич.



### КЕЛТУР ШАРОБ

Тийрадур субҳи нашотим соқиё, келтир шароб,  
Шоми ҳижрон зулматида жоми майдур офтоб.

Моҳи тобон юзлигим, ҳар лаҳза ёд этсам сени,  
Дуд бағримдан чиқар ўт ичра тушгандек каоб.

Банд этиб зулфинг аро кўнглимни озод этганинг,  
Қуш учургандек эрур боғлаб аёғига таноб.

Қошки оҳим насимидин таҳаррук айласа,  
Ёрким, рухсориға гул баргидин солмиш ниқоб.

Ҳажр ошўби балодурким, ани ташвишидин,  
Қатраи симоб янглиғ кўнглим айлар изтироб.

Шод эди ул шоҳи даврон васли бирла хотирим,  
Айш даврониға солди даври гардун инқилоб.

Бевафолардек сени ҳаргиз фаромўш айламай,  
Нодира, ёдингни айлар то дами ёвмул-ҳисоб.

### ГУЛГА ДЕСАМ

Гулга десам, йўқ, кафи пойингга тоб,  
Дийдама қўй, эй бути заррин рикоб.

Ташқари чиқма кечалар ҳашр ўлур,  
Чиқса ярим кечада гар офтоб.

Гарқай хуни жигар ўлди таним,  
Қон ёш ила мўйи сар этдим хузоб.

Турфа саволе лабидин сўрди дил,  
Жон берайин бўлмаса ширин жавоб.

Сурати девор каби бўлмишам,  
Ҳасрати дийдор ила беҳўрду хоб.

Жонима қасд айлар эсанг қил, валеқ,  
Тишлама лаълингни қилурсанг итоб.

Мойли зулм этма кўзинг туркини,  
Йўқса қилур мардум уйини хароб.

Бу кеча майхонани даргоҳида,  
Пири мугондин тиларам фатҳи боб.

Айламадинг, эй бути паймон шикан,  
Нодирани васлинг ила комиёб.

### ШИТОБ АЙЛАБ

Ғазаб бирла нигорим ўтди ёнимдан шитоб айлаб,  
Юзин кўргунча ўлдурди мени ҳажри азоб айлаб.

Пари янглиғ назардин чеҳра пинҳон этди ул маҳваш,  
Фироқу ҳажр жомидин мени масти хароб айлаб.

Кўнгул шодоб этди журъаи жоми висолидин,  
Солиб ҳижрон ўтиға кетти бағримни кабоб айлаб.

Мурувват айла, жоно, сендин айру тийрадир айшим,  
Ёрут кулбамни бир тун оразингни офтоб айлаб.

Ичармен май дамо-дам ёр лаълини хуморидин,  
Мени майхонадин манъ этма, зоҳид, ихтисоб айлаб.

Ҳисоб этмоққа чарх анжумларин бор эҳтимол анда,  
Менинг доғи дилимни лек бўлмайду ҳисоб айлаб.

Лабидин айру қон ютмоқ ишимдур борғил, эй соқи,  
Менга беҳуда кулфат берма таклифи шароб айлаб.

Дариғо кетти охир гавҳари мақсуд илгимдин,  
Топиб эрдим сени маҳбублардин интихоб айлаб.

Вафо сарлавҳи узра Нодири мавзун каломини  
Езар, таҳсини шеъри Хисрави олий жавоб айлаб.

### БЕРАЙ ЖОН ВИСОЛ ИЧРА

Берай жон висол ичра, эй нўшлаб,  
Фироқингда токай қилай тобу таб?

Жамолинг менга муддао субҳу шом,  
Висолинг менга орзу рўзу шаб.

Агар келса бошимга теги ажал,  
Қилурменму йўлингда тарки талаб?

Қадинг мисраи шўху баржастадур,  
Бўлиб ҳусн девонидан мунтахаб.

Мени зор Фарҳоду Мажнуннажод,  
Эрур ёр Ширину Лайлинасаб.

На маҳфилда шаҳду шакар ёладинг-  
Ки, бир бирга часпандадур икки лаб.

Фироқда шамъи шаби ҳажрмен  
Эмас куймагим, Нодира, бесабаб.

## КЕТМАДИ МЕНДАН ҚАДАҲ

Кетмади мендан қадаҳ бирла хумори офтоб,  
Субҳ янглиғ тортадурман интизори офтоб.

Сарф қилгумдир оши жоми висоли нақдина,  
Гар муяссар бўлса лаъли обдори офтоб.

Мохрўларни юзинг ойи мусаххар айлади,  
Мунча бўлмас анжум ичра иқтидори офтоб.

Оразингни(нг) тобидин бўлди назокат дастгоҳ,  
Турфа гуллар зоҳир этди навбаҳори офтоб.

То юзинг ойи намоён бўлди ҳусн афлокида,  
Рашк ўтидин тийра бўлди рўзгори офтоб.

Гар кўзим ҳуснинг чароғидин мунаввар бўлмаса,  
Равшан этмас партави нури шарори офтоб.

Нодира оҳим синонидин таваҳҳум тортибон,  
Чарх майдонидадур чобуксувори офтоб.

### СОҶИЙ, МЕНГА ҚАДАҲ ТУТ

Соқий, менга қадаҳ (тут) бу дайр аро лаболаб,  
Зухд аҳлидин ўсондим, тутдим сенинг-ла машраб.

Хуснинг тажаллисидин бетоб моҳрўлар,  
Андоқки зоҳир ўлмас хуршид чиқса кавкаб.

Ёримни васли бирла олам мунаввар эрди,  
Бор эрди моҳи тобон хуршидга муқарраб.

Мажнуни бенавони таклифи жоҳ қилма,  
Ким телбалар бошида йўқдир ҳавои мансаб.

Мухтожи дарғаҳингмен юз минг умид бирла,  
Мен қулни бу эшикдин навмид қилма, ёраб.

Теги забонинг ўлди мифтоҳи ганжи дониш,  
Алломаи замондур олингда тифли мактаб.

Қил, Нодира, муяссар шўри жунун жаҳонда,  
Ишқу муҳаббат ўлди ошиққа дину мазҳаб.

## ДУСТЛИҒ РАСМИНИ ИЗҲОР ЭТ

Рафиқо, менга бир дам дўстлиғ расмини изҳор эт-  
Ки, мен бордим ўзимдин, ёр агар келса, хабардор эт.

Қачон ишқ аҳлини ўлтурмоғини ихтиёр этсанг,  
Жафо тиги билан аввал мени(нг) бағримни афғор эт.

Ҳақорат бирла, эй соқий, боқар майхона аҳлига,  
Сўниб бир жоми май, зоҳидни анда нақши девор эт.

Менинг ҳолимга йиғлар дашту саҳроларда ваҳшийлар,  
Агар кўйига борсанг, эй сабо, ёримга изҳор эт.

Эрур пири муғондин бу башорат, тургил, эй соқий,  
Лаболаб жом ила зоҳидни даъвосини бекор эт.

Қадинг раъно ниҳоли сарвдур, жоно, хиром айлаб,  
Чаман гулгаштида товусқа сен таълими рафтор эт.

Юмулмас кўзларим, эй моҳи тобон, иштиёқингдин,  
Чиқиб ер остидин муштоқларга арзи дийдор эт.

Зулайхо муштаридур ганжи гавҳар бирла васлингга,  
Жаҳон аҳлини Юсуфдек жамолингга харидор эт.

Гули савсан очилди, бенаволиқ қилма, эй булбул,  
Чаманда Нодира ашъори бирла нолаи зор эт.

### НА ГУЛ САЙР АЙЛА

На гул сайр айла, на фикри баҳор эт.  
Жаҳондин кеч, хаёли васли ёр эт.

Муҳаббатсиз киши одам эмасдур,  
Гар одамсан муҳаббат ихтиёр эт.

Изору қадду рафторингни кўрсат,  
Чаман сарву гулини шармсор эт.

Лаби махмурдурмен жоми май тут,  
Карам қил соқие, дафъи хумор эт.

Аналҳақ, можаросин айладинг фош,  
Кел, эй Мансур, истиқболи дор эт.

Дури ашку, ақиқи хуни дилни  
Келур ёринг, аёгига нисор эт.

Куйиб, эй Нодира, олам элига  
Муҳаббат шевасини ошкор эт.



### КЕЛГИЛ, ЭЙ ЕР

Келгил, эй ёр, вафо расмини тут,  
Шамъи рухсор ила кулбамни ёрут.

Ёр лаъли лабидин айрилдинг,  
Эй кўнгул, эмди дамо-дам қон ют.

Кўзларим йиғлади зулфингни кўриб-  
Ки, ёгин боисидур тийра булут.

Қил фаромўш бу олам ғамини,  
Бода ич, май била кўнгилни овут.

Кишига ҳиммати мардона керак,  
Йўқки оройиш ила ришу бурут.

Хуни дил бирла жигар порасидин  
Бодадур лаъли муфарриҳ ёқут.

Нодира даъвийи ишқингни қилиб,  
Қавли бу маҳқамада топти субут.

\* \* \*

Он ки маҳжур зи васли рухи ёр аст манам,  
Он ки як умр гирифтори нигор аст, манам.

Он ки дилсанг, ситамгору, жафожӯст, туи,  
Он ки маъюси балодидаи зор аст, манам.

Он ки аст таъгии дил гуҷчасифат бе руҳи ёр,  
Бо ҳама хуни жигар ҳамдаи хор аст, манам.

Он ки хуршед бувад дар фалаки ноз туи,  
Он ки чун соя сияҳрӯ зи нигор аст, манам.

Он ки доим зи тараб хурраму шод аст, туи,  
Он ки пайваста зи ғам сина фиғор аст, манам.

Он ки бар дидаи ман нури нигоҳ аст туи,  
Он ки бар домани нози ту ғубор аст, манам.

Он ки бе ман ба тарабҳои сурур омади, ту,  
Он ки дар ишқи ту бе сабру қарор аст, манам.

Жилва бар дидаи ҳар оина беҳуда макун,  
Он ки бо рӯи жаҳонтоби ту зор аст, манам.

Дӯстона раҳм ба бадрӯзии Мақнуна кунед,  
Он ки дур аз руҳи хуршедузор аст, манам.

### МАЖНУННИ БЕРМАНГИЗ НИСБАТ

Мени жунунима Мажнунни бермангиз нисбат,  
Қилурму хору хашак тоби шуълаи гайрат.

Чекарда жон менга тақлид қилмасин Фарҳод,  
Фироқ тоғида беҳуда чекмасун кулфат.

Менга баробар эмас кўҳкан билан Мажнун,  
Аларда юз ғам эди, лек менда минг ҳасрат.

Жаҳонда буйлаки бўлмишмен ишқ ойинаси,  
Менга зиёда бўлур ёр ҳуснидин ҳайрат.

Ғамимни заррасини тоғларга арз этсам,  
Таҳаммул айламагай тоғ келтириб тоқат.

Бу дарду ғам ки анинг нотовон кўнгул кўтарур,  
Муҳаббат аҳлиға юздан бири эрур офат.

Ғамимни шарҳини юз мингидин бирини дедим,  
Фалак ани кўтарурда хам айлади қомат.

Бу ғамни тоғ кўтармас эди, валеқ менга  
Бериб таҳаммулини қўйди жонима миннат.

Спехр мартабаи ишқни баланд кўриб  
Дедики, Нодирани ҳимматиға юз раҳмат.

## ОЛАМ ОРО

Эй меҳри жамолинг олам оро,  
Заррот юзингга масту шайдо.

Эй хусн риёзида қадинг сарв,  
Ул сарв уза сунбулинг сумансо.

Келким назаримга, эй парирў,  
Девонага бир дам эт тамошо.

Сен уйқуда масти ноздурсен,  
Мен дард била ғарибу танҳо.

Тун-кеча фиғону нолишимдин,  
Кўйинг ити ичра тушди ғавфо.

Сен қайси диёр азмин этдинг?  
Келмас хабаринг бу ерга асло.

Оҳим ўқиға қадим камондир,  
Бу ўқни нишонидур Сурайё.

Мажнун нега Лайли таркин этсун?  
Юсуфни унутмади Зулайхо.

Қайдин сени Нодира унутсин,  
Бу сўз не муносиб, эй дилоро?

## РУЗА

Жон кўрмади рўзадин ҳаловат,  
Ифторда ёрсиз на лаззат?

Ёр айласа ёри бирла ифтор,  
Пўқ рўзада мундин ўзга давлат.

Эл барча висол базмида шод,  
То субҳ чекиб суруди ишрат,

Ҳар шом менга наволаи ғам,  
Ифтор қилурга бўлди қисмат.

Моҳи рамазон, ки файзи чўқдур,  
Мен хастага ёрсиз на роҳат?

Ҳар шом кўзимни ёши шамъим,  
Хуни жигарим ба жойи шарбат.

Ҳижрон ила рўза жавр этолмас,  
Гар ёр эса Нодира саломат.

## БАРЧА АБАС

Бевафодур бу жаҳон, суду зиён барча абас,  
Ким ғаму айшу баҳор ила хазон барча абас.

Бўлма андишай савдоси била саргардон,  
Йўқу бори ғамидин ваҳму гумон барча абас.

Топмаса ёр жанобига шараф бирла қабул,  
Оҳу фарёдинг ила шўру фиғон барча абас.

Бўлмаса ошиқа гар ёр висоли мақсуд,  
Орзую ҳаваси жону жаҳон барча абас.

Фуқаро ҳолиға гар боқмаса ҳар шоҳ, анга —  
Ҳашмату, салтанату, рифъату, шон барча абас.

Шоҳ улдирки, раййатга тараҳҳум қилса,  
Йўқ эса қондаи амну омон барча абас.

Нодира бўлмаса гар ишқ ўтин таъсири,  
Алами зоҳир ила доғи ниҳон барча абас.

## ШАИХ

Риёу, ҳирсу, тамаъ савтидур таронаи шайх,  
Эшитмагум, ҳама афсуи эрур фасонаи шайх.

Сапамлар ишқина тоқат қилолмайини ночор,  
Ешунди савмиага зуҳд ўлиб баҳонаи шайх.

Риёу зарқ тариқида ташнаком ўлур,  
Сароби баҳри хаёлоти бекаронаи шайх.

Хамўш этарман ани бир шарори оҳ ила,  
Агарчи тез эрур ўт каби забонаи шайх.

Кўнгуллар ўлди совуқ суҳбатидин афсурда,  
Эрур чу боди хазон оҳи ошиқони шайх.

Берур ғурур ила оройиши фашу дастор,  
Ки худнамолиғ эрур зеби корхонаи шайх.

Топилса, Нодира, бир шайхи орифи комил,  
Бошим ҳавосин этай назри остонаи шайх.

### ВАСЛ УЙИН ОБОД ҚИЛДИМ..

Васл уйин обод қилдим, бузди ҳижрон оқибат,  
Сели ғамдин бу иморат бўлди вайрон оқибат.

Қилди чоки пираҳан доғи дилимни ошқор,  
Қолмади кўнглимда захми ишқ пинҳон оқибат.

Аҳду-паймонлар қилиб эрди вафо қилгум дебон,  
Айлади тарки вафо ул аҳди ялғон оқибат.

Орзу қилдим тутармен деб висоли доманин,  
Пора бўлди ҳажр илгида гирибон оқибат.

Зоҳидо, ишқу муҳаббат аҳлини маъзур тут,  
Ёр кўйида на бўлди Шайхи Саъён оқибат.

Баски қон бўлди юрогим гавҳари ашқ ўрнига,  
Қатра-қатра кўзларимдин томди маржон оқибат.

Оҳким бўлди яна субҳи нашотим шоми ғам,  
Чеҳра пинҳон этти ул хуршиди тобон оқибат.

Гарчи бор эрди мусаххар девлар фармонида,  
Поймоли хайли мўр ўлди Сулаймон оқибат.

Нодира, булбул каби то нола иншо айладим,  
Навбаҳор ўтти, хазон ўлди гулистон оқибат.







# Маҳзуна



Чинқалн исломдин зунпор боғлаб йўқ ажаб,  
Менки бир дин офати тарсоя ошиқ бўлмишам.

*Маҳзуна*

**XIX** асрнинг бошларида Фарғонада, Умархон саройида ўзбек адабиёти яна бир карра гуркираб авж олгани у даврнинг адабий ёдгорликлари: «Мажмуаттуш-шуаро», «Зарбул масал» ва шунингдек бошқа асарлардан очиқ кўришиб туради. Бу даврда шеърга, шеър айтишга ҳамма қизиқади, бу даврда шоҳ ҳам, вазир ҳам, оддий аскар ҳам шоир эди. (Гулханий оддий аскар эди). Гарчи Ҳирот XV асрда Хуросоннинг адабий, маданий маркази бўлиб, бу ерда ҳам шоҳу дарвеш баравар шеърга майл кўрсатган бўлсалар-да, Навоий ўзининг «Мажолисун-нафоис» асарида тўрт юздан ортиқроқ шоирларнинг номларини кўрсатиб, хотин жинсидан бирорта шоирани тилга олмайди. Чунки Ҳиротда шоиралар йўқ эди. Агар Ҳиротда шоиралар бўлганда, Навоий уларнинг номларини мамнуният билан зикр қилган бўларди. Мана шу жиҳатдан XIX аср Фарғонаси Ҳиротдан ўзиб кетди. Бу давр ўзбек адабиёти тарихига Увайсий, Нодира ва Маҳзуна каби забардаст шоираларни етказиб берди.

Афсуски, Маҳзунанинг ижодий фаолияти ва ҳаёт йўли ҳақида деярли ёзма маълумот йўқ. Агар Фазлий Намангонийнинг «Мажмуаттуш-шуаро» даги кичик бир шеърий ҳикояси бўлмаганда, биз (бошқалар ҳам, албатта) Маҳзунанинг ҳаёти ва ижодий фаолияти хусусида ҳеч нарса билмаган бўлар эдик. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти шарқ қўл-ёзмалар фондида, 5028 рақамли қўлёзма баёзнинг 39 а-варағида «Маҳзуна... духтари мулла Ёшмон» (Маҳзуна

мулла Бошмон қизи) деган жумладан бонгқа маълумот йўқ. Бунинг устига шоиранинг бирор девони бизгача етиб келмаган. Унинг кенг ўқувчиларга маълум асари ҳозирча Фазлий билан мушоираси ва «Ошиқ бўлмишам» радифли мухаммасидан иборатдир.

Маҳзуна ҳақида гапирганлар ёхуд бу хусусда ёзган авторлар Маҳзуна билан Фазлий орасидаги ажойиб мушоирани мақтайдилар-у, лекин бу мушоиранинг қандай шароитда пайдо бўлгани ҳақида сукут қиладилар. Ҳолбуки юқорида айтганимиз Фазлийнинг шеърий ҳикояси булар орасидаги дўстлик ва ижоддошликнинг бошидан охиригача нақл қилиб, жумладан шу машҳур мушоирани қандай яратилгани ҳақида маълумот беради. Бу манзум (шеърий) ҳикоя форс-тожик тилида ёзилгани сабабли, кенг ўқувчилар оммаси ундан бебаҳра қолиб келмоқдалар. Биз ўқувчилар олдидаги шу қарзни тўлашга уриниб, бу манзум ҳикоянинг ўзбекча насрий таржимасини китобхонларга тақдим этамиз.

#### ФАЗЛИЙ ҲИКОЯСИНING НАСРИЙ ТАРЖИМАСИ

Фозил бир кишининг муборак чеҳра, бахт юлдузидек пок қизи бор эди. У ақлу идрокда Зебуннисодек ягона бўлиб, Қўқонда машҳур шоирадир. У ўз номидек мулоим меҳрибон эди ва мени имтиҳон қилиб синаб юарди. Ҳурлар рашк қиладиган бу гўзал узоқдан, хат орқали мен билан сўзлашиб турарди. Бу ой юзлининг тахаллуси Маҳзуна бўлиб, баланд парвоз хаёли ўзгача эди. Хуштаъб, одобли, шунингдек маъсума, ифбатли эди. Мен нотавон турли ўй-фикрлар билан унга қандай ғазаллар юбормайин — ул пари чеҳра менинг ҳар байтимга гавҳардек пок жавоблар қайтарарди. Бир кун у гулчеҳранинг шеърини ўқиб, сўзининг завқ-шавқида беқарор бўлдим. Ва дарҳол уйларига бордим, у мени кўрибоқ «Шеър ўқунг» деди. Бу нозаниннинг сўзларига таҳсин қилиб, мен мана бу туркча шеърни ўқудим:

#### Ф а з л и й

— Юз офарин сўзинга лубби лубоб кўрмай,  
Арзи жамол этарму, ойна об кўрмай?

#### М а ҳ з у н а

— Кимдин чиқар бу сўзлар бағрин кабоб кўрмай,  
Ганж ўлмағай муяссар ҳолин хароб кўрмай.

Фазлий билан Маҳзуна орасидаги мушоиранинг тарихи мана шундай, шу тариқа бу гўзал мушоира бунёдга келган.

Фазлийнинг Маҳзуна ҳаётига оид яна бир кичик маснавийси бор. Биз уни ҳам таржима қилиб ўқувчилар муҳокамасига ҳавола қиламиз-да, сўнг бу шўх шоир билан зукко шоира орасидаги муносабатлар ҳақида ўз мулоҳазаларимизни баён этамиз.

### ФАЗЛИЙ МАСНАВИЙСИНИНГ НАСРИЙ ТАРЖИМАСИ

Бир кун эшитсам у кумуш танли (Маҳзуна) нодон, бефаҳм бир кишига эрга тегибди. Бу хабардан мен шўрликнинг кўнглим озор топиб, афсус-надомат билан қўлларимни бир-бирига урдим; ўз қалбимнинг дардига чидолмай, шу онда бир рубойи ёзиб, унга юбордим.

#### РУБОИИ

Эй шўхи пари чеҳра, ажаб доносан,  
Гул юзликлар ичра ҳаммадан зебосан,  
Бу ҳусну латофатинг-ла афсус-афсус,  
Нодон киши тиззасида топдинг жо сан.<sup>1</sup>

Маҳзуна тақдир ва қисматнинг бу хижолатчилигини дафъ қилмоқ учун мана бу машҳур байт билан жавоб қайтарди:

«Маҳзуннинг юрагини қазо ўз қабзасига олгандир,  
Ё раббий, бу очилмаган гунча қаерда очилар экан?»

Мен шу лаҳзадаёқ, беихтиёр, унга жавобан ёздимки, эй гул юзли! Булутлар йиғламагунча чаман кулмайди (гуллар очилмайди), сенинг гунчанг эса, бизнинг шабнамдан очилади. Маҳзуна сўзнинг бепарда бўлганини кўриб, камоли поклигидан, қайта мен билан сўзлашмади.

Фазлийнинг Маҳзуна ҳақидаги ҳикоялари шулардан иборатдир. Бу ҳикояларга қараб, биз қуйидагиларни аниқлашимиз мумкин:

1. Умархон салтанати даврида (1811—1822 йиллар) Маҳзуна ҳали қиз бўлиб, шу даврнинг охирида эрга теккан, қачон туғилиб, қачон вафот этгани номаълум.

<sup>1</sup> Бу рубойни М. Муинзода таржима қилди.

2. Нима бўлганда ҳам шоиранинг отаси мулла Бошмон ўз замонининг пешқадам зиёлиси бўлиб, қизига ҳар тарафлама билим ва эркин тарбия берган. Агар бу оилада шу эркинлик шабадаси эсиб турмаганда, Маҳзуна Фазлийга рўбарў келиб, у билан мушоира қилолмасди.

3. Фазлий билан Маҳзуна орасидаги ижоддошлик бир неча йил давом этган, Маҳзуна Фазлий ёзиб юборган кўпгина шеърларга жавоблар ёзиб, бу заковатли шоирни ўзининг ҳозиржавоблиги билан мафтун этган. Ниҳоят дадиллик билан шуни ҳам илова қилиш зарурки, Фазлий Маҳзунанинг фазлу камолигагина эмас, ҳусни-жамолига ҳам мафтун бўлиб, нечундир бу сирни ошкор этолмаган. Агар шу тахмин тўғри бўлмаганда, Маҳзунанинг эрга берилишидан, унинг бунча фиғони кўкка кўтарилмас:

«Бу хабардан мен шўрликнинг кўнглим озор топиб, афсус-надомат билан қўлларимни бир-бирига урдим» дея ҳасрат қилмас, бечора Маҳзунага:

Нодон киши тиззасида топдинг жо сан,—

деб заҳар олуд таъна тошларини отмас ва ниҳоят, ўз қисматидан шикоят қилган ижоддошига тасалли бериш ўрнига (камоли куйганлигида) адаб доирасидан чиқиб, бешарм сўзларни ёзиб юбормас, боёқиш Маҳзунанинг даврдан озор топган дилига яна озор бермасди.

Тўғри, Маҳзунадек оқила, фозила, шоира (Фазлий тили билан айтганда), «пари чехра» бир қизнинг бефаҳм, нодон одамга ҳамхона бўлиши ҳар қандай кишини афсуслантиради, бироқ, ўтмишда эр танлаш қизларнинг ҳуқуқи эмас эди-ку! У шўрликлар бу борада ҳамиша ота-она орзуси қурбони эдилар-ку! Фазлийнинг мана шу жиҳатларга эътибор қилмай, Маҳзунага ҳақоратомез хатлар ёзиши ўта адолатсизлик эди.

Нима бўлганда ҳам Маҳзунанинг шеърини қобилияти, шахсий фазилатлари ҳақида энг кўп, энг хўп<sup>1</sup> ва энг илиқ фикрлар ёзиб қолдирган ягона шоир шу Фазлий-дирки, унинг бу хизмати бўлмаганда, биз Маҳзуна хусусида ҳеч нарса билмас эдик.

<sup>1</sup> Таъбир Бобирники бўлиб, гап Навоийнинг туркий шеърлари устида боради, муносабати келгани учун биз бу таъбирни «қарз» едик.

Маҳзунанинг туғилган жойи ва отасининг касби ка-моли ҳақида эски манбаларда деярли бир маълумот йўқ. Янги ёзма манбаларда эса, бу хусусда бир-бирига зид фикрлар баён қилинади, аммо бу фикрлар бирор манбага суяниб эмас, ривоятларга кўра нақл этилган. Чунончи: Ўткир Рашидов «Уч шоира» номли рисолага ёзган сўз бошида қўқонлик шоир Писандийнинг<sup>1</sup> шоир Чархийга айтган сўзларига асосланиб: «Маҳзуна Қўқоннинг юқори Ғалчасой даҳасидан бўлиб, даҳа қоровули Бошмон деган кишининг қизи бўлган. Даҳа мана шу Бошмоннинг номи билан айтилиб, ҳозир ҳам Бошмон маҳалласи дейилади»<sup>2</sup> дейди.

Тожикистон адабиётшуносларидан Тожи Усмон «Бисту се адиба» («Йигирма уч адиба») номли аса-рида:

«Фарғонанинг тожиклар яшайдиган маҳалла ва қишлоқларида, шунингдек, Хўжандда (ҳозирги Ленинободда) ҳозиргача халқимиз орасида машҳурдирки, Маҳзуна фозил, лекин камбағал бир киши онласидан бўлиб, Қонибодом ва ёки Исфарада туғилган ва болалик чоғида ота-онаси донмий истиқомат қилиш учун Қўқонга кўчиб борган»<sup>3</sup> деб хабар қилади.

Шоир Фазлий ҳам, Фарғона тожиклари орасидаги ривоятлар ҳам бир фикрни тасдиқлайди, яъни Маҳзунанинг отаси чиндан ҳам ўз замонининг ўқимшли, пешқадам зиёлиси — фозил киши бўлган. Бас шундай экан, бу олим одамнинг ўша даврнинг маданий-адабий маркази Қўқонга донмий истиқомат учун кўчиб бориши, табиий бир ҳолдир.

Аmmo мулла Бошмон кўчиб боргач, бахту толе унга пешвоз чиқдими-йўқми, мана бу масала ҳал этилмаган. Агар Писандий айтгандай, мулла Бошмон қоровул бўлганда, Умархон саройининг эрка шоири Фазлий бу хонадон ҳақида бу даражада эҳтиром билан сўзламас эди. Бу — бир. Иккинчидан, қоровуллик у қадар олий ва муътабар лавозим эмаски, бир маҳалла унинг номи билан аталса, мана шу мулоҳазаларга кўра, биз Писандийнинг Ўткир Рашидов мақоласида келтирилган фикр-

<sup>1</sup> Писандий, 1918 йилда Қўқонда вафот эган.

<sup>2</sup> «Уч шоира». Ўзбекистон Давлат бадий адабиёт нашриёти, Тошкент, 1958 йил, 7-бет.

<sup>3</sup> Тожи Усмон. «Бисту се адиба», 96—97-бетлар. Тожикистон Давлат нашриёти, Душанба, 1957 йил.

ларини ҳақиқатдан узоқ деб, писанд қилмай юрамиз. Бундан ташқари, бу сатрлар авторининг ватани — Шаҳрихон Умархон бунёдга келтирган шаҳардир. Аммо шаҳримизнинг ҳар бир қишлоғи. Умархон саройидаги улуг бир амалдорнинг номи билан аталади. Масалан, Холдивонбек, Насриддинбек ва ҳоказо... Модомики, чўлда янги бунёдга келган, ҳали нообод шаҳарнинг қишлоқлари сарой амалдори номи билан аталган экан, бас, пойтахтнинг гўзал ва обод бир даҳаси маҳалла қоровулининг номи билан аталмаган бўлса керак!

Бизнинг фикримизча, мулла Бошмон ё дунёвий ёхуд руҳоний ҳокимиятнинг юқорироқ зинасига кўтарилган бўлиши лозим. Йўқса, пойтахтнинг бир даҳаси унинг номи билан аталмас эди.

Биз юқорида, ҳозиргина Маҳзунанинг «Ошиқ бўлмишам» радифли мухаммаси ва Фазлий билан мушоирасигина машҳур, деган эдик. Бундан ташқари «Мажмуаттуш-шуаро» тазкирасида унинг «Саҳбо» радифли бир форсча ғазали бор. Ана шу ғазални бизнинг илтимосимизга мувофиқ шоир М. Муинзода таржима қилиб берди ва биз уни «Саҳобга парвона» сарлавҳа билан китобга киритдик. Бироқ, ёш чоғидан бошлаб ҳам ўзбекча, ҳам тожикча шеърлар ёзган бу истезодли шоиранинг бошқа шеърлари қани? Улар бизгача етиб келмаган ёки ҳанузгача топилмаган.



## МАҲЗУНА ШЕЪРЛАРИ

МУШОИРА

Ф а з л и й

Юз офарин сўзинга лубби лубоб кўрмай,  
Арзи жамол этарму, ойина об кўрмай?

М а ҳ з у н а

— Кимдин чиқар бу сўзлар бағрин кабоб кўрмай,  
Ганж ўлмағай муяссар ҳолин хароб кўрмай.

Ф а з л и й

— Мастураи суханға пўшидалиғ муносиб.  
Маъни арусини бас ман бениқоб кўрмай.

М а ҳ з у н а

— Йўқ айби сўзларимни гар бўлмаса муаддаб,  
Андоқки ўт кўкаргай ҳеч офтоб кўрмай.

Ф а з л и й

— Майгун лабинг ҳадиси маст этди ғойибона,  
Кайфият ўлди зоҳир жоми шароб кўрмай.

М а ҳ з у н а

— Бир важҳ буки табъим хом асрамиш замона,  
Чархи сипеҳрдин ул ҳеч печутоб кўрмай.

Ф а з л и й

— Мундоғки нуктадонсан ким эрди устодинг,  
Ой касби нур қилмас то офтоб кўрмай?

### Маҳзуна

— Қўб наҳрлар йиғилса, даръёи пурдур ўлғай,  
Илм аҳлидин бу мискин бир шайху шоб кўрмай.

### Фазлий

— Бир нукта айла зоҳир, Фазлийни қўйма Маҳзун,  
То кетмайин Намонгон сандан жавоб кўрмай.

### Маҳзуна

— Байтулҳазан ичида узлат тутуб бу Маҳзун  
Фазли илоҳидур бу, йўқса китоб кўрмай.

## МУХАММАС

Дўстлар бир ҳусни бе ҳамтоя ошиқ бўлмишам,  
Хур пайкар бир малак сиймоя ошиқ бўлмишам,  
Нутқи ширин, лаъли руҳ афзоя ошиқ бўлмишам,  
Ғамзаси қотил, кўзи шаҳлоя ошиқ бўлмишам,  
Ҳусн элининг шоҳи бир мирзоя ошиқ бўлмишам.

Кўрган эрмас уйла бир маҳвашни чашми рўзгор,  
Хулқи ширин, гулбадан, рашки чаман, насрин изор,  
Ноз ойину тағофул пеша, истиғно шиор,  
Илтифот этмас агар юз жон топиб қилсам нисор,  
Бир ситамгар шўхи бепарвоя ошиқ бўлмишам.

Оразин очқоч қуёш анворини айлар адам,  
Жон ғизолига берур ваҳший кўзи таълими рам,  
Лабларини олдида қанду асалдур мисли сам,  
Зулфу қадду оразидин мунфаил боғи эрам,  
Кишвари ҳусн ичра бир яктоя ошиқ бўлмишам.

Қошлари бир-бирга пайванд икки мушкини ҳилол,  
Кўзлари юз марғузориға ики ваҳший ғизол,  
Қомати боғи мурод ичра янги биткан ниҳол.  
Олло-олло ким кўрубдур, бу латофатлу жамол.  
Ҳусн аро бир мисли нопайдоя ошиқ бўлмишам.

Ушбу ҳайрат бирла кўрган нахли қадди жилвагар,  
Бовар этмас гар улус берса шаҳодат, деб башар,  
Орази андоқ мусаффо ким қилиб бўлмас назар,  
Бадри рухсорин кўруб, бўлди хижолат бу қамар,  
Рашки Юсуф бир бути зебоя ошиқ бўлмишам.

Маҳваши ҳурилиқо, гулгун қабо, гул пираҳан,  
Қоши истиғно ҳилоли, ғамзаси лашкар шикан,  
Ғунҷаи хандондур оғзи, тишлари дурри Адан,  
Бўлмади бир дам жамолидин ёруғ байтул-ҳазан,  
Токи ул моҳи жаҳон пероя ошиқ бўлмишам.

Эй мани Маҳзун мусофирга маломат бе сабаб,  
Тутмасам фармонини мардуд этиб айлар ғазаб,  
Жуз ризойи дўст, ишқ аҳлиға не бўлғай талаб,  
Чиққали исломдин зуннор боғлаб йўқ ажаб,  
Менки бир дин офати тарсоя ошиқ бўлмишам.

## САҲБОГА ПАРВОНА

Эмасман чарх даври ичра майдин ҳеч бегона,  
Қуёшнинг косасидек ўйнагай қўлимда паймона.

Топилмас ранги сарғайган киши майхонамиз ичра,  
Агар жўш урса майнинг ҳиммати мажлисда мардона.

Чироғи давлати ўчмас сира сар-сар шамолидин,  
Агар майдин кишининг жоми ичра тушса дурдона.

Фақат қайрилма қошдин ўзгага маст этмагай сажда,  
Шунинг-чун бош эгар май даргаҳига ринди мастона.

Эрурлар бошқа олам қавмидин маънога ошиқлар,  
Чивиндек бўлма, эй Маҳзуна, сен саҳбога парвона.

*М. Муинзода таржимаси.*








171	172	173	174	175	176	177	178	179	180	181	182	183	184	185	186	187	188	189	190	191	192	193	194	195	196	197	198	199	200	201	202	203	204	205	206	207	208	209	210	211	212	213	214	215	216	217	218	219	220	221	222	223	224	225	226	227	228	229	230	231	232	233	234	235	236	237	238	239	240	241	242	243	244	245	246	247	248	249	250	251	252	253	254	255	256	257	258	259	260	261	262	263	264	265	266	267	268	269	270	271	272	273	274	275	276	277	278	279	280	281	282	283	284	285	286	287	288	289	290	291	292	293	294	295	296	297	298	299	300	301	302	303	304	305	306	307	308	309	310	311	312	313	314	315	316	317	318	319	320	321	322	323	324	325	326	327	328	329	330	331	332	333	334	335	336	337	338	339	340	341	342	343	344	345	346	347	348	349	350	351	352	353	354	355	356	357	358	359	360	361	362	363	364	365	366	367	368	369	370	371	372	373	374	375	376	377	378	379	380	381	382	383	384	385	386	387	388	389	390	391	392	393	394	395	396	397	398	399	400	401	402	403	404	405	406	407	408	409	410	411	412	413	414	415	416	417	418	419	420	421	422	423	424	425	426	427	428	429	430	431	432	433	434	435	436	437	438	439	440	441	442	443	444	445	446	447	448	449	450	451	452	453	454	455	456	457	458	459	460	461	462	463	464	465	466	467	468	469	470	471	472	473	474	475	476	477	478	479	480	481	482	483	484	485	486	487	488	489	490	491	492	493	494	495	496	497	498	499	500	501	502	503	504	505	506	507	508	509	510	511	512	513	514	515	516	517	518	519	520	521	522	523	524	525	526	527	528	529	530	531	532	533	534	535	536	537	538	539	540	541	542	543	544	545	546	547	548	549	550	551	552	553	554	555	556	557	558	559	560	561	562	563	564	565	566	567	568	569	570	571	572	573	574	575	576	577	578	579	580	581	582	583	584	585	586	587	588	589	590	591	592	593	594	595	596	597	598	599	600	601	602	603	604	605	606	607	608	609	610	611	612	613	614	615	616	617	618	619	620	621	622	623	624	625	626	627	628	629	630	631	632	633	634	635	636	637	638	639	640	641	642	643	644	645	646	647	648	649	650	651	652	653	654	655	656	657	658	659	660	661	662	663	664	665	666	667	668	669	670	671	672	673	674	675	676	677	678	679	680	681	682	683	684	685	686	687	688	689	690	691	692	693	694	695	696	697	698	699	700	701	702	703	704	705	706	707	708	709	710	711	712	713	714	715	716	717	718	719	720	721	722	723	724	725	726	727	728	729	730	731	732	733	734	735	736	737	738	739	740	741	742	743	744	745	746	747	748	749	750	751	752	753	754	755	756	757	758	759	760	761	762	763	764	765	766	767	768	769	770	771	772	773	774	775	776	777	778	779	780	781	782	783	784	785	786	787	788	789	790	791	792	793	794	795	796	797	798	799	800	801	802	803	804	805	806	807	808	809	810	811	812	813	814	815	816	817	818	819	820	821	822	823	824	825	826	827	828	829	830	831	832	833	834	835	836	837	838	839	840	841	842	843	844	845	846	847	848	849	850	851	852	853	854	855	856	857	858	859	860	861	862	863	864	865	866	867	868	869	870	871	872	873	874	875	876	877	878	879	880	881	882	883	884	885	886	887	888	889	890	891	892	893	894	895	896	897	898	899	900	901	902	903	904	905	906	907	908	909	910	911	912	913	914	915	916	917	918	919	920	921	922	923	924	925	926	927	928	929	930	931	932	933	934	935	936	937	938	939	940	941	942	943	944	945	946	947	948	949	950	951	952	953	954	955	956	957	958	959	960	961	962	963	964	965	966	967	968	969	970	971	972	973	974	975	976	977	978	979	980	981	982	983	984	985	986	987	988	989	990	991	992	993	994	995	996	997	998	999	1000
-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	------





Йиғлама қаро, кундин, эй Саида мазлума,  
Бахт деган ёлон сўзнинг кори бизга маълума.

*Саида*

Булбули шўридаман, ҳамхонам аммо зогдур,  
Оҳким, мундоқ қафасдин йўқ омон, қандоқ  
қилай?

*Ҳадия Биби*

Одат ўлмишдур асорат биз хотунлар хайлига,  
Бир қаро ҳайвондин ортиқ боғлу қолмиш  
бошимиз.

*Биби Ҳамида*

Дардим нчимда, лабларим хандон...

*Надима*

## I

Ўзбек шоирлари ҳақида бир рисола ёзиш ниятида жуда кўп тарих ва тазкира китобларни варақлаб чиқдик. Бирор янги маълумот эшитармиз деган умид билан кўпгина фозил қарияларимизга мурожаат қилдик. Ана шу изланиш асносида қўлимизга муҳим бир адабий ҳужжат тушди.

Биз бу ўринда қўқонлик шоир Мираъзам Иброҳим Даврон тўплаб, 1914 йил нашр этган «Ашъори нисвон» («Хотинларнинг шеърлари») номли китобни кўзда тутмоқдамиз. «Ашъори нисвон» — ўзбек мазлум хотин-қизларининг бадий садоси, яна тўғриси, куйга солинган фарёду фиғонидан иборат бўлиб, ёлғиз адабиёт тарихи нуқтаи назаридан эмас, балки сиёсий, ижтимоий ва хотин-қизлар ҳуқуқи нуқтаи назаридан ҳам зўр аҳамиятга молик бир китобдир.

«Ашъори нисвон»нинг нашр этилиши адабиётимиз тарихида биринчи қадам бўлиб, Улуғ Октябрь революцияси арафасида ўзбек зиёлилари қилган яхши ташаббус, эзгу фаолият самарасидир.

## II

Мираъзам Иброҳим ўғли Даврон XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида яшаб ижод этган шоирдир. Шоирнинг исми Мираъзам бўлиб, отасининг оти Иброҳимдир. «Даврон» эса, Мираъзамнинг шоирлик таҳаллусидир. У, ижтимоий, илмий ва адабий фаолиятида Иброҳим Даврон номи билан машҳурдир.

Иброҳим Даврон 1874 йилда Қўқоннинг «Ғози ёғлиқ» маҳалласида мирза оиласида дунёга келди. У туғилган чоғларда отаси бойларга мирзалик қилиб кун кечирар эди. Мираъзам етти ёшга киргач, отасининг ёрдами билан хат машқ қила бошлайди. Шу замида саккиз ёшга кирганда араб алифбесидида ёзилган ҳар хил китобларни шарҳос ўқийдиган бўлади. Шу ёшдан эътиборан у кўп улур шоирлар ва олимларнинг асарларини қунт билан ўқишга киришади. Унга энг кўп таъсир қилган олимлардан бири Абу Али ибн Синодир. Бу таъсирни унинг тиб илмига оид тўплаган луғатларида кўриш мумкин.

Мираъзам ўн ёшга тўлгач, 1884 йилда отасидан яширинча рус мактабига кириб ўқий бошлайди. Буни сезиб қолиб отаси уни уйдан ҳайдаб юборади. Ўқишга жону жаҳди билан берилган бу гўдакнинг ўша даврдаги аҳволи унинг мана бу маъсум байтида кўринади.

Саввумин! Аъзам эрур бахти қаро  
Уйга кирса, айтадур. «Ҳозир баро»<sup>2</sup>.

Лекин отасининг таъқибига қарамай, онасининг ёрдами билан рус мактабининг 7-синфини битиради. Русча мукамал саводли бўлган Даврон жиддий равишда мустақил ўқишга берилади.

Иброҳим Даврон иқтисодий томонини яхшилаш учун қўқонлик Ҳидоят бойга мирзалик қила бошлайди ва шу мирзалик даврида кўп мутолаа қилишга берилади. Натижада рус классик адабиётининг кўп асарларини қунт билан ўқиб чиқади. Шу туфайли унинг дунёқараши тобора такомил топади ва Иброҳим Давронда шоирликка майл пайдо бўлиб, кичик-кичик шеърлар ёза бошлайди. Унинг шеърларида ўша замон тузумидан норозилик, чор Россияси зулми остидаги ҳаётдан нолиш овозлари янграб туради. Бу кайфиятни унинг:

<sup>1</sup> Саввумин — уминин.

<sup>2</sup> Баро — чиқиб кет.

Солди маъшар бошима дунёнинг сонсиз ғамлари,  
Борми, ёраб, бир куни ким тинса дидам намлари

деган байтидан пайқаш мумкин.

Иброҳим Давроннинг таржимаи ҳолини аниқлаш учун биз бир неча қўқонлик қарияларга мурожаат қилдик. Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи Пўлатжон Қаюмов шу муносабат билан бизга қуйидагиларни ёзиб юборди:

*«...Лутфан ёзган мактубингиз тегди. Мен ва болаларимга бўлган дўстона қарашингиз учун ташаккур айтаман.*

*Кўндан бери «Ўзбек шоирлари» номида бир китоб ёзиш ҳаракатида бўлганингиз бизни жуда хурсанд қилди. Муваффақият тилайман, ҳаётимда кўриш орзумдур.*

*Миръазам ака Иброҳим ўғли Даврон тўғрисида бошқадан кўра мен яхши биламан. Ўз дафтаримга кўп нарса ёзганман. Характери билан яхши ошманам... Ҳамзахоннинг<sup>1</sup> «Сариғ гул», «Сапсар гул» каби Шмаков литографиясида босилиб чиққан брошюраларини сотиб ўтирадиган кичик бир дўкони 1914 йилдан 1917 йилгача давом этди. Бундан чиққан фойда ила оиласини қандай этиб боққанига ҳамма ҳайрон эди. Русча аризалар ёзар, вивискалар ёзар ҳам мухбир эди. Ёру дўстлари жуда кўп бўлиб, жуда юмшоқ кўнгилли киши бўлганидан ҳар турли одамлар дўконида эртадан кечгача узилмас эди. Одам кўп, савдо йўқ эди. Кўпинча муаллимлар эди. Мираъзам ака билан 1904 йилда танишдим, 1922 йилда вафотида қабрга қўйишда ҳам бўлдим.*

*Ҳурмат билан Пўлатжон Қаюмов».*  
22 XII 1957 йил.

Қўқонлик қариялардан Аъзамжон Мирабиевнинг<sup>2</sup> айтишига қараганда, Иброҳим Даврон Октябрь революциясидан кейин зўр ғайрат билан мактаб ва маориф соҳасида ишлайди. Қўқонда 1—4 ва 8 мактабларни ташкил этиб, 8-мактабда лўлиларни ўқитиш учун махсус бўлимлар очган. Қўқондаги ҳозирги Ҳамза театрининг

<sup>1</sup> Гап Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий устида бораётир (Т. Ж.).

<sup>2</sup> Аъзамжон Мирабиев Совет ҳокимиятининг биринчи йилларида Қўқонда давлат сиёсий идораларида ишлаган бўлиб, ҳозир пенсияда.

эски биноси ўрнида Иброҳим Даврон ташаббуси билан кутубхона ташкил этилган.

Атоқли адибимиз Абдулла Қаҳҳор Иброҳим Даврон ҳақида бизга қуйидагиларни айтди:

— Биз мактабда ўқиб юрган чоғларда Даврон Қўқоннинг энг муътабар шоири эди. Муаллимимиз бир марта бизни шоир Давроннинг уйига олиб боргани хотиримда. Даврон вафот этганда, унинг таъзиясига Қўқондаги ҳамма мактаб болалари, жумладан мен ҳам қатнашган эдим.

Шоир Даврон ўз замонининг энг маърифатли ва маърифатпарвар кишиси бўлиб, унинг матбуъ ва номатбуъ (босилган ва босилмаган) ўн бир асари бор. Унинг ўзбек, форс тилларидаги шеърларида халқнинг орзу-истаклари куйланган. Бироқ, бу кўп қиррали шоир ва олимнинг илмий ва адабий ижоди ҳанузгача бирор киши томонидан қаламга олинмаган. Шоир Иброҳим Давроннинг ҳозирча бизга маълум асарлари қуйидагилардан иборатдир:

1. «Маданий жўнбоқлар».
2. «Ашъори нисвон» («Хотинларнинг шеърлари»).
3. «Ҳаёт керакликлари».
4. «Таълимий жугрофия».
6. «Огир ҳоллар» (тўрт пардали драма).
7. «Ишқ садолари» (шеърлар).
8. «Олтин сўзлар» (шеърлар).
9. «Бўстони маърифат» (шеърлар).
10. «Туркча фиғонлар» (шеърлар).
11. «Мактаб манзумалари» (шеърлар).

Ҳозир бизнинг мавзуи баҳсимиз Иброҳим Давроннинг бутун илмий ва адабий мероси эмас, балки унинг биргина асари — «Ашъори нисвон» («Хотинларнинг шеърлари») китобидир.

### III

Иброҳим Даврон ўзбек шоирларининг шеърларини тўплаб нашр этиш йўлида муттасил йигирма йил иш олиб борган. Натижада турли даврларда яшаган шоирларнинг шеърларини топиб, уларни жиддий равишда таҳрир қилиб, 1914 йилда Қўқонда «Ашъори нисвон» номи билан нашр этди<sup>1</sup>. Иброҳим Давроннинг бу шеърлар-

<sup>1</sup> И. И. Войнерь типо-литографиясида.

ни қандай қилиб топганини ва қандай таҳрир қилганини, яхшиси, унинг ўзидан эшитайлик: Даврон «Ашъори нисвон»га ёзган сўз бошида бу хизматини қуйидагича тусунтиради:

«Бундан йигирма йиллар муқаддам бир «Ашъори нисвон» мажмуаси тартиб этмоқ фикрига тушиб, у замондан эътиборан ён дафтарим ва қаламим ҳар вақт киссамда бўлуниб, ҳар шаҳар ва қишлоқлардаги дўстларимнинг зиёратина кетганда, меҳмондорлиқларгина эмас, китобдорлиқларина завқим келиб, бор бисотларидаги китобларини олиб кўриб, китоб ҳошияларидаги пароканда ёзилган ашвор ва абёт (мансур ва манзум) ни хотунданми, эркакданми, надан эса-да, ёзиб олмоқ одатим ўлди. Бу ёзувларни бу йилда кўздан кечириб, аҳамиятли ва маслакка мувофиқларини териб олиб, бир девонча суратини қўюб, табъ эттирмак мақсади-ла ишга бошлаб, шу «Ашъори нисвон»ни нашр этдим».<sup>1</sup>

«Ашъори нисвон» 60 бетдан иборат бир китобча бўлиб, йигирма уч шопранинг қирқ тўрт шеърини ўз ичига олади. Китобнинг бошида Давроннинг «Бир сўз», «Хотинлар ҳақида бир нутқ» сарлавҳали мақолалари бор. Бу мақолада хотинларнинг кишилик жамияти тараққийсида катта роль ўйнаганликларини исбот қилувчи жуда кўп далиллар келтирилган бўлиб, хотинлик оламига нисбатан буюк эҳтиром билан ёзилган.

Даврон мақола охирида ўзбек хотин-қизларининг инқилобдан илгариги тоқатдан ташқари оғир аҳволлари тўғрисида сўз юргизиб, алам ва изтироб билан ёзади:

«Бизда бечора хотинларга ҳайвон муомаласи, баъзан, балки аксар ҳайвонларга раво кўрилмамуш (суи истемоллар) булара раво кўрулуру. Эрларина жонсўз ва меҳрибон экан, 2, 3, 4, 5, балки 6 хотинлар олубда, тўнгич болаларина боқмаюб, ўгайлаб, ўзларина душман қилиб, қиз олуб... Бежурм ва бесабаб қўяверарлар. Хотинларнинг мулк-ашёларини алдаб олуб, бир бош — икки оёқ била қолдириб, хўрлаб дарбадар қон йиғлатиб ташлаб кетарлар. Кўчаларда йигит оғаси бўлуб ерсиз (ўринсиз), йўлсиз сарфлар қилуб, қорин тўйдуруб келуб, хотинларга қоқ нонни... юз ҳақоратлар ила верурлар. Ҳайф тириклик. Во, хотинлар ҳолина<sup>2</sup>...»

<sup>1</sup> «Ашъори нисвон», 1-бет. Жомиъ ва мусаҳҳиҳ Иброҳим Даврон. Ҳўқанд, 1914 йил.

<sup>2</sup> Шу китоб, 4-бет.

Бошқалар хотинларни ҳайвондан тубан санаган чоғда, Иброҳим Даврон уларнинг оташин ҳомийси бўлиб чиққан экан, бу шоирнинг маънавий жиҳатдан ўз замондошларидан кўп даражада юқори кўтарилганини кўрсатади. Ҳеч қандай муболағасиз айтиш мумкинки, Давронгача бирор шоир кўп хотинликка қарши овоз берган эмас, ҳеч ким хотинларнинг ақлу идрок, зеҳн ва закосига бунчалар юксак баҳо берган эмас, ҳеч ким бу мазлумалар ҳолига бунчалар ачиниб, уларнинг фарёд ва фиғонларини бутун халққа етказишга уринган эмас.

Шоир Даврондаги бу олжаноб майлнинг илдизини у ёшлигидан эҳтирос билан ўрганган илғор рус маданияти таъсиридан қидириш керак, албатта.

«Ашъори нисвон»да сўз боши ва юқорида айтиб ўтилган хотинлар ҳақидаги оташин путқдан сўнг, қуёйдаги шоираларнинг шеърлари нашр этилган:

1. Назима Хоним, 2. Зебуннисо Бегим, 3. Василат Хоним, 4. Нозук Хоним, 5. Осима Хоним, 6. Садиқа Биби, 7. Нигор Хоним, 8. Жаҳон Ойим, 9. Собира Биби, 10. Файзи Биби, 11. Ҳиротий Биби Марям, 12. Саида Биби, 13. Биби Ҳамида, 14. Тўти Қиз, 15. Шараф Хоним, 16. Биби Ҳанифа, 17. Лайли Хоним, 18. Зебуннисо (бу машҳур Зебуннисо Бегим эмас, кўқонлик шоирадир), 19. Ризвон Биби, 20. Турғоқли Ҳадия Биби, 21. Надима, 22. Моҳзода Бегим. 23. Нодира Хоним.

Бироқ, «Ашъори нисвон»да шеърлари босилган шоираларнинг таржимаи ҳоллари ҳақида Даврон ҳеч қандай маълумот келтирмайди. Фақат айрим шеърларнинг остида ҳижрий ҳисоби билан тарихи кўрсатилиб, «Хўқанд» деб қўйилганки, шунга қараб бу шоиранинг кўқонлик эканини ёхуд шеър ёзилганда Қўқонда яшганини тахмин қилиш мумкин.

«Ашъори нисвон» китобида Иброҳим Даврон чизган бир нечта реалистик суратлар бор. Шулардан бири «Бир шоираи нажиба» суратидир. Бу бирор шоиранинг асли суратими, буниси айтилмаган. Суратнинг ёнига «Юзума боқма, сўзима боқ!» деб ёзиб қўйилган.

«Шоираи нажиба» сурати пардаси кўтарилган сахна фонидида чизилган. Қаршингизда бутун вужудидан ибo, ҳаё, латофат ва назокат томиб турган лобар, соҳибжамол бир жувон. Унинг кўзларида кўзгу, юзида нафис парда, кенг манглайида андак очиқлик бўлиб, қизнинг ўткир ақл ва закосидан нишона бериб турибди.

Оқилона шахло кўзлар кўзгу орқали узоқларга термулган, қимтилган дудоқлар, нафис ва дилбар бир чехра. Бўйнида марварид шодалари, либослар олтин ва кумуш яроқчалар билан безатилган, бошида рўмол ҳам эмас, дўппи ҳам эмас, лекин ўзига ғоят мос тушган бош кийим. Сочлар тароққа бўйсунмагандек, чаккаларида фатила-фатила бўлиб турибди. Пешонасида бриллиант юлдуз порламоқда. Шоиранинг юзларида ўз қадру қимматини билишдан ҳосил бўладиган виқор, ғурур (кибр эмас, албатта), жиддийлик кўриниб туради.

«Шоираи нажиба» суратига ибрат назари билан қараган киши унинг зоҳирий (ташқи) гўзаллигинингина эмас, ботиний (ички) гўзаллигини ҳам мушоҳада қилиши мумкин.

Китобда бундан бошқа «Табиий бир тепалик», «Ҳасратли шоира», «Ҳасл оламида», «Китоб ўқиб йиғлаган хотин», «Уш (Имом ота водийсида) бир шоиранинг мазори», шоира Назиханинг «Оҳанги ошиқона» сарлавҳали шеъри мазмунига қараб чизилган «Скрипка ушлаган бир қиз» сурати бор.

Биз бу суратларни Ўзбекистон Давлат бадий адабиёт нашриёти атрофидаги рассомларга кўрсатдик. Уларнинг бир оғиздан айтишларига қараганда, 1914 йилларда Европада рассомлик санъатида турли оқимлар пайдо бўлиб, тасвирий санъатда турғунлик юз берган. Иброҳимов Даврон эса, Европа тасвирий санъатига ўзбек миллий колоритини бериб, Шарқ миниатюраси билан Европа тасвирий санъатини бирлаштирган, бойитган.

Бизнинг фикримизча, «Ашъори нисвон» ўзбек адабиёти тарихининг ёзилмаган саҳифаларини тўлдирган ғоят муҳим адабий ҳужжатдир.

#### IV

Бу шоиралар ижодининг ижтимоий қиммати шундаки, улар Зебуннисо Бегим ва Нодира каби маликалар бўлмай, оддий, ўзбек хотин-қизларидир. Бу шоиралар ўзбек аёллари қисматига тушган ҳамма дард-алам, жабр-жафоларни ўз бошларидан кечирганлар. Буларнинг шеърлари хаёл, тасаввур маҳсули эмас, балки ўзлари яшаган даврнинг реал бадий лавҳасидир. Шунинг учун уларнинг номлари куйга солинган кулфатнинг мужассам

тимсолидир, шунинг учун бу ҳассос, заковатли опаларимизнинг ҳажвий шеърлари лабларга табассум бағиц-лайди-да, кўзга ёш келтиради.

Ҳамма шоираларнинг шеърларида ҳаётдан нолиш, ҳасрат ва надомат овози эшитилиб, ўқувчида, умрлари ҳасрат, алам билан адо бўлган бу шоираларга нисбатан шафқат, ачиниш ҳиссини кўзғайди. Забардаст шоира, лекин ўта бахтсиз Файзи Биби ўзини «Мотам бўстони-нинг андалиби» (булбули) деб атайди:

Нолон чу андалибам, бўстони мотам ичра,  
Бир дам муяссар ўлмас, роҳат ҳаётим ичра.<sup>1</sup>

Иброҳим Даврон шеър авторларининг жинсларига қараб ўз китобига «Ашъори нисвон» деб ном қўйган. Агар биз шеърларнинг мазмуни ва моҳиятига қараб, уни «Ҳасратнома» деб атасак асло янгилишмаган бўламиз. Чунки ҳамма шеърлар кўз ёши, қалб қони билан ёзилган ғам, алам симфониясидек мунглидир.

Ўтмишдаги жирканч одамлардан бири қизларнинг барча инсоний ҳуқуқлардан маҳрумлиги эди. Қизларнинг инон-ихтиёри батамом ота-она қўлида бўлиб, улар ўз фарзандларининг тақдирини уларнинг хоҳишига қараб эмас, ўз истакларига қараб ҳал этар, қиз шўрлик эса, қон-қора қақшаб, баъзан ўлим ҳукмидан оғирроқ ота-она фармониغا бўйсунарди. Босқини қизлар ўзларининг мусаффо қалбларида бирор барно йиғит образини гавдалантириб, хаёлан бахт-саодат жаннатиде саёр этаркан, бирдан ота-она хоҳиши билан беақл, жоҳил кимсага ёки оталаридан қариороқ бой, эшонга ҳамхона бўлиб, бу оила дўзахиде куйиб кул бўлардилар.

Бу тоифа эрлар эса, қизларга ҳаёт йўлдоши эмас, бераҳм, бешафқат, жафокорлар эдилар. Революциягача хотин-қизларнинг жамоат ҳаётига қатнашиш ҳуқуқидан маҳрумлиги уларни эрлар қўлида бус-бутун муте қилиб қўярди. Эр эса, иқтисодий устунлиги туфайли оилада ўзини худо деб сезарди. Шунинг учун хотинни беёзиқдан-беёзиқ урар, ҳақорат қилар, хўрлар, истаса устига уч-тўрт хотин олар, ёхуд ёш гўдаклари билан ҳайдаб юборар эди. Шу жиҳатдан қараганда шоира Саида Бибининг «Золим эркаклардан фарёд!» шеъри шу калч

<sup>1</sup> Шу китоб, 29 бет.



самимий, шу даражада ғамгинки, ҳар қандай қалбни қақшатиб, ларзага келтиради.

Ена-эна ҳасратда бус-бутун адо бўлдим,  
Очсагиз юрак-бағрим қонлуқиб қаро бўлдим.  
Золим эр жазосиндин қутулур замон йўқми?  
Ҳасрат ила кун кўрмак ёки бир амон йўқми?

Фарқи йўқ хотунларни тўрт оёқли ҳайвондин,  
Ҳуррият топар эрдик, гар саналса... инсондин.<sup>1</sup>

Замон, шароит бу шўрлик шоираларни шундай искан-жага олган эдики, улар дунёга келганига минг пушаймон бўлиб, азиз умрилари ҳасратда тамом бўлди. Жаҳон Ойимнинг «Айрулиқ» шеъридаги:

Гул эдим, сўлдим чаманда, булбулондин айрилуб.  
Булбули шўридаям чун гулистондин айрилуб,  
Сарғоруб овораям, лемун каби сўлгун юзум,  
Оташи оҳим сўлубдур завқи жондин айрилуб.  
Келдим, оё келмадим, дунёя билмакким, ажаб,  
Чун ҳубобам<sup>2</sup>, беҳабар оби равондин айрилуб—<sup>3</sup>.

каби мунг билан тўла байтларида чексиз ҳасрат, бени-ҳоя дард, алам.ифода этилгандир.

Шоира Собира Биби Туркистонда қисмати асоратдан, қулликдан иборат бўлиб, улар суратда инсон, сийратда ҳайвондек сотилаётганларидан ҳаяжонга келиб, фарёд чекарди:

Етарми субҳи мақсуда бизим оқшомимиз, ёраб?  
Ўлурми файзи иқбола қарин<sup>4</sup> айёмимиз, ёраб?  
Шараф нисвона<sup>5</sup> Туркистон аро қайди асоратдур,  
Асоратли шарафдин яхшидур эъдомимиз<sup>6</sup>, ёраб.  
Ақлсиз гарчи нисвона асорат айни зийнатдур,  
Бу зийнатни олуб биздин, карам қил комимиз,<sup>7</sup> ёраб.

<sup>1</sup> Шу китоб, 34-бет.

<sup>2</sup> Ҳубоб — сув юзида пайдо бўладиган қабарик, кўпик.

<sup>3</sup> Шу китоб, 23-бет.

<sup>4</sup> Қарин — яқин.

<sup>5</sup> Нисвон — хогинлар.

<sup>6</sup> Эъдом — йўқолмоқ.

<sup>7</sup> Ком — тилак, мақсад, орзу.

Хотун биз суратан, сийратда<sup>1</sup> ҳайвондек сотунлармиз.  
Биримиз қўй, биримиз эчку, нисвон номимиз, ёраб...<sup>2</sup>

Кўриниб турибдики, Собира Биби ўз дардини эмас, Туркистондаги барча хотинларнинг дардини айтиб фарёд қилмоқда. Бу ўз даври воқелигининг реалистик ифодаси бўлиб, ижтимоий бир мусибатнинг, миллий бир бадбахтликнинг бадний умумлашмасидир.

Аксари ўқимишли, фозила ва оқила қизлар нодон, жоҳил, бадахлоқ эрлар қўлига тушиб, оила улар учун қафас, зиндон туюларди. Бундай оилага тушган қизларнинг ҳоли «шому саҳар» йинги-поладан иборат бўларди. Машҳур шоирамиз Маҳзунанинг ана шундай машъум қисмати китобхонлар хотиридадир. «Ашъори нисвон» шоираларидан тўрғоқли Ҳадия Биби мана шундай шум тақдирнинг қурбонидирки, унинг «Қандоқ қилай?» радифли шеъри бунга жуда ёрқин мисол бўла олади:

Ҳеч бир шод ўлмади менга жаҳон, қандоқ қилай?  
Йиғларам шому саҳар айлаб, фиғон, қандоқ қилай?

.....  
Булбули шўридаман, ҳамхонам аммо зогдур,  
Оҳким, мундоқ қафасдин йўқ омон, қандоқ қилай?

.....  
Еш чоғимда ўйлар эрдим позанин мулло йигит,  
Лекин ўлдим завжан бир нотавом, қандоқ қилай?  
Зинҳор, эй қизларим, бечора мулло охтаринг.  
Жоҳил эр қилган хогун ранги самон, қандоқ қилай?  
Беақл олса хотун, ғамдин тириклай ўлдирар.  
Бергуси бошингга муштлаб парча нон, қандоқ қилай...<sup>3</sup>

Бечора хотинлар у машъум замонадан шу қадар кулфат, шу қадар азоб, изтироб чекканларки, боёқиш Биби Ҳамиданинг:

Сўйла, эй дўстим, хотундин ўзга мазлума надур?<sup>4</sup>

деб фиғони фалакка чиқса, шоира Саида Биби:

<sup>1</sup> Сийрат — ички олам, маънавий қиёфа демакдир, бу ўринда моҳият маъносида.

<sup>2</sup> «Ашъори нисвон», 24—25-бетлар.

<sup>3</sup> Шу китоб, 55-бет.

<sup>4</sup> Шу китоб, 36-бет.

Йиғлама қаро кундин, эй Саида мазлума,  
Бахт деган ёлон сўзининг кори бизга маълума.<sup>1</sup>

деб дунёда бахт-саодат деган нарсанинг борлигига ишонамайди. Бу бадбинлик эмас, бу ўша даврдаги ижтимоий турмушнинг ростгўйлик билан чизилган ҳаққоний бадий лавҳасидир. Дарҳақиқат, дин, феодал ва буржуа жамияти томонидан барча инсоний ҳуқуқлардан маҳрум этилган аёллар учун у даврда бахт тутқич бермас қуш эди, улар андек толе, заррача бахтга зор эдилар.

Бола туғилиши оиланинг бахти деб ҳамма айтади. Бу — гўё исбот талаб қилмайдиган аксиома. Аммо ҳаёт шундай мураккаб, шундай зиддиятлар билан тўлаки, бошқаларга бахт келтирган бола, шоира Садиқа Бибига бахтсизлик туюлади, шунинг учун у:

Бола туғдим — бало туғдим, балоя мубталодин сўнг,—

деб афсусланади. Модомки, оила қашшоқ, ҳаёт огир юк бўлиб, тирикчилик бир азоби алим бўларкан, бундай шароитда туғилган ҳар бир боланинг онаси «Бола туғдим — бало туғдим...» дейишга мажбур бўлади. Онанинг ўз фарзандига бундай муносабатда бўлиши огир, бироқ, замоннинг зайли, даврнинг тақозаси шу эди.

Агар бу фиғону нолалар фақат бир шоиранинг ижодида кўринганда, буни бир шахснинг қора қисмати демоқ мумкин бўларди, у ҳолда буни жамиятнинг ярмини ташкил этган хотин-қизларнинг қисмати деб айтишга жасорат ҳам қилмасдик. Ҳолбуки, Улуғ Октябрь революциясидан олдин яшаган ҳамма шоиралар бир дардни айтиб йиғлайдилар, бу — уларнинг инсонлик шарафи поймол этилгани, хўрлангани, ўзларининг тиллари билан айтганда, ҳайвондан тубан саналганликлари дардидир.

Инсоф билан айтганда, бу шеърлар ёлғиз ўзбек хотин-қизлари тақдири ҳақидаги ҳасратномалар бўлмай, бутун мусулмон оламидаги аёллар қисматига таллуқли дарду алам қўшиқларидир. Масалан: шоира Биби Ҳамиданинг «Дорли юрак» шеърини мусулмон оламидаги кўп хотин-қизлар ўз дардлари, деб ўйламоқлари мумкин. Қаранг, Биби Ҳамида қандай алам билан куйлайди, қандай дард билан инграйди:

<sup>1</sup> Шу китоб, 35-бет.

Биз, хотун-бечоралар, ноҳақ оқар кўз ёшимиз,  
На жафолар кўрмади, эрлар қўлида бошимиз?<sup>1</sup>  
Бир гули пажмурда ўлдик, доғи ҳасратда сўлуб,  
Булбул эрдик, зоглар ўлмиш бизим йўлдошимиз!  
Одат ўлмишдур асорат биз хотунлар хайлиға,  
Бир қора ҳайвондан ортиқ боғлу қолмиш бошимиз.<sup>1</sup>

Шоира Моҳзода Бегим эса, ҳаётда оҳангдошлик йўқ-лигини кўриб қаттиқ қайғуради. Унинг қулоқларига ҳар тарафдан йиғи овози эшитилади. Адолатсизликлар, маъносиз урф-одатлар туфайли ҳамманинг кўзида ёш кўрган бу жасур шоира «Жаҳона хитоб!» шеърисида ўз замониға, ҳаммани қақшатган ўша кўҳна дунёға қарши норозилик баён қилиб, исён кўтаради:

Жаҳон! Сен бевафо, ҳар ерда кўл инсонни йиғлатдинг!  
Ҳаёсиз! Бемурувват! Неча минг меҳмонни йиғлатдинг!  
Ситамгарсен, жафожўсен, яна бир гўли бадхўсен!  
Биёбони қазода неча минг барнони йиғлатдинг!  
Ким сўрсам менинг дардимдин ортиқ дардини сўйлар.  
Ажаб мотамсаросен, тожиру карвонни йиғлатдинг!  
Тафаккур айласам, мутлақ сенга қонуи эмиш навҳа,  
Ҳавою, абру борону ҳама анёни йиғлатдинг!<sup>2</sup>

Утмишнинг жабру жафоларидан инграб, ғазал тўқиган бу шоиралар, нажот истаб худоға муножот қилишдан бошлаб, ҳаммани йиғлатган, «ҳаёсиз, бемурувват» дунёға қарши исёнкорона фикрлар айтишгача кўтарилганлар. Тўғри, Моҳзода Бегим оммани исёнға чақирмайди, унинг фикрлари мавҳумроқ, лекин бир нарса аниқ ва равшан: шоира ўзи яшаган даврни «ҳаёсиз, бемурувват, жафожў» деб атаб, унга нафрат билан қарайди, уни рад этади. Эскини рад этмоқ — янгини қидирмоқ демакдир. Шоираларимизнинг фикрларидаги эволюциянинг йўналиши ана шундай.

## V

Иброҳим Даврон «Ашъори нисвон» га ёзган сўз бошида: «Биз ва бизнинг хотинларимизнинг шеърлари эски йўл ва услубда ўлуб, аксариси фақат адабға хи-

<sup>1</sup> Шу китоб, 34-бет.

<sup>2</sup> Шу китоб, 59-бет.

лоф: ўлдим-куйдимдан бoшқа ҳеч қандай ижтимоий қимматга молик эмас»<sup>1</sup> дейди. Шу қисқагина ҳукмдан Давроннинг эстетик қарашлари аниқ кўриниб туради. Унинг фикрича: яйдоқ-яланғоч, фақат эҳтирос уйғотини учун шеър ёзиш — адабсизликдир. Бoшқача айтганда, шоир Иброҳим Давронда шеърятдан ижтимоий оҳанглар қидириш кайфияти жуда зўр. У йигирма йил давомида тинмай хотинларнинг шеърларини қидириб юрган бўлса-да, қўлига кирган ҳамма шеърларнинг эмас, балки уларни «кўздан кечириб, маслакка мувофиқларини» нашр этган.

Албатта, бу сўزلардан, Даврон лирикага қарши экан, деган маъно чиқмайди. Иброҳим Даврон «Ашъори нисвон» га «адабга хилоф — ўлдим-куйдим» руҳидаги шеърларни эмас, аксинча, соф, бегубор, юсак туйғуларни акс эттирувчи ҳақиқий лирик шеърларни киритиб, нитобнинг ижтимоий қимматини оширган.

Китобнинг тили ҳақида.

«Ашъори нисвон» шоираларининг тили ҳам адабиётшунослик, ҳам тилшунослик нуқтаи назаридан диққатга сазовордир. Бунинг сабаби шундаки, шоиралар ўз асарларини ўзбек, форс-тожиқ ва озарбайжон тилида ёзганлар. Ўзбек шоираларининг форс-тожиқ тилида асар ёзишлари қадимий анъанадир. Бу анъана XV асргача ҳоким вазиятида бўлиб, улуғ бобомиз Навоийнинг тилда мустақиллик учун олиб борган кураши натижасидагина ҳоким вазиятини йўқотади. Шунга қарамай, классиклар ўзбекча билан бир қаторда форсча шеърлар ёзишни давом эттирганлар. Бунга далил қилиб Фазлийнинг «Мажмуаттуш-шуаро» тўпламини кўрсатиш қифоя қилади.

Бироқ ўзбек шоирлари, айниқса шоирларимизнинг турк-озарбайжон тили таъсирида шеър ёзишларини қандай изоҳлаш керак? Бу сўроққа тўғри жавоб бериш учун тарихга андак экскурсия қилишга эҳтиёж бор.

Фузулий улуғ бобомиз Навойдан кўп таъсирлангандек, ўз навбатида ўзбек адабиётига зўр таъсир кўрсатган санъаткордир. Бунинг уч сабаби бор: биринчи — Фузулий тилининг ўзбек тилига яқинлиги; иккинчи — Фузулийнинг хушлафз ва ширин забонлиги; учинчи — Фузулий асарларининг бадий баркамоллиги.

<sup>1</sup> Шу китоб, 1-бет.

Мана шу сабабларга кўра, ўзбек халқи озарбайжон халқининг бу улў фарзандини қулоч очиб қарши олди, уни Навоий билан бир қаторда эски мактаб программа-сига киритиб, эҳтиром билан ижодини ўргана бошлайди. Фузулий асарлари Октябрь инқилобидан илгари Ўзбекистонда йигирма тўрт дафъа нашр этилиб, ҳар бир саводли кишининг қўлидан тушмас китоби бўлиб қолди.

Ўзбек шоирлари қарийб икки асрдан бери Фузулий асарларига мафтун бўлиб келадилар. Бизнинг шоирларимиз учун Фузулий бадий балоғатнинг символидир. Шунга кўра, XVIII ва XIX аср давомида яшаб ижод этган кўп забардаст шоирлар Фузулий ғазалларига мухаммаслар боғлаганлар. Бу анъанани Фурқат, Муқимий, Завқий, Асирий каби шоирлар давом эттирганлар.

Фузулийга эргашиш ўзбек адабиётида унинг ғазалларига мухаммас боғлаш билан чекланиб қолмай, бора-бора бу бир адабий мактабга — «Фузулий мактаби»га айланди. Бу адабий мактаб мухлислари ўзбекча шеърларда Фузулий тили учун характерли ибораларни ишлатиш, шеър тилини озарбайжончага яқинлаштириш, бошқача айтганда, тилни «фузулийлаштиришга» кўпроқ майл кўрсатдилар.

Ўзбек шоир ва шоирларининг Фузулий таъсирида ёзган шеърларидан баъзи намуналарни кўриб ўтайлик:

Ишқ офатидин душди мани бошима савдо,  
Мажнун каби ҳайрон кезарам дашт ила саҳро,  
Дун-кун ишим ўлди мани ҳар ерда алоло.

(Шавқий)

Ишқида манга ҳосил ўла дарду бало чўх,  
Меҳр ила вафо оз, вале жавру жафо чўх.

(Ғозий)

Жафо чекканлара, жонон, вафолиғ қилганинг яхши,  
Асири ишқ улонларга шифолиғ қилганинг яхши.

(Увайсий)

Увайсий билан Маҳзунанинг «Ошиқ бўлмишам» радиопли шеърлари Фузулий тили ва услубида ёзилган.

Машҳур шоирамиз Нодиранинг «Бох», «Чўх» радифли шеърлари ҳам Фузулий лафзи ва услубидадир.

Чунончи:

Ер керак ошиқа, менда севар ёр йўх.  
Дарду гамим беадад, сурғали гамхор йўх.  
Боғи сайр эт, карами довара бох,  
Гулни бошидаги тожи зара бох.  
Нодира, даҳр элини сархуш бил,  
Соқийи давр алида соғара бох.

Демократ шоиримиз Фурқат ҳам Фузулий услубида кўп шеърлар ёзган. Қуйидаги мисралар Фурқатнинг фузулийна шеърларидан намунадир:

Эй лутфи каму жафоси чўх ёр,  
То чанд чекай гамингда озор?  
Ҳайҳот, бу чархи вожгунни  
Бир жонима кулфати бу миқдор..

(Фурқат)

Яна:

Ишқ оташи қачонким мен бемажола душти,  
Савдойи дарду ҳижрон бошимга сола душти.

Яна:

Кел, бегим, қаҳва ичиб, озгина суҳбат қилоли,  
Шарҳи рози дил эдуб, рафъи кудурат қилоли.  
Дулудур қона жигарлар, дутали гўшаи боғ,  
Жоми гулгун чеколи, лаҳзае ишрат қилоли.  
Даҳр беҳуда гами жондин ўсондирди бизи —  
Анинг олойишидан чиқмага гайрат қилоли.

(Фурқат)

Нодиранинг ўғли Маъдалихон эса, Фузулийнинг фусункор шеърларига шундай берилиб кетдики, унинг шеърлари ўзбек либоси кийган озар қизига ўхшайди. Масалан:


Айру душдим яна ул гунчаи хандонимдан,  
Нўла гар тинмаса эл нолаю афғонимдан.

Ехуд:

Дирилур зор таним лаъли Бадахшонингдан,  
Очилур уқдаи дил гунчаи хандонингдан.  
Верарам истадигинг жон эса, йўқ имкони —  
Подшоҳим, банга чихмак сани фармонингдан.

Юқоридаги мисоллардан равшан кўриниб турибдирки, ўзбек адабиётида «Фузулий мактаби» кўпдан бери давом этиб келади. Бинобарин, «Ашъори нисвон» шoirалари ва бу китоб муҳаррири Иброҳим Давроннинг асарларида озарбайжон тили унсурлари бўлиши табиийдир, чунки булар ҳам ана шу «Фузулий мактаби» шoirларидир.





**„АШЪОРИ НИСВОН“ ДАН НАМУНАЛАР**

*Осима Хоним*

**БИР ХОТУННИНГ ЭРИДАН ЗОРЛАНУБ СУИЛАДИГИ**

Илоҳи дарбадар юрган ватансиз жонни ер ютсун,  
Ҳамиша уйда ётган беҳунар ҳайвонни ер ютсун.

Жаҳону осмону жумла мофиҳони фаҳм этмас  
Ўлукмас, ё тирикмас, бисмили нимжонни ер ютсун.

Емак-ичмак... фалон қилмоқ, жаҳонни кори шулдир деб,  
Шароби гафлат ичган беҳабар нодонни ер ютсун.

Саропо жаҳлдан таркиб ўлунмиш бир илондекким,  
Чақар шому саҳар, андишасиз нисонни ер ютсун.

Хотинлар сўзи бўлса гарчи маънан беғубор олтун,  
Қулоқ солмас жамоди маҳздек қотгонни ер ютсун.

Надоматдур биза ўлгунча подон эрлара кетмак,  
Бизи ҳайвон каби боғлаб семуртургонни ер ютсун.

Ўқув билмаз, ёзув билмаз, яна дунёни фаҳм этмас,  
Бу аҳмақдин туғулган бахтсиз ўғлонни ер ютсун.

Узун тўн, катта салла, кирмағон ҳаммома умринда,  
Сосиб битган қаро кўйлак ила иштонни ер ютсун.

Осилган икки иштонбоғ ила шилқиллаган бурни  
Назофатсиз узун саққол ила юргонни ер ютсун.

Қизи ўн бешдан ошмай эрга берган ваҳший мардумни,  
Сўқуб таъзир бермас, беамал муллони ер ютсун.

Гирифтори ҳавои нафс ўлуб шайтона алданган,  
Боқолмай қарза ботуб, уч хотун олгонни ер ютсун.

Қилуб доруо дармон, бел букилган чоғда айш истар,  
Ҳалокатларни тавлид айлаган дармонни ер ютсун.

Ҳавойи нафс учун доим сотар ёлғон, каромат деб,  
Жаҳонда тўғри тушни кўрмаган эшонни ер ютсун.

Қизил ип, қора латта боғладим бир неча жоду деб  
Уқуб афсун фалони дер азойимхонни ер ютсун.

Ғаройибдур жаҳоннинг кори сартосар назар солсанг,  
Ямон эр бирла кўрган роҳати давронни ер ютсун.

*Садиқа Биби*

**БИР ХОТУН ҲАСРАТИНИ БУИЛА ТАСВИР ЭДАР**

Бола туғдим — бало туғдим, балоя мубталодин сўнг,  
Болаларга она бўлдим, ота бирла анодин сўнг.

Ютуб хуноби ҳасрат, дард илгинда хароб бўлдим,  
Қизил юз сарғайиб пажмурдалиқларда адодин сўнг.

Париваш нозу таннозона, мушкин тори гесулар —  
Кетиб, сочим оқарди, неча юз воҳасратодин сўнг.

Қани ул пурлатофат чеҳрау райҳани кокиллар,  
Бурушмуш чеҳра келди, менга ҳусни бебаҳодин сўнг.

Қани ул дасти симинлар? Қани пайваста абрўлар?  
Қани ул хуш кечан кунлар? Баҳори дилкушодин сўнг.

Қани олмоса бингзар чашми пур ошўби дилдўзим?  
Улубдур нурсиз хуршеддек тийра ҳаводин сўнг.

Фанимат бил шабоб аҳли, баҳори ҳусн қимматдур,  
Билур қадрин киши даврон кечуб қадди дутодин сўнг.

*Жаҳон Ойим*

**АЙРУЛИҚ**

Гул эдим, сўлдим чаманда, булбулондин айрилуб,  
Булбули шўридаям чун гулситондин айрилуб.

Сарғоруб овораям, лимун каби сўлғун юзум,  
Оташи оҳим сўнубдур, завқи жондин айрилуб.

Келдим оё келмадим дунёя билмамким, ажаб,  
Чун ҳубобам, беҳабар оби равондин айрилуб.

Дарду оломи жаҳондин зарра шод ўлмаз дилим,  
Чун паришон ўлмишам тотлиқ замондин айрилуб.

Аҳли дард олдида ҳаргиз оғломоқнинг айби йўқ,  
Оғломайми, неча яхши меҳрибондин айрилуб?

Кўз ёши оқмоқдадур кечмиш замоним ёд этиб,  
Кечмиш умрим қайта келмаз, кетса бандин айрилуб.

Вақт — олтундур, баҳосиз сотма ғофил, ётма, тур!  
Қайта келмаз, кимса кетса, бу жаҳондин айрилуб.

## Собира Биби

### ХОТУНЛАР МУНОЖОТИ

Етарми субҳи мақсуда, бизим оқшомимиз, ёраб?  
Улурми файзи иқбола қарин айёмимиз, ёраб?

Шараф нисвона Туркистон аро қайди асоратдур,  
Асоратли шарафдин яхшидур эъдомимиз ёраб.

Ақлсиз гарча нисвона асорат айни зийнатдур,  
Бу зийнатни олуб биздин, карам қил комимиз, ёраб.

Хотун биз суратан, сийратда ҳайвондек сотунлармиз,  
Биримиз қўй, биримиз эчку, нисвон номимиз, ёраб.

Имом бирла муаззин чор умури шаръини сўйлаб  
Авом аҳлина хор ўлди, бизим оқшомимиз, ёраб.

Мусовоту адолат қайда, эй аҳкоми исломи?  
Тараҳхум қил, фанодур коримиз, анжомимиз, ёраб.

Диёнат сатру хоинликмидур нисвона иффат, ё  
Қачон макшуф ўлур янглиш, неча аҳкомимиз, ёраб?

Асри дарду ғамдур қиз туғулса то абад бад, бад,  
Таассубдур қафас инбота, жаҳолат домимиз, ёраб.(?)

Имом сан, тут қўлум раҳбар ўлуб инбота эй ислом,  
Тазаллум адла қалб ўлсун, оқаруб шомимиз, ёраб.

*Файзи Биби*

### ҚИЗЛАРНИНГ ҲАСРАТИ

Во ҳасрато, жаҳондин кетдинг азимат айлаб,  
Ҳар лаҳза суҳбатингни бизга ганимат айлаб,  
Дийдорингиз қиёмат кўрмак васият айлаб,  
Жони азиз тандин бермоқда ҳиммат айлаб,  
Фарёду во дарифо, жон кетди фурқат айлаб.

Бошимга солди кетди сонсиз ғаму балолар,  
Исмапаноҳ модар айлаб менга жафолар,  
Кўз ёшим ўлди дарё йиғлаб шабу пағолар,  
Дийдор қайда эмди, йиғланг: ако-уколар,  
Маҳшар куни кўрармиз сабру қаноат айлаб.

Дардимни кимга айтай, эй волидам нигоро,  
Нур дарду нотавон ҳам мунча бошимда ғавго,  
Кетдинг мени етимлаб, сайри жаҳона танҳо,  
Ҳажрингда бесарупо полону зору шайдо,  
Мушкул гезарса умрим оҳу надомат айлаб.

Эй тожи раъси хўбон, в-эй ҳамнишини ҳурон,  
В-эй булбули хуш илҳон, маснад нишини ризвон,  
Авранги боғу бўстон, зебандаи гулистон,  
Иффат паноҳи унвон, ҳаффоzi сури қуръон,  
Фирдавс ошён ул, парвози жаннат айлаб.

Э дурри баҳри раҳмат, тангри муининг ўлсун,  
Ҳар боби маърифатдин жаннат яқининг ўлсун,  
Ҳар сўйи боғи жаннат холис замининг ўлсун,  
Алфози лутфу раҳмат нақши жабининг ўлсун,  
Халлоқи кулли олам мағруқи раҳмат айлаб.

Ҳар кунда минг ўлурман, бу дарди бедаводин,  
Тахлис мумкин ўлмас бу меҳнату балодин,  
Кечдим бу даҳр ичра минбаъд ҳую ҳодин,  
Маҳзан тиларман эмди раҳмат сенга худодин,  
Дарду ғамингни доим ёнимда улфат айлаб.

Эй волидам — шафиқам, мағфура шоҳ бону,  
Тутди азойи наъшинг аҳли аёл ҳар сў,  
Йўқдур жаҳонда менга сендин сафойи дилжў,  
Кетсам қаландарона ғурбатқа айлаюб хў  
Ҳар лаҳза собир ўлмом дардингда тоқат айлаб.

Ногаҳ алам етушти дарду фироқу ғамдин,  
Жону таним туташди бу оҳи пур аламдин,  
Осудалик қаёнда, бу ҳасрату ситамдин,  
То маҳшар эмди йиғлай бу дарди волидамдин,  
То охири ҳаётим минг турлу ҳасрат айлаб.

Талқин қилуб ўтарман қабрингга минг дуолар,  
Ҳар ерда ким йўлуқса йўл узра юз гадолар,  
Ҳайроти бешуморинг айлаб эдим адолар,  
Бўлмас муяссар ҳаргиз матлубу муддаолар,  
Эй во дариғу ҳайфо, тангрим каромат айлаб.

Бу даҳри бад миҷози соз ўлмади менга воҳ,  
Бу бахти вожгундин қон йиғлаб айласам оҳ,  
Ҳар зулм қилса қилсун, бу олами гузаргоҳ,  
Минбаъд тоқатим йўқ, қонлар ютарга биллоҳ,  
Раҳм айла, эй худоё, лутфу иноят айлаб.

Бошимда турлу савдо, кўксумда минг жароҳат,  
Махсус менга бердинг дунёда кўп надомат,  
Токай қилай, худоё бу ҳасратим давомат,  
Битмас бу дostonим бир зарра то қиёмат,  
Файзий фироқ шарҳин силки китобат айлаб.

*Ҳўқанд, 1320 ҳижрий*

## ЯНА ТАҲАССУР

Нолон чу андилибам, бўстони мотам ичра,  
Бир дам муяссар ўлмас, роҳат ҳаётим ичра.  
Ут тушди бўлди ахгар икки қанотим ичра,  
Маъюс қолдим охир, нолону зору абтар...

Ҳар дам куюб ёнармен ёдимға тушса меҳринг,  
Маҳшаргача туганмас дарду фироқу фикринг,  
Ҳар узву жузви танда мутлақ хаёлу зикринг,  
Бу гуссан муаббад то тошди менга яксар.

Сен ўлдингу, мен эмди ҳар кўчаларда ҳайрон,  
Минг оху ҳасрат ила маъюсу ҳам паришон,  
Ғам илкида туганди умри азизим эй жой,  
Қон иғласам бўлурму дийдорингиз муяссар.

Ёраб, жаҳонда борму мендек ғарибу мискин?  
Пайваста пур мусибат, мазлumu хаста ғамгин,  
Йўқдур бу дард ичра сабр ила зарра тамкин,  
Кечсам бу хонумондин мутлақ бўлуб қаландар.

Сабру таҳаммул этмак ночору ғайри қобил,  
Ҳам бу алам юзиға бўлмаски ҳеч ҳойил,  
Қилсам фароғат эмди даҳр ичра йўқ таомил,  
Куйдим гамингда модар охир бўлуб самандар.

*Ҳуқанд*



### ФАРЕДИ ЯТИМОНА

Кўзимнинг нури, кўнглим қуввати, дилбардан айрилдим  
Саодат шамъи, бахтим боиси гавҳардан айрилдим,  
Эди ғамхори жоним, оқилам, раҳбардан айрилдим,  
Шабобат даврида афсуским модардан айрилдим,  
Асилам, мушфиқам, оромижон, модардан айрилдим.

Кўзимнинг ёши дарёдек оқар, эй меҳрибон модар,  
Сен ўлдинг, мен ҳам ўлдим, ҳасратингда йиғлабон модар.  
Фироқингда куюб хокистар ўлдим ҳар замон модар,  
Жаҳон тўлди фиғону оҳима кетдинг қаён модар,  
Шафиқам, мунисам, оромижон, модардан айрилдим.

Кўзимда ашки хўнобим, қўлимда қонли рўмолим,  
Шаби мотамда қолдим, зору гирён, ким билур ҳолим?  
Фалак давринда билмом дундими идбора иқболим,  
Айирди ногаҳон сендан мени модар, фалак золим,  
Ғарибам, собирам, оромижон, модардан айрилдим.

Туғулдим, йиғладим, шафқат ила кўксингга олдинг сен,  
Заифу нотавондим, сутларинг оғзимга солдинг сен,  
«Болам» деб рўзу шаб кўз юммаюб бедор қолдинг сен,  
Сенинг эҳсонингга эҳсон қилар чоқда йўқолдинг сен,  
Ҳабибам, солиҳам, оромижон, модардан айрилдим.

Жаҳонда кимса бир мушфиқ онадин қолмасун, ёраб  
Бола модардану модар боладин қолмасун, ёраб!  
Агар аъдойи жоним-са, онодин қолмасун, ёраб!

Отадин қолмаданса қабр жодин қолмасун, ёраб!  
Афифам, носихам, оромижон, модардан айрилдим.

Оналар меҳри дунёда болага кимёдин хўб,  
Она жавру жафоси ўзганинг симу тилодин хўб,  
Онанинг хоки пойи атласу кимхоби жодин хўб,  
Она таҳқири мутлақ ўзга бир қиммат дуодин хўб,  
Зарифам, комилам, оромижон, модардан айрилдим.

*Хўқанд, 1254 ҳижрий.*

*Саида Биби*

**ЗОЛИМ ЭРҚАКЛАРДАН ФАРЁД**

Ёна-ёна кул бўлдум, дарди бедаволардин,  
Золим эр қучоғида қиз ёнар жафолардин.

Умр бир оқар сувдур, бир кетар яна келмаз  
Тарбият керакмазми қизлара онолардин?

Тарбиятсиз ўғул — бўлур бир ғўл,  
Кўрмаса тарбият отолардин.

Бир ўғил бир куни бўлур бир эр,  
Бир қиз ўлур хотин — нисолардин.

Я н а

Ёна-ёна ҳасратда бус-бутун адо бўлдим,  
Очсангиз юрак-бағрим қонлуқиб қаро бўлдим.

Золим эр жафосидин қутулур замон йўқми?  
Ҳасрат ила кун кўрмак ёки бир амон йўқми?

Фарқи йўқ хотунларни тўрт оёқли ҳайвондин,  
Ҳуррият топар эрдик, гар саналсак инсондин.

Ижтимои умматда рутбамиз масал шулдур,  
Ўртулуб ҳақорат-ла маҳв ўлур амал шулдур.

Я н а

Хотун олса киши кўрушмасдин,  
Умри кечмас киши уришмасдин,

Дунёда фитна ҳой гуногун,  
Кўрадур ҳар киши кўрмай олса хотун,

Биз хотунларни ўхшатиб мола,  
Эр эмас, балки кўра даллола,

Мода маймунни бир айиқ полвон,  
Оладур кўрмаюб қолур ҳайрон.

Бўйла савдойи кўр-кўрона,  
Кишини келтурур гўристана.

Ииглама қаро кундин, эй Саида мазлума,  
Бахт деган ёлон сўзнинг кори бизга маълума.

*Биби Ҳамида*

ДОҒЛИ ЮРАК

Биз, хотун бечоралар, ноҳақ оқар кўз ёшимиз,  
На жафолар кўрмади, эрлар кўлида бошимиз?!

Бир гули пажмурда ўлдиқ доғи ҳасратда сўлуб,  
Булбул эрдик, зўғлар ўлмиш бизим йўлдошимиз!

Оҳким, қизликдаги завқу хаёлим маҳв ўлуб,  
Бус-бутун аксина дўнди неча юз кенгошимиз.

Доғлидур, қондур юрак, дўнмас муродимча фалак,  
Бахту давлатни хаёл айлаб заҳардур ошимиз.

Одат ўлмишдур асорат биз хотунлар хайлиға,  
Бир қаро ҳайвондин ортиқ боғлу қолмиш бошимиз.

Бир хотун ҳусна асира, ҳур эса анда қусур,  
Эрдин ортиқча ситамгардур бизим кундошимиз.

Сўйла, эй дўстим, хотундин ўзга мазлума надур?  
Эр бўлур бегона мутлақ қирққа етса ёшимиз!..

*Биби Ҳанифа*

САБР

Гулшани уммид абри сабрдин сероб ўлур,  
Сабр қилсанг об гавҳар, санг лаъли ноб ўлур.

Тира ўлмаз касби зулмат айлаюб ҳар хонаким,  
Жилвагоҳи партави хуршеди оламтоб ўлур.

Ақлу ҳушинг-ла назар қил бир низоми олама,  
Неча кун зулмат ўлурса, неча кун маҳтоб ўлур.

Бўйла маълуми жаҳондир Қаъба бир тошдин бино,  
Ҳам ибодатхонада хоки сияҳ меҳроб ўлур.

Гар муаззаз ўлмоқ истарсан қаноат пеша қил,  
Чун садаф ичра ягона томчи дурри ноб ўлур.

Сабр ила парварда ўлмиш шохсори пунбадин,  
Тождорона муносиб атласу кимхоб ўлур.

Кеча зиллатда ҳақиру нотавон бир оила  
Тонгла инъоми фаровон-ла яна шодоб ўлур.

*Нодира Хоним*

**АНДИЖОН ЗИЛЗИЛАСИ**

Қодиро, парвардигоро, қаҳринг эълон айладинг,  
Сонки Нуҳинг қавмина қаҳр ила тўфон айладинг.

Асрлар маъмур улон бир балдаи Фарғонани,  
Лаҳзае ер титратуб, даҳшатли вайрон айладинг.

Ҳар тарафда доду афғон бир қиёматдин нишон,  
Бу кеча хандонларини тонгла гирён айладинг.

Кеча у саҳни чаманда ғунчаи навзод экан,  
Тонгла бир боди фалокат-ла паришон айладинг.

Кеча бир гулзор экан боғи эрам рашк овари,  
Тонгла майдони ҳалокатдек биёбон айладинг.

Кеча базми нўши бода, тўй ила масрур экан,  
Тонгда ангдори (?) мусибат ичра нолон айладинг.

Бу фалокатгоҳи дунё кимсани шод этмади  
Нодира шоду, давомат бағрим и қон айладинг.

*1320 ҳижрий. Рамазон.*

*Ризвон Биби*

**МАРСИЯДАН**

Ман шоир ўлдим ғам ила,  
Муътод ўлуб мотам ила,  
Минг марсия бир дам ила,  
Езсам туганмас ҳасратинг.

Маълулман ҳасрат чекуб,  
Дарду ғамингда қон ичуб,  
Сонсиз алам жондан кечуб,  
Езсам туганмас ҳасратинг.

Ҳадсиз фиғону нолалар,  
Чашмим саҳарда жолалар,  
Тўкди қизил қон лолалар,  
Езсам туганмас ҳасратинг.

Бахтим забун, ҳолим ямон,  
Бағрим қаро, рангим самон,  
Мундоқ аламдан алъамон,  
Езсам туганмас ҳасратинг.

Кўз ёшим ўлди руди Нил  
Тинмай оқадур мисли сел,  
Раҳмон ўзинг раҳм айлагил,  
Езсам туганмас ҳасратинг.

*Ҳўқанд, 1291 ҳижрий.*



## Зебуннисо

### БИР ЯТИМА ҚИЗ<sup>1</sup>

Жаҳонда бору йўқни билмаган девона қиздурман,  
Етим қолган онодан, айрилуб ҳайрона қиздурман.

Етимман, хастаман, оворалиқда дийда гирёнман,  
Муродимга етолмай, синаси бирёна қиздурман.

Худойим шоҳидимдур ёлғузин бошим налар кўрди,  
Жаҳонда ўхшаган ғурбатдаги меҳмона қиздурман.

Саҳарлар синадан оҳу фиғоним арша чиққанда,  
Эшитганман ўгайлардан неча афсона қиздурман.

Бошим бошлиқни кўрмай, кўзларимдан қон оқар ёшим,  
Вужудим сатрасиз бечора-у урёна қиздурман.

Менга яхши ўлумдур, бешараф кўрган ҳаётимдин,  
Шабу рўзимдаман жуъ-у аташ бир нона қиздурман.

Отам жоҳил, она йўқ, бир ўгай қўлида чўриман,  
Тирикликни кўрурман ҳар кунни жаврона қиздурман.

Жаҳон боғиндаман бир ғунчаи нашкуфта дилхунман,  
Баҳоринда хазона мунтазир бирёна қиздурман.

Илоҳо холиқо, пинҳон ёниб куйганга раҳм айла,  
Қачон Зебуннисо мумкин қочуб дармона қиздурман.

Ҳўқанд, 1283 ҳижрий.

<sup>1</sup> Бу шоира Зебуннисо Бегим эмас, қўқонликдир.

*Надила*

**ҚАЙНОНАМГА**

Дунё ҳаётин демангиз осон,  
Пос хотирлардин дидалар гирён,  
Бу аламларга бормидур поён?  
Дардим ичимда, лабларим хандон.

Еруқлиқни кўрмайин юлдузда,  
Осойишта қўймайсиз кундузда,  
Муҳаббатингиз бори бир сўзда,  
Дардим ичимда, лабларим хандон.

Шому саҳарлар ишимиз аччиғ,  
Сўкуб урарсиз санжиғу чанчиғ,  
Одам боласин отайсиз қанчиғ,  
Дардим ичимда, лабларим хандон.

Ўғлингиз оти Отабой банги,  
Афюн чекмакдин самондур ранги,  
Қайнонамсиз, мочахар ҳанги,  
Дардим ичимда, лабларим хандон.

Мулло ўғлингиз хўжа қузғунжон,  
Қори ўғлингиз қоп-қора қумғон,  
Дўкон бадўкон ўқувчи қуръон,  
Дардим ичимда, лабларим хандон.

Ишсиз, ҳунарсиз токай ётамиз,  
Кундан-кун бадтар тошдек қотамиз,  
Хўжа таваккал қайинотамиз,  
Дардим ичимда, лабларим хандон.

Жон суйган болам қучоғимда йўқ,  
Бошимга топсам оёғимда йўқ,  
... .. чоғимда йўқ,  
Дардим ичимда, лабларим хандон.

Кўз ёшим оқар Сирдарё бўйлаб,  
Битирмоқ йўқдур ҳасратим сўйлаб,  
Девона бўлдим туну кун ўйлаб,  
Дардим ичимда, лабларим хандон.

Туркистон ичра неъмат фаровон,  
Ўзгалар доно, биз нечун нодон?  
Нодон хонаси хотунға зиндон,  
Дардим ичимда, лабларим хандон.

*Туртоқли Ҳадия Биби*

**ҚАНДОҚ ҚИЛАЙ**

Ҳеч бир шод ўлмади менга жаҳон, қандоқ қилай?  
Йиғларам шому саҳар айлаб фиғон, қандоқ қилай?

Ман етим, дилсўз етим, овора-у ўксуз етим,  
Тангридин бир ўзга йўқдур меҳрибон, қандоқ қилай?

Бахту давлатдин бутун ўртоқларим ком олдилар,  
Соате дунёда бўлмам комрон қандоқ қилай?

Ҳар тарафқа бош уруб бисмил йилондек тебраниб,  
Дам-бадам ҳолим ҳалокатдан ямон, қандоқ қилай?

Булбули шўридаман, ҳамхонам аммо зоғдур,  
Оҳким, мундоқ қафасдин йўқ омон, қандоқ қилай?

Еш чоғимда ўйлар эрдим нозанин мулло йигит,  
Лекин ўлдим завжаи бир нотавон қандоқ қилай?

Зинҳор, эй қизларим, бечора мулло охтаринг,  
Жоҳил эр қилган хотун ранги самон, қандоқ қилай?

Беақл олса хотун ғамдин тириклай ўлдирар,  
Бергуси бошингга муштлаб парча нон, қандоқ қилай?

«Оча ғар, ẽ мочахар»... дерлар, адабсиз, қизлара,  
Демангиз мундоқ ямон сўз, отажон, қандоқ қилай?

Ота нодон, она нодон — икки нодоннинг қизи —  
Бўлғуси бир мода ҳайвон бегумон, қандоқ қилай?

*Ҳўқанд, 1254 ҳижрий.*

*Моҳзода Бегим*

**ЖАҲОНА ХИТОБ**

Жаҳон! Сен бевафо, ҳар ерда кўп инсонни йиғлатдинг!  
Ҳаёсиз! Бемурувват! Неча минг меҳмонни йиғлатдинг!

Ситамгарсен, жафожўсен яна бир ғўли бадхў сен!  
Биёбони қазода неча минг барнони йиғлатдинг!

Кими кўрсам менинг дардимдин ортиқ дардини сўйлар,  
Ажаб мотамсаросен, тожиру карвони йиғлатдинг!

Самодин то самак, ғарб ила то шарқа қулоқ солсам,  
Ниҳону ошкоро Одаму Ҳаввони йиғлатдинг!

Тафаккур айласам: мутлақ сенга қонун эмиш навҳа,  
Ҳавоу абру борону ҳама ашёни йиғлатдинг!

Бориб дарё яқосинда ўтурдим ҳолима йиғлаб,  
Меним ҳолимға чандон бу оқар дарёни йиғлатдинг!

Баҳорим ёзу, ёзим қиш ўлуб пайваста йиғлардим,  
Саёҳатда меним-чун тоғ ила саҳрони йиғлатдинг!

Абасдур, кимки сен дунёда мағрури ҳавас ўлса,  
Бу Моҳзоддан муқаддам Одаму Ҳаввони йиғлатдинг!

*Тўти қиз*

**ВИСОЛИ ЕРДИН БОШҚА**

Маризи ишқа дармон йўқ, висоли ёрдин бошқа,  
Кўзим кўрмас билоди ишқ аро дилдордин бошқа.

Қачонким ишқ домина гирифтор ўлди қуш кўнглим,  
Халос ўлмоқ умидим йўқ фиғону зордин бошқа.

Умиди васл ила шому сабо андоқки толибман,  
Табиб олдиға бормас мутлақо бемордин бошқа.

Шарафдур ишқ элиға ёр тупроғида жон бермак,  
Нечукким ҳамдами йўқ гулларинг бир хордин бошқа.

Замонлар кечди ҳоло кечмаюр ҳою ҳавас биздин,  
Магар йўқтур жаҳонда гумбази даввордин бошқа.

## Нозук Хоним

### ФАСОНА

Кўп рахна солма золим, бу қалби доғдора,  
Бир оҳи субҳгоҳим қилмасми пора-пора?

Ҳолим сенга аёндур, ҳажрингда неча куйдим,  
Золим жафо шиорө, бир қилмадинг назора!

Бошим у тош бошдур, минг осийет солдим,  
Васлинг тилаб югурдим ҳар дашту кўҳсора.

Бахтимми? Ёки қисмат, менга насиби меҳнат,  
Ҳар ерда жойи хобим сар ўлса санги хора.

Хуш кечмаюб ҳаётим Нозук бу ҳола етдим,  
Ҳар ҳосилеки тоғдим солдим бу шўразора.



### ҒАЗАЛ-АФСОНА

Ёндим фироқ ўтида бедуду бешарора,  
Парво надур, у билмаз, юз хаста куйса пора.

Хунбору хунфишондур икки кўзим йўлингда,  
Кел эй, жафошиорим, раҳм айлаюб канора.

То кай жафо қилурсен, эй моҳи оламор,  
Йўқми дилингда зарра, ойини лутфкора?

Кел, о, тажассум айла, номехрибон нигорим,  
Айлармисен тараҳҳум йўлингда интизора?

Ёраб, сиёҳ бахтим, бир кун оқармаюрми?  
То ким жаҳонда бўлса вуслат азиз ёра.

Ёраб, бу турлу меҳнат, бир охири бўлурми?  
Ё ким бу ҳасрат ила элтар мени мазора?

Афсус, кечди умрим, нокому хаста қолдим,  
Мумкинмидур жаҳонда кўрмак сени дубора.

## РЕХТ ГУЛ

Ғамзаи тири нигоҳаш дар дили мо рехт гул,  
Аз хаёлам дуди оҳам бар Сурайё рехт гул.  
Қуштаи теги нигоҳам кард чашми пурфанаш,  
Мавжи хунам як тапиш дар дашту саҳро рехт гул.  
Шӯхи ман ногаҳ хиромон шуд ба гулгашти чаман,  
Ҷамчу товус аз хироми у саропо рехт гул.  
Аз фироқаш дар мижа ҳар қатраи хун гашт сабз,  
Сад гулистон дар жигар з-он чашми шаҳло рехт гул.  
Васфи он Нозук адоро ман чу кардам ошкор,  
Ҷамчу гулшан дар дили ҳар зарра дарё рехт гул.

*Нигор Хоним*

**БИР НИГОҲ**

Севдигим, ваъди садоқат-ла бани таъмин эдар,  
Марҳамат-ла оҳи оташборими таскин эдар.

Уйла бир соҳибкарам ёри мурувваткордур,  
Ким на дам ҳозир бўлинса мажлиси рангин эдар.

Чашмининг айёми ғамда дўкдиги ашки тари,  
Вақти вуслатда камоли лутф-ла тазмин эдар.

Уйла бир ҳолат намоёндулки важҳинда онинг  
Фанни ишқи дар дақиқат қалбима талқин эдар.

Бошқа сурат-ла дилинг шод ўлмаси мумкин дагил,  
Этса-этса шубҳа йўқким у гўзал парвин эдар.

Роҳина ҳар лаҳзада жон вермака бан ҳозирам,  
Балки жононим али-ла жисмими тадфин эдар.

Ул қадар тасхир ўлунмишдулки бечора Нигор,  
Бир нигоҳа қалбини йиллар ила тарҳин эдар.

*Шараф Хоним*

**БОРИШМАМ!**

Сен билки муни, эй гули зебанда намойиш,  
Йўқ ғайр дарунимда баним улфата хоҳиш,  
Кўрдукда бани айлама беҳуда навозиш,  
Гусдим сенга бан, нофила ёлворма боришмам!

Умримда сенга кечмади бир карра ниёзим,  
Ошиқ ўлайим-да, на демак кечмая позим,  
Белутфу мурувват баним улфат нама лозим,  
Гусдим сенга бан, нофила ёлворма боришмам!

Оҳи саҳарим нолаи мастонами сондинг?  
Фарёдими гўш этмадинг, афсонами сондинг?  
Гулрухларинги арз эдуб оташларда ёндинг.  
Гусдим сенга бан, нофила ёлворма боришмам!

### ҲАСБИ ҲОЛИ ШАРАФ ХОНИМ

Лавму дашноми рақибон ила безор ўлдим,  
Ошиқ ўлдимса надан таъна сазовор ўлдим,  
Сонма нолаида кўриб булбули почор ўлдим,  
Оламинг чашмига бир гунча учун хор ўлдим,  
Сабри куч, чораси йўх дарда гирифтор ўлдим.

Мунча фарёдим эшитдинг, баним эй ғибтаи моҳ,  
Демадинг айлайим ҳолина шафқат-ла нигоҳ,  
Этмади зарра асар лайлу наҳор этдигим оҳ,  
Бир қандим, очим канда эвоҳ-эвоҳ. (?)  
Сабри куч, чораси йўх дарда гирифтор ўлдим.

Йиқди қасри амалим зарби фироқи жонон,  
Қолмади чекмага бори гамими тобу тавон,  
Уйла бир хастадил, шикаста дарунам альшон  
Банга дармон эдамаз ўлса ҳазорон Луқмон  
Сабри куч, чораси йўх дарда гирифтор ўлдим.

Бир тарафдин ситаму жаври жаноби дилдор,  
Бир тарафдин аламу қаҳру азоби агёр,  
Бу қадар меҳната ўлмазми таҳаммул душвор,  
...маъзур дегилми дили зорим ҳар бор,  
Сабри куч, чораси йўх дарда гирифтор ўлдим.

*Василат Хоним*

**ШАРАФИ ВУСЛАТ**

Ҳасрат ёқиюр сафҳаи виждоними, ёраб,  
Савдо бўриюр дийдаи гирёними, ёраб.

Савдоми шу кўз ёшларим исбот эдиюрда,  
Ҳеч англамаюр ҳоли паришоними, ёраб.

Бу ҳоли таассур ила бан қабрда кирсам,  
Забт айламаям нолаи ҳижроними, ёраб.

Гелдим, гилали бан шу миҳанхоная билмам,  
Пур шавқ ўлароқ кечмиш ўлан оними, ёраб.

Бир булбули белона киби зору забунам,  
Кўрдукча бан ағёр ила жононими, ёраб.

Зор айлама бори у паноҳи абадида,  
Қил афвга шойиста бу исёними, ёраб.

Орзу эдиюр ҳап шарафи вуслати кўнглим,  
Бахш айла-да, сўнгра баним жоними, ёраб.

## Нозик Биби Хўқандий

### ШИРУ ШАКАР<sup>1</sup>

Э дилрабойи маҳвашу э кофири фаранг,  
Э офати замонау барнойи шухи шанг,  
Ойнааст рўяту ҳаргиз надида занг,  
Ҳарчанд агар бувад дили ту сахттар зи санг,  
Ошиқларингга вожиб эрур гоҳ қарасанг.

Сарви қадинг сановбара ўхшаб чамандадур,  
Товусу кабк кўруб хиромингни бандадур,  
Сендек нигори маҳваши танноз қандадур  
Ул кўзу қошу, оқу қизил юзи сандадур  
Кам дидаем ҳусн бадин навъ обу ранг.

Э ман асири чашми хуши пур адоӣ ту,  
Аз сурма беҳтараст ба ман хоки пойи ту,  
Аз жону дил чаро накунам ман дуойи ту,  
Ҳар лаҳза мекунам дилу жонро фидойи ту,  
Ушал кунеқи сен мени ёнингга чорласанг.

Кўнглумдадур тилакки бошингдин минг ўргулуб,  
Ойдек юзинг-ла мен сари боқсанг кўзинг сузуб,

<sup>1</sup> Қадим замонлардан бери Шарқ шоирлари бир ғазални бир неча тилда ёзишни тажриба қилиб келадилар. Бадий ижоднинг бу хили «Ширу шакар» санъати деб юритилади. Ширу шакар санъатида етук асар ёзиш учун етук шоир бўлишдан ташқари, бошқа тилларни ҳам фасоҳат ва балоғат билан билиш лозим. Аня шундай истеъдодли шоирлар ва шоиралар форс-араб, ёхуд форс-турк тилларида ширу шакар ёзиб, икки тилни билган ўқувчиларга манзур қила олганлар. Бу муҳаммас шу жанрдаги асарларнинг энг гўзалидир.

Кўксинг боғида битган ўшал нордин узуб,  
Васлинг фироқида неча девоналар бўлуб,  
Аз хотирам шудасть фаромўш ному нанг.

Ризвон кунад биҳишту жинонро тасаддуқат,  
Шоҳон кунанд мулки жаҳонро тасаддуқат,  
Созад санампараст бутонро тасаддуқат,  
Аз шавқ мен кунам дилу жонро тасаддуқат,  
Раҳм айлабон агар мени ёнингга имласанг.

Шамшоду сарв қадди ниҳолингни садқаси,  
Райҳону ёсуман хату холингни садқаси,  
Ҳуру қусур барча жамолингни садқаси,  
Мен бўлайим замони висолингни садқаси,  
Гирам туро басина, дар оғўши хеш танг.

Гар якдаме нигор, бигуйи ба ман сухан,  
Гардам гоҳ аз забону, гаҳе аз лабу даҳан,  
Ҳарфи маро ту гўш кун, э сарви сиймтан,  
Оташзабон чу шамъ машав андарин чаман;  
Нозик агар мухаммасини яхши ўқусанг.



## *Биби Марям (Хиротий)*

### МУХАММАС

Зулмҳо пайваста боман, э нигорам, мекуни,  
Жаври беандоза ҳар лайлу наҳорам мекуни,  
Золимо, то кай табоҳи рӯзгорам мекуни,  
Дарди ҳажри ишқ ту нақши мозорам мекуни,  
Ин уқубатҳо баройи жони зорам мекуни.

То кай, э золим, балойи меҳнати дунё кашам?  
Ҳасрати рӯи гулу он гунҷаи лабҳо кашам,  
Ҳусни хубу наргиси шаҳло, қади зебо кашам,  
Нест бӯи васли жонон оҳ то уқбо кашам,  
Бас чунин жавру ситам тобутборам мекуни.

Бе ту, э золим, саропо рӯзгорам тийра шуд,  
Зиндаги сахту фуруғи нуру норам тийра шуд,  
Аз фироқи васли ту рӯзи гузорам тийра шуд,  
Бе гули рӯи ту дар гулшан баҳорам тийра шуд,  
Ҳамчу булбул пур фиғону беқарорам мекуни.

Э жафожӯ, таври ту бар ҳою ҳу мағрур шуд,  
Аз сиёҳи бахти ман субҳи висолат дур шуд.  
Дидаам аз касрати гирён шуданҳо кӯр шуд,  
Ҳам банокоми азин олам дилам манфур шуд,  
То бакай зулму ситам, э гул узорам, мекуни?

То ҳазорон аҳд баста ҳеч азон якду нашуд,  
Ваъдаи васли ту соли муш буд, ҳамдуна шуд,  
Ин аламҳо то абад аз хотирам як сӯ нашуд,  
Ғайри дийдори ту дар олам ба ман дилжӯ нашуд,  
Ин қадар то рӯзи маҳшар интизорам мекуни.

Охир, э дилдори ман, оташ ба жонам кардаи,  
Аз шжибои ба хилват гаҳ ниҳонам кардаи,  
Аз забунбахти чинин тарди замонам кардаи,  
Аз диёрам дӯру, вайрон хонумонам кардаи,  
Оқибат расвои ҳар шаҳру диёрам мекуни.

Оҳу зоре бар дилам аз лаъли маъгун мерасад,  
Ҳарки ушшоқаст аз маъшуқ ғам чун мерасад,  
Бар сари меҳнаткашон кулфат зи гардун мерасад,  
Ин болоҳо бар сарам аз бахти вожун мерасад,  
Синаи пур ҳасрати Марям фиғорам мекуни.

*Лайли Хоним*

**НУРИ МАЪРИФАТ**

*(Табрикнома ба «Садои Фарғона», «Садои Туркистон»  
ва ба жаридои «Ойна»)*

Ҳазорон шукр бар даргоҳи ҳайи қодири субҳон,  
Ки аз ашроқи нури маърифат офоқ шуд рахшон.

Ҳамоно кавну имкони шуда ҳангоми фирӯзи,  
Бувад ин даври аъзамро шарофат бар ҳама даврон.

Тафаккур дар замони халқи мози кун, кунун бингар,  
Тафаввуқ бар шуюхи қабл дорад тифли абжадхон.

Зи-баъди муддати чандин сана хоҳад шудан ифшо,  
Азин сири рамузироки макнун аст дар имкон.

Ман ин асрори макнунро зи назди худ намегуям,  
Чунин маълум мегардад зи ахборот-у аз қуръон.

Қасе бо чашми жон бинад кутубҳойи самовийро,  
Яқин донадки явми ваъдаҳойи ҳақ шавад шоён.

Кунун офоқро амрози гуно-гун шуда ориз,  
Табиби ҳозире бояд кунад амрози дармон.

Худо фармуд (каррамно...) ба одам дар набий  
Шарофатҳо, кароматҳо ато фармуд бар инсон.<sup>алҳақ,</sup>

Вале ҳайфоки, инсон қадри худро паст гардонад,  
Разоил пеш гирад, аз фазоилҳо шавад нодон.

Кунун ҳаққо саҳоифҳо расад аз ҳар жавонибҳо,  
Чи аз машриқ, чи аз мағриб, гаҳе Эрон, гаҳе Турон.

Зи панду аз насойиҳ, з- иттиҳоди улфати слам,  
Сафо бахшад ба занги дил, фараҳ бахшад ба занги  
жон.

Гаҳе миръоти софе аз Самарқанди чу қанд ояд.  
Жамоли жон шавад пайдо азон «Ойна»и тобон.

Дамо-дам чун суруши ғайб аз Хўқанд мебинам,  
Садойи руҳбахш ояд зи Фарғона ба гуши жон.

Кунун аз Топшканд аз файзи алтофи худованди,  
Багуши дил садойи жонфизо ояд зи Туркистон.

Худоё, бар бақояш нусрату лутфе ато фармо,  
Шавад ноил ба табъи нашри илму донишу ирфон.

Илоҳи хайрхоҳонро ба зилли лутфи худ парвар!  
Худоё, ходимони дину миллатро намо шодон.

Муалло кун мақому рутбаи аҳли ҳақойиқро,  
Мужалло кун зи нури аҳмадий дилҳойи муштоқон.

Зи анвори тамаддун даҳрро чун Тури сино кун,  
Тараққи деҳ! Тараққийпарваронро, ёраб, аз эҳсон.

Ба табрики жароидҳо рақамзад хомаи Лайли,  
Кунун боқи бимонад то абад ин сийти Туркистон.

*Хўқанд, 1332 ҳижрий,*





Муаззамхон





Фалакнинг жавридиндур кўнгулма озор ҳар соат,  
Жароҳатлик кўнгулга сончилур кўп хор ҳар соат.

*Муаззамгон*

I

Бу сатрлар авторининг шоиралар ижоди билан машғул эканини эшитиб, ҳурматли шоирамиз Музайяна Алавия бизга бир китоб тақдим этди. Бу китоб — терма баёз бўлиб, диний бир рисола давомига Аҳмад Яссавий, Машраб, Ҳувайдо, Сўфи Оллоёр, Лутфий, Навоий, Умархон, Маъдалихон каби турли маслакдаги шоирларнинг шеърлари киритилган. Китоб охирига эса, заифона бир хат билан Муаззам номли шоиранинг бадий жиҳатдан жуда баркамол ғазаллари кўчирилган.

Ҳанузгача номаълум бу шоиранинг шеърларини ўқиб, биз унинг нозик таъби, ўткир зеҳни ва юксак закосига қойил қолдик.

Ажабо, бунчалик бадий балоғатга эришган бу шоира ким бўлди? У қачон, қаерда яшаган ва қандай устоз қўлида тарбия топган?

Мана шу беомон саволларга жавоб топмай туриб бу забардаст шоиранинг шеърлари ҳақида сўз юритиш қийин бўлар эди. Бу жумбоқни ҳал этишда яна шу шоира Музайяна бизнинг жонимизга оро кирди.

Музайяна Алавиянинг шоира Муаззам хусусидаги ҳикоясидан қуйидагилар маълум бўлди:

Алавийлар оиласидан биз ҳанузгача икки шоирни: Абдулла Алавий ва Музайяна Алавияни билардик. Аслда эса, Абдулла Алавийнинг онаси Ҳабибахон Умар қизи (1862—1946 йиллар) ҳам забардаст шоира бўлиб, кўпроқ мутасаввифона шеърлар ёзган.

Музайяна, Ҳабибахонимнинг ўғли Абдулла Алавий вафотига бағишлаб ёзган мухаммас-марсиясидан эси-

да қолган мисраларини бизга айтиб берди. Шу мисраларга қараб, Ҳабибахоним чиндан ҳам забардаст шоира экан, деган хулосага келиш мумкин. Мана бу мисраларга эътибор қилингиз:

Девонага мен ўзни нечук ўхшатайинким,  
Мастонага ул кўзни нечук ўхшатайинким,  
Дурдонага ул сўзни нечук ўхшатайинким,  
Ойнага ул юзни нечук ўхшатайинким,  
Ойнада ҳам йўқ эди ул юзни жилоси.

Кўришиб турибдики, мухаммас-марсиянинг биринчи бешлиги йўқ. Аммо келтирилган мисолнинг ўзиёқ шoirанинг аруз вазнини бекаму кўст эгаллаганини, шаклда камолотга етганини кўрсатиб турибди. Шеърда қўшалок қофиялар, жуфт-жуфт бўлиб такрорланган радифлар қандайдир мотамзадаликка хос вазмин куй яратади.

Марсиянинг учинчи бешлигидан Музайянинг хотирида фақат бир мисра қолган, лекин бу шоҳ мисрадир, шоир ўғил учун шоира она айтиши мумкин бўлган муболағасиз, самимий ташбеҳдир, Алавийнинг қабри тошига ўйиб ёзса арзигулик мисрадир. Мана шу мисра:

Кўз юмди адаб ошиқининг севгили ёри...

Афсуски давоми йўқ!<sup>1</sup>

Бизнинг мавзуи баҳсимиз бўлган шоира Муаззам эса, Абдулла Алавийнинг онаси — ана шу шоира Ҳабибахоннинг холаси бўлиб, XIX асрнинг иккинчи ярмида Хўжанд шаҳрининг Чоршанба гузари, Масжиди Сурх мавзеида туғилган. Унинг отаси Мирсаид ўз замонининг ўқимишли кишиси бўлиб, ҳамма болаларнинг, жумладан қизи Муаззамхоннинг хат-саводли, билимли бўлишларига кўп эътибор беради. Болаларида адабиётга завқ-шавқ уйғотади. Ўзи улар билан адабий баҳслар ўтказиб, муаммоларни ҳал этади, шеърини чистонларни (топишмоқларни) ечади. Ана шундай адабий ўтиришларнинг бирида бир чистонни ечолмай қоладилар. Шунда, отаси билан акаси орасидаги баҳсни кузатиб турган Муаззамхон ийманиб

<sup>1</sup> Ҳурматли мактабдошим Музайяна Алавия бу марсиянинг тўла текстини топиб бизга совға қилди. Биз бу мухаммас-марсияни Муаззамхон шеърлари охирига киритдик.



туриб: «Бундай эмасмикан» деб чистонни тўғри ечиб беради. Шундақ сўнг ота ва акаси ёш Муаззамхоннинг ўткир зехи ва зақосига қойил қолиб, унинг тарбиясига алоҳида эътибор қиладилар. Акаси унга шеър машқ қилишни тавсия қиладди.

Муаззамхонни ўн олти ёшида Эшонхон номли бир муллабаччага эрга берадилар. У Муаззамхонни олиб, Жиззахга, қариндошлари олдига кетади. Орадан сал ўтмай, Эшонхоннинг акаси ўлиб, унинг ёш хотини тул қолади. Эшонхон Муаззамхоннинг устига акасининг тул қолган хотинини олади. Шундай қилиб, иззати нафси поймол этилган бу нозик табиатли шоира кундош балосига йўлиқиб, бутун умри ҳасрат ва надомат билан ўтади.

Муаззамхоннинг Эшонхондан тўрт боласи бўлиб, буларнинг бари балоғатга етганда вабо касалидан ўладилар. Бу огир мусибат кексайган шоиранинг саломатлигини қақшатиб, ниҳоят икки кўзи ожиз ва оёқлари шөл бўлиб ётиб қолади. Муаззамхон ана шундай огир шароитда яшаб, 1917 йилда вафот этади. Муаззамхоннинг дафн маросими ҳақида Музайяна Алавиядан эшитиб, Маҳбуба Қодирова бундай деб ёзади: «Тахминан 75 ёшдан ошиб ўлган Муаззамхоннинг кўмиш маросимига Жиззахнинг Равотлик кўчасида (тўғриси, гузариди Т. Ж.) турганларгина эмас, ҳатто атроф қишлоқлардан ҳам одамлар келадилар. Бу эса, ўша вақтда Муаззамхоннинг ўз шеърлари билан элга қанчалик танилганлиги ва ҳурматга сазовор бўлганлигини кўрсатади».<sup>1</sup>

Муаззамхон ўзбек ва форс классик адабиётининг йирик арбоблари ижоди билан чуқур танишган ва аруз вазини мукамал ўзлаштирган шоирадир. У ёшлигидаёқ, шеър ёза бошлаган эса-да, узоқ вақтгача уларни бировга кўрсатмай, «сир» сақлаб келган. Бироқ қоғозга туширилган бу мусибатномалар абадий «сир» бўлиб қололмаган, шоиранинг Жиззахда донги чиқиб, бу овоза Тошкентгача тарқалган. Муътабархон Алавиянинг ривоятига қараганда, 1916 йилда тошкентлик Санамхон ойин<sup>2</sup> деган фозилда бир аёл Муаззамхоннинг 25 саҳифалик қўл ёзма шеърларини нашр қилдириш ниятида Тошкентга

<sup>1</sup> Маҳбуба Қодирова, Муаззамхон. «Ўзбекистон хотин қизлари» журнали, 1958 йил, № 4.

<sup>2</sup> Санамхон ойин Тошкентнинг Қорёғди маҳалласида яшаган.

олиб келган. Бу орада Санамхон ойим ўзининг эзгу ниятига етолмай вафот этган. Натижада Муаззамхоннинг бу шеърлари йўқолган. Муаззамхонга яқин кишиларнинг Музайяна Алавияга ҳикоя қилишларига қараганда, шоирнинг юз варақдан зиёдроқ бошқа бир шеърлар тўплами ҳам йўқолган. Музайяна Алавия бизга тақдим этган терма баёздаги шеърлар эса, шоиранинг умри охиридаги асарлари бўлиб, Муаззамхон вафотидан сўнг унинг содиқ мухлислари томонидан ёдгорлик тариқасида кўчирилган экан. Музайяна онаси Муътабар Алавиядан Муаззамхон ҳақида эшитган ҳикояларини тасдиқловчи материал қидириб, 1931 йилда Жиззахга боради. Ана шунда Муаззамхонни билган аёллар билан танишиб, уларнинг ҳикояларини эшитади ва Сабоҳатхон номли аёлдан юқорида зикр этилган терма девонни олиб келади.

Биз Муаззамхон шеърларини синчиклаб ўқиб, ундан ўн саккиз ғазални кўчириб олдик. Тўғри, терма баёзда шоиранинг бошқа ғазаллари ҳам бор, лекин улар Аҳмад Яссавий шеърлари руҳидаги мутасаввифона ғазаллар бўлиб, самовий-илоҳий ишқ талқинидан иборатдир.

## II

Муаззамхон ғазаллари бадий жиҳатдан классик поэзиямиз савиясида бўлиб, услубнинг равонлиги, фикрнинг равшанлиги, ифодаларнинг аниқлиги билан «мана ман» деб ажралиб туради. Бу — Муаззам шеърларининг биринчи хислатидир; бу шеърларнинг иккинчи хусусияти — шоиранинг дард-аламдан, ҳижрон ва мотамдан илҳомланишидир. Маълумки, хотин киши учун кундошликдан огир алам йўқ. Ўтмишнинг бу мурдор одати хотинларнинг қадру қимматини, уларнинг инсонлик шарафини оёқ ости қилишдан иборат эди. Шунинг учун бу аламга чидолмай, кўп нозанин, соҳибжамол, оқила ва фазила жувонлар ҳалок бўлдилар.

Гарчи Муаззамхон кундошликка қарши очиқ норозилик билдирмаса ҳам, кўп шеърларида қалбни эзувчи ички бир дард, даврдан, фалакдан норозилик садолари янграб турадики, бу озор кўрган иззати нафсининг фиғонидан ўзга нарса эмасдир. Агар шундай бўлмаса, «Ҳар соат» шеърдаги бу байтларни нима деб изоҳ этиб бўлади?

Фалакнинг жавридиндур кўнгулма озор ҳар соат,  
Жароҳатлик кўнгулга сончилур кўп хор ҳар соат.  
Жамолинг орзусида қизил гул олдиға борсам,  
Тегар ҳар хоридини кўнгулумға юз озор ҳар соат..

Е бўлмаса, «Дилрабо» шеърини олиб кўрайлик. Бу шеър маҳбубага қаратилган нозик ишора бўлиб, кўз ёши аралаш табассум, фалакнинг жабридан шикоят, паст толедан надомат садосидай янграйди.

Дилрабо ногаҳ келибон сайри гулзор айламиш,  
Мен ғарибни гул юзин олдида кўп хор айламиш.  
Ҳар қаю гул хор ила улфат тутар гулзорда,  
Турфа таҳсинким, мени бир кўргали зор айламиш.  
Бу фалакнинг жабридин мен кимга бориб дод этай?  
Доимо бағрим эзиб, дийдамни хунбор айламиш.

Тақдир Муаззамхонга писбатан саҳийлик билан шафқатсизлик қилди, ундан ҳеч бир мусибатни дариг тутмади: аввало унинг бахтини иккига тақсим этиб, ярмини кундошига тортиқ қилди; кексайган чоғида бир йўла тўрт фарзандини ўлимнинг беомон чангалига тутқазди. Улган болалари эса, Муаззамхоннинг ўз тили билан айтганда, «Ҳама наврас, ҳама навхат, ажойиб олиму комил» эдилар. Шу тариқа боёқиш қариганда болу паридан айрилиб, ғам лашкарининг шиддатли ҳужумига нишон бўлади, яқинларидан жудо бўлиб, 50 йилдан зиёд яшаган Жиззах шаҳрида ўзини ғариб, танҳо, мусофир ҳис этади.

Мана шу даврнинг алам ангез қора қайғулари шоиранинг «На тил бирлан баён айлай?», «Ғариблик юртида», «Дўстлар, доғи жудолик», «Еронлар шаҳрингизга бир ғарибман», «Дўстлар, мен найлайин?» каби ғазалларида жуда порлоқ ифода этилган. Мана шу шеърлардан айрим байтлар:

На тил бирлан баён айлай мен ул рози ниҳонимни?

Ғариблик ўти куйдурди тамомн устухонимни.

Боламнинг соясида ўлтурурман деб ватан туттум,

Ўлум жаллоди келди-ю, тепиб бузди маконимни.

«На тил билан баён айлай?» шеърдан.)

Ҳама фарзандларим шаҳри адамдин манзил олдилар,

Қолиб ёлғуз бошим бу водийда ҳайрон бўлиб қолдим.

Ҳама наврас, ҳама навхат, ажойиб олиму комил,

Аларнинг фуққатида куйдиму бирён бўлиб қолдим.  
Муаззам, сўзларнинг гумномликининг дафтаридиндир.  
Ки андин шаммае овроқ уза дoston эгиб қолдим.

(«Ғариблик юртида» шеъридан)

Ероилар, шахрингизга бир ғарибман,  
Қариндошу ватандин бенасибман.  
Фалак отти фалахмонга солибон,  
Бу манзилга тушуб ҳайрон қолибман.

Ҳама фарзандларим шаҳри адамда,  
Ўзум ёлғуз бу водийда қолибман.

(«Еронлар шахрингизга бир ғарибман» шеъридан).

Бу даврда ёзилган бошқа шеърлар ҳам юқорида кўрганимиздек ҳазин, мунгли фиғону нолалардан иборат бўлиб, мотам нашидасини (маршини) эслатади.

Бунчалик азоб, изтироблар, ғам-кулфатлар етмагандек, шўрлик Муаззамхон кексайган чоғида кўздан қолиб, шол бўлиб ётиб қолганини ушбу мақоланинг биринчи қисмида сўзлаб ўтган эдик. Шуниси таажжубки, шоиранинг ғам-гуссалари, азоб-изтироблари қанча зўрайса, унинг шеърлари шунча нафис, оҳангдор ва сермазмун бўлади. Ажал яғмогари унинг бадан гулшанини торож қилмоқ учун қонли қўлларини чўзган сари, илҳом париси унга кўпроқ илтифот ва мурувват қилади. Унинг шеърлари бадий томондан тобора камол топади, шоирлард-аламнинг, азоб-изтиробнинг ҳар бир товланишини ўз номи билан аташ учун аниқ ташбиҳлар, нафис истиоралар топади. Ажал билан юзма-юз турган 75 ёшлардаги кампирнинг мана бу ҳазин, мунгли, нафис ва хушоҳанг шеърини нима деб атайсиз? Бу шоиранинг ўзига ўзи ёзган беназир марсиясидир; бу оналар қабри устида фарёд қилиб куйланадиган ноладир:

Мен бўлубман дўстлар ҳижронида:  
Бемадору, бемадору, бемадор...  
Бистари фуққат аро ёгубдуман:  
Дилфигору, дилфигору, дилфигор...  
Ғар ўлуб кетсам бу ҳижрон чўлида:  
Интизору, интизору, интизор...  
Турбатимдин қон ютуб лола-унар:

Ҳар баҳору, ҳар баҳору, ҳар баҳор...  
Мен қилурмен дўстдин келса хабар:  
Жон нисору, жон нисору, жон нисор...  
Дўст васлини тилаб қилдим гавоф:  
Ҳар мазору, ҳар мазору, ҳар мазор...  
Етадурмен байтул эҳзоним аро:  
Хору зору, хору зору, хору зор...

Муаззамхон бу мусибатнома учун танлаган шакл форс-тожик ва ўзбек классик адабиётида оз бўлса-да, учрайди. Бу шаклдан мурод: ҳар байтнинг иккинчи мисрасида биринчи мисранинг мантиқий хулосаси ўлароқ келтирилган сўз (ушбу газалнинг биринчи, учинчи мисраларидаги «бемадор», «дилфигор» сўзлари каби) қайта-қайта такрорланиб, шеърда оҳанг — музикавийлик ҳосил қилиш ва айни замонда муддаони бўрттириб кўрсатишдир. Лекин инсоф билан айтиш керакки, бу санъатда ҳам Муаззамхон ўз маҳоратици яққол кўрсата олган. Бу қайғу-ҳасрат билан тўлган ҳазин шеър Муаззамхоннинг мусибатлар билан тўла ҳаёт йўлини кўрсатувчи машъал ва аламзада қалбининг таржимони бўлгани учун ўқувчи қалбида акси садо тонади, унда эзгу ҳаяжонлар кўзгайди.

Ишқ-муҳаббат мавзуи бизнинг Шарқ адабиётимизда ғоят чайналган мавзудир. Минг йиллар давомида бу мавзуда жуда кўп газаллар, мухаммаслар, мусаддаслар, дostonлар ёзилиб, буларда маҳбубанинг ҳусни-жамоли, қадди-қомати, нозу ишваси, бепарволиги, жафокорлиги, худбинлиқ ва саховатпешалиги, васл жаннати, ҳажр дўзахи, худлас, ошиқ-маъшуқлар орасида бўлиши мумкин бўлган ҳамма кайфият, барча фазилатлар ўз номи билан мумтоз асарларда куйланган. Маъшуқанинг сочи, кўзлари, қошлари, бурни, лаблари, ияги, бўйни, кўкраги, бўйи, бели, қўллари, панжалари, оёқлари, яъни кўзга ташланиши мумкин бўлган ҳамма аъзолари учун тайёр ташбиҳлар мавжуддир. Бундан ташқари, қалбининг тарадудиди, ҳис-ҳаяжонлар ифодаси учун энг нозик ишоралар, чуқур маъноли истиоралар аллақачонлар ўйлаб топилган ва шоҳ асарларда зўр муваффақият билан ишлатилган. Шунинг учун катта шоирлардан сўнг ўрта-миёна шоирларни ўқиш кишига эстетик завқ бермайди, чунки уларнинг асарларида тайёр ташбиҳлар такрорланади, бинобарин, бундай асарлар мутолааси кўпинча

кишининг гашини келтиради. Яқинда бир ёзувчи, шом пайтидаги ҳавонинг тусини кулга ўхшатдим, бу янги — оригинал ўхшатиш деб мақтаниб қолди. Ҳолбуки бу «янги — оригинал» ўхшатишни бундан атиги 500 йил муқаддам Навоий «Фарҳод ва Ширин» достонида ишлатган эди.

Янги сўз образлари, тасвирлаш воситаларининг ҳали тилга олинмаган, бугун очилган гулдек тозасини топмоқ учун кунт билан ҳаётни ўрганиш, мушоҳада қилиш зарур. Жамбул тили билан айтганда, қудуқдан челақда сув тортиб олгандек, фикрни ҳам ўз қалбинг қаъридан тортиб олмоқ зарур.

Шоира Муаззамхоннинг «Дилбаримни ёд қилсам...» деб бошланадиган ғазали ишқ-муҳаббат мавзуида бўлиб, бадий жиҳатдан баркамол бир асардир. Шоира дилбарни кўриш, унинг оғушида ором топиш эмас, уни ёдлашнинг ўзиёқ пок қалбларда тоза ҳисларни тугёнга келтиради, демоқчи бўлади. Ер ҳақида ўйлаганда ошиқ қалбида рўй берадиган ҳаяжонлар, лаззатли изтироблар ҳақида озмунча ёзилмаган, лекин ҳеч бир шоир бу руҳий ҳолатни Муаззамхондек порлоқ, жонли қилиб тасвир эта билмаган:


Дилбаримни ёд қилсам тандаги жон қилди рақс,  
Маъшуқамни шавқи бирла балки имон қилди рақс,  
Дафтари ҳуснинг ўқуб гулзор аро қилсам гузар,  
Тўти-ю, қумри-ю, булбул ҳам гулистон қилди рақс  
Ногаҳон боди сабо васфи қадинг шарҳ айласа,  
Тоқат этмай, тебраниб, сарви хиромон қилди рақс...

Бу равшан тасвирда инсоннинг ички оламига хос руҳий маънавий ҳолат моддий борлиққа айланиб, биз уни барала мушоҳада қиламиз. Бу қудратли қаламнинг маҳсулидир.

Муаззамхон болалари вафотидан кейин ўзини танҳо, ғариб, оламда ҳеч бир нишон қолдирмаган ўксиз аёл ҳис этар:

Муаззам, бир қаландарман, жаҳонда ҳеч нишоним йўқ,  
Нишон деб сафҳага чекдим рақам назми равонимни,—

деб шеърларини келажак авлодларга нишон бўлишини орзу қиларди: аламдийда шоиранинг бу эзгу нияти рўёбга чиқди, унинг ажойиб ғазаллари янги авлодлар учун абадий ёдгор бўлиб қолди.



## МУАЗЗАМХОН ШЕЪРЛАРИ

### ...КЎНГЛУМА ОЗОР ҲАР СОАТ

Ф алакнинг жавридиндур кўнглума озор ҳар соат.  
Жароҳатлик кўнгулга сончилар кўп хор ҳар соат.

Жамолинг орзусида қизил гул олдига борсам,  
Тегар ҳар хоридин кўнглумга юз озор ҳар соат.

Фироқингда бўлубман телбау ўзумни билмайман,  
Қилурман нолау фарёд мажнунвор ҳар соат.

Қаю махлуқ қадам қўйса менинг байтул ҳазонимга,  
Қилурман олдида васфингни мен такрор ҳар соат.

Кўзимдин уйқуни ихрож қилди шоми ҳижронинг,  
Анинг-учун дамо-дам йиғларам хунбор ҳар соат.

Бағогаҳ кавкаби наҳсим тулуи саъда айланса,  
Камин айлаб ани иғво қилур агёр ҳар соат.

Табиблар айди: ҳижрон дардини доруси ўлмакдур,  
Анинг-чун мен бўлубмен ҳажр ила бемор ҳар соат.

Фалак соқиси сўнди жоми ғам, ичтим, йиқилдим мен  
Ғаминг туғенидин қайнаб чиқар зангор ҳар соат.

Фалак тарҳи жудолик солмасун (ҳеч мумин опинққа)  
Жудоликдин Муаззам тортадур озор ҳар соат.

### ДИЛБАРИМНИ ЁД ҚИЛСАМ...

Дилбаримни ёд қилсам тандаги жон қилди рақс,  
Маъшуқамни шавқи бирла балки имон қилди рақс.

Дафтари ҳуснинг ўқуб гулзор аро қилсам гузар,  
Тўти-ю, қумри-ю, булбул ҳам гулистон қилди рақс.

Ногаҳон боди сабо васфи қадинг шарҳ айласа,  
Тоқат этмай, тебраниб, сарви хиромон қилди рақс.

Накҳати кўйинг Хўтан дашти аро қилса гузар,  
Нофасин ерга уруб, ваҳши физолон қилди рақс.

Дурри дандонинг кўруб гавҳар ўзин кам айлади,  
Кўруб они баҳр аро лулу-у маржон қилди рақс.

Оразинг шавқи билан жаннатга ҳурлар мунтазир,  
Хоки наълингнинг таманносида ризвон қилди рақс.

Назм этибдур бас Муаззам наът деб бир неча сўз,  
Ўқуб они эшитиб бир неча нодон қилди рақс.



**БЕМАДОРУ, БЕМАДОРУ, БЕМАДОР...**

Мен бўлубман дўстлар ҳижрониди:  
Бемадору, бемадору, бемадор...

Бистари фурқат аро ётибдуман:  
Дилфигору, дилфигору, дилфигор...

Гар ўлуб кетсам бу ҳижрон чўлиди:  
Интизору, интизору, интизор...

Турбатимдин қон ютуб лола унар:  
Ҳар баҳору, ҳар баҳору, ҳар баҳор...

Мен қилармен, дўстдин келса хабар,  
Жон нисору, жон нисору, жон нисор...

Дўст васлини тилаб қилдим тавоф:  
Ҳар мазору, ҳар мазору, ҳар мазор...

Етадурмен байтул эҳзоним аро:  
Хору зору, хору зору, хору зор...

Йиғлаюрман бош уруб даргоҳига:  
Ҳар наҳору, ҳар наҳору, ҳар наҳор...

Зарра янглиғ доимо титрар таним:  
Беқарору, беқарору, беқарор...

Сен халос айла ғариблик юртидин:  
Кирдигору, кирдигору, кирдигор...

Ҳар на қилсанг рўзи маҳшар қилмагин:  
Шармсору, шармсору, шармсор...

Улганимдин сўнг дуода ёд этинг:  
Дўсту ёру, дўсту ёру, дўсту ёр...

Икки фарзандинг, Муаззам, йиғламас:  
Ашкбору, ашкбору, ашкбор....

### БУЛ ФАЛАК ЖАБРУ ЖАФОНИ

Бул фалак жабру жафони менга чандон айламиш,  
Сўнгакимни кул қилиб, ер бирла яксон айламиш.

Интизорликда азиз умрим адо айлаб яна,  
Бу ғариблик юртида ёлғуз гўристон айламиш.

Ҳоли зоримни ёзиб гулзора изҳор айласам,  
Кўзидин шабнам тўкуб, рухсорини қон айламиш.

Лолалар бағримдаги доғимни кўрса йиғлашур,  
Бошдин ташлаб кулаҳ, чоки гиребон айламиш.

Боғ аро гар сабзалар олдида турсам бир нафас,  
Сабзаларни баргини хори мағилон айламиш.

Лоладин ибрат олиб доғинг ниҳон тут, бўл хамўш,  
Оғзин очиб кўнглининг доғин намоён айламиш.

«Телба сўзлаб ҳар қаён юрмиш» деюб халқ  
сўзлашур,  
Узлат ичра ўлтирибман, они бўҳтон айламиш.

Ғуссаи дил, қиссаи мушкулга қолдим демагил,  
Иншооллоҳ, мушқулингни холиқ осон айламиш.

Эй Муаззам, шунчаким туттинг ниҳон ҳоли дилинг,  
Дуди оҳинг шуъласи элга намоён айламиш.

### ЭИ ТАМОШОЙИ РУХИНГ

Эй тамошойи рухинг шамъи шабистондин лазиз,  
Партави анвори ҳуснинг моҳи тобондин лазиз.

Фатҳу нусрат ёр ўлуб топсам шарафлик кўйингга,  
Ул менга басдур, эрур тахти Сулаймондин лазиз.

Кипригим жорўб этибон айласам фаррошлик,  
Хокрўби остонинг лаълу маржондин лазиз.

Гар худо қилса иноят, кўйинга бўлсам муқим,  
Итларингиз суҳбатидур ҳуру ғулмондин лазиз.

Офтоби анвари меҳри жамолинг тобласа,  
Кўнглум ичра кўрунур, албатта, ул жондин лазиз.

Марҳамат айлаб Муаззамни десанг кўйим ити,  
Ул менга басдур, эрур тахти Сулаймондин лазиз.

**ЭЙ САБО, ЖОНИМ ҲАЛОКИН АЙЛА ЖОНОНИМҒА АРЗ**

Эй сабо, жоним ҳалокин айла жононимға арз,  
Ҳоли зорим қилғасен, албатта, султонимға арз.

Зарра янглиғ фурқатида изтироб этканларим,  
Қилғасен зинҳор ул хуршиди тобонимға арз.

Мўри лангман бир малах пойини мавжуд қилмаган,  
Бе бизоат қолганимни эт Сулаймонимға арз.

Зулмати шоми фироқи ичра йўл топмаслигим.  
Ҳеч кишим йўқ қилса ул шамъи шабистонимға арз.

Ҳажри даштида шаҳиди Карбало бўлгоними  
Айлаёлмасман бориб хуршиди тобонимға арз.

Мен хазон янглиғ ётибман ястаниб хошок аро,  
Эй сабо, ҳолимни қилғил ул гулистонимға арз.

Мурдадил бўлдинг, Муаззам, найларам вовайлато  
Кош қилса хизри тавфиқ оби ҳайвонимға арз.

### СЕНИ ШОМИ ФИРОҚИНГДА

Сени шоми фироқингда кўзимга келмади уйқу  
Анинг учун оқар хуноб сариқ рухсор уза ҳар сў.

Мени ақлимни олди лашкари ҳижрон ҳужум айлаб,  
Бнайниким мусулмон хайлини яғмо қилур ҳинду.

Мени ҳижрон қиличи ҳар тарафдин тўкти қонимни,  
Бўёлиб қона, чиқмай талпиниб ётқон на жондур бу?

Келибдур бошим узра лашкари ҳижрон қилич тортиб  
Мени жондин халос этмас, нечук соҳибқирондур бу?

Табиби ҳозиқ излаб сўрадим дардим иложини,  
Табиблар айди, сабрдин ўзга нофиъ бўлмагай дору.

Таҳаммул пардаси бирлан бу дардимни ниҳон тутсам,  
Қилур жоним қуши фарёд этиб ҳар лаҳза оллоҳу.

Ғариблик юртига тушдим — гирифтори қафас бўлдим,  
Қафасда ётадурман емишим ғам, ичишим қайғу.

Ҳадисда Мустафо: «Алсабру мифтоҳул-фараҳ» дебдур  
Ҳама фатҳу зафарни эшикига сабр эмиш очқу.

Гули мақсад очилмай, ўтти ҳангоми баҳори умр,  
Зимистони ажал келди, сумуми ғам билан қаршу.

Ўзингга келгил эмди ҳарза сўзлаб ҳар қаён юрма,  
«Муаззам телба бўлмиш» деб халойиқлар қилур кулғу.

## ДИЛРАБО

Дилрабо ногаҳ келибон сайри гулзор айламиш,  
Мен ғарибни гул юзин олдида кўп хор айламиш.

Ҳар қаю гул хор ила улфат тутар гулзорда,  
Турфа таҳсинким, мени бир кўргали зор айламиш.

Бу фалакнинг жабридин мен кимга бориб дод этай?  
Доимо бағрим эзиб, дидамни хунбор айламиш.

Оташи шавқи висоли дўст жоним ўртади,  
Сўнгакимни кул қилиб, жисмимни афгор айламиш.

Лашкари ҳижрон келиб кўнглум аро жо айлади,  
Турфа олий шаҳр экан деб они бозор айламиш.

Хори ҳижрон, доғи ҳижрон бирла дуконин тузаб,  
Нақди жонимни олиб ғамга харидор айламиш.

Гунча янглиғ қон ютуб туттум ниҳон ҳоли дилим,  
Ханжари ғам бағрими чок айлаб изҳор айламиш.

Ҳар қаю мавжуд агар куйса фироқинг ўтиға,  
Тоқат этмай ўзини расвойи бозор айламиш.

Мардумаклар ўзни ёшурмоқ учун ағёрдин  
Кифрикимни кўзим атрофига сархор айламиш.

Бўл, Муаззам, шод, келса ёр ҳолингни сўраб,  
Ким сабо ҳоли харобинг ёра изҳор айламиш.

### МИСОЛИ НАИ

Мисоли най сени ҳажрингда афгон айладим ҳар шаб,  
Нечук иқбол экандур, ҳеч ҳосил бўлмади матлаб?

Хаёли фосиду андишан ботилга йўл юрдунг,  
Қабоҳат дарсини ҳола ажал келгонича тиклаб.

Расулни суннатини жону дилда уствор айла,  
Ки шояд рўзи маҳшар ушлагай дастингдин ул йўхлаб.

Кўнгул асрорини ҳар дўст олдиға баён эттим,  
Писанд этмай, деди: «Кўп сўзлама, беҳудадур бу гап!»

Тамизу ақлу идрок бу учов мендин юз ўгурди,  
Кетиб борур учавлон бир-бирини қўлини ушлаб.

Бу ҳижрон дардини, мушкул, дедилар аҳли донишлар,  
Эгам даргоҳига боргин бу дардинга даво излаб.

Илоҳи ҳеч бандангни фироқ ўтиға куйдирма,  
Ижобат қил дуосини, агар «омин» деса йиғлаб.

Азал котиби, дўстлар, меҳрини лавҳи замиримда,  
Китобат қилди найлай, фурқат ўтиға мени доғлаб.

Хамўш ўлтур, Муаззам, суҳбати аҳли тамиз ичра,  
Фазиҳат бўлмагайсан, эл аро беҳуда кўп сўзлаб.



### ХАТИНГ АЙЛАР

Хатинг айлар сени райҳон билан баҳс,  
Даҳонинг ғунчай хандон билан баҳс.

Жамолинг офтоби оламаро  
Нега қилсун маҳи тобон билан баҳс?

Сени кўюнг эрур фирдавсдин аъло,  
Ки қилса жаннату ризвон билан баҳс.

Фироқинг ўти куйдурди бу жоним.  
Қилодур оташи сўзон билан баҳс.

Фироқинг шомини гар кўрса дўзах,  
Қилолмасдур шаби ҳижрон билан баҳс.

Муаззамдур гадойи мустамандинг.  
Нечук қилсун гадо султон билан баҳс.

## НОЛА АЙЛАБ

Нола айлаб туну кун бўлдим мисоли андалиб,  
Айлагил, ёраб, менга сен боғи лутфингдин насиб.

Бу қуруқ жисмим мисоли най каби афғондадур,  
Фурқат ўтидин куюб қолғуси хокистар бўлиб.

Тиш тушуб, сочинг оқориб, дунё саргардонисан,  
Даҳр айвони аро ўлтурмадинг бир дам тиниб.

Ҳеч даргаҳдин умиди беҳбудим билмадим,  
Бош уруб келдим сени даргоҳинга мен айланиб.

Мунтазир эрдим висол уммиди бирлан субҳу шом,  
Бўлмади матлаб муяссар чиқти жоним анқариб.

Мақсади аъло яқосиға қилиб илким дароз,  
Келмади илкимга матлабни яқоси йиртилиб.

Нақди умринг сарф бўлди булҳаваслик кўйида,  
Ҳоли ҳам кел йиғлагил, сен даргаҳига ёлбориб.

Ўз диёрингда эдинг бир тўтйи шаккарфишон,  
Қолди найлай тўтйи табъинг забондин айрилиб.

Сохладим тамкин дуконида матои имтиёз,  
Бўлмади ним жав баҳо, қолди дўконим беркилиб.

Эй Муаззам, ҳар нечук номардни сирдош айлама,  
Уқмағай ҳарфингни гарчи оқса бағринг эзилиб...

### ДУСТЛАР, МЕН НАЙЛАЙИН

Дўстлар, мен найлайин, зору низор этти фалак,  
Меҳнату андуҳу кулфатга дучор этти фалак.

Лолаю райҳон экиб эрдим кўнгулни сахинга,  
Лола унмай, гул очилмай шўразор этти фалак.

Бахти бад, толеи вожун иккиси ҳамдам экан,  
Қисмати рўзи азалдин анга ёр этти фалак.

Хужраи дилга ниҳон туттим рақиблар таънасин,  
Охири пинҳон сиримни ошкор этти фалак.

Ҳар жафо келса эгамнинг ҳукми деб бўлдим хамўш  
Кўз ёшим селобасини жўйбор этти фалак.

Эй Муаззам сен, ғарибсен, ҳеч кими ёр айлама,  
Ёр деб сиррингни айтсанг, зери дор этти фалак.

## ЕРОНЛАР, ШАҲРИНГИЗГА БИР ҒАРИБМАН

Ёронлар, шаҳрингизга бир ғарибман,  
Қариндошу ватандин бенасибман.

Фалак отти фалахмонга солибон,  
Бу манзилга тушуб ҳайрон бўлибман.

Ғариблик Мустафо суннатлари деб,  
Ғариб уксукини роҳат билибман.

Ҳама фарзандларим шаҳри адамда,  
Ўзум ёлғуз бу водийда қолибман.

Юзум қаттиқ, тилим аччиқ, дилим тош,  
Ҳама нуқсон ўзимдин деб билибман.

Ҳаво бирла ҳавас йўлига юрдим,  
Бу дунё даврини ўтмас билибман.

Шаётин макри бирлан йўлдин оздим,  
Ўзимнинг жонима заҳмат қилибман.

Муаззам, гар жафо фисқдир, валекин  
Умидим кўп, сени воҳид билибман.

## ДУСТЛАР, ДОҒИ ЖУДОЛИК

Дўстлар, доғи жудолик бенаво қилди мени,  
Элу халқимдин йироқ айлаб, гадо қилди мени.

Уз диёримдин адашган бир ғариби зорман,  
Интизорликда азиз умрим адо қилди мени.

Қимни кўрсам дафтари ҳижрон ўқудим олдида,  
Ўқмади сўзимни-ю, қайтиб изо қилди мени.

Бул ғариблик бир сари, ҳам доғи фарзанд ўртади,  
Рўзи беҳбуд кўрганим явмулжазо қилди мени.

Қимга бориб дод этай золим фалакнинг жавридин,  
Охири юз мишг балага мубтало қилди мени.

Гурбату андуҳу меҳнат бошима айлаб ҳужум  
Най каби жисмимни янчиб бурё қилди мени.

Гар Муаззам бу фалакдин шиква этса арзигаёй  
Доимо дасти ажалдин додхоҳ қилди мени.

### ҒАРИБЛИК ЮРТИДА

Ғариблик юртида мен бекасу сомон бўлиб қолдим,  
Фалакни чархи каж уйрулди, саргардон бўлиб қолдим.

Фалакни гардиши бирлаң диёримдин жудо бўлдим,  
Ҳамиша интизорликда кўзим гирён бўлиб қолдим.

Ҳама фарзандларим шаҳри адамдин манзил олдилар,  
Қолиб ёлғуз бошим бу водийда ҳайрон бўлиб қолдим.

Ҳама наврас, ҳама навхат, ажойиб олиму қомил,  
Аларнинг фурқатида куйдиму бирён бўлиб қолдим.

Мени ранжур эрур бағрим, ситам тиғига юз пора,  
Худо амрига йўқ чора, нетай, ҳайрон бўлиб қолдим.

Турарга тоқатим йўқдур, юрарга ҳам мажолим йўқ,  
Бу ғурбатхонада чун банди зиндон бўлиб қолдим.

Муаззам, сўзларинг гумномликнинг дафтаридиндур-  
Ки, андин шаммае авроқ уза дoston этиб қолдим.

## Х А Т

Дўстлар, мен найлайин розимни ифшо қилди хат,  
Сирри-пинҳонимни элга ошкоро қилди хат.

Мен қалам бирлаи печа йил махфида сирдош эдим,  
Охири, котиб эрур, деб халққа расво қилди хат.

Ақраболар ичра турфа соддау луч-пуч эдим  
Тишлабон бормоқин афсус уйла доно қилди хат.

Чорпо янглиғ эдим ҳарфу алифдин беҳабар,  
Дарси абжад ўқутуб, охирда мулло қилди хат.

Зулфига зил келтуруб зулматга зан қилдим рақам,  
Фаҳму дониш ўргатиб машқим хуш имло қилди хат.

Жон билан миннат туторман хат билан қогозга ким,  
Ўз диёримга ҳама розимни ишшо қилди хат.

Битди деб қилди ишорат ўқу деб мушкин қалам,  
Ўқуғач кўз ёшимни монанди дарё қилди хат.

Аҳли миннатларга доим илтижо қилмоқ надур,  
Мушкилим осон этиб, мақсадин мужро қилди хат.

Сен, Муаззам, ростларни хизматида бўл муқим,  
Кимки кажрав бўлди охир дамда расво қилди хат.

## НА ТИЛ БИРЛАН БАЁН АЙЛАИ

На тил бирлан баён айлай мен ул рози ниҳонимни?  
Ғариблик ўти куйдурди тамоми устухонимни.

Боламнинг соясида ўлтурурман деб ватан туттум,  
Ўлум жаллоди келди-ю, тегиб бузди маконимни.

Ниҳоли боғи уммидим расо бўлғонида синди,  
Ажални тўлқуни тегди — қурутти бўстопимни.

Чароғи рўзгорим айни равшанлигида ўчти,  
Қолибман зулмат ичра ҳеч киши билмайди ҳолимни.

Қаю мажлис аро ким шарҳи аҳволим баён қилсам,  
Кўзидин қон тўқар ҳар ким эшитса дostonимни.

Муаззам, бир қаландарман, жаҳонда ҳеч нишоним  
Нишон деб сафҳага чектим рақам назми равонимни.  
йўқ,



Шоир Абдулла Алавий вафотига онаси  
Ҳабибахон Саид Умархон қизи ёзган марсия.<sup>1</sup>

Бордур бу жаҳон бошида гурбатни қароси,  
Йўқлиқ ичида келди ниҳон юзни сафоси.  
Хавф остида доим бу узун йўлни лавоси,  
Йўқтур бу фалак меҳри-ю ҳеч кимга вафоси,  
Йўқтур бу жаҳоннинг гаму дардини давоси.

Ҳеч менга насиб бўлмади дунёда саодат,  
Ёлғиз гамига, ғуссасига айладим одат,  
Дунёда бирор кун кўра олмай тўла роҳат,  
Тўлди жигарим қон ила, дил бўлди жароҳат  
Фурқат чўлида қолди кўнгил, қайда ғизоси?

Билмам ким учун ушбу жаҳон жойи сафодур,  
Аmmo менга қисматда фақат жабру жафодур,  
Дардимга менинг мулки адам хоки — даводур,  
Ҳижрон майини ичди кўнгил, деди: шифодур.  
Чок ўлди юрак битмади бағримни яроси.

Уммид кўзини, юммади ул кунгача абёт,  
Йиғларди, мени ташлама, деб ул кеча абёт,  
Сўнг дамда у ҳам дер эди: ўқинг неча абёт,  
Илгимга қалам олдим-у битдим неча абёт,  
Бошимга тушиб марсия қилмоқни ҳавоси.

Ёширма ниқоб остида, эй дўст, юзингни,  
Кўнгил сўзидин ўзгага сарф этма сўзингни,

---

<sup>1</sup> Шоир Абдулла Алавий 1903 йилда Пискентда туғилиб, 1931 йилда Самарқандда вафот этган.

Ҳар кўйга солиб қилма ҳалок бир кун ўзингни,  
Алданма жаҳон гулларига, солма кўзингни,  
Бир гул ғамида, кўр, неча булбулни навоси.

Дунёга келиш эрдими билмам мени айбим,  
Бўш қўймади бир кун мени занжир ила қайдим.  
Ул кун менга ҳол сўрголи ким келсада айдим,  
Ер остига кирди мени ул қурраил-айним,  
Кетди кўзими нури-ю, юзларни сафоси.

Девонага мен ўзни нечук ўхшатайинким,  
Мастонага ул кўзни нечук ўхшатайинким,  
Дурдонага ул сўзни нечук ўхшатайинким,  
Ойнага ул юзни нечук ўхшатайинким,  
Ойнада ҳам йўқ эди ул юзни жилоси.

Кўз юмди адаб ошиқининг севгили ёри,  
Юксалди фалакларга адаб аҳлининг зори,  
Йўқ энди на шоир, на адибларни мадори,  
Баҳри ғамида ғарқа ҳама хешу табори  
Олам юзига парда бўлиб тушди азоси.

Бир кун сўлиши бўлмаса бу кун гул очилмас,  
Ҳар ёнда ўлим чангали бордурки қочилмас,  
Ҳеч кимга ҳаёт паттаси бир умрга сотилмас,  
Кўнгил тилаган нарса бу дунёда топилмас  
Ғаддор фалакнинг тугамас жабру жафоси.

Қандай қилайин босса мени ғам ила олам,  
Шамъ бўлмаса зулмат ичида қолса бу маъвом,  
Улмак ва қутулмоқ мени фикрим ва таманном,  
Ўтди бу жаҳондин сўзи ширин юзи раъном  
Тупроқни ватан қилди, кафан бўлди либоси.

Тупроғи анинг сурмаю қабри ватанимдир,  
Улсамда, қовушсам шу менга биргина тадбир,  
Дўстлар қошида юлдуз эди, ой эди ул бир,  
Шўрлик она ҳар қанча куйиб йиғласа арзир  
Кетди бу жаҳондин жаҳон аҳлини сароси.



Нозима  
Хоним





Кўринг, дўстлар, юз минг вой, айшу ишрат бир ёнда,  
Қашшоқ, мазлум бошида қайғу-ҳасрат бир ёнда,

*Нозима хоним*

Агар «Маърифат куйчиси» сарлавҳали мақола босилиб чиқмаганда, биз Нозима хоним ҳақида ҳеч нарса билмасдик,<sup>1</sup> у мақолада кўрсатилган манбаларга («Туркистон вилоятининг газети», «Садойи Туркистон», «Тараққий» ва «Шуҳрат» газеталарига) қараб шоира Нозима хоним ҳақида бир оз тасаввур ҳосил қилдикки, энди бу ҳақдаги маълумотларни ҳурматли ўқувчиларга тақдим қилсак арзийди.

Нозима хоним XIX асрнинг иккинчи ярмида Тошкентнинг Бешёғоч даҳасида зиёли оиласида туғилган. Унинг отаси Мулла Саид Аҳмад ўз замонасининг пешқадам, тараққийпарвар зиёлиси бўлиб, қизи Нозима хонимга мукамал таълим ва тарбия беришга интилган. Нозима хоним ўша замондаги қизлар мактабини битиргач, Мулла Саид Аҳмад уни «Ўзбек қизлари учун очилган қандайдир русча мактабда ўқитишга муваффақ бўлган»<sup>2</sup>. Охунгузарлик Манзурабону Мажидова Нозима хонимнинг шогирди бўлиб, бу аёл ўз муаллимаси ҳақида М. Зокировга қуйидагиларни ҳикоя қилган:

«Отинча аям ўрис тилида яхши гаплашар, ўқур ва ёзар эдилар. Ҳали ҳам аниқ хотирамда, биз қачон уларни кўргани борсак, қизиқ-қизиқ расмли русча китобларни кўрсатар, ундан кичик-кичик ҳикояларни ўқиб, таржима қилиб берар эдилар. У киши тотор тилида ҳам яхши

<sup>1</sup> М. Зокиров. «Ўзбекистон хотин-қизлари» журнали, 1957 йил, № 12.

<sup>2</sup> М. Зокиров. Шу журнал, 23-бет.

гаплашар, тоторча газеталарни ўқиб, туришларини айтиб, айниқса Уфада тотор аёлларининг мактабда очик ўқиб, театр ва картиналарга бемалол боришлари мумкин эканлигини, ҳатто саҳнада кўрқмай чиқиб ўйнашларини ҳавас билан сўзлаб берар эдилар. Биз у кишининг гапларига гоҳо ишониб, гоҳо ишонмай ичимизда «товба, товба» деб қўяр эдик».<sup>1</sup>

Манзурабонунинг бу хотираси шоира Нозима хоним сиймосини тўлароқ тасаввур қилишга ёрдам этади. Демак, Нозима хоним ўзбек тилидан ташқари рус ва тотор тилини ҳам яхши билган. Ўзбек ва тотор вақтли матбуоти билан таниш, рус адабиётидан яхшигина хабардор фозила бир аёл бўлганки, буни у даврнинг нодир ҳодисаларидан ҳисоблаш мумкин.

1905 йил инқилобнинг энг яхши самараларидан бири шу бўлдики, у Россия империясига кирган мустамлака халқларни ғафлат уйқусидан уйғотди. Ҳамма ўлкаларда миллий озодлик ҳаракати бошланди, миллий матбуот вужудга келиб, зулмат пардаси остидаги халқларни маърифатга, маданиятга, озодликка тарғиб эта бошлади. Бу давр зиёлилари икки оқимга бўлиниб, ҳар бири ўзига хос йўл тутди. Агар у оқимларнинг бири тор миллий рамкага кириб, миллатчилик руҳини тарғиб этган бўлса, иккинчи оқим интернационализм йўлига кириб, ўз халқининг озодлиги, бахт-саодатини рус ва бошқа халқлар тақдири билан боғлиқ ҳолда англади. Илғор фикрларни олға сурган бу сўнгги оқимнинг намояндалари ўзбек адабиётида Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Айний, Абдулла Авлоний ва бошқалар эди. Бизнинг мавзуи баҳсимиз бўлган шоира Нозима хоним эса, ана шу илғор идеяларни тарғиб қилувчи зиёли аёлларнинг порлоқ намояндасидир. Манзурабону ҳикоясидан кўриниб турибдики, Нозима хоним бадий ижоддагина эмас, шахсий ҳаётида ҳам илм-маърифат, тенглик ва озодлик жарчиси бўлган, у ҳар бир муносабат ва мавриддан фойдаланиб, ўз атрофида тўпланган аёлларга илм-урфон, тенглик ва озодлик гояларини тарғиб этган. Шунинг учун Нозима хоним ўзбек тарихида биринчи маърифатпарвар аёл сифатида мумтоз ўрнини ишғол қилади.

<sup>1</sup> Зокировнинг мақоласида келтирилган шу ажойиб ҳужжат, нечундир, журнал редакциясида ўчириб ташланган. Биз бу парчани мақоланинг қўл ёзмасидан олдик.

Тўғри, бу даврда «Ашъори нисвон»га қатнашган шоира Лайли хоним ҳам «Садойи Туркистон», «Садойи Фарғона» ва «Ойина» журналларини табриклар шеър ёзган эди. Бироқ, Лайли хонимнинг фаолияти шу табрик шеърдан нари ўтмайди. Нозима хоним эса, бу маданий ҳаракатни қалбдан табриклар. «Туркистон вилоятининг газети», «Садойи Туркистон», «Шуҳрат» ва «Тараққий» газеталарида фаол қатнашди. Агар янглишмасам, Нозима хоним матбуотда қатнашган биринчи ўзбек аёлдир. Нозима хонимнинг турли тилларни билиши, бошқа халқларнинг матбуоти ва адабиётини кузатиб бориши — унинг фикр доирасининг кенгайишига, турли ижтимоий ҳодисаларни тўғри англашига, муҳим ҳаётий муаммоларни жасорат билан ўртага ташлаб, бу масалалар ҳақида тўғри муҳокама юритишига сабаб бўлди.

Агар «Ашъори нисвон» шоирлари у давр жамиятида хотин жинсининг ҳуқуқсизлигидан, уларнинг шон-шарафи поймол этилганидан, хотин-қизларнинг мол-товар ҳолига келганидан зорланиб шиқоят қилган, бу тенгсизликка қарши норозилик билдириб, исёнкорона фикрлар билан майдонга чиққан бўлсалар, Нозима хоним бу масалани янада кенгроқ, чуқурроқ тушунади. Бу равшан фикрли, зийрак ва сергак аёл тенгсизлик эрлар билан аёллар орасидагина эмас, умуман ўша давр жамиятида мавжуд эканини жуда тўғри идрок этади. Шоира эксплуатация асосига қурилган бу чиркин жамиятнинг зийраклик билан мушоҳада қилиб, ҳаётдаги қарама-қаршиликлар, зиддиятларни аниқ кўради. Жамиятнинг бу адолатсиз тартибларидан, бемаъни қонун-қондаларидан қаттиқ ранжинди, моддий бойликлар ижодкори меҳнаткаш халқнинг қисмати «қайғу-ҳасратдан» иборат бўлиб қолганидан, «бир нарча вон деб» жафо чекканидан қаттиқ қақшайди. «Бойбаччалар ҳар кун ишратда» экан, «мазлум, йўқсул алар-чун қилур хизмат» деб бу ижтимоий тенгсизликка қарши норозилик баён этади. Мана шу мазмун шоиранинг «Ҳасрат» шеърини да гоят гўзал ифодасини топган:

Кўринг, дўстлар, юз минг вой, айшу ишраг бир ёнда,  
Қашшоқ, мазлум бошида қайғу-ҳасрат бир ёнда,  
Бойбаччалар сўрсангиз ҳар кун базму ишратда,  
Мазлум, йўқсул алар-чун қилур хизмат бир ёнда.

Бир ён бўлуб боёилар гарқ танга-у тиллога,  
«Бурда нон»— деб бечора қилур хизмат бир ёнда.  
Бир ёнда бой ойимлар гарқдур кимхоб, атласга,  
Вале топмай парча бўз, мазлум, бадбахт бир ёнда.  
Гар кўча-қўй бозорлар кезсанг юруб пиёда,  
Бир ён қасру иморат, вайрона юрт бир ёнда...<sup>1</sup>

Нозима хонимнинг «Ҳасрат» шеъри шакл жиҳатдан бекаму кўст, баркамол асар бўлиб, мундарижаси жуда бой ва муҳимдир. Шоира ўз даври жамиятини «бойваччалар» ва «мазлум, йўқсул»лардан иборат икки гуруҳга ажратиб, ҳар синфнинг кун кўриш равишини, ҳаёт тарзини гоят аниқ, реалистик деталларда кўрсатиб берган. Шоира контраст (қарама-қарши қўйиш) приёмида моҳирона фойдаланиб, ҳар байтнинг биринчи мисраида «бойваччалар», «бой ойимлар»нинг муҳташам, дабдабали ҳаётини, иккинчи мисраида «қашшоқ», «йўқсул», «бечора» ва «мазлум» синфнинг ночор ва минг азобу алам билан ўтаётган оғир турмушини гоят ишонарли қилиб чиза билган.

Бу шеърнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, у эксплуататорлар синфи ҳукмрон бўлган бир даврда ёзилган, у вақтда матбуот ҳам шу синф қўлида эди. Ана шундай бир замонда Нозима хонимнинг ҳоким синфга қарши бундай аччиқ таъна билан матбуотга чиқиб, у синфнинг паразит ҳаётини фош этиши — жасоратнинг фавқулодда бир тугёни, аниқроқ қилиб айтганда, қаҳрамонлик эди.

Биз юқорида, 1905 йил инқилоби чор Россиясига қарашли мустамлака халқларини уйғотди деган эдик. Бунга шуни ҳам илова қилиш лозимки, тарихда «Қонли якшанба» деб ёзилган бу даҳшат мамлакатимиздаги ишчи деҳқон синфини ҳам, ҳамма халқларнинг соф виждонли зиёлиларининг ҳам кўзларини очиб, ижтимоий адолатсизликнинг бош омили ким эканини аниқ кўрсатади. Мамлакатдаги пешқадам зиёлилар истар эр, истар аёл бўлсин, бойларнинг, «бойваччалар» ва «бой ойимлар»нинг пушти лапоҳи, таянчи мамлакат подшоҳи эканини шак-шубҳасиз англадилар.

Дарҳақиқат 1905 йилда Петербург ишчилари нон ва озошлик талабида майдонга чиққан эдилар. Аммо, мам-

<sup>1</sup> «Садоий Туркистон», 1914 йил, 6 апрель.



лакат подшоҳи уларга қатли ом-ялпи қирғин эълон қилди. Бутун дунёни ларзага келтирган бу қабих йиртқиқлик ўзбек зиёлиларининг энг пешқадамларидан бўлган шоира Нозима хонимга таъсирсиз қолмади. Ўзбек адабиёти тарихида 1905 йилги «Қонли якшанба» муносабати билан ёзилган яна бирор шеър борми-йўқми билмаймиз, аммо. Нозима Хонимнинг «Афсус» шеърисида бу воқеа ғоят аниқ ифодасини топган; Нозима хоним:

Баён эт, эй кўнгул, розингни ҳар дам,  
Эшитсун аҳли диллар бўлса, ҳамдам.  
Бўлубдур эл аро турфа талотўп,  
Етар мазлумлара офат дамо-дам.  
Ҳукумат адлу инсофни йитурди,  
Десаиғ ҳақ сўз, тутар бўғзингни маҳкам.  
Хирадмандлар бўлуб ер бирла яксон.  
Бўлуб нодону душлар шоду хуррам.  
Еярга нони йўқ бечора мардум,  
Бўлуб сарсону саргардон ҳар дам.  
Тўқубон қон ёшини бечора мазлум,  
Ўз аҳволни деса бўлғай музаллам<sup>1</sup>.

деб бонг урганда, ёхуд:

Бойбаччалар сўрсангиз, ҳар кун базму ишратда,  
Мазлум, йўқсул алар-чун қилур хизмат бир ёнда—

деб, ҳаётдаги бу аччиқ ҳақиқатдан оммани хабардор қилишга уринганда, эксплуататор жамиятининг йиртқиқ қонунларига қарши норозилик баён қилиб турганда, баъзи зиёлилар, шоирлар ҳамон ўша тузумни, ўша қабих бойларни мадҳ қилишда давом этадилар. Нозима хоним бу ҳолдан қаттиқ ранжийди ва бу маддоҳ шоирларга қараб, ватан хароб бўлиб турганда, улар ўзларини тағофулга (ғафлатга) солиб, «демаслар рост сўз» деб уларга қаттиқ таъналар қилади:

Кўруб ушбу ватан ҳоли харобини  
Демаслар рост сўз ул аҳли инъом.  
Тағофулга солибон ўзларини  
Юмуб кўз, мадҳ этарлар бой поччам.

<sup>1</sup> «Тараққий» газетаси. 1907 йил, 5 июнь сонидан. Музаллам бўлмақ — зулмга гирифтор бўлмақ демакдир.

Дарҳақиқат, бошқа шоирлар бойларни мадҳ этган бир замонда, эксплуататор синфнинг маддоҳлари билан дадил туриб мунозара қилган ва бу синфнинг томирига теша урган бу жасур шоира ҳар қандай олқишга сазовордир.

Нозима хоним маърифатпарвар бир шоира сифатида ўша даврнинг жуда кўп ижтимоий маразларига қарши ўт очади. Маълумки, у даврда халқ илм-маърифатдан бебахра, қоронғиликда яшар эди. Эшонлар, эшон оймлар, бахши ва қушночлар эса, бу ижтимоий бахтсизликдан фойдаланиб, бечора халқни, айниқса хотин-қизларни зулук каби сўрардилар. Хотинларни бу алдамчилар тузоғидан озод қилиш, уларни эшон ва эшон оймларнинг макру ҳийлаларидан воқиф қилиш учун Нозима хоним сатирани ишга солади. Мана шу мантиқдан қараганда, Нозима хонимнинг «Эшон оймлар таърифида» сарлавҳали сатираси жуда катта аҳамиятга моликдир.

Эшон ойм демангким, яхши саҳҳор<sup>1</sup> эканлар,  
Назру ниёз кам бўлса, бадбин, қаҳҳор<sup>2</sup> эканлар.  
Орқа қоқиб куф-суфлаб, бебурд сўзларни сўзлаб,  
Нодон бечораларни ипсиз боғлор эканлар.  
Қуруб бидъат дўкони, жаҳр-зикр макони,  
Десаиғ ёлғон экони, тинмай қаргор эканлар.  
Суратлари нуроний, сийратлари<sup>3</sup> шайтоний,  
Қачон ишрат десаиғиз хуфя йўртор эканлар.

Кўриниб турибдики, шоира худди нишонга урган. Дарҳақиқат «нодон бечораларни ипсиз боғлаган», «бидъат дўкони қурган», «сурати нуроний, сийрати шайтоний»—эшон оймлар жаҳолат ва зулматнинг тимсоли эдилар. Нозима хоним уларни жуда яхшилаб фош этган.

Эхуд Нозима хонимнинг «Минг таассуф» шеърини олиб кўрайлик. Шоира бу шеърда маъносиз вақт ўтказган, хотинбозлик, қиморбозлик, ичкиликбозликка зеб берган кишиларни фош этиб, замон уларни бу аҳволга солиб қўйганидан афсусланади.

<sup>1</sup> Саҳҳор — сеҳргар, жодугар.

<sup>2</sup> Қаҳҳор — қаҳрли, аччиги тез.

<sup>3</sup> Сийрат — ички олам, маънавий қиёфа.

Минг таассуф, ажаб замон ўлди,  
Яхши ким эрса, ул ёмон ўлди,  
Баъзилар мойили занон ўлди,  
Баъзи эл толиби жувон ўлди.

Ҳар маҳалла ичида тўрт самовар,  
Неча нодон чиқиб қимор ўйнар,  
Баъзи масту эшак каби ҳанграр,  
Ҳолимизни кўриб кулар ағёр.

Ғоят муҳим ва ўткир сиёсий, ижтимоий мавзуларда асар ёзган, жамиятдаги тенгсизлик ва адолатсизликка қарши овоз берган Нозима хоним ижодида хотин-қизлар озодлиги, уларнинг тенг ҳуқуқли бўлиш мавзун катта ўрин тутди. Чиндан ҳам жамиятнинг ярмини ташкил этган хотин-қизлар асоратда, зулмат пардаси остида қоларкан, жамиятнинг тенглиги ҳақидаги даъво пуч бўлиб қолади. Шунинг учун Нозима хоним хотин-қизлар озодлиги, уларнинг билимли ва маърифатли бўлишларига алоҳида эътибор ва аҳамият беради. Опасингилларини, дугоналарини ўқишга, билимли, маърифатли бўлишга, «бидъат уйқусидан» уйғотишга ундайди, уларни «илму урфон сари қўзғолинг!» деб даъват қилади. Мана шу жиҳатдан шоиранинг «Аё маҳкумалар» шеъри ғоят характерлидир:

Аё маҳкумалар, айтай сиза дардим, қулоқ солинг,  
Бу панду сўзларим дуррин қулогинга осиб олинг,  
Ҳама қўзғолди, сиз ҳам илму урфон сори қўзғолинг!  
Асрлар элтгон ул бидъат уйқусиндин уйғонинг!

Етар, баским биза беҳад бало санги насиб ўлди,  
«Заифу нотавонлар» деб биза қуллиқ пасиб ўлди-  
Ки, ул зулматни тимсоли чодир — чиммат насиб ўлди,  
Асрлар элтгон ул бидъат уйқусиндин уйғонинг!

Боқингким, ўзга миллат қизлари на ерлара етмуш,  
Уқуб илму ҳунарларни, ки ҳикмат сиррини билмуш,  
Билиб ўз эътиборин ҳам ҳуқуқини таниб олмуш,  
Асрлар элтгон ул бидъат уйқусиндин уйғонинг.

Очиб юз маърифат сори этинг барбод хурофатни,  
Билинг, ул уфалик дугоналар енгмуш жаҳолатни.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Уфалик дугоналар — шоира ўша вақтда Уфада тотор хонин-қизларининг очиқ, озод ўқиб юришларига ишора қилмоқда.

Олиб эркин нафас, онлар қилиб дафъи залолагни,  
Асрлар элтгон ул бидъат уйқусидин уйгонинг.


Шоира Нозима хоним интизорлик билан кутган давр-га етди. Улуғ Октябрь революцияси ер юзининг олтидан бир қисмида меҳнаткаш халқни эксплуататорлар зулмидан, жаҳолат ва зулматдан озод этди. Шоира бу даврда кексайган ва нотоб бўлишига қарамай, қувончларга тўлиб, халқни «бахту иқбол» билан табриклайди, «эзгу тилак етушди» деб ҳаммани муборакбод қилади:

Ака, ука, сингиллар, қутлуғ кунинг муборак,  
Бахту иқбола етган ёруғ кунинг муборак.  
Мазлума кулбасига сочи нурин иқилоб,  
Эзгу тилак етушди, эмди тўйинг муборак.

Нозима хонимнинг Октябрь революциясидан кейин ёзган асарларидан фақат икки шеъригина бизга маълум. Булардан бири юқорида кўрганимиз «Муборак» радифли ғазали бўлиб, иккинчиси хотин-қизлар озодлиги масаласига бағишланган. Нозима хоним революциядан илгари ёзган «Аё маҳкумалар» шеърида ҳам хотин-қизларни илм-маърифатга, озодликка даъват қилгани хотирамизда. Революция эса, барча хотин-қизларга тенг ҳуқуқ бериб, ижтимоий фаолиятга майдон ҳозирлади, бу майдонда жавлон урмоқ учун, албатта, «ўқиб... алломалар тенгдоши» бўлмоқ зарур. Мана шу фикр, мана шу мантиқ Нозима хонимнинг «Инқилобнинг қуёши» шеърида қуйидагича ифода этилган:

Балқиб чиқди нур сочиб инқилобнинг қуёши,  
Тинди, абад қуриди мазлумларнинг кўз ёши.  
Эру хотин ҳуқуқи эмди бўлуб баробар,  
Барча ишда тенг бўлур ҳам қариси, ҳам ёши,  
Илму урфон абвоби кенг очилди бизлара.  
Уқиб анда бўлайлик алломалар тенгдоши.  
Басдур эмди жаҳолат, бидъат лойига ботмоқ,  
Биз-да, бўлсак вақтидур ҳар бир ишда ишбоши.

Бутун умри давомида ижтимоий тенгликни, хотин-қизлар озодлигини, илм ва маърифатни куйлаган, хурофот ва бидъатларга қарши ўт очган, «бойбаччалар», «бой ойимлар» ва «эшон ойимлар»га нафрат ёғдирган Нозима хоним 1920 йилда вафот этди. Ватан озод бўлиб, кўнгли қувончларга тўлганда омонсиз ажал бу озодлик ва маърифат куйчисини биздан юлиб олди.



## НОЗИМА ХОНИМ ШЕЪРЛАРИ

### ҲАСРАТ

Кўринг, дўстлар, юз минг вой, айш-ишрат бир ёнда,  
Қашшоқ, мазлум бошида қайғу-ҳасрат бир ёнда.

Бойбаччалар сўрсангиз, ҳар кун базму ишратда,  
Мазлум, йўқсул алар-чун қилур хизмат бир ёнда.

Бир ён бўлуб боёнлар ғарқ танга-у тиллоға,  
«Бурда нон»— деб бечора қилур меҳнат бир ёнда.

Бул ён аҳли меҳнатлар фароғат не, билмаслар,  
Шул меҳнатдин бор ўлғон ул тахту бахт бир ёнда.

Бир ёнда бой ойимлар ғарқдур кимхоб, атласға,  
Вале топмай парча бўз мазлум бадбахт бир ёнда.

Гар кўча-кўй, бозорлар, кезсанг юруб пиёда,  
Бир ён қасру иморат, вайрона юрт бир ёнда.

Ёраб! Кечур, Нозима, банданг қилур исёнлар,  
Найлай, миллат бошида дарду меҳнат ҳар ёнда.

### МИНГ ТААССУФ

Минг таасеуф, ажаб замон ўлди,  
Яхши ким эрса, ул ёмон ўлди,  
Баъзилар мойили занон ўлди,  
Баъзи эл толиби жувон ўлди,  
Дил ки миллат ғамида қон ўлди,  
Эмди бул кун ишим фиғон ўлди.

Ҳар маҳалла ичида тўрт самовар,  
Нсча подон чиқиб қимор ўйнар,  
Баъзи масту эшак каби ҳанграр,  
Ҳолимизни кўруб кулар ағёр,  
Дилки миллат ғамида қон ўлди,  
Кори бехудалар аён ўлди.

Қилди бойлар тарақлатиб тўйлар,  
Қази-қарта қўюб, сўюб қўйлар,  
Буни мадҳ эттилар ғаразгўйлар,  
Тўй қилган фақирни кам ўйлар,  
Дилки миллат ғамида қон ўлди,  
Рангу рўйим куюб самон ўлди.

Айлагайлар фасоду фисқ талаб,  
Қолмади ҳам ҳаёу, шарму, адаб,  
Ҳама иш чаппасига кетти қулаб,  
Дилки миллат ғамида қон ўлди,  
Оҳ! Орзуларим қаён ўлди?

## АФСУС

Баён эт, эй кўнгул, розингни ҳар дам,  
Эшитсун аҳли диллар бўлса ҳамдам.

Бўлубдур эл аро турфа талотўп,  
Ёгар мазлумлара офат дамо-дам.

Ҳукумат адлу инсофни йитурди,  
Десаиғ ҳақ сўз, тутар бўғзингни маҳкам.

Хирадмандлар бўлуб ер бирла яксон,  
Бўлуб нодону дунлар шоду хуррам.

Еярга нони йўқ бечора мардум,  
Бўлуб сарсону саргардон ҳар дам.

Тўқубон қон ёшин бечора мазлум,  
Ўз аҳволин деса бўлгай музаллам.

Қилиб ҳуррияту, эрклик талошин,  
Кўрунғ: юрт эрлари сўнғ бўлди бадном.

Кесилди бошлари, бўлди бадарға,  
Ва ё тортилдилар дор узра маҳкам.

Кўруб ушбу Ватан ҳоли харобин,  
Демаслар рост сўз ул аҳли инъом.

Тағофулға солибон ўзларини  
Юмуб кўз, мадҳ этарлар бдй поччам.

Хунар сизга ғаразғў, косалеслик  
Қачон бўлғай ишингиз, ёнса олам?

Дегил назминг аро ҳақ сўзни, Нозим,  
Ки, шояд зулм туни бўлса барҳам.



### ЭШОН ОИМЛАР ТАЪРИФИДА

Эшон ойим демангким, яхши саҳҳор эканлар,  
Назру ниёз кам бўлса, бадбин, қаҳҳор эканлар.

Орқа қоқиб куф-суфлаб, бебурд сўзларни сўзлаб,  
Нодон бечораларни ипсиз боғлор эканлар.

Қуруб бидъат дўконин, жаҳр-зикр<sup>1</sup> маконин,  
Десаңг ёлғон эконин, тинмай қарғор эканлар.

Илм-урфондан анча ёт, лек мен дерлар асл зот,  
Ер ўпубон қил хизмат, йўқса кукрор<sup>2</sup> эканлар.

Суратлари нуроний, сийратлари шайтоний,  
Қачон ишрат десаңгиз, ҳуфя йўртор эканлар.

Ҳеч ишонманг сўзиға, боқманг асло юзиға,  
Тупроқ тўлсун кўзиға, аслан таррор<sup>3</sup> эканлар.

Назминг бас қил Нозима, ул садқайи назм кетсун,  
Пошша ойим деманглар, маккор саҳҳор эканлар.

---

<sup>1</sup> Жаҳр — зикр — ўтмишда эшонларнинг ўз муридларини тўлаб ҳафтанинг маълум кунларида мунтазам суратда ўтказиб турадиган диний маросимлари.

<sup>2</sup> Кукраш — ўта ғазабланиш.

<sup>3</sup> Таррор — ўғриларнинг ўғриси.

### АЁ МАҲКУМАЛАР..

Аё маҳкумалар, айтай сиза дардим, қулоқ солинг,  
Бу панду сўзларим дуррин қулоғинга осиб олинг,  
Ҳама қўзғолди, сиз ҳам илму урфон сори қўзғолинг!  
Асрлар элтгон ул бидъат уйқусидин уйғонинг!

Етар, баским биза беҳад бало санги насиб ўлди,  
«Зайфу нотавонлар» деб биза қуллик насиб ўлди,  
Ки ул зулматни тимсоли чодир-чиммат насиб ўлди,  
Асрлар элтгон ул бидъат уйқусидин уйғонинг!

Беқингим, ўзга миллат қизлари на ерлара етмуш,  
Уқуб илму ҳунарларни, ки ҳикмат сиррини билмуш,  
Билиб ўз эътиборин ҳам ҳуқуқини таниб олмуш,  
Асрлар элтгон ул бидъат уйқусидин уйғонинг!

Очиб юз маърифат сори, этинг барбод хурофотни,  
Билинг, ул уфалик дугоналар енгмуш жаҳолатни,  
Олиб эркин нафас, онлар қилиб дафъи залолатни,  
Асрлар элтгон ул бидъат уйқусидин уйғонинг!

### ҚУТЛУҒ КУНИНГ МУБОРАК

Ака, ука, сингиллар, қутлуғ кунинг муборак,  
Бахту иқбола етган ёруғ кунинг муборак.

Мазлума кулбасига сочди пурни инқилоб,  
Эзгу тилак етушди, энди тўйинг муборак.

### ИНҚИЛОБНИНГ ҚУЁШИ

Балқиб чиқди нур сочиб инқилобнинг қуёши,  
Тинди, абад қуриди мазлумларнинг кўз ёши.

Эру хотин ҳуқуқи эмди бўлиб баробар,  
Барча ишда тенг бўлур ҳам қариси, ҳам ёши.

Илму урфон абвоби кенг очилди бизлара,  
Уқуб анда бўлайлик алломалар тенгдоши.

Басдур эмди жаҳолат-бидъат лойига ботмоқ,  
Биз-да, бўлсак вақтидур ҳар бир ишда ишбоши.

### МАСТУ ҲАЙРОН АЙЛАДИ

Қўргузуб позик жамолин масту ҳайрон айлади,  
Ўзи гул сайрига кетти, бизни боғбон айлади.

Очилиб гул гунчадек ўт солди жону жисмима,  
Бир тараҳҳум қилмайин оламга дoston айлади.

Қўргач ул хуршид юзин ўтлар туташди жонима,  
Сўлдуриб умрим гулин, бахтимни вайрон айлади.

Юз жамоли шамъиға парвона бўлдим ўртаниб,  
Билмади ҳолим ҳануз, ағёра паймон айлади.

Мисли булбул гул юзин шавқида айларман наво,  
Лек эшитмай бир йўли кўзимни гирён айлади.

Ҳар кеча ул ой фироқида чекарман оҳлар,  
Бир табассум қилмайин ҳолим паришон айлади.

Майли, ширин тил била дерман камоли васфини,  
Нозима, гарчи сени ҳуснига боғбон айлади.

## ОЛАМ ГУЛИСТОНДУР БУ КУН

Келди айёми баҳор олам гулистондур бу кун  
Лолалар очилди саҳро боғу бўстондур бу кун,  
Жаҳр-зикри хонақаҳдин юз ўгурмоқ вақтидур,  
Даҳрнинг завқу сафоси бизга меҳмондур бу кун.

Этти наврўз гул-чамаи ҳусни расолар ҳуснини,  
Ишқида дил булбули бехуду мастондур бу кун.

Бас ниқоб олди юзидин сарв бўйлук ёрлар,  
Лаззати лаъли лаби ваҳ менга армондур бу кун.

Ранг-баранг оқу қизил кўйлак кийиб дилдорлар,  
Бизни шайдо айлаган гулгун занахондур бу кун.

Чун аларнинг ҳуснидин олам ҳамадур лозазор,  
Ошиқу маъшуққа боқиб масту ҳайрондур бу кун.

Нозанинлар ноз бирла зеб-зийнатлар тоқиб,  
Сумбули зулфлар паришон райҳонистондур бу кун.

Бўлсам эрди ёр бирла ҳамнафас наврўз туни,  
Қилмади арзим қабул, ҳолим паришондур бу кун.

Нозима, назмнинг била мадҳ эт баҳор айёмини,  
Гар фалак кажравлиғидин юрт вайрондур бу кун...





Хоразм  
лифзалари





Дарёнинг бўйина чиқдим — сув олдим,  
Қўзимнинг бўйини гўрдим — қувондим,  
Узун бўйларина кўз текмасин деб —  
Издан исвантлар тутатиб қолдим.<sup>1</sup>

*Шукур шоир*

Хоразмликларнинг тилларида, музикаларида, ашула ва рақсларида, меъморлик санъатларида, ҳатто урф-одатларида ҳам, қандайдир ўзига хослик бор. Маана шу ўзига хослик Хоразм санъатининг ҳамма турларига ижобий таъсир кўрсатиб, уларга ажиб бир латофат ва дилраболик бахш этган.

Гарчи бизнинг мавзуимиз шоиралар бўлса ҳам, Хоразмнинг ўзига хос анъаналарига эҳтиром юзасидан, гапни санъатнинг ўзга турларидан бошлаймиз.

Хоразмликлар серзавқ, шўх ва санъаткор одамлар. Улар тўй-маъракаларнинг қувноқ, қизиқ ва файзли бўлиб ўтишига алоҳида эътибор берадилар. Тўйларда ичкари ва ташқари учун алоҳида-алоҳида созанда, хонанда ва раққосалар чақирини хоразмликларнинг вужуд-вужудига сингиб кетган қадимий одатдир.

Хоразмликлар ичкарида, хотин-қизлар базмига жон киритган аёл санъаткорларни «халфа», ташқарида, эрлар базмини қизитган созанда ва хонандаларни «талқинчи» деб юритадилар. Хоҳ «талқинчи», хоҳ «халфа» унвонини олиш учун зўр санъаткор бўлмоқ лозим.

Халфалар санъатнинг уч турида маҳорат касб этмоқлари, яъни созанда, хонанда ва раққоса бўлмоқлари шарт. Халфалар тўй-маъракаларнинг файзи, қизлар мажлиси ва аёллар базмининг маликалари саналадилар; улар тўй-томошаларга қатнашиб, шодликка шодлик, қувончга қувонч қўшадилар; ўйноқи куйлар, нафис

<sup>1</sup> И с в а н т — исриқ.

рақслар, дилбар ашулалар билан тўй аҳллариининг қалбларига эзгу ҳислар уруғини сепадилар. Шунинг учун хоразмликлар бу шоду хуррамлик париларини олқишлайдилар, ардоқлайдилар, улар шаънига мадҳиялар ёздиладар.

Ўзининг гўзаллиги, санъаткорлиги билан хиваликларни мафтун этган халфалардан бири — Онажон (Онажон Сафарова) ҳақида номаълум бир шоиранинг машҳур мадҳиясидан бир тўртликни келтирайлик:

Лабинда холи бор донадан кичи,  
Хуснина қарайди улугдан кичи,  
Енинда ўтурсанг жаннатнинг ичи,  
Онажондек дилбар жаҳона гелмас.<sup>1</sup>

Хоразм аёлларида эстетик завқ — нафосат ҳисси жуда ҳам баркамолдир. Хоразм аёллари орасида нафосат ҳиссининг равнақ топишига, кўп жиҳатдан мана шу халфалар сабаб бўлганлар.

Халфалар одатда учта-учта бўлиб юрадилар. Бирн музика чалади<sup>2</sup>, бири ўйнайди, бири куйлайди. Халфаларнинг репертуарлари халқ қўшиқлари, халқ достонлари, классик шоирларнинг ашулабоп газалларидан иборат бўлган. Халфалар бутун умрларини санъатга бағишлаб, ўз ҳаётларида жуда кўп шеър ва достонларни ёдлаганлар, уларнинг касб-кори шеър ўқиш, шеър ёдлаш ва уларни куйлашдан иборат бўлгани учун, тажрибалари ортган сари, ижрочиликдан мустақил ижодга кўчиб, ўзлари ҳам шеър айта бошлайдилар.

Бу сўзлардан, ҳар бир халфа бўлажак шоира, деган хулоса чиқмайди, кўп халфалар моҳир ижрочигина бўлиб қолганлар, лекин баъзи бир истеъдодли халфалар, тадрижий равишда, ижрочиликдан мустақил ижод йўлига ўтиб, ҳақиқий шоира даражасига кўтарилганлар. Шулар жумласидан хонқалик Шукур Оллоқули қизи, хи-

<sup>1</sup> Биз бу тўртликни хивалик уста Бойжондан ёзиб олдик, уста, Онажон Сафаровани жуда яхши билади, унинг санъаткорлик маҳорати ҳақида гоят юксак фикрда. Уста Бойжоннинг бу фикрларини хивалик бошқа қариялар ҳам бир оғиздан тасдиқлайдилар.

<sup>2</sup> Хоразмда рус музика асбобларидан гармонь биринчи мартаба 1905 йилда пайдо бўлади. Гармонь халфаларга жуда манзур бўлиб, ҳамма халфалар гармончи бўлиб қоладилар. Хоразм қариялари Сафо Муғанний, Хоним Сувчи ва Анаби Қорилар бир даврда қўлга гармонь олдилар, деб таъкидлайдилар.

валик Хоним Сувчи ва Анаби Қорини (тахаллуси Ожиза) кўрсатиш мумкин. Хиваликлар Анаби Қорини Хоразмнинг машҳур ҳофиси Сафо Муғанний билан таққослайдилар. Бу ўхшатиш бежиз эмас. Маълумки, Сафо Муғанний уста гармончи, моҳир ашулачи ва шоир эди<sup>1</sup>. Анаби Қори ҳам худди шу фазилатларга эга, яъни бу аёл ҳам моҳир гармончи, хушовоз ашулачи ва шоира эди.

### ХОНИМ СУВЧИ

Хоним Сувчи, синглиси Моможон Саидованинг айтишига қараганда, 1858 йилда Хива район Пишканик қишлоқ, Отаманиёз мачит қавмида батрак оиласида туғилган. Отаси Саид ака Матжон Тўра деган бойнинг хизматкори бўлиб, шу бойнинг ҳовлисида вафот этади. Хоним Опа ўз қишлоғида Ҳазрати эшон мачитидан мактабда ўқиб саводини чиқаради. Мактабда ўқиб юрган чоғларида шеърятга қизиқади, Навоий ва Фузулий каби улур шоирларнинг асарларини синчиклаб ўрганади.

Хоним Опа 1875 йилда Хиванинг Алакчилик кўчасида Қутлимурад Сувчи деган кишига эрга тегали ва шундан бошлаб «Хоним Сувчи» тахаллусида шеър ёзади. Эри Қутлимурад хотини устига яна уйланади. Кундошлик Хоним Сувчининг иззат-нафсини, хотинлик ғурурини поймол этади, у бундай таҳқирга чидолмай эридан ажралади.

Хоним Сувчи бошқа халфалардан фарқли ўлароқ, тўй-томошаларда гармонь чалиб ашула айтмайди, у шеър ёзади, суҳбатларда ўз шеърларини ўқиб хотинларнинг кўнглини кўтаради.

Шоиранинг қўйидаги мисраларида устига хотин олиб, уни таҳқирлаган эридан шикоят овози янграйди:

Қалам қошли нигорим, дунёда сиз бор бўлгайсиз,

Сизам ошиқ бўлиб мендек бировга зор бўлгайсиз.

Туну кун йиғладим ишқингда мен зору фиғон айлаб,

Пушаймон айлабон шояд мани қадримни билгайсиз.

<sup>1</sup> Сафо Муғанний шеърлари 1923 йили Хивада нашр этилган «Югурма» номли тўпламда бор.

Ҳозир 68 ёшли синглиси Моможон Саидованинг айтишига қараганда, Хоним Сувчи ўрта бўйли, ориқроқ, юзлари андак чўзиқроқ, кўзлари қийғоч хотин бўлган. У 1926 йилда 70 ёшида вафот этган.

### ШУКУР ОЛЛОҚУЛ ҚИЗИ

Хонқалик Шукур шоир Оллоқули қизи 1930 йилларгача халқ ичида танилган машҳур халқ шоираси эди. У тўй ва маъракаларда кўзга ташланган воқеа ва айрим кишилар ҳақида қўшиқ тўқиб, ўзи ижро қиларди. Шоиранинг замондошлари, уни кўрган-билганларнинг айтишига қараганда, унинг оғзидан ишқ-муҳаббат ва бировларга бағишланган хушчақчақ айтимларидан ташқари, бойлар, амалдорлар, сўфи ва бошқа дин аҳллари ҳақида ҳақвий қўшиқларни ҳам кўп эшитганлар.

Лекин шоиранинг қўшиқ ва шеърлари ўзи саводсиз бўлганлиги туфайли ёзиб қолдирилган эмас. Ҳозирча Шукур шоиранинг қизи 69 яшар Шодмон Сафоева ва унинг замондоши Зулайхо буви оғзидан ёзиб олинган «Ер меникими ё сеники?» шеърига ва бир неча тўртликларига эгамиз.

Шукур шоира тахминан 1857 йилда Хонқа яқинидаги Дошлар ўрамида (ҳозирги Дургадик қишлоғидаги «Ўзбекистон» колхоз) тугилиб, 1932 йилнинг август ойида, 75 ёшида юрак касалидан вафот этган. Унинг ҳозир шу ерда жуда кўп набира ва эвара-чеваралари бор.

Шукур шоира ҳақида шундай маълумотлар бор:

Шукурнинг эри Сафо ака бевақт вафот қилиб, Раҳмонберган исмли тўнғич ўғли, Ўғилжон, Шарифа, Шодмон исмли ёш қизлари билан бева қолади. Оила ташвиши она билан ёш Раҳмонберганнинг зиммасига тушади. Раҳмонберган ёш ва она тажрибасиз бўлгани учун тузук деҳқончилик қила билмай, оила тобора қашшоқлаша боради. Раҳмонберган бой ва судхўрлардан қарз кўтариш йўли билан ҳам оилани муҳтожликдан қутқара олмайди, аксинча, аҳволи ёмонлаша беради. Раҳмонберган Қаландар дош деган савдогарнинг хизматига кириб кемачилик қила бошлайди. У мазкур савдогарнинг кemasида Хоразмдан Чоржўйга, Чоржўйдан Хоразмгача бир неча йил эшкак эшиб, солдов тортади. Аммо унинг солдов тартиб топган сариқ чақаси оиланинг тирикчилиги учун етмайди.

Шукур иккинчи марта эрга чиқади. Раҳмонберган, биринчидан, азоб-уқубатли турмуш жонига тегиб, иккинчидан, онасининг эрга чиққанидан аччиғланиб, Хоразмдан кетади. Бу давр Туркистон — Сибирь темир йўлининг дастлаб қурила бошлаган йилларига тўғри келади. У беш йил бутун хат-хабарсиз кетиб, Туркистон — Сибирь темир йўли қурилишида, жумладан Чоржўй ёнида Амударё темир йўл кўприги қурилишида ишлайди.

Шукур шоиранинг қизи Шодмон буви шу даврни эслаб: «Онамиз кеча-кундуз акамиз йўлига кўз тикиб, қўшиқ айтар эдилар. У киши қўшиқ айта-айта, охири шоира бўлдилар», — дейди.

Шукур шоиранинг ижоди аксари ўғли Раҳмонберган номи билан боғланган бўлиб, жабри жафо, айрилиққа қарши, висол ва фарзандга муҳаббат мотивларидан иборатдир.

Хоразмликларнинг таъкидлашларига қараганда, халфалар мамлакатда, шаҳар ва қишлоқларда рўй берган ҳар хил воқеа ва ҳодисалар тўғрисида дарҳол қўшиқ тўқиб, бунинг тўй-томошаларда куйлаб, одамларни мамнун этарканлар; бугина эмас, баъзан тўй-томошаларда рўй берган одобга хилоф, ғайри табиий ҳолларни ҳам дарров сатира остига олиб, жамият орасида ўзини тўлтолмаган одамларнинг шармандасини чиқарар эканлар. Мана шу мантиқдан чиқиб баҳо берганда, Шукур шоиранинг «Ёр меникими, ё сеники?» шеъри шилқим бир сатангга қаратилган аччиқ таънадир.

#### ЁР МЕНИКИМИ, Ё СЕНИКИ?

Ултирибсан андешанг йўқ,  
Жилвадан бошқа пешанг йўқ,  
Гулоб солмаган шишанг йўқ,  
Ёр меникими, ё сеники?

Бу дунёда тортдим жафо,  
Ёрим учун кўнглим хафа,  
Тегма ёрга жоним она,  
Ёр меникими, ё сеники?

Ёрим келар бир-бир босиб.  
Чаккасига гуллар осиб.

Шу ёримга мен муносиб,  
Ер меникими, ё сеники?

Менга боқар олма сўйиб,  
Ёнбошида гуллар қўйиб.  
Утсам дийдорига тўйиб.  
Ер меникими, ё сеники?

Шукур шоирани халфаликдан шоиралик даражасига кўтарган куч—фироқдир. Ҳа, шундай ҳам бўлади: баъзан шоир ёхуд шоира ўзи чеккан дард-аламдан, омонсиз жудоликдан илҳом олиб, кўз ёши билан шеър ёзади. Кўп шоираларнинг қисмати шундай бўлганини юқорида кўрган эдик. Шукур шоира ёлғиз боласидан айрилиб, қанот-қуйруқсиз қолган қуш ҳолатига тушади. Шўрлик она боласига қараб қанот қоқади — учолмайди, толгинади — етолмайди... Ана шунда ожиз, нотавон она:

Узоқдан-узоқ маконим,  
Учай десам йўқ имконим,  
Ўзинг етиш меҳрибоним,  
Онанг сенинг интизоринг,—

деб зор-зор йиглайди.

Шукур шоиранинг «Қўзимжон галсин!» ва «Соғ галгисан, қўзимжон!» деб тугалланадиган мураббалари меҳр-шафқат билан тўла она қалбининг ҳазин садосидир.

Гамага миндинг-да, она, хўш дадинг  
Она, сенинг бағринг надан бўш дадинг?  
Елғиз боланг кўзи мудом ёш дадинг..  
Омон бориб, соғ галгисан, қўзимжон...

Шукур шоиранинг поэтик ижоди, аксари ўзи билан ўгли Раҳмонберган (хоразмча Раҳмонбарган) орасидаги жудолик аламларини куйлашдан иборат. Афсуски, шоиранинг бу мавзудаги кўп шеърларидан айрим бандларгина сақланиб қолган, холос.

Шоиранинг боласини қўмсаб, унинг йўлида мунтазир бўлиб ёзган шеърларидан бири ва анча мукаммали «Қўзимжон галсин!» шеърдир.

## ҚЎЗИМЖОН ГАЛСИНИ

Енгима солибман бир сўлқим узум,  
Боламнинг йўлида термулди кўзим!  
Оти Раҳмонбарган, танийман ўзим,  
Ман бора билмадим, қўзимжон галсини!

Чоржўйнинг йўллари чотлидан-чотли,  
Манинг бир болам бор Раҳмонбой отли,  
Енида жўраси Бакчонбой отли,  
Ман бора билмадим, қўзимжон галсини!

Тошкантининг йўлида учгина юлдуз,  
Қошингдан айланай, қошларинг қундуз,  
Сан нечук ётибсан яккадан ёлғиз?  
Ман бора билмадим, қўзимжон галсини!

Гамалар галади қатордан-қатор,  
Қўзимнинг қўлига даёвлар ботар.  
Ҳеч нарса кўрмаган ёш гўдак қўзим,  
Дўшаксиз жойларда ишатиб ётар?  
Ман бора билмадим, қўзимжон галсини!

Дигирмонни ғазаб билан тортаман.  
Бу сўзларни ёнганимдан айтаман,  
Жувоб барсанг ўз юртига қайтаман,  
Ман бора билмадим, қўзимжон галсини!

Дарёдан галади қизил сув шарлаб,  
Гамани юбордим узун ип боглаб,  
Олдина чиқаман белимни боглаб,  
Ман бора билмадим, қўзимжон галсини!

Бу шеър она меҳридек самимий ва соддадир; бинобарин, биз уни талқин этиб ўтирмай, муҳтарам китобхонлар муҳокамасига ҳавола қилиб, халфалар ижодининг яна бир муҳим томонини эслатиб ўтамыз.

Халфалар айни замонда моҳир бастакорлардир. Улар ўз ижроларидаги ашулалар учун ўзлари куй яратганлар. Ҳозир радио ва концертларда ижро этилмоқда бўлган қувноқ куйларнинг бир қисми ана шу бастакор халфалар ижодидир. Шулар жумласидан:

«Бу кулбаи эҳсона ул моҳи тобон галди»

лаварининг шеъри ҳам, куйи ҳам машҳур халфалардан Анаби Қори — шоира Ожизанинг ижодий маҳсулидир.

Афсуски, ўзларининг юксак зако ва истеъдодлари билан санъатнинг кўп турларида из қолдирган бу улуг оларнинг ижодлари ўрганилмаган<sup>1</sup>.

### ОЖИЗА (АНАБИБИ ОТАЖОНОВА)

Анабиби Отажонова 1901 йилда Хива районининг Қўшчи Қаттабоғ қишлоғида камбағал оиласида туғилган. Отаси Полвонмурод деган бойнинг шоли дапрасида (обжувозида) шоли оқлаб хизмат қилар экан. Анабиби етти ёшларида оилалари Хивага кўчиб келади. Ёш Анабиби туғаси кўр бўлган. Ногира қизчага бирор касб ўргатиш ниятида уни ўша замон халфаларидан Қосим Девоннинг қизи Бибижонга шогирд қилиб берадилар. Ҳамма кўрлар сингари Анабибининг зеҳн ва хотираси қучли бўлади. Бундан ташқари, қизчанинг овози ҳам жуда ёқимли бўлган. У, ўн уч ёшидан бошлаб қўлига соз олиб, тўй-томошаларда ашула айтади. Қўзлари ожиз бўлгани учун халқ уни «Анабиби Қори» ёхуд «Анаби Қори» деб юритади.

Анабиби Қори репертуарида Машраб, Огаҳий ва Аваз шеърлари кўпроқ ўрин олган.

Ёши улғайиб, ҳаётий тажрибаси ошгандан сўнг Анабиби Қори ўзи шеър тўқиб, ўзи куйга солади ва буларни ўзи ижро этади. У шеърда «Ожиза» тахаллусини қўллайди. «Ожиза» сўзи ўзбек тилида хотин маъносида келгандек, кўр маъносида ҳам ишлатилади. Анабиби Қори тилида эса, «Ожиза» сўзи ҳар икки маънони ифода этади.


Хиваликларнинг айтишларига қараганда, Анабиби Қори халфаларнинг энг заковатлиларидан бири бўлган. Унинг тарбиясида Назир халфа, Уллибиби каби кўпгина хушовоз ашулачи ва раққосалар етишган.

Анабиби Қори (шоира Ожиза) 1952 йилда вафот этди<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Хива ва Урганчга борган чоғимда, халфалар ҳақидаги маълумотларни аниқлашда катта ёрдам қилган Хоразм адабиётшуноси Юнус Юсуповга, Шукур шонранинг таржиман ҳоли ва шеърларини тақдим этган шоир Раҳим Бекниёзовга сидқидилдан ташаккур айтаман. (Т. Ж.).

<sup>2</sup> Китобнинг иккинчи нaшри учун Хоним Сувчи ва Ожизанинг таржиман ҳолини, шунингдек, Ожиза шеърларини ёзиб юборган хивалик дўстим Порлоқ Ёқубовга чин кўнгилдан ташаккур айтаман. (Т. Ж.).





## ОЖИЗА ШЕЪРЛАРИ

### КЕЛМАДИ-КЕЛМАДИ

Кеча-кундуз йўллариши қарийман<sup>1</sup>.  
Келмади-келмади, нечун келмади?  
Рўмол олиб хуни гирён йиглайман,  
Келмади-келмади, нечун келмади?

Ошиқ бўлган кеч келами дўстима,  
Кўз тикибди жон олмоқни қастима,  
Босган қадамлари дийдам устима  
Келмади-келмади, нечун келмади?

Хуш уйқида ётсам кирар душима,  
Сесканиб уяпсам тушар ёдима,  
Оҳ деганда ёш сайлашар кўзима,  
Келмади-келмади, нечун келмади?

Узи хуш қилиқли, ваъдаси ёлгон,  
Мудома жошимни қайғуга солган,  
Ваъдаси ёлғандан кўйинимиз қолган  
Келмади-келмади, нечун келмади?

---

<sup>1</sup> Қарийман — қарайман.

## ТУНУГУН

Бир дилбари золим мани йиғлатди тунугунай,  
Мужгон ўқини кўксим ора отди тунугунай,

Аввалда эди ҳарнаки сирим унга аён  
Ағёр сўзи бирла мани йиғлатди тунугунай.

Бор эрди мани ёнимда бир кўна қадирдон,  
Бир неча мулойим сўзини айтди тунугунай.

Сабр айла, деди, бевудага<sup>1</sup> йиғлама Ожиз,  
Ул арқалик айлаб манга қон этди тунугунай.

---

<sup>1</sup> Бевуда — беҳуда.

### ҚАЙСИ БОҒДАН ОЛДИНГИЗ?

Ман сиздан айларам бир яхши савол,  
Сиз бу гулни қайси боғдан олдингиз?  
Муборак айлағай Ватанининг боғи,  
Сиз бу гулни қайси боғдан олдингиз?

Тўтига ўхшайди ширин тиллари,  
Қадди-қоматлари, нозик беллари,  
Мани ҳайрон этди наргис кўзлари,  
Сиз бу гулни қайси боғдан олдингиз?

Кўрган одам бўлур анинг ҳайрони,  
Бизга таъсир қилди адаб-икроми,  
Бирга ўлтирганнинг йўқдир армони,  
Сиз бу гулни қайси боғдан олдингиз?

Орази ҳуснининг йўқдир баҳоси,  
Сўзлаган сўзлари дардининг давоси,  
Билмам, борми унинг меҳриғисси,  
Сиз бу гулни қайси боғдан олдингиз?

## ТАР ҒУНЧА

Санга бир сўзим бор яхши қулоқ сол,  
Ука, нердан<sup>1</sup> олдинг бу тар ғунчаси?  
Ажаб бир хушсухан, ажаб бир шўх ҳол  
Ука, нердан олдинг бу тар ғунчани?

Сарвга ўхшайди қадди-қомати,  
Оламга нур сачар ҳусни, савлати,  
Қўнглимга ёқади иззат-ҳурмати,  
Ука, нердан олдинг бу тар ғунчани?

Табассум айлабон қошини қоқди,  
Кулиб сўзлагани ичимни ёқди.  
Ҳар кимга тушкани ўзини бахти  
Ука, нердан олдинг бу тар ғунчани?

Оҳу киби қора наргис кўзлари,  
Тозадан жон берар ширин сўзлари,  
Боғда пишкан тар олмадек юзлари  
Ука, нердан олдинг бу тар ғунчани?

Ука, қутли бўлсин тўйнингни шоди,  
Сан манга баён эт, ким буни оди?  
Париму, малакму кимни авлоди  
Ука, нердан олдинг бу тар ғунчани?

Қулоқ солгин Ожиз айтган сўзлара,  
Бу мактубни боғишладим сизлара,  
Бир кун бирга олиб боринг бизлара  
Ука, нердан олдинг бу тар ғунчани?

<sup>1</sup> Нердан — қаердан.

## УЕЛАМАН

Ул меҳрибоним, ул ёри жоним,  
Оҳу фиғоним билмади ҳаргиз,  
Оҳим, дардини, кўксим ўтини  
Айтсам уёламан, айтмасам армон.

Оҳу ғизолим, қоши ҳилолим,  
Будир саволим, истар жавобим,  
Завқ ўрасинда, эл орасинда,  
Ёнсам уёламан, ёнмасам армон.

Ғам бирла шодим, фикр ила ёдим,  
Бир кун муродим бўлмади ҳосил,  
Ул лабларидан — шакар лаълидан,  
Сўрсам уёламан, сўрмасам армон.

Ул шўҳи золим чекмас малолим,  
Дардин чекарга қолмади ҳолим,  
Йўлин ахтариб изиннан бориб  
Кўрсам уёламан, кўрмасам армон.

Гуллар бўстонда, булбул фиғонда,  
Ман нотавона қолмади тоқат  
Ёр сунбулидан, боғин гулидан  
Терсам уёламан, термасам армон.

Чун булбулизор, ман шўхи ноҳор  
Ожиз дилафкор, йиғлаб айтади  
Қўлим бўйнина маржоң ўрнина  
Доқсам<sup>1</sup> уёламан, доқмасам армон.



---

<sup>1</sup> Доқсам — тақсам.









## ҚАМБАРНИСО МУШОИРАСИННИНГ ТОПИЛИШИ

I

Улуғ шоиримиз Алишер Навоий, бир воқеанинг бошидан беҳабар кишига унинг охириги қанча тушунтирма, барибир яхши тушунмайди, дейдилар.

Муҳтарам китобхонларни мана шу аҳволга туширмаслик ниятида мен бу ҳикояни бошидан бошлайман.

Воқеа мана бундай:

«Ўзбек шоиралари» китоби битаёзган пайтда дўстим Абдуллаҳад Азизовдан (шоир Анисий) янги хабар эшитдим. У киши:

— Менинг Абдулҳамид Абдураззоқов номли бир дўстим бор. У Сарвар Бону номли бир шоира хусусида ҳикоя қилиб юрар ва шоиранинг девони борлигини сўзларди. Модомики шоиралар ижоди устида шунчалик меҳнат қилган экансиз, шу Сарвар Бону хусусида ҳам бир суриштириб кўрсангиз яхши бўларди,— дедилар.

Абдулҳамид ака Андижон область, Учқўрғон районида бир мактабда боғбон бўлиб, илҳом париси қиё боққан кезларда Хуррам тахаллуси билан шеър ҳам ёзар эканлар. Мен бу хабардан бениҳоя хурсанд бўлиб, Абдулҳамид акага дарҳол мана бу мактубни ёздим:

*Мулло Абдулҳамид ака!*

*Нотаниш бир мухлисингизнинг саломини қабул қилингиз. Сизни менга ғойибона таништирган киши менинг ҳамкорим, Сизнинг дўстингиз шоир Анисий бўлди. Шу кишининг айтишларига қараганда, Сиз шоира Сарвар Бону<sup>1</sup> ижоди ҳақида баъзи нарсалар билар ва ҳат-*

<sup>1</sup> Кейин маълум бўлишича, бу шоиранинг номи Самар Бону экан.

то у кишининг девони кимларнинг қўлида эканидан воқиф эмишсиз. Бу хабар мени кўп қизиқтирди. Чунки мен ўзбек шоирлари ҳақида бир рисола ёзмоқдаман. Ҳозир инқилобдан олдин яшаган йигирма етти шоира ҳақида маълумот тўпладим. Агар жанобингиз бир ҳиммат қилиб, Сарвар Бону ҳақида баъзи маълумотлар ва шеърларидан намуналар юборсангиз, ҳам Сизнинг, ҳам Сарвар Бонунинг исмлари адабиёт тарихи саҳифасига ёзилиб қолган бўларди. Менинг текширишларим шунини кўрсатдики, тарихимизда шоирлар кўп бўлган-у, аксариятининг шеърлари йўқолиб кетган. Бу жуда ачинарли ҳол, албатта! Сарвар Бону асарларини ана шундай фалокатдан сақлаш учун Сизга ўхшаш аҳли дилларнинг саъю ҳаракатлари лозим.

Менинг шу илтимосимни ерда қолдирмасиз деб умид қиламан.

Боқи эҳтиром билан: Т. Ж.

30/Х. 58 й. Тошкент.

Бу мактуб Азизовга жуда манзур бўлди. У киши ўзлари ҳам шу мазмунда бир хат ёзиб, дарров Учқўрғонга — Абдулҳамид акага юбордилар. Мен сабрсизлик билан жавоб кутар, лекин жавоб мактуби ҳадеганда келмай, энка-тинкамни қуритарди. Ниҳоят, икки ой деганда Азизов номига бир хат келди. Бу хатда Абдулҳамид ака мактублар учун миннатдорчилик изҳор этгач, бу сатрлар авторини кўзда тутиб, қўйидаги сўзларни ёзибди. «Мулло акамга салом денг. Эртага Андижонга бораман, у ердан Дастурхончига тушаман, етарли маълумот ололмасам, Ушга бораман».

Менинг илтимосимга тааллуқли шу озгина маълумот мени беҳад қувонтирганини ҳурматли китобхон яхши ҳис этса керак. Демак, Абдулҳамид ака ҳаракатда, у менинг илтимосимни бажо келтириш учун сафарга ҳозирланган!

Лекин ҳеч қандай жавоб бўлмай, орадан яна уч ойдан зиёд фурсат ўтди. Ниҳоят 1959 йил 7 апрель куни Абдулаҳад Азизовнинг номига Амонулло Валихоновдан катта бир пакет келди. Бу — мактаб дафтарининг бир варағига ёзилган дуойи салом ва машинкада икки интервал билан 10 бетга ёзилган «Шоиранинг тақдири» сарлавҳали очеркнамо бир материал экан. Хатда дуойи саломдан сўнг, бизга тааллуқли қўйидаги сўзлар бор:

«Айтгандай, Тўхтасин аканинг шоиралар юзасидан Имоиддин<sup>1</sup> акамга қилган нақзи муносабати билан Қамбарнисо деган шоиранинг бир мушоирасини топиб эдим. Ҳошимжон акам маслаҳатига мувофиқ тарихий очеркка ўхшаш бир нарсага айлангирдим ва ундан бир нусхасини ўзларига юбордим, токи Тўхтасин ака Жалоловга берсалар деб...»

Шу тариқа биз шоира Сарвар Бонуни излаб, Қамбарнисо мушоирасини топдик.

Амонулло ким дейсиз-ку, шундай эмасми?

Азизовнинг айтишича, Амонулло Валихонов Андижон Пединститутининг математика муаллими бўлиб, шоир табиатли, адабиёт ҳаваскори экан.

Очерк — фактлар ҳикоясидир. Амонуллонинг «Шоиранинг тақдири» очеркида фактлар етишмайди, баъзи ҳоаниқликлар учрайди. Биробарин, биз очеркни ўқигач, баъзи муаммоларни ҳал этолмай, Амонулло Валихоновга қуйидаги мактубни ёзиб юбордик:

Ҳурматли Амонуллохон!

Марҳамат қилиб юборган мактубингизни олдим. Шоира Қамбарнисо ҳақидаги маълумотларингиз учун чин қалбимдан ташаккур айтаман. Материални кўриб чиққач, менда баъзи бир саволлар пайдо бўлди, яъни очеркни ўқиб, қуйидаги муаммоларни ҳал этолмадик.

1. Қамбарнисо билан мушоира қилган шоир Ошиқ Уш қозисининг ағламими ёхуд бошқа шахсми?

2. Шоир Ошиқнинг бошқа ғазаллари Сизга маълумми, йўқми?

3. Нега Сиз ўз очеркингизда шоир Ошиққа салбий муносабатда бўлгансиз?

4. Қамбарнисо уйига меҳмон бўлиб борган Самар Бонунинг шеърятга алоқаси борми, йўқми?

Сиз юборган очеркдаги материаллар асосида илмий мақола ёзиш учун юқоридаги саволларга жавоб олиш жуда зарур.

Агар илтифот қилиб, ушбу саволларга тезроқ жавоб ёзиб юборсангиз, мени беҳад миннатдор қилган бўлар эдингиз.

Сизга сиҳат-саломатлик тилаб, Т. Ж.

7/IV 59 йил.

<sup>1</sup> Имоиддин ака — Андижон Пединститутининг бош бухгалтер. Улфат тахаллуси билан шеърлар ёзади.

Орадан ўн кунча фурсат ўтмай, Амонулло Валихоновдан қуйидаги жавоб мактубини олдим.

*Ҳурматли Тўхтасин ака!*

*Илтифот юзасидан юборган хатингизни олдим ва йўқиб, мазмунидан хабардор бўлгач, гоят даражада хурсанд бўлдим.*

*Хатингизда ишора этилган баъзи ноаниқликларга ўзим билганча жавоб қайтаршига ҳаракат қиламан.*

*1. Қамбарнисо билан мушоира қилган шоир Ошиқ ҳақида билганлар уни Уш қозисининг аълами дейишади.*

*2. Шоир Ошиқнинг Сизнинг қўлингизда мавжуд парчаларидан бошқа асарлари ҳозирча менинг қўлимда йўқ ва жуда оз излашлар мусбат натижа бермади. Балки бирор сабаблар билан йўқолиб кетгандир ёки бирор жойда кўкрагини захга бериб ётгандир.*

*3. Ошиқ тўғрисида биз эшитган маълумотларга қараладиган бўлса, унинг салбий шахс экани аниқланаётир. Унинг шоирлиги тўғрисида шуни ўйлайманки, ундай шахслар бўлиши табиий, мумкин. Зотан, унинг шеърларига кўра ҳам анча «суюқ» экани сезилиб турибди (мен бу ерда Қамбарнисонинг юксак ва мантиқли мисраларига жавобан ўринсиз «очиқ» гапиришини назарда тутаман).*

*4. Жуда чиройли ва жуда жалб қилувчи савол! Ушда яшаган бир марҳума Самар Бону исмлик шоира ўтган бўлиб, ўз замонасининг йирик, аммо мистик шоирларидан бўлмиш Ҳувайдо эшоннинг набираларидан. Сирожий деган анча иқтидорли шоирнинг қизи ва Соқиб исмли шоирнинг синглиси экан. Шоиранинг кўпгина шеърлари тўпламидан иборат бўлмиш девони Душанбада турувчи асли ўшлик бўлган Иброҳимжон деган шахсда деб эшитамиз. Аммо шоира Қамбарнисо эшигида турган Самар Бону ўшами ё бошқами, бу ҳақда бир нарса айтиб бўлмайди. Шуни ҳам айтиб ўтиш мумкинки, мазкура Самар Бону Чимёнга алоқадорлиги маълум (Ҳувайдойи Чимёний ҳам дейдилар). Бинобарин, ўша бўлиши ҳам мумкин. Бироқ мен буни айттишдан четламоқчиман, чунки аниқ билмайман.*

*Хатимнинг охирида шуни айтмоқчиманки, Қамбарнисонинг Ошиқ таклифини қабул қилмаслиги ҳам, агар*

*Ўша давр шароити нуқтаи назаридан қаралса, Ошиқни  
ижобий қилиб кўрсатмайди шекилли.*

*Салом ва эҳтиром билан:*

*Амонулло,  
14/IV 1959 йил.*

Гарчи бу мактуб билан масала бирмунча ойдинлашган эса-да, бошқа ҳал этилмаган муаммолар ҳам йўқ эмас. Чунончи: Амонуллонинг «Шоиранинг тақдири» очеркида Қамбарнисо Муқимийнинг қариндоши ва шоғирди дейилган. Агар бу ривоят рост бўлса, у ҳолда Муқимий билан Қамбарнисонинг қариндошлик даражасини аниқлаш зарур. Бунинг учун Қўқонга бориб, Муқимий авлодларини биладиган қарияларга мурожаат қилиш керак. Ҳувайдонинг невараси, шоир Сирожийнинг қизи Самар Бонунинг девони эса, Душанбада Иброҳимжон деган йигитда эмиш. Агар мен Душанбага бориб, Иброҳимжондан илтимос қилсам у қўлэзмани менга берармикин? Эҳтимол, бермас. Демак, Душанбага борганда, қуруқ қайтмаслик чорасини излаш керак.

Мана шу савол бошимни қотириб турган кезде, Имо-диддин Қосимов курортга кетаётиб, Тошкентда — Азизовникида бир кеча тунаб ўтди. У кишининг айтишича, Самар Бонунинг укаси Амонхон Мақсум (ҳозир 84 ёшларда эмиш) Абдулҳамид аканинг: «Иброҳимжон девонни сўраб борган одамга берармикин?» — деган саволига: «Агар мен хат ёзиб берсам, беради», — дебди. Демак, Амонхон Мақсум ҳузурида бўлиб, бу кексанинг ҳурмат ва ишончига сазовор бўлмоқ лозим, шундагина у кишидан, хат олиб борувчига девонни беринг, мазмунида мактуб олиш мумкин бўлади.

Бундан ташқари, Ушга бориб Самар Бонуни билган кампирлар билан суҳбат қилиш ҳам шоиранинг шахсияти ҳақида қимматли маълумотлар бериши мумкин. Тадқиқотчининг диққатига сазовор янги бир жиҳат Амонуллонинг: «Мен Тўхтасин аканинг шоиралар юзасидан Имоиддин акамга қилган нақазни муносабати билан Қамбарнисо деган шоиранинг бир мушоирасини топиб эдим» жумласидир. Амонулло мушоирани қайси манбадан, кимдан олди? Уша манбаларда шоиранинг бошқа асарлари йўқмикин? Бу сўроқларга жавоб топиш учун Андижонга бориб, Амонулло билан бафуржа суҳбат қилиш зарур.

Мана шу мулоҳаза билан Амонулло Валихоновга қуйидаги мактубни юбордим:

*Ҳурматли ўртоқ Валихонов!*

*Шоира Қамбарнисо ва Самар Бонуларнинг шахсиятини аниқлаш юзасидан юборган саволларимга жавобан ёзган мактубингизни олдим. Жавоб мактубингизни «Ўзбек шоирлари» номли китобимга айнан киритаман.*

*Яна баъзи нарсаларни аниқлаш учун май ойида Қўқон, Андижон ва Ушга бормоқчиман. Қайси куни боришим ҳақида Сизга телеграмма юбораман.*

*Камоли эҳтиром билан: Т. Ж.*

*20 IV 1959*

## II

Мен 1959 йил 31 май куни Андижонга бориб Имодин Қосимов, Амонулло Валихонов, Абдулҳамид Абдураззоқов ва ўз ҳамкорим А. Азизовни топдим. (Азизов бу вақтда бир иш билан Андижонга борган эди.) Суҳбат вақтида мен дарҳол муддаога кўчиб, Амонуллодан Қамбарнисо хусусида суриштира кетдим. Маълум бўлишича, Амонулло Ошиқ билан Қамбарнисо орасидаги мушоира ва унга тааллуқли ҳикояни Ошиқнинг ўғлидан эшитиб, ёзиб олган экан. Ошиқ билан Қамбарнисо ҳақида бошқа тафсилотлардан хабари йўқ экан.

Мен Андижонда фурсатни қўлдан бермай эртасигаёқ Абдулҳамид ака ва Азизовнинг ҳамроҳлигида Ушга жўнадим. Бунинг сабаби шуки, мен Ушда ҳеч кимни танимас, бу ўртоқларнинг рафоқатларига ва ўрни келганда далолатларига муҳтож эдим. Ушда ҳамроҳларим мени Шарафиддин Салоҳий деган эски қадрдонлари уйига бошлаб бордилар. Шарафиддин ака савдо системасида ишласа ҳам, гоят шеърфаҳм ва серзавқ одам экан. Шарафиддин ака классикларимиз ва совет шоирларининг мумтоз шеърларини бир дафтарга кўчириб, терма баёз қилиб қўйибдилар. У кишининг дафтарини ўқиб туриб, қўққисдан, ўзимиз қидириб юрган шоир Ошиқнинг шеърларини кўриб қолдик. Бу дафтарга Ошиқнинг қозилар ҳақидаги ҳажвияси ва босмачиларга қарши ёзган ўткир шеърлари кўчирилган.

Ушда «Сулаймон Ошиқ» номи билан машҳур бу зот Шарафиддин аканинг яқин дўсти экан. Шарафиддин ака дўсти Сулаймон Ошиқ ҳақида бизга қуйидаги маълумотларни бердилар:

Сулаймон Мирза Маҳмуд ўгли Ошиқ 1860 йилда Ушда камбағал оиласида туғилган ва 84 ёшга кириб, 1944 йилда Ушда вафот этган. Қабри Уш шаҳрининг Алимтепа деган жойида экан. Сулаймон Ошиқдан мукаммал девон қолган. У девон ҳозир ўгли Иброҳимжоннинг қўлида. Иброҳимжон Уш шаҳрининг Жийдалик кўчасида истиқомат қилади.

Сулаймон Ошиқ хушчақчақ, ҳазилкаш шоир экан. Унинг қозилар ҳақидаги ва «Қал» радифли ҳажвиялари бу фикрни тўла исбот қилади. Шоир Ошиқ узоқ йиллар давомида Уш қозихонасида «вакил» (қонуншунос) бўлиб ишлаган. Натижада бу доирадаги ҳақсизлик, адолатсизликларни ўз кўзи билан кўрган ва улардан юз ўгирган, қозиларни масхаралаб ҳажвиялар ёзган. Оқибатда Уш қозиси Хўжахон қози шоир Ошиқни саксон кун қамоққа ҳукм қилган.

Сулаймон Ошиқ дўсти Шарафиддин акага Қамбарнисо ва у билан бўлган мушоираси ҳақида қуйидагиларни ҳикоя қилган экан:

«Инқилоб арафасида Сузоқ районида<sup>1</sup> қозилар саёзи<sup>2</sup> чақирилди. Мен ҳам Уш қозиси билан шу саёзга борган эдим. Мурофаа тамом бўлиб, ҳамма қозилар муфти ва аъламлари билан чиқиб кетдилар. Қозихонада Хўжахон қози, мен ва бошқа ўшлик ҳамроҳларимиз қолдик. Шу вақтда бир аёл билан бир эркак кириб, боиттифоқ талоқ хати сўрадилар. Ҳар икки томон рози бўлгани учун қози талоқ хати ёзишга буюрди. Талоқ хати ёзилиб, қўл қўйиш учун паранжилик хотинга берилди. Хотин оппоқ, нафис қўлларини узатиб қалам сўради, мен қаламни давогга тегизиб аёлга бердим. Аёл талоқ хатига қўл қўйиб, қозига узатди. Қози хатга қараб ҳанг-манг бўлиб қолди ва юзларида таажжуб аломати зоҳир бўлиб, талоқ хатини менга узатди. Мен ҳам хатга қараб кўзларимга ишонмадим. Хотин энг моҳир хаттот қалами билан:

«Тақдир ўқин ишони Қамбарнисо жафокаш»,— **5,5**

деб қўл қўйибди. Мурофаада ҳозир бўлганлар ҳаммамиз ҳайратда қолдик. Мен эҳтиром билан хотиндан:

<sup>1</sup> Сузоқ — Жалолобод шаҳрига яқин бир район.

<sup>2</sup> Саёз — русча съезд сўзининг бузилган шакли. Қозилар саёзи — қозилар съезди демакдир.

— Синглим, хатни кимдан таълим олгансиз?— деб сўрадим.

Хотин қисқа жавоб қайтарди:

— Қўқонлик қариндошимиз шоир Муқимийдан.

Ана шу савол-жавоблардан сўнг мен тегажакликка ўтиб, дарҳол бошқа бир қоғозга:

Ошиқни муддаоси Қамбар пари нисодур,

Оразлари қизил гул, кокуллари қародур,—

байтини ёзиб:

— Синглим, талоқ хатига нотўғри қўл қўйибсиз, бошқа ерига қўл қўймоқ лозим эди,— деб байт билан талоқ хатини Қамбарнисога узатдим. Хотин хатни чиммати ичига олиб ўқиди-да, яна қалам сўради. Мен қалам узатдим. Хотин шу заҳотиёқ жавоб ёзиб, менга узатди:

Кокулга қўл узатма, эй Ошиқни балокаш,

Ишқ аҳлига бу кокул гўёки аждаҳодур.

Шарафиддин аканинг айтишига қараганда, мушоира шу ерда узилиб қолади. Қозихонада, бошқалар ҳузурда уни давом эттириш ўнғайсиз туюлади. Аммо, кейинча, шоир Ошиқ Қамбарнисони қидириб топади ва қозихонада бошланган мушоирани давом эттиради. Мана шу мушоиранинг тўла тексти:

Ошиқ:

Ошиқни муддаоси Қамбар пари нисодур,

Оразлари қизил гул, кокуллари қародур.

Қамбарнисо:

Кокулга қўл узатма, эй Ошиқни балокаш,

Ишқ аҳлига бу кокул гўёки аждаҳодур.

Ошиқ:

Зулфинг қаролиғидин касб этди лайли ялдо,

Зулфинг ҳавоси бирлан тандин бу жон бородур.

Қамбарнисо:

Кокулларим «Аналҳақ»<sup>1</sup> дорини риштасидур,

Мансур<sup>2</sup> осилса анга қайди аро адодур.

<sup>1,2</sup> Мансур — шарқ файласуфларидан бири. Бу киши «Аналҳақ», яъни «мен худо» дегани учун дорга осиб ўлдирилган.



Ошиқ:

Сояндин истироҳат олмоқ умид этармен,  
Фурқат ўтида, жоно, жоним куйиб бородур.

Қамбарнисо:

Соямдин истироҳат олмоқ умид қилма,  
Уммиди истироҳат Ошиқға нораводур.

Ошиқ:

Жон бирла мол ҳаля бўлсун сенга нигоро,  
Ҳоки раҳинг кўзумга бас бўлса тўтибдур.

Қамбарнисо:

Мол ила жонни петкум, ҳосилсиз эрса мақсад,  
Кечдим алар баридин, бу барча бебақодур.

Ошиқ:

Ошиқға раҳм қилғил, эй раҳмсиз, жафожў,  
Қолма вуболимизга, ишқинг биза балодур.

Қамбарнисо:

Алломан замонға андиша зийнат эрмиш,  
Беҳуда ҳарза айтмоқ, бил, таври норасодур.  
Очилса ғунча келмиш — сочилмоғи муқаррар,  
Ортиқ лаб очмоқ энди, Қамбарнисо, хатодур.

Бу мушоиранинг Амонулло Валихонов бизга юборган тексти билан Шарафиддин ака дафтаридаги тексти бир-биридан анча фарқ қилади. Чунончи, юқорида кўриб ўтганимиз Ошиқнинг:

Сояндин истироҳат олмоқ умид этарман,  
Фурқат ўтида, жоно, жоним куйиб борадур.—

байти Шарафиддин аканинг дафтарида:

Соянда истироҳат олмоқ иложи борму?  
Фурқат ўтида, жоно, жоним куйиб борадур,—

шаклида ёзилган. Бу байтга қалам теккизилгани ва бирмунча таҳрир қилингани кўришиб туради. Бироқ Қамбарнисонинг унга жавобан ёзган байтининг чуқур мазмуни тамомила вайрон қилиб таҳрир этилган. Бу жавоб биз кўчирган нусхада:

Соямдин истироҳат олмоқ умид қилма,  
Уммиди истироҳат Ошиқга нораводур,—

бўлса, Шарафиддин ака нусхасида:

Соямда истироҳат олмоқ умид қилсанг,  
Мол бирла жонни сарф эт, соям сенга раводур,

тарзида ёзилган. Шарафиддин ака дафтариди Қамбарнисога нисбат берилган яна мана бу байт бор:

Иш қилки, чиқма йўлдин, бўл пайрави шарнат,  
Тақдир бўлса ишрат — доим санго — мангодур.

Бу байт Амонулло менга юборган нусхада йўқ. Фикр-римча, мушоира қайта таҳрир қилинганда бу байтни бошқа бир шахс ўзи тўқиб, шоиранинг ғурури, виқори, ибo ва ҳаёсини қасддан ерга урган. Зотан, Ошиқ, молу жонини ҳадя қилай, деб турганда,

Мол ила жонни неткум, ҳосилсиз эрса мақсад,  
Кечдим алар баридин, бу барча бебақодур,—

деган шоиранинг: «Мол ила жонни сарф эт...» дейиши асло мумкин эмас, бу ҳеч мантиққа сиғмайди.

Бу мушоирани диққат билан ўқиган ҳар бир киши заковат ва истеъдодда Қамбарнисо Сулаймон Ошиқдан бир неча поғона юқорида турганини дарҳол ҳис этади. Қамбарнисонинг байтларида ўзбек аёлларига ҳос ибo ва ҳаё барқ уриб туради. Мен Ошиқ билан Қамбарнисо шеърларини бир-бирига таққослаб турмайман. Бу борада Амонулло Валихонов мактубида баён этилган фикрларга тўла қўшиламан.

Шарафиддин аканинг айтишига қараганда Қамбарнисо эридан талоқ хати олгач, Қўқонга кетади. Шоир Ошиқ совға-саломлар олиб, Қамбарнисони йўқлаб орқасидан Қўқонга боради. Лекин, шоира сил касалига мубтало экан. Орадан озгина фурсат ўтмай, Қамбарнисо ана шу бедаво касалдан вафот этади.

Қамбарнисодан яна қандай асарлар қолгани ва Муқимийга қариндошлик нисбати ҳозирча маълум эмас. Бу борада текшириш ишлари давом этмоқда. Масаланинг бу жиҳатларини аниқлаш Қўқон зиёлиларининг ҳиммат ва ғайратларига боғлиқ кўринади.

### БОНУ АВЛОДЛАРИ ОРАСИДА

Сафарга чиқишдан мурод Қамбарнисо билан Ошиқ ҳақида материал тўплашдан ташқари, Ҳувайдоннинг набираси шоира Самар Бону девонини топиш экани китобхоннинг хотирида бўлса керак. Ҳувайдоннинг ўғли Сирожий, Ҳувайдоннинг яна бир набираси Соқиб шоир экани адабиёт тарихчиларига маълум. Аммо унинг набираси, Сирожийнинг қизи Самар Бонунинг шоирлиги ҳалигача маълум эмас эди. Самар Бону дарагини қачон, кимдан ва қандай эшитганимиз менинг Абдулҳамид акага ёзган мактубимда зикр қилингани учун бу ерда яна такрорлашга ҳожат йўқ. Самар Бонунинг укаси Амонхон Мақсум Андижоннинг Заврақ қишлоғида деб эшитган эдик. Лекин андижонлик хайрихоҳларимиз, Амонхон Мақсум қаттиқ касал бўлиб, Заврақдан Ушга кетгани хабарини айтган эдилар. Шарафиддин ака бизнинг бу сафардан муродимиз нима эканини билиб, Амонхон Мақсум ён қўшиниси эканини айтди. Мен, ҳамроҳларим, Шарафиддин ака ва шоир Маҳжур — беш киши бўлиб, Амонхон Мақсумни кўргани кирдик. Амонхон Мақсум 84 ёшда экан, қаттиқ касалликдан кейин ҳозир бир оз ўзига келган бўлса ҳам ҳали ўрнидан туриб ўтиролмас, келган-кетганларни гоҳ танир, гоҳ эслолмас экан. Бемор қария кўзларини катта-катта очиб, бизларга қарар, лекин ҳеч биримизни танимай, таажжуб билан тикиларди. Шоир Маҳжур билан Шарафиддин ака чолни елкасидан кўтариб туриб, ўзларини танитдилар. Қариянинг дарров чеҳраси очилиб, хуш келибсиз, деб боши билан ишора қилди. Маҳжур бизларни кўрсатиб, бу одамлар Тошкентдан сизни зиёрат

қилгани келибдилар, деди. Чол тамом ҳайратда қолиб  
гоҳ менга, гоҳ ҳамроҳларимга боқарди. Қариянинг қу-  
лоқлари оғир, қўл-оёқлари дармонсиз, белидан қувват,  
кўзларидан нур кетган. Лекин ўзи шу қадар нуроний,  
шу қадар хушчеҳра чолки, унга қараб тўймайсан ки-  
ши. Мен бу чолга ҳасрат ва надомат билан тикилар,  
аммо нима деб тасалли беришни билмасдим.

Шунда шоир Маҳжур:

— Бу чол ёшлигида ғоят хушчақчақ одам эди, унинг  
суҳбатини одамлар ҳавас қиларди. Мақсум Абу Али  
Сино асарларини яхши ўрганган, табобат билан шуғул-  
ланарди, кўп беморлар унинг қўлидан шифо топган, —  
деди.

Мен Амонхон Мақсумга қараб туриб, хайёмона  
хаёлларга чўмдим. Кўпларнинг дардига даво топиб,  
уларга ҳаёт бағишлаган бу нуроний чол ҳозир ўзи  
«қарилик» деб аталган бедаво дардга гирифтор!.. На-  
ҳотки «қарилик» деган бу машъум касалнинг давоси  
бўлмаса!

Қарияга саволлар берилса тушунар, лекин фикрла-  
рини бир тартибга солиб жавоб қайтаролмас эди. Шу  
пайтда Шарафиддин ака Амирнинг мумтоз бир газали  
вазнида Амонхон Мақсум тўқиган ҳазил тарзидаги  
байтти эслатди. Чолнинг юз ва кўзларига нур югуриб,  
кула-кула қўйидаги байтларни ўқиди:

### А м и р:

Қадаҳ бишкаст соқий, ман шикастам шишан дилро,  
Ту ҳам тарафи қулаҳ бишкан, ки бишкан-бишкан аст имшаб.

### А м о н х о н М а қ с у м:

Қовун пишди, анору олма пишди, нок ҳам пишди,  
Менам пишдим, сенам пишгин, ки пишган-пишган аст имшаб.

Сўнгги байт чолнинг ёшлик шўхликларини эслатув-  
чи, унинг суҳбаторолигини кўрсатувчи бир далил, ал-  
батта. Шунинг учун бемор қария кулар, биз ҳам унга  
қўшилиб хандон урардик.

Мундоқ ўйлаб қарасам, чол ростдан ҳам ҳозир  
«пишиб» турибди. Шу алпозда унга Самар Бонунинг  
девони ҳақида саволлар бериш маъносиз туюлди. Би-

нобарин, биз Амонхон Мақсумнинг ўгли Рукниддинга мурожаат қилиб, суриштира кетдик. Бизга Душанбада деб хабар қилганлари Иброҳимжоннинг фамилия ва адресини сўрадик. Маълум бўлишича, Иброҳимжон Душанбада эмас, Сурхондарё областига қарашли Узун районида турар экан. Бу оиладан Самар Бону ҳақида бошқа ҳеч қандай маълумот ололмай, хайрлашиб чиқдик. Демак, мен Душанбага эмас, Сурхондарёга боришим лозим. Шу пайтда шоир Маҳжур янги бир фикрни ўртага ташлади. У киши:

— Ушда Амонхон Мақсумдан ташқари шоир Соқибнинг ўгли Разиддин Мақсум яшайди. Самар Бону унинг аммаси бўлади. Эҳтимол, шу кишидан бирор янгилик эшитармиз,— деб қолди.

Суриштириб Разиддин Мақсумни топдик. Эллик ёшлар чамасидаги бу киши колхоз трактор паркида слесарь бўлиб ишларкан. Разиддин Мақсум девоннинг Душанба ва Сурхондарёда бўлиш эҳтимолини рад этиб, қуйидагиларни айтди:

— Самар ачамнинг девонлари бизникида эди. Бундан ўн йил муқаддам опам Баҳринисо Чимёнга олиб кетган эдилар. Олти йил муқаддам опамиз оламдан ўтдилар. У кишидан бир қиз қолган. Оти Мунисхон. Ана шу жияним «Мунис» тахаллуси билан шеър ёзади. Мунисхон ўзи шоира бўлгани учун онасининг қўлидаги китоблар, жумладан Самар ачамнинг девонлари шунинг қўлида бўлиши муқаррар. Бинобарин, сиз овора бўлиб Душанба ва Сурхондарёга эмас, тўғри Чимёнга бориб, Муқимиддин Мақсумни толинг. У киши бизнинг язнамиз (поччамиз) бўлади, ўшанга илтимос қилсангиз, девонни сизга кўрсатадилар.

Разиддин Мақсумнинг бу сўзлари менинг руҳимни кўтарди. Мен у кишидан Муқимиддин Мақсум номига бир хат ёзиб беришларини илтимос қилдим. Разиддин Мақсум мамнуният билан қуйидаги мактубни ёзиб бердилар.

*«Муқимиддин акам ва ҳам жигарларимга саломдан сўнгра сўз шулки, борган меҳмонларга яхши хизмат қилиб, ўзингизнинг шеърларингизни кўрсатинг ва Самар Бону ачам китоби қайда эканлигини билганингизча айтиб беринг, деб укангиз:*

*Разиддин».*

Мен хатни олиб беҳад қувондим. Назаримда Чимёнга боришим билан саккиз ойдан буён сўроқлаб юрганам Самар Бону девонини менга чиқариб берадигандай туюларди.

Самар Бону ўз шеърларини оққа кўчириб, икки нусаха девон тузган, девонида «Алиф»дан «Ё»гача шеърлар бор, бундан ташқари қариндошлари ўзларига ёққан шеърларини бир дафтарга кўчириб олганлар деб эшитдик. Шоир Маҳжур мана шу дафтардаги ғазалларни ўқиган экан. Мен Маҳжурдан, сиз ўқиган шеърларнинг бадний савияси қандай эди, деб сўрадим. Маҳжур: «Дафтардаги маснавиётлар мутасаввифона, ғазаллари эса равон ва ўйноқи», деб жавоб берди. Уша дафтар ҳозир Андижон область, Тепақўрғон районига қарашли Қорасув қишлоғида турувчи Мулло Ботурда деб эшитдик. Бинобарин, Ушдан қайтишда Абдулҳамид Абдураззоқовни Қорасувга жўнатиб, Азизов иккимиз Андижонга қайтдик. Эртасига Абдулҳамид ака келиб: «Дафтар шуларда, лекин бермаяптилар. Қимирлаган қозиққа ўхшайди, қимирлайди-ю, чиқмаяпти», деди.

Шу вақтда Андижонга ёзувчилар союзининг йўлланмаси билан шоир Ҳабибий бориб қолди. У киши Андижон ва Наманганда бўлиши лозим экан. Мен у кишидан, йўлни ўзгартиб, Абдулҳамид ака билан Уш ва Қорасувга тушиб, Самар Бону дафтарини топишда менга ёрдам беришларини сўрадим. Ҳабибий рози бўлгач, мен Чимёнга қараб жўнадим. Андижондан Фарғонага, Фарғонадан Водил районига бориб, ундан Чимёнга ўтдим. Чимёнда «Ленинград» колхозининг экспедитори Ҳ. Мақсудов мени Муқимиддин Мақсумнинг уйига бошла борди. Мен Муқимиддин акага қандай эзгу ният билан келганимни батафсил ҳикоя қилиб, Разиддин Мақсум ёзиб берган мактубни топширдим. Таассуфки, қариндошининг мактуби ҳам, менинг илтижоларим ҳам фойда бермади. Муқимиддин Мақсум: «Китоб бизда эмас, Аравондаги қариндошларимизникида бўлса керак», деб туриб олди.

Бу китобнинг нашр этилиши сизнинг авлодингиз учун шон-шараф дедим, кор қилмади. Бу китоб нашр этилган тақдирда моддий манфаатдор бўлишларини уқтирдим, кор қилмади. Асар қолдириш — фарзанд қолдиришдир, бу асарни яшириб, халқни ундан бебаҳра этиш — бировнинг фарзандини ўлдириш каби жиноят

дедим, кор қилмади. Бўлмаса, рафиқангизни чақиринг, балки у киши баъзи газалларини ёд билар, мен у кишидан эшитиб, ёзиб олай дедим, кўнмади.

Шу тариқа, Самар Бону девонини ҳалокатдан сақлайман, деб қилган саъю ҳаракатларим самарасиз туғаб, Тошкентга қайтдим.

Орадан уч-тўрт кун ўтмай, Разиддин Салоҳиддинов Ўзбекистон Давлат бадий адабиёт нашриётига кириб келди. У киши менинг Чимёндан ҳеч нарса топмай ҳафа бўлиб қайтганимни билиб:

— Мен эртага Ушга қайтаман. Ернинг остида бўлса ҳам сизга бирор нарса топиб юбораман,— деди.

Разиддин ака бизни алдамади. Орадан бир ҳафта вақт ўтар-ўтмас, у кишидан қўйидаги мактубни олдик:

*«Сизнинг олдингиздан келганимдан кейин тўғри Аравон билан Тенақўрғонга бордим. Опам Ҳожинисо Салоҳиддин қизининг уйига бориб, бир қоп эски китобларни бир чеккадан қараб, ишбу шеърларини топиб юбордим.*

*Боқи на дерман, салом-алайкум: Разиддин».*

*2/VI 1959 йил.*

Самар Бону машҳур шоиримиз Ҳувайдонинг набираси, шоир Сирожийнинг қизи, шоир Соқибнинг синглиси бўлиб, қариндошларининг сўзига қараганда, олтмиш ёшга кириб, бундан олтмиш беш йил муқаддам Ушда вафот этган. Демак, Самар Бону 1834 йилда дунёга келиб, 1894 йилда оламдан ўтган. Шоиранинг жияни Разиддин Салоҳиддиновнинг бизга ёзган мактубида Самар Бонунинг таржимаи ҳолига онд баъзи деталлар бор. Мана у киши нима деб ёзади: «Сирожиддиннинг тўрт қизи бўлиб, каттаси Самар Бону бўлган. Самар Бону аввал бир домлага рўзгор қилиб, бир оз муддатдан кейин ундан ажралиб, Ҳусайн ака деган бир деҳқонга тушган. У билан қирқ йил рўзгор қилиб, фарзанд кўрмасдан Ушда вафот қилган».

Амонхон Мақсум бундан етти-саккиз ой муқаддам Абдулҳамид Абдураззоқовга опаси Самар Бону хусусида сўз очиб:

— Мен тўрт ёшимдан шу опамнинг тарбиясида ўсдим, опам замонасининг оқила ва фозила аёлларидан эди. Шеърятда Зебуннисодан кам эмасди, - дебди.

Самар Бону (бундан сўнг тахаллуси билан «Бону» деб юритамиз) ўз шеърларини девон ҳолига келтириб икки нусха кўчирганини юқорида қайд этган эдик.

Разиддин Салоҳиддинов менга юборган Бону шеърлари ғоят даражада эскирган бир девоннинг етти варағидан йиртиб олинган парча-парча қоғозлардан иборатдир. Бинобарин, бу парчалардаги шеърларни бошдан-охиригача ўқиш жуда мушкул иш, чунки шеърларнинг ё боши, ё охири йўқ, баъзи парчаларда мисраларнинг ярмигина қолган.

Бону девонининг шу йиртиқ, мажруҳ парчаларига қараб, унинг турли ғазалларидан қуйидаги мисраларни ўқишга муваффақ бўлдик:

Ишқ ишини тутган элнинг жумлан кори мубоҳ,  
Оҳи сарду, рўйи зарду нолаи зори мубоҳ.

Васли муҳтожинда ошиқ доимо зору ҳақир,  
Шоҳи ҳуснин олдида бўлгуси агёри мубоҳ.

Арш тоқида бутуклик бўлса ошиқ гирияси.  
Ёриға ошиқларини бўлса саршори мубоҳ.

. . . . .  
. . . . .

Бир ўлиб, минг йўл тирилгай интиққи ёрдин,  
Дарди бедармон ўлуб Бонуи бемори мубоҳ.

Яна:

Зулайхое замонида туғилди мисри<sup>2</sup> Уш ичра,  
Анга ул Юсуфи Канъон каби қўйди баҳо ул шўх.

Тамоми бош аёғи хўбдур ўзга ярошукда,  
Билиб бўлмас анинг зиндони ишқ ичра фано ул шўх.

Кўруб чоҳи занаҳдонин ҳамиша банди зиндонман,  
Ғубори мақдамин кўзга қилурдим тўтиё ул шўх.

Яна:

Юзингни соғиниб, дилбар, аранг тан ичра жон келдим,  
Уларга чоғладим ўзни, баҳамдуллоҳ амон келдим.

Юзингни орзусида етушгунча чунон йиғлаб,  
Сени ёдингни айлаб кеча-кундуз дарниҳон келдим.

<sup>1</sup> Бу байтни ўқиб бўлмади.

<sup>2</sup> «Миср» сўзи бу ўринда шаҳар маъносида ишлатилган.  
«Мисри ўш» — Уш шаҳри.



Неча кунлар ўтуб кетди, лабингни хандасин кўрмай,  
Қизил гул гунчасидек таҳ-батаҳ бағримда қон келдим.

Юзингдан ўргилай, дилбар, менга сен бўлмағил золим,  
Жамолингни кўрай деб, қошинга уш бул замон келди.

Яна:

Кетдинг, ёрим, мени тирик ўлдириб,  
Чиройимни заъфарондек сўлдириб,  
Юрагимни ғаму қонга тўлдириб.

Кетди ёрим кўнглим бежо айлабон,  
Ҳижрон доғин бағримда жо айлабон,  
Кўз ёшимни оққан дарё айлабон.

Бону қирқ йилдан зиёд бир давр ичида бадний ижод билан машғул бўлган. Бинобарин, бу парчаларга қараб Бону девонининг қимматини аниқлаш амри маҳол. Шуниси ҳам борки, Мирзо Бедил, «Мен қатрага қараб денгизни кўраман», деган. Демак, ҳар бир зийрак ўқувчи бу парчаларга зеҳн солиб, Бону бақувват шоира, деган фикрга келиши мумкин. Зотан «Мубоҳ», «Ул шўх», «Келдим» радифли шеърлар шоиранинг зако ва истъдодини кўрсатувчи яхши далиллардир.

### БИЗ НОУМИД БУЛИБ ҚОЛМАДИК

«Икки шоиранинг адабий меросини излаб» 1959 йилгача тўплаган маълумотимиз, топган намуналаримиз мана шулар эди.

Лекин, биз қидириш ишларини тўхтатмадик, тадқиқот давом этди.

1962 йил 8 февралда ўшлик дўстим Шарафиддин Салоҳиддиновдан қизиқ мактуб олдим. Бу мактуб бизнинг мавзу-баҳсимизга алоқадор бўлгани учун уни сиз билан бақамти ўқиш афзалроқ деб ўйлайман. Мана у киши нима деб ёзибдилар:

*«Муҳтарам Тўхтасин ака! Саломдан сўнгга маълумлари ўлғайким, Рашиддин Мақсум қидириб юриб топмаган Самар Бону қўлёзма девонини мен биринчи февраль кунини Ушдан топдим. Шу кунини девонни сақлаган кишини девони билан ўз уйимга чақиртириб келиб, тўрт соат сўзлашдим, девоннинг баъзи ерларига назар солиб, ўқиб кўрдим. Ҳақиқатда Самар Бонунинг ўз қўли билан*

ёзилган. Менга уч-тўрт кунга бериб кетинглар, ўқиб кўрайин десам, ташлаб кетишга кўнмадилар. Ўз ҳузурларида девондан икки ғазал ва уч рубоийни кўчириб олдим ва сўзимнинг исботи учун ушбу хат билан сизга юбордим. Девон эгалари билан: мен Тўхтасин акамга хат ёзаман, хатнинг жавоби келгунча девон ҳеч кимга кўрсатилмасин ва айтилмасин, яна шунча кун сақлангандай сақлашиб турилсин, деб қаттиқ ваъдалашдик, ҳар икки тараф шунга рози бўлиб қўл олишдик. Иложи бўлса дарҳол ўзингиз келсангиз, иложи бўлмаган тақдирда Эркинжонни<sup>1</sup> юбормасангиз иш битмайди, чунки девон жуда нозик жойда, анча-мунча одамга бермайди.

Боқи салом ва ҳурмат билан: Шарафиддин Салоҳий,  
Уш.

1/II 1962

Бу мактуб мени нечоғлик қувонтирганини баён қилиш учун муносиб сўз тополмайман. Негаки, сўнгги тўрт йил мобайнида менинг бутун фикру зикрим шунга йўнатилган, Самар Бону девонини топиб, элимизга совға қилиш мен учун муддао бўлиб қолган эди. Тўрт йил давомида тўхтовсиз Фарғона водийсига қатнаб, неча юзлаб одамлар билан суҳбат қилдим. Ҳувайдо авлодлари ҳақида, Самар Бону ҳақида сўраб-суриштириб кўрдим. Тўғри, бу қидиришлар натижасида Бону ҳақидаги тасаввурим кенгайди. Ҳар хил савиядаги, турли ёшдаги одамларнинг бу мавзудаги суҳбатлари менга зўр таъсир кўрсатди. Уларнинг диний-хурофий ранг бериб айтган афсоналарини ақл тарозусига солиб кўрар, улардан ўзимча худоса чиқарар эдим. Бора-бора, тасаввуримда Самар Бону образи гавдалана бошлади. У, сарв қомат, гулчеҳра қиз эди. Мен фикран у билан суҳбатлашар, шахсий ҳаётида рўй берган алам-ангез воқеаларни қайта-қайта сўраб-суриштирардим. Бонунинг жавобла-

<sup>1</sup> Гап ёш ёзувчимиз Эркин Жабборов ҳақида. 1960 йилда Самар Бонунинг жияни Разиддин Мақсумдан, Самар ачамнинг иккита ғазалини топиб қўйдим. Ушга келиб, шуларни кўринг, манзур бўлса олиб кетинг, деган мазмунда хаг олган эдим. У вақтда касалхонада ётганим учун менинг илтимосим билан дўстим Эркин Жабборов Ушга бориб, Самар Бонунинг ўлим тўшагида ётган укаси Амонхон Мақсумнинг суратини, шунингдек Разиддин Мақсум топиб қўйган «Райҳон» ва «Қизлар» радифли газалларни олиб келиб, «Гулхан» журнаlining 1961 йил, биринчи сониде эълон қилди. (Т. Ж.)

рини тинглаб, унинг ақл-идрокига, мустаҳкам иродасига қойил қолардим...

Аммо шунча кезиб, шунча овора бўлиб, ҳанузгача Бону девонини тополмаганим учун хуноб бўлиб юрардим. Дўстим Шарафиддин Салоҳиддиновдан келган хушxabар бу ғашликка хотима берди.

Одамларнинг ривоятларига қараб, Бонунинг хулқи, феъли-атвори ҳақида ҳам маълум бир фикрга келган эдим. Тасаввуримча, Бону бир сўзли, шаддод, шунинг билан бирга, матонатли, файласуф табиатли аёл бўлган. Унинг девонидан кўчириб юборилган ғазал ва рубойлар ҳам шоиранинг табиатини ёрқин ифодалаб туради. Мана, шу рубойларнинг бири:

Қип-қизил девонаман, не нав қилай мен ўзни соғ,  
Юрагим вайронадур, мен шунчаки зоҳирда чоғ,  
Бу жаҳон хушнудлигини хушламассан, эй кўнгил,  
Эҳтиёт эт, сен, жаҳон айвонида сонсиз тузоғ.

Нега шоиранинг юраги «вайрона», нега унинг кўнгли «жаҳон хушнудлигини хушламайди», нега «жаҳон айвони» бояқиш шоирага «сонсиз тузоғ» бўлиб кўринади? Бу сўроқларга жавобни кейинга қолдириб, шоиранинг «Айлаб» радифли ғазалидан охирги байтни ўқиб кўрайлик:

Гаҳи ҳушман, гаҳи нохуш, гаҳи беҳуш, гаҳи боҳуш,  
Бу Бонуни хароб эттинг сочинг мушкин таноб айлаб...

Бу мисраларда ҳассос, жўшқин қалбнинг садоси янграмоқда, бу байт классик шоирларнинг ғазаллари савиясида...

Мактуб ва шеърлар мутолааси мени беҳад қувонтирди, руҳим кўтарилди. Эртасигаёқ Ушга жўнадим. Андижондан менга ҳамроҳ бўлиб борган дўстим Амонуллохон Валихонов билан 10 февралда Шарафиддин Салоҳиддинов хонадонига кириб бордик. Шарафиддин ака жуда закий ва ринд одам. Менинг ҳамроҳим Амонуллохон ҳам камдан-кам учрайдиган ҳалол, ҳалим, хуштавозе йигит. Унинг рафоқатида одам ўзини енгил ҳис этади, суҳбати эса ҳаловатбахш, муомалаларини кўриб ҳавасинг келади.

Уш бозорига келганда Амонуллохон ўзбек анъанала-

рига мувофиқ ширмой нон, қанд, бодом, писта каби нарсаларни харид қилди-да, яна атрофга жавдираб қарай бошлади. «Ҳа», десам: «Майиз керак эди», деб қолди. Ҳолбуки шу қандолатчининг ўзида олтин каби сариқ кишмиш бор эди. Мен кишмишга ишора қилиб: «Бу бўлмайдими?» дедим. Амонуллохон мийиғида кулиб: «Йўқ, домла, қора майиз керак», деди. Ахтара-ахтара қора майиз топдик. Лекин Амонуллохон, 25 грамм майиз тортиб беринг, деб қолди. Бу гапни эшитиб мен ҳам, майизфуруш ҳам ҳайрон бўлдик. Лекин майизфурушнинг ўзга чораси йўқ эди, у 25 грамм майиз тортиб берди. Мен Амонуллохонга савол назари билан қарадим. У: «Сабр қилсинлар, бунинг сабабини кейин биладилар», деди.

Шарафиддин ака бизнинг йўлимизга мунтазир эканлар, остонадан қадам қўйишимиз билан:

— Мозор босиб келган дўстлар дийдорини кўришдан бисёр мамнунман,— дея зарофат қилди.

Бизда «мозор босган нон» деган таъбир бор. Ундай нон «табаррук» бўлади. Уни кўзга суртиб ейишади. Аммо «мозор босиб келган дўстлар» таъбири тамом янги бўлиб, хушнуд кулгига сабаб бўлди.

Катта боғнинг ўртасида қурилган меҳмонхонага кирдик. Шарафиддин ака Амонуллохоннинг қўлидаги нарсаларни кўриб:

— Нега овора бўлдилар. Ахир, дастурхон кўтариб юриш хотинлар одати-ку,— деб «койиб» берди.

Амонуллохон ҳам ҳазил занжирини бўшатмай:

— Эскиларнинг: мулла киши — хотин киши, деган мақоллари бор, икки мулла бир бўлиб, бир аёлчалик иш қилган бўлсак, бизни маъзур кўрасиз,— деб жавоб берди.

Яна кулги, чақчақ бошланди.

Мезбон дастурхонга кириб кетганда, Амонуллохон 25 грамм қора майиз ҳақида сўз очди:

— Фарғона йигитларининг қизиқ одати бор: бир-бирларига лақаб қўйиб, чандишиб, аския қилишмаса кўнгиллари тўлмайди. Мезбонимизнинг лақаби «Кўкнори». Қора майиз у кишининг лақабларига ишора. Аслида эса, Мақсум акам (Шарафиддин акани дўстлари Мақсум ака деб аташади) умрларида кўкнори ичган эмаслар. У киши кўпинча тафаккурга берилиб, хомуш ўтирадилар. Кўкнориларнинг сукутга кетиши билан Мақ-

сум аканинг ана шу ҳолатида ўхшашлик бор. Шунга ишора қилиб, ҳарифлари унга «Кўкнори» деб лақаб қўйганлар.

Тўкин дастурхон ёзилди. Шарафиддин акам бизларга чой қуйиб бериб, ўз пиёласини лабига олиб борган ҳамон Амонуллохон «шошманг» ишорасида қўл кўтариб, ўрнидан кўзгалди. Шарафиддин ака ҳам турди.

Амонуллохон узр сўраган оҳангда:

— Хом сут эмган банда-да, бир нарсани тамом унутибман. Сизга андижонлик ёру дўстлардан туҳфа келтирган эдим. Лутфан қабул этсинлар,— деб ўн қават қоғозга ўралган бир нарсани Шарафиддин акага узатди.

Шарафиддин ака «ҳанг-манг» бўлиб, кутилмаган туҳфани оча бошлади. Бу — ўн-ўн икки дона қора майиз эди...

Бирдан шундай қаҳқаҳа кўтарилдики, учаламининг ҳам кўзларимизга ёш тўлди.

Бу — сўзсиз аския эди, лекин бу — ҳақоратомуз, дилозор, яйдоқ, яланғоч аския эмас, бегараз закийликнинг бир товланиши эди.

Сухбат самимий, риндона бошланди. Бу анжуманда май йўқ, аммо биз сархуш эдик. Мавзу доираси ҳадсиз, ўн асрни қамраб олар, гоҳо Фирдавсийдан сўз бошлаб, Миртемир билан яқунлар эдик. Мезбонимиз Шарафиддин ака ҳам, Амонуллохон ҳам Фузулийнинг оташин мухлислари. Гоҳ Фузулийнинг фусункор газалларини ўқир, шоирнинг ҳассослигига, ўткир дидига, нозик ташбеҳларига қойил қолар, «ҳай, ҳай» индолари билан улур бобомизнинг зеҳн-зақосига таҳсин ўқир, таъзим қилар эдик.

Худди шу пайтда Амонуллохон:

— Мен мавлоно Фузулий олдида бир гуноҳ қилганман. Аммо ҳанузгача бу гуноҳим пинҳоний. Агар руҳсат этилса, шу гуноҳимни ошкор этиб, Фузулий мухлисларидан узр сўрамоқчиман,— деди.

Шарафиддин ака ҳам, мен ҳам гап нима устида эканини дарҳол пайқадик: Амонуллохон Андижондаги Пединститутнинг математика муаллими, аммо илҳом париси билан хилватда дуч келганда, лоқайд ўтиб кетадиган йигитлардан эмас, у яхшигина шоир. Амонуллохоннинг Бобир газалига боғланган нафис бир мухаммасини «Ўз-

бек шоиралари»нинг биринчи нашрида эълон қилган эдим. Аммо... Фузулийга бас кела олармикин?

Мен шундай андишада эканман, мезбон валломатлик қилиб:

— Қонуншунослар: гуноҳкорнинг иқрори — гуноҳни енгиллаштиради, дейдилар. Сизнинг гуноҳингизни ҳам шу тарозуда тортамиз. Қани марҳамат, қулоғимиз сизда,— деди.

Шундан сўнг Амонуллохон «гуноҳига» иқроп бўлиб, Фузулийнинг мумтоз бир ғазалига боғланган мухаммасини ўқиди. Мухаммас бизга жуда маъқул тушди, биз шавқ-завққа тўлдик, беихтиёр қарсак чалиб шоирни табрикладик. Сизни ҳам бу нашъадан бебаҳра қолманг деб шу мухаммаснинг биринчи бандини кўчираман:

Нозаниними гўран дер: «Бу на авлоди башардир?

На гўзалдирки, гўзалликда юзи рашки қамардир!..

Жилвагар ўлдиғи — ҳашр ўлдиғидан дўғри хабардир,

Ваҳ на қомат, на қиёмат, бу на шохи гули тардир,

На бялодир, назар аҳлина на хуш мадди назардир».

Мана шундай ғазалхонлик қилиб турганимизда меҳмонхонага икки йигит кириб келди. Кейин маълум бўлишича, Самар Бону авлодларидан Шамсинисо Зиёвиддин қизи бизнинг келганимизни эшитиб, кўп йиллардан бери сақлаб юргани Самар Бону девонини бизга топшириш учун ўғли Муҳаммад Аминжон ва қариндошлари Абдуллажон Файзиматов орқали Шарафиддин аканинг уйига юборган экан. Биз девонни кўриб, беҳад қувондик. Муҳаммад Аминжондан, агар малол келмаса, волидалари ўз таржимаи ҳолини, Самар Бонуга қариндошлик нисбатларини, шунингдек, Самар Бонунинг таржимаи ҳолига оид маълумотларни ёзиб берсалар, деб илтимос қилдик.

11 февралда Абдуллажон Файзиматов билан бирга бу табаррук кампирнинг зиёратига бордик. У киши бизни меҳрибонлик билан кутиб олди. Муҳтарам Шамсинисоҳон бизнинг таклифимизни қабул этиб, ўзи ва Самар Бону ҳақидаги маълумотларни бизга мактуб тарзида ифода этибди. Мактубда Самар Бону ҳақида қимматли маълумотлар бор. Мактуб охирида бизга бахту толе тилаб, қайиноталари Салоҳиддин Соқибнинг шу руҳдаги ғазалидан икки байт келтирибдилар.

## ШАМСИНИСОХОННИНГ МАҚТУБИ

«Тўхтасин ука! Илтимосингизга кўра сизга қуйидагиларни маълум қиламан:

Мен Шамсинисо Зиёвиддин қизи Уш шаҳрининг Жўгас маҳалласида (ҳозирги Қизил қишлоқ жамоа советида) дунёга келдим. Отамлар мени тоғаси Салоҳиддин Соқибнинг ўғли Маматхон Мақсумга узатишди. Шоира Самар Бону менга хола бўларди, яъни онамнинг опаси эди. Ҳозир Ушда яшаб турибман. Ешим 75 да. Икки қиз, бир ўғлим бор.

Самар ачам вафот этганларида 4 ёшда эканман. Онамдан бир йил бурун—54 ёшларида ўлганлар. (1887—1891 йилларга тўғри келади).

Ачамни олдин Уқчига (ҳозирги Марҳамат районига қарашли Уқчи жамоа совети) Мулла Машариф деган кишига беришган. Тез фурсатда эрлари ўлиб кетди<sup>1</sup>. У кишидан Заҳириддин деган ўғил кўрганлар. Ҳозир шу ўғилларидан етти неваралари барҳаётдир. Булардан учтаси ўғил, тўрттаси қиз. Уғилларидан Иномиддин Мақсум билан қизлари Ҳадияхон Қорасувда яшайди. Қолганлари: Шужоиддин ва Минҳожиддин Мақсумлар, қизлари: Энахон, Хайрихон ва Раҳимахонлар Уқчида яшайди.

Яқинда ўғлим қадим замонда яшаган ўзбек шоирлари ҳақида чиққан бир китобни ўқиб берди<sup>2</sup>. Унда Самар ачам ҳақида ёзилган гапларни эшитиб кўп хурсанд бўлдим. Китобни ёзган киши ким эканлигини сўрасам, Тўхтасин Жалолов, деди. Мен Тўхтасинжон укамнинг қилган хизматларига раҳматлар айтдим. Чунки бир Самар ачамгина эмас, бутун ўзбек шоирларининг ҳеч ким ўқимаган ва эшитмаган асарлари билан китобхонларни таништирибди. Шу китобдин маълум бўлишича, Сиз Самар ачамнинг девонини қидириб кўп овора бўлибсиз. Ачамнинг ана шу сиз қидириб юрган девонлари менинг қўлимда эди. Энди бу омонатни Сизнинг қўлингизга топшириш вақти келганини пайқаб, Шарафиддин Мақсумчи бу «сир» дан огоҳлантирган эдик. У киши Сизга хабар

<sup>1</sup> Самар Бонунинг эрга берилиши ва эрининг ўлими ҳақида жуда кўп фожиали ҳикояларни эшитдим. Бу ривоятлар илмий адабиётнинг эмас, бадний адабиётнинг мазмунидир. Ҳозир шу ҳақда «Бир келину уч кувёв қиссаси»ни ёзмоқдаман. (Т. Ж.)

<sup>2</sup> Бу ерда «Ўзбек шоирлари» китобининг биринчи нашри ҳақида гап кетяпти. (Ред.).

қилган эканлар. Нотоб бўлишингизга қарамай, етиб келганингизни эшитиб, беҳад хурсанд бўлдим.

Самар ачам ҳақида айтилиши лозим бўлган бошқа гаплар Сизнинг китобингизда батафсил ёзилган. Мен яна нима ҳам дер эдим? Сизга бахт тилашдан ўзга сўзим йўқ.

Ераб, умид боғин ҳуррам баҳор қил,  
Ҳар ён мурод гулларин бешумор<sup>1</sup> қил,  
Доим юзига кавкаби<sup>2</sup> иқбол туғдириб,  
Боли<sup>3</sup> хумони боши уза соядор қил.

*Сизга ҳурмат билан: Шамсинисо Зиёвиддин қизи.*

*11/II 1962 йил.*

Зиёфатдан сўнг муҳтарам Шамсинисохон авторга оқ фотиҳа бериб, эзгулик нишонаси сифатида оқ рўмол ҳада қилди. Биз кампирга ташаккур айтиб, Абдуллажон Файзиматов билан Шарафиддин аканинг меҳмонхонасига қайтдик.

Абдуллажон Файзиматов Самар Бонунинг жияни — Разиддин Мақсумнинг куёви бўларкан. Унинг ёши ўттизлар чамасида, ўзи хўжалик ишларида бўлса ҳам, адабиётга ҳаваси жуда зўр. Самар Бону шарофати билан Ушдан топган янги дўстим қобил, зийрак, хушфезъл йиғит экан. У билан жуда иноқлашиб қолдик.

11 февраль кечаси билан Самар Бону девонини мутолаа қилиб, ундан нафис ғазалларни танлай бошладик. Мутолаа асноси девоннинг бир нуқсонини пайқаб қолдик: китобнинг 52 саҳифаси йўқ экан. Кимдир йиртиб олибди. Бу озмунча гап эмас. Ҳар саҳифада биттадан ғазал бўлганда ҳам 52 ғазал йўқолган деган сўз.

Бу ҳол мени ғоят ранжитди. Шерикларим ҳам, гўё олтин деб совға қилган нарсалари мис чиққандек, маъюсланиб қолдилар.

Мен: «Энди бу саҳифаларни қаердан топаман, кимга мурожаат қилишим лозим? Энди қайси шаҳар, қайси қишлоқларни кезай?» — деб ғамгин хаёл сурардим.

<sup>1</sup> Бешумор — сон-саноксиз.

<sup>2</sup> Кавкаб — юлдуз. Кавкаби иқбол — бахт юлдузи.

<sup>3</sup> Бол — қанот. Хумо — афсонавий бахт қуши. Хумонинг қанотидан кимнинг бошига соя тушса, у одам абадий бахтиёр бўлармиш.



Шунда Абдуллажон менга тасалли бериб сўзга киришди:

— Домла, тўрт йил муқаддам миш-миш гапларга ишониб су девонни қидиришга киришган эдингиз. Сизнинг бу ишингиз чўлда битта сополни кўриб, шу ерда қадимий шаҳар бор, деган ишонч билан ер қаздиришга киришган археологнинг ишига ўхшайди. Девондан йиртиб олинган етти мажруҳ саҳифа асосида китоб ёздингиз, Сўнгра «Қизлар», «Райҳон» радифли шеърларни топдингиз. Ҳозир эса, катта бир девон қўлингизда. Аввалам шуниси борки, бундаги шеърлар Самар ачам ҳақида истаганча мулоҳаза юритишингизга етарли материал бўлади. Йўқолган 52 саҳифа ҳам шу Ушдан ташқарига чиқмаган деб ўйлайман. Сиз ташвиш тортманг, шу саҳифалар ернинг қаърига кириб кетган бўлса ҳам топиб сизга топшираман.

Мен андак таскин топиб:

— Ҳимматингизга раҳмат, Абдуллажон,— дедим.

Шундан сўнг йўқолган саҳифаларни қандай қилириш, кимларга мурожаат қилиш, у одамлар билан қандай муомала қилиш ҳақида Абдуллажонга йўл-йўриқ кўрсатдим.

Бирдан хотирамга бир гап келди: Самар Бону ёшлигидан отинбиби — муаллима бўлган, кўп қизларни ўқитиб саводли қилган: «Қизлар» радифли шеърида ўзи ўқитган қизлардан бир нечасининг номлари зикр қилинган. Ажабо, шу қизлардан, яъни Бону шогирдларидан биронтаси ҳаёт эмасмикин?

— Хотин қариндошларимизнинг айтишича, шулардан бири ҳаёт, у Ўзганда яшар эмис,— жавоб берди Абдуллажон.

Нотоброқ бўлиб, аҳволим оғирлашиб бораётгани, бирор жойда ётиб қолиш хавфи борлигини назарда тутиб, Абдуллажондан мен учун Ўзган сафарига чиқишини илтимос қилдим. Абдуллажон рози бўлди. У Ўзганда дастлабки тадқиқотлар ўтказиб, патижасини дарҳол менга ёзиб юборишга ваъда берди. Шу тариқа мен бир даража хотиржам бўлиб Тошкентга қайтдим.

«Ўзим ҳар жойдаман, кўнглим сендадир» дегандек, ўзим Тошкентда бўлсам ҳам, кўнглим Уш ва Ўзган кўчаларида кезар, фикран хонама-хона кириб, гоҳ чоллар, гоҳ камширлар билан суҳбатда бўлардим.

Абдуллажон ҳадеганда хат ёза бермагач, тоқатим тоқ

бўлиб, ўзим хат ёздим. Менинг хатим: йўқолган саҳифаларни топдингизми? Ўзган сафаридан бирор натижа чиқдими? Нега хат ёзмай турибсиз?— каби сўроқлардан иборат эди.

Орадан озгина фурсат ўтар-ўтмас Абдуллажоннинг жавоб мактуби келди:

*«Ҳурматли Тўхтасин ака!*

*Юборган мактубингизни (2 апрелда) олиб, беҳад хурсанд бўлдим. Шу кундан бошлаб менда яна Ўзган сафарига чиқиш иштиёқи туғилди. Сафар олдидан Самар Бону ҳақида янги хабар эшитиб қолдим. Бу хабарнинг натижаси қуйидагича: Уш районида 1-Қорасув кўчасида Ёдгорхон отинча деган аёл яшайди. Бу аёл анча ғазалхон бўлиб, Самар Бону девонига ишқибоз экан. Ўзи Самар Бону девонини тез-тез ўқиб турар экан. Менда: «Эҳтимол ҳозир ҳам бу аёл ана шу девонни сақлаган бўлса» деган фикр пайдо бўлди. 6 апрель кuni эрталаб ўша аёл истиқомат қилаётган ҳовлини топдик. Ўзим нотаниш аёл билан гаплашишга журъат қилмай, рафиқамни киритдим. Ҳамроҳим билан иккаламиз дарвоза олдида кутдик. Анча дақиқадан сўнг рафиқам Ёдгорхон отинча эшигидан хурсанд чиқди.*

*У, аёл қўлидан 29 варақ Самар Бону девонини олганини айтди. Мен марҳум шоирамизнинг ғазаллари битилган варақларни қўлидан олиб беҳад қувондим. Ёдгорхон отинча Ўзганда истиқомат қилувчи Файзинисо отинча ҳақида ҳам баён қилибди. Файзинисо отинча Ёдгорхоннинг тоғасига турмушга чиққан экан. Ёдгорхон Файзинисо отинчада ҳам Самар Бонунинг девони бўлиши эҳтимол дебди. Биз бу маълумотни олгач, Ўзган сафарига жўнадик. Жўнаш олдидан бир ўзганлик йигит билан учрашдик. Мен бу йигитга масалани очиқ-ойдин тушунтирдим. Йигит менинг маслаҳатимга қўшилиб, Ўзганда бирга Файзинисо отинчани суриштириб кўражасини айтди. Хуллас, 7 апрелда Ўзганда бўлдик. У ерда бу ҳақда материал йиға олмагач, Қуйи Ўзганга тушдик. Мен билан бирга юрган ўзганлик ҳамроҳимнинг уйига бордим. Йигит волидасидан Файзинисо отинчани сўради. Аёл дарҳол, Файзинисо Маҳмуджон Мақсумнинг рафиқаси бўлади, деб жавоб берди. Уйлари Қиличбурҳон мазори олдида, деди. Биз уч киши бўлиб Қиличбурҳонга бордик.*

Эшикдан ўттиз ёшлар чамасида бир йигит чиқиб келди. Мўлжалимиз тўғри экан. Йигит дарҳол аёлни чақириб чиқди. Файзинисо 75 ёшлар чамасида эди. Саломаликдан сўнг Самар Бону девони ҳақида гап очдик. У бизнинг саволимизга рад жавобини бериб, илтимосни шартта узиб қўйди. Охири мен: «Бизни Ушдаги Ёдгорхон отинча юборди. Ёдгорхон опам девон Файзинисо отинчада, деди»,— дедим. Аёл Ёдгорхоннинг отини эшитгач, «Девон Қозихон аянинг қўлида», деб жавоб берди. Бахтга қарши, Қозихон ая 3—4 кунга Ушга жўнаб кетган экан. Биз Файзинисо отинчага яна келажакимизни айтиб, сафардан қайтдик. Изланиш давом этади. Натижа кейинроқ маълум бўлади...

Эҳтиром билан: Абдуллажон Файзиматов.

11/IV 1962 йил.

Бу мактуб мени нечоғлик қувонтирганини айтмасам ҳам тасаввур қиласиз. Дарҳол Ушга қараб парвоз этдим.

Ҳадеб бориб-келиб турганим учун Уш зиёлилари орасида «ўз» бўлиб кетганман. Уш тупроғига қадамим теккан замон эсжи дўстлар, нотаниш хайрихоҳлар даврасига тушиб қоламан.

Кечқурун Абдуллажон Файзиматовга меҳмон бўлдик. У киши дастурхон устига Самар Бону девонининг йўқолган саҳифаларини келтириб қўйди. Ростини айтсам, мен учун бундан кўра дабдабали зиёфатни ўйлаб топиш қийин эди. Дарҳол саҳифаларни кўздан кечириб кўнглим тинчиди, энди Бону девони мукаммал ҳолда менинг қўлимда!

Шундан сўнг мен Абдуллажоннинг Ўзган сафари билан қизиқсиндим. Унинг афсусланиб қилган ҳикоясидан маълум бўлишича, Ўзганда яшаган аёл Бонунинг шогирди эмас, балки шогирдининг қизи бўлиб, бахтга қарши, у ҳам оламдан ўтган экан.

Биз ўтириб йил агдара бошладик. Самар Бону бундан 125 йил муқаддам, 1837 йилда туғилган, яъни Фарғона маликаси Нодира ўлдирилганда, Самар Бону беш яшар қизча эди. Бону йиғирма беш ёшларида мактаб очиб, етти-саккиз ёшли қизларни ўқитган бўлса, ҳозир шогирдлари ҳам бир асрдан зиёд умр кўрган бўларди. Модомки шундай экан, Бону шогирдларигина эмас, уларнинг

фарзандлари ҳам 75—80 ёшларга кириб оламдан ўтган бўлсалар, не ажаб?

Демак, мен Бону шоғирдларини топиш фикрига тушганда, орадаги асрий тарихни ҳисобга олмаган эканман.

Шунингдек, ўзганлик Файзинисо отинда ҳам Бону девони йўқлиги аниқланган.

Абдуллажон «Бонунинг шоғирди ўлган, Файзинисо отинда Бону девони йўқ» каби кишини хафа қиладиган хабарлардан ташқари, тақиқотчига умид бағишлайдиган бошқа бир хушxabар ҳам топиб қўйибди.

Воқеа мана бундай:

Салоҳиддин Соқибнинг катта қизи Ҳожинисохон Ушга — қариндошларининг уйига меҳмон бўлиб келибди. У киши Аравон районига қарашли Тепақўрғон қишлоғида яшайди. Еши 77 да. Аммаси Самар Бонуни ўз кўзлари билан кўрган. Бону вафот этганда олти ярим-етти ёшларда бўлган. Ана шу киши кеча бир суҳбатда: «Менинг уйимда аммамнинг бир қанча ғазаллари бор. Уларни китоблар орасидан топиб қўйдим»,— дебди. Ҳожинисо эртага Тепақўрғонга жўнар экан. Абдуллажон иккимиз ҳам кампир билан биргалашиб Тепақўрғонга боришга аҳд қилдик.

Абдуллажон Файзиматов уйда мендан бошқа қайнатаси Разиддин Салоҳиддинов ва менинг дўстим Шарфиддин ака ҳам бор эди. Эсингизда бўлса керак «Ўзбек шоиралари»да: «...Салоҳиддин Соқиб ўз даврининг яхшигина шоирларидан. Бу кишининг девонини ўғли Разиддин Салоҳиддинов Тожикистон Давлат музейига топширган» деган эдик. Разиддин ака шу йил баҳорда Душанбага бориб, отасининг девонини қайтариб олиб келибди. Суҳбатнинг давоми Соқиб девони мутолаасига бағишланди. Салоҳиддин Соқиб мукаммал девон тузиб, ўз қўли билан жуда гўзал қилиб кўчирган. Соқибни шеърятда ҳам, фалсафада ҳам улуғ бобоси Ҳувайдонинг муносиб давомчиси деса арзийди. У тасаввуф тариқатига оид фалсафий ғазаллар билан бир қаторда жуда кўп ўйноқи— ишқий ғазаллар яратган.

Биз кечаси соат биргача ғазалхонлик қилиб, эртасига саҳарлаб, Ҳожинисо опам ва Абдуллажон учаламиз Тепақўрғон қишлоғига қараб равона бўлдик. Ҳожинисо паранжида эди. Уйларига киришимиз билан паранжини ташлаб, ажиб бир меҳрибонлик ва меҳмоннавозлик кўр-

сатди. Дастурхон ёзиб, турли нозу неъматлар билан бирга, Бону ғазалларини ҳам дастурхонга қўйди.

Мен дарҳол ғазалларни кўздан кечира бошладим. Улар янги асарлар эмас, буларнинг бари мендаги девонда бор. Ажабо, нега улар парча-буриш қоғозларга кўчирилган? Нима учун «котиблар» бу қадар чаласавод?

Муҳтарама Ҳожинисо бу сўроқларга оқилона жавоблар бериб, бизни хотиржам қилди:

— Бону ёш чоғларидаёқ мактаб очиб, қизларни ўқитганлар. Шогирдларнинг қўллари бир оз хатга келиши билан «хат машқи» дарсида (уни «хусни хат дарси» ҳам дейишарди) уларга ўз шеърларини айтиб ёздирганлар. Агар саҳв қилмасам, мен топган пароканда ғазаллар Бону шогирдлари кўчирган нусхалар бўлади.

Ҳожинисонинг тахминлари ҳақиқатга жуда яқин. Мен жавобдан қаноат ҳосил қилиб, кетишга рухсат сўрадим.

Ҳожинисо:

— Ҳувайдо авлодларидан табаррук,— деб бизга оқ рўмол ҳадя этиб, оқ йўл тилаб қолди.

Муҳтарам ўқувчим!

Мен ниятимга етдим. Тўғриси айтганда, қидирганимдан кўпроқ нарса топдим. Бону шарофати билан Қамбарнисо каби забардаст шоиранинг мушоирасини топиб, «Ўзбек шоиралари»да нашр қилдим. Яна шу Бону шарофати билан (унинг девонидан) шоира Маҳдибинининг «Қаккужон» деган лирик достонини топиб, «Ўзбекистон маданияти» газетасида чиқардимки, бундан ҳам воқифсиз.

Бу иш бир ўзимнинг қўлимдан келмасди. Менга ажойиб ватандошларим самимий ёрдам қилишди, уларнинг номлари юқорида зикр қилингани учун қайта такрорлаб ўлтирмай, бу олижаноб одамларга сидқи дилдан ташаккур айтишни ўз бурчим деб биламан.

### БОНУНИНГ ШАЖАРАСИ

Агар ўзбек адабиёти гўзал бир боғ бўлса, Ҳувайдо бу боғда битган азим бир дарахт, Самар Бону шу дарахтнинг бир шохидир.

Ҳувайдонинг отаси Ғойибназар сўфи Қашқарда доғ қиқарган Офоқ Хўжа муридларидан бўлиб, XVII асрнинг иккинчи ярмида Фарғонанинг Чимён қишлоғида масжид ва хонақоҳлар қуриб, эшонлик қилган бир зот. Ҳу-

вайдолар оиласи ҳақида тўла тасаввур ҳосил қилиш учун узоқ замонлар оғиздан оғизга кўчиб, охир Ҳувайдо девонига кирган бир афсонани нақл қилмоқчиман. Бу афсона Ҳувайдо девонининг 1909 йил нашрига шоир Салоҳиддин Соқиб ёзган дебочада келтирилган.

Салоҳиддин Соқиб Ҳувайдо авлодларидан бўлгани учун улуғ бобоси ҳақидаги афсонани ифтихор билан ҳикоя қилади:

«Жаноби ҳазрат Офоқ Хўжам(нинг) нафаси мутабарруклари эшон Ҳувайдо оталари Ғойибназар сўфига жорий бўлиб: «Сендин фарзанд таволлуд қилса, отини Хўжамназар қўй, менинг назарим андадур»,— деб илтифоти беғоят қилганлар».

Шундай қилиб, Чимён эшони Ғойибназар сўфи тўнғич ўғлига Хўжамназар деб ном қўяди. XVIII асрда Фарғона музофотида Ҳувайдо тахаллуси билан шуҳрат қозонган шоир ана шу Ғойибназар сўфининг ўғли Хўжамназар эди. Кўриниб турибдики, Хўжамназар (Ҳувайдо) катта руҳоний оилада туғилган ва шубҳасиз шу муҳитнинг тақозоси билан мукамал диний тарбия олган. Отаси Ғойибназар сўфи ўлгандан сўнг Ҳувайдо унинг ўрнида Чимёнда эшонлик қилади. Мактаб ва хонақоҳда дарс беради. Ҳувайдонинг тарихи вафотини ёзган чимёнлик мавлоно Носе шоирнинг таълим-тарбия соҳасидаги фаолияти хусусида сўз очиб бундай деди:

Тутиб суҳбат давом умрин борича,  
Баёрон таълим эрди фикру ёди.  
Дабистонида саъй айлаб туну кун,  
Ёзилган неча толибнинг саводи.  
Мунигдек олий ҳиммат эр анодин,  
Дубора туғмағай дар ҳеч билоди.

«Ўзбек шоирлари»да Самар Бону билан Салоҳиддин Соқибни Ҳувайдонинг неваралари деб хато қилибмиз: ҳозир Бонуниг шажарасидан сўз очиб, шу хатони тузатиш ниятидамиз. Ҳувайдонинг ягона ўғли Холмуҳаммад халифа бўлиб, отасининг вафотидан сўнг Ўшда эшонлик қилган. Биз Ҳувайдонинг ўғли деб фараз этган Сирожиддин эшон эса Холмуҳаммад эшоннинг ўғли бўлиб, Ҳувайдонинг невараси экан. Шоир Салоҳиддин Соқиб Ҳувайдо девонининг хотимасида ўз шажаралари ҳақида қуйидагича маълумот берганки, биз илгари бу сатрларга эътибор қилмаган эканмиз:

Бул китоби ҳудо Ҳувайдонин,  
Ўғлидур Уш шаҳри эшонин,  
Турбати халққа зиёрағоҳ,  
Сармазор они дер Ибодуллоҳ,  
Холмуҳаммад халифа қутби замон,  
Онинг ўғли Сирожиддин эшон,  
Ба лақаби шеърида Сирожийдур,  
Шуароларнинг шеъри тожидур,  
Соқиб хастадил Салоҳиддин,  
Валади Мавлавий Сирожиддин.

Шу тариқа Сирожиддин эшон, яъни шоир Мавлавий Сирожийнинг фарзадлари: Самар Бону, Салоҳиддин Соқиб ва Амонхон Мақсум биз илгари ўйлагандай Ҳувайдонинг неваралари эмас, чеваралари бўлиб чиқади.

Ҳувайдо 1194 ҳижрийда, яъни 1780 йилда вафот қилган (тарихи вафоти: «Ғойиб ўлди қутби ҳоди»).

Ҳувайдонинг ўғли Холмуҳаммад 1271 ҳижрийда, яъни 1854 йилда вафот этади (тарихи вафоти: «Чароғи аҳли дил»).

Ҳувайдонинг невараси шоир Мавлавий Сирожий 1294 ҳижрийда, яъни 1877 йилда вафот қилади (тарихи вафоти: «Раҳмат-раҳмат»).

Ҳувайдонинг чевараси Самар Бону 1837 йилда туғилиб, 1891 йилда вафот этган.

Шоир Салоҳиддин Соқиб 1838 йилда туғилиб, 1910 йилда вафот қилган.

Абу Али Сиёнинг издоши машҳур табиб Амонхон Мақсуд 1961 йилда саксон олти ёшида вафот қилади.

Ҳозир Ҳувайдо шажарасига мансуб кишилар Фарғона водийсида жуда кўп. Булар Самар Бону, Салоҳиддин ва Амонхон Мақсумнинг болалари, невара-чеваралари, қавму қарииндошларидирки, айримлари билан бўлган мулоқатларимиз юқорида зикр қилинди.

Бу шажарага мансуб кишилардан тўртта соҳиб девон шоир бор. Булар: Ҳувайдо, Сирожий, Соқиб ва бизнинг мавзу баҳсимиз Самар Бонудир.

## 1. ҲУВАЙДО

Ҳувайдо файласуф шоир. Шеърият унга ўз фалсафий қарашларини тарғиб қилиш воситаси эди.

Ҳувайдо тасаввуф тариқатининг нақшбандилик оқими-

га мансуб сиймолардан бўлиб, отасининг вафотидан сўнг шу оқимнинг раҳбари бўлиб қолди.

Тасаввуф бир навъи диний-идеалистик фалсафа бўлиб, баъзан расмий дин ва масжидга қарши оппозицион мавқе тутади. Тасаввуфнинг Урта Осиёда тарқалган икки машҳур тармоғи бор: булардан бири яссавийлик, иккинчиси, нақшбандилик деб юритилади. Яссавийлик — инсонларни ўлмасдан бурун ўлишга, дунёвий ишлардан қўл тортиб, тарки дунё қилишга чақиради. Яссавийлик оқими вужуди мутлаққа эришиш учун риёзат чекишга, инсоний ҳою ҳаваслардан кечишга ундайди.

Нақшбандилик эса, Баҳовиддин нақшбандининг таълимоти бўлиб, яссавийликдан баъзи ижобий жиҳатлари билан фарқ қилади.

наҳрда нақшбандилик тариқатининг пири машҳур форсфий қарашлари» номли асарида яссавийлик билан нақшбандилик орасидаги тафовутни қуйидагича белгилайди:

«Нақшбандилик — шубҳасиз идеалистик таълимодир; бироқ у субъективизмдан ва Яссавий мактабидан муҳим томонлари билан фарқ қилади. Нақшбандиликнинг биринчи вакиллари дунёвий, ҳаётий масалаларга зўр эътибор берганлар. Масалан: Баҳовиддин бундай деган эди:

«Дил ба ёру  
Даст бакор»

(Кўнгил ёрга (худого), қўл ишга).

Нақшбандилик риёзат чекишга, дунёвий ишлардан воз кечишга қарши чиқади, реал ҳаёт лаззатидан фойдаланишга даъват этиб, меҳнат ва маърифатга чақиради».

Шуни эслатиб ўтмоқчиманки, XV асрда Мовароуннаҳрда нақшбандилик тариқатининг пири машҳур форс-тожик шоири Мавлоно Жомий бўлиб, улуғ шоиримиз Алишер Навоий унинг муриди эди. Навоий нақшбандилик тариқатининг бир қанча назарий масалаларига аниқлик киритиб, уни ривожлантирган файласуфдир.

Яссавийлик, нақшбандилик, шунингдек сўфийликнинг бошқа тариқатларидан мурод: худони таниш, унга яқинлашиб, ниҳоят *фано* бўлиб, яъни ўлиб, у билан қўшилишдир. Аҳли тасаввуфнинг эътиқодича оллоҳ осмонда эмас, бутун борлиқда, табиатдадир. Худонинг оламни яратишдан муроди ҳам ўз қудрат, иқтидорини, ҳусн-жамолини намоиш қилиш, коинотдаги ҳамма нарсада



ўз жилвасини кўрсатиб, барчани ўзига ошиқи шайдо этиш эди. Бу фалсафий оқимни Шарқ файласуфлари *вахдати вужуд* деб атайдилар. Фарб фалсафа терминологиясида бу фалсафий оқим *пантеизм* дейилади. Пантеизм — борлиқни илоҳийлаштиришдан иборат. *Ваҳдати вужудчилар*, яъни *пантеизм* тарафдорларининг эътиқодича, олам гўё бир ойна (миръот), инсон қайси тарафга боқмасин, унда худонинг жамолини кўради. Инсоннинг ўзи ҳам худонинг бир зарраси, инсон ўз ижодкори худого ошиқ. Унга етиш учун риёзат чекиб, маънавий камолотга эришиш даркор. Худонинг макони йўқ, у ломакон. Агар ошиқ маънавий камолотга эришса, қалби покиза бўлса, худонинг мовоси (ўрни) покиза дил бўлиши мумкин. Ҳувайдонинг қуйидаги байтида мана шу фалсафий тушунчанинг ёрқин ифодасини кўрамиз:

Жон уйин покиза қилғил, қолмасун гарду губор —  
 Мен эшиттим гайбдин: *покиза дил мовойи дўст*.<sup>1</sup>

Бироқ сўфийларнинг фикрича ёрга, дўстга тириклай етишиб бўлмайди. Ёрга етишиш, унинг васлига восил бўлиш учун ўлиш — *фано* бўлиш шарт. Ҳувайдонинг қуйидаги байтларида шу мазмуннинг ифодасини кўрасиз:

Ишқу муҳаббат ичра ўлдинг, муборак ўлсун,  
 Шарти муҳаббат улдур — *бўлмоқ фано, Ҳувайдо*.  
 Улум берсун ўлумга, не учун келмас Ҳувайдога,  
*Ки, ўлган сўнг ўшал ёрим қилибдур вағдаи дийдор*.  
 Мени йиглаганимга, ёр, деб айб этма, эй зоҳид,  
*Аромизда санам бирла ўлум отлиқ ҳижобим бор*.

Ҳувайдо ўз фалсафий қарашларини чуқур сингдирган шеърларидан бири унинг «ичинда» радифли ғазалидир. Шу шеърни ўқиб кўрайлик:

Дардинг эрур, ингорим, жисмимда, жон ичинда,  
 Пайкони тийри ишқинг бағримда, қон ичинда.

Сўрсам кўйингни элди, ҳеч офарида билмас,  
 Эй ёри ломаконим, йўқсан макон ичинда.

Икки жаҳонни кездим, ҳеч топмадим нишонинг,  
 Номи ҳушингни топтим, шаҳру баён ичинда.

<sup>1</sup> Сўфийлар «дўст», «ёр», «жонон», «санам», «дилбар», «ингор», «маъшуқ» сўзларини асосан худо маъносида ишлатадилар. (Т. Ж.)

Арзу самони кездим, эмди тан ичра келдим,  
Топтим нигоҳи қурбини миръоти жон ичинда.

Майхона ичра май бор, ичкан билур мизожин,  
Аччиқ-чучуклигидур коми забон ичинда.

Фарёду нола қилса айб айламанг, Ҳувайдо  
Таскини дил бўлур деб, қолдим баён ичинда.

Бу ғазалдан мурод: одам худонинг бир зарраси, худони еру кўкдан қидириш беҳуда, худонинг қаердалигини ҳеч ким билмайди, у бизнинг жисмимизда, жонимизда, биз пок бўлсак нигорни (худони) ўз қалбимиз ойнасида кўрамиз, демакдир. Бу ғазалда сингдирилган фикр ваҳдати вужуд (ҳақ — худо) ва унинг *тажаллиси*, *зуҳур этиши* (*эмонация*) назариясидир. Коинотдаги ҳамма мавжудотга оллоҳнинг зуҳуридан иборат деб қараш ислом дини асосларига хилоф эди. Машҳур немис файласуфи *Фейербахнинг* таъбири билан айтганда: «ваҳдати вужуд, яъни *пантеизм — идеализмдаги материализмдан иборатдир*». Шунинг учун мусулмон руҳонийлари ваҳдати вужудчи файласуфларни қаттиқ таъқиб қилиб келадилар.

Доцент Н. М. Маллаев айтгандай: «Уларга (ваҳдати вужудчи файласуфларга — Т. Ж.) қарши шафқатсиз кураш олиб борадилар. Жумладан, улар Шайх Баёзит Бастомий (IX аср), Мансур Халлож (X аср) ва бошқаларни ваҳшийларча ўлдирадилар».

Аммо... (мана шу «аммо» Ҳувайдони бизга яқинлаштиради) Ҳувайдо узоқ вақт осмонга тикилса ҳам, самовий гўзалликлар асири бўлиб юрса ҳам, унга абадий термилиб қололмайди, зеро, инсоннинг шоду хуррамлиги замирида ҳамиша ердаги нозу неъматлар, шу реал борлиқнинг латофатини кўриш мумкин. Ҳувайдо ҳам бора-бора фарз этилган мавҳум гўзалликдан қаноатланмай, худонинг жамолини кўриш иштиёқидаги «оҳ-воҳлар» дан кўнгли тўлмай, қувончни ердан қидира бошлайди.

Ҳувайдонинг йигитлик ва май тавсифидаги мана бу ғазалини моҳият эътибори билан ҳаётга мадҳия деса арзийди:

Йигитликда май ичмаклик на хуш бахту саодатдур,  
Қариллик мавсуми меҳнат, йигитлик вақти роҳатдур.

Гулистон мавсуми бўлди, май ичмакни ғанимат бил.  
Тириклик кўп эмас, бир кўз юмиб очқунча соатдур.

Кел, эй соқий, кетур жоми, паёнай бодани соф эт,  
Юругил косаи даврон, бу дамлар ҳам ғаниматдур.

Дафу танбуру бенай бода ичмак онча хўб эрмас,  
Қил, эй мутриб, ғазалхонлик букун айёми ишратдур.

Гулистонлар аро себаргаларга ястаниб ётиб,  
Тамошойи чаман айлаб, май ичмоқ хуш назокатдур.

Тирикликни ғанимат бил, май ич, умрингни хуш ўткар,  
Тегиб ўт дунё молини, ҳамма ранжу фалокатдур.

Хувайдо, тавба қилма бода ичмакдин, қаридим деб,  
Май ичмаклик қариганда ғизон руҳу роҳатдур.

Хувайдо дунёқарашининг тадрижий такомилли — эволюцияси унинг «ёр», «дўст», «шўх», «нигор», «маъшук» каби сўзларга янгича маъно беришида жуда ёрқин кўринади. У кўпинча бу сўзларни худонинг рамзи маъносига қўлланар, ёрга етиш учун фано бўлиш — ўлиш шарт деб билар, ўзи билан санам орасида «*ўлум отлиқ ҳижоб*» (парда) кўрарди.

Энди-чи! Энди ёр — худо эмас, ер қизи, одам фарзанди. Шоирнинг ҳамқишлоқ қизларидан бири, чимёнлик шўх, танноз бир гўзал. У шу қадар гўзалки, шоир буни кўриб ҳайратда қолади, жаннатдаги ҳур шу деб ўйлайди:

Зулайхойи замон, ишқ офати лаврондурур ул шўх.  
Малоҳат мисри ичра Юсуфи Канъондурур ул шўх.

Ўтубдур бу жаҳондин Ширину Узро ҳам Лайли,  
Алардек нозанин симин бадан Чимёндурур ул шўх,

Келодур қўл солиб, бир-бир босиб, мастона-мастона,  
Ажойиб нозанин Ширинлиқо жоюндурур ул шўх.

Кийибдур хилъати гулгун, солиб тортқу ярошукқа,  
Бошида дона-дона гавҳари галтондурур ул шўх.

Хувайдо ушбу ҳолатни кўруб ҳайрон бўлуб қолди,  
Деди кўнглумки, жаннат ҳури ё ғулмондурур ул шўх.

Эндиликда ломакон ёрнинг макони ҳам аниқ. Хувайдо уни тез-тез кўча-кўйда кўриб, унинг илтифотидан баҳраманд бўлиб юради. Илгари фараз қилганидек ёрга етишмоқ учун «фано» бўлиш шарт эмас. Қўйдаги мустазодда Хувайдо билан Чимён гўзалининг мулоқати, ешиқ билан маъшукнинг чинакам инсоний муносабати ифодаланган:

Кўрдум тунокун кўчада бир сарви хиромон,  
Қош қоқти яно кетти,  
Тишлаб лабини, қош учуруб имлади пинҳон,  
Айлоди имо кетти.  
Секин-секин бордим ани қўйиға мен зор,  
Ул чиқти қошимға,  
Қаддини эгиб қилди менго ул моҳи тобон,  
Таъзим бажо этти.  
Эшикни очиб боқти менго, қилди ишорат.  
Ҳам кўксида қўли.  
Деди:— кирингиз ичкарига, ёри қадрдон,  
Кўнглумни хушо этти.  
Остимға бисот солди-ю ҳам қўйди маҳозир,  
Ул дилбари раъно,  
Ҳам соғари май келтурубон айлади меҳмон,  
Услуб бажо этти.

Ердаги реал ҳаёт гўзалликлари, буларнинг нашъаси, ҳаловати шоирнинг юрагида чуқур из қолдиради. Уз маъшукасининг мурувватида буюк «одамийлик» кўради. Ҳанузгача ер қизига назар солмай, нодонлик билан шамол тезлигида ўтган умрига афсусланади:

Олам ичида ушбу сифат одамийлиқни  
Кўрган йўқ эдим мен,  
Нодон била найлай, не қилай, эй жумлан ёрон,  
Сад ҳайфки, умр ўтти.  
Ҳар дам урадур оҳу надомаг била юз ғам  
Девона Хувайдо,  
Уз ҳолини айтиб яна йиғлайди фаровон,  
Умрим чу сабо ўтти.

Хувайдо жуда кенг ва мураккаб мавзу. Унинг ҳаёт йўли, ижодий фаолияти ва дунёқараши ҳақида катта бир монография ёзмасдан ўқувчини қаноатлантириш қийин. Мен бунинг кафилини олмайман. Менинг Хувай-

дә мавзуида сўз очишимдан мурод — Самар Бону қандай адабий муҳитда тарбиялангани ва қайси фалсафий оқим таъсирида вояга етганини аниқлаш, холос.

Хувайдо ҳақидаги суҳбатни шу ерда тўхтатиб, шоирнинг жуда содда, самимий ва оҳангдор бир ғазалини сиз билан бақамти ўқиб ўтмоқчиман. Бу ғазал менга жуда манзур, шояд сизга ҳам эстетик завқ берса:

Ҳар ким на билур дилдаги дарду аламимни,  
Бу ғамзада бошимдаги савдойи ғамимни.

Бир тангри билур, мен биламан, ҳеч киши билмас,  
Тун кечалари ўтгуча тортган ситамимни.

Аҳволи кўнгилини бориб албатта дегайсан,  
Эй боди сабо, олдида зебо санамимни.

Ҳажрида куйиб, қолмади бир зарра мажолим,  
Кейин кетадур илгари қўйсам қадамимни.

Бир хаста қулинг кўчада тунроққа аролаш  
Этибдур, дегил олдида қоши қаламимни,

Ҳолими билиб, раҳм қилиб, олдима келса —  
Беғам бўлубон ўткор эдим ҳарна дамимни.

Ишрат майидин вақти ичарда бу Хувайдо,  
Синдурди фалак ерга уруб жоми Жамимни.

## 2. ШОИР СИРОЖИЙ

Шоир Сирожий — Хувайдонинг невараси ва бош мавзуимиз шоира Самар Бонунинг отасидир. Сирожий Қўқондаги мадрасаларда таҳсил кўрган; мадрасани хатм қилгач, Асака ва Уш мадрасаларида мударрислик қилган олим. 1909 йилда нашр этилган Хувайдо девониде Сирожийнинг Навоий ғазалига боғлаган бир мухаммаси, Хувайдо вафотига бағишланган бадий баркамол шеъри бор. Булардан ташқари, отаси Холмуҳаммад халфанинг вафоти ва ўғли Салоҳиддин Соқибнинг таваллудига бағишланган форс-тожик тилидаги шеърий тарихлари чоп этилган.

Хувайдо авлодларининг айтишларига қараганда, шоир Сирожийдан мукаммал девон қолган. Октябрь инқи-

лобидан олдинроқ бу девон Тошкентга — Шомурод котибга юборилган. Инқилоб ва ундан сўнг авж олган граждандар уруши давридаги маънақатлар натижасида девон китоб ҳолида нашр этилмай қолган. Шоирнинг қариндошлари, қўлзма девон Шомурод котиб авлодлари қўлида бўлса керак, деб ўйлайдилар.

Сирожий фалсафада Хувайдо изидан борган бўлса ҳам, шеърятда бобосидан ўзиб кетган забардаст шоирдир. Биз шоирнинг қариндошлари қўлида сақланиб қолган бир қанча ғазалларини тўпладик, уларнинг учтасини муҳтарам ўқувчилар муҳокамасига ҳавола қиламиз.

Ҳужуми ишқдин жисмимда бўлди тоблар пайдо,  
Талотум қилса дарё бўлғуси гирдоблар пайдо.

Дема, гул узра шабнам, гулруҳим гулзор аро киргач,  
Хижолатдин руҳи гул узра бўлди облар пайдо.

Маҳол орзудур коми лаъли майпарасгидин,  
Агарчи гунча янглиғ айласанг хуноблар пайдо.

Фигони субҳгоҳингга тафохур қилма, эй булбул,  
Чаман ичра бўлур сендек неча беҳоблар пайдо.

Сафо толиб эсанг бир пок тийнат доманин тутгил,  
Садаф дарё тубидин қилди дурри ноблар пайдо.

Таманнойи висоли шўх нозук табъ агар қилсанг,  
Қил аввал зумран аҳбоб аро одоблар пайдо.

Сирожий бедилу ҳайронлиғини беسابаб сонманг,  
Ки бир дилбар ғамидин бор анго асбоблар пайдо.

\* \* \*

\*

Эй гул, менга лутф ошкор эт,  
Расми караму вафо шиор эт.

Девоналарингни, эй париваш,  
Вобастан зулфи тобдор эт.

Гул лофи жамол урмасун кўп,  
Юз кўрсатиб они шармисор эт.

Эй дил, ҳама дам бу гулшан ичра,  
Таслимми ризога ўзни ёр эт.

Ойна мисол чашми дилни  
Бир моҳлиқоға интизор эт.

Хоки шараф ила тўғиёдур,  
Жисмингни бу кўйга ғубор эт.

Гар айлар эсанг ҳақиқат изҳор,  
Узунгни асри зулфи дор эт.

Бўлса талабинг фано мақоми,  
Майхона эшикида қарор эт.

Гар истар эсанг фароғи хотир,  
Авбош сулуқни ихтиёр эт.

Зоҳид, бас эрур риё ва қомат,  
Эмди бу тариқ аро гузор эт.

Ким деди сенга бу гулшан ичра,  
Эй булбул, ўзингни беқарор эт.

Чашминг букун, эй баҳор абри,  
Гулшан гули узра ашкбор эт.

Нақди дури ашқинг, эй Сирожий,  
Оннинг қадами уза нисор эт.

\* \*  
\*

Қўй дийдама, дилбаро, қадамни,  
Кел, айла мақом тахти жамни.

Очилди кўнгилда ғунчаи дил,  
Сайр айла бу гулсгоши гамни,

Оз лутф қилиб мени ҳазинга,  
Қўп айлама жавр ила ситамни.

Тарк айлама, булбуло, фиғонинг,  
Тут даҳрда мунтазам бу дамни.

Сендин нечалар шиҳо чекибдур,  
Иқлими фано сори аламини.

Соқий карам айла лолагун жом-  
Ким, дафъи қилур гаму аламни.

Мутриб, бу мақоми пардадин чиқ,  
Сайр айла «Ироқ» ила «Ажамни»,

Дил уйини равшан эт, Сирожий,  
Хуш тут бу мақоми муҳтарамни.

### 3. САЛОҲИДДИН СОҚИБ

Сирожийнинг икки фарзанди соҳиб девон шоирдир. Булар: Самар Бону ва унинг укаси Салоҳиддин Соқиб. Ҳувайдо девонини жамлаб, ўз сарфу харажати билан нашр этган кимса ҳам Салоҳиддин Соқиб бўлади. Ҳувайдо девонида Соқибнинг шеър билан безалган каттагина дебочаси ва бир неча шеърлари бор. Соқибнинг мукамал девони ўғли Разиддин Мақсумнинг қўлида эканини юқорида зикр этган эдик.

Соқиб 1892 йилда Қашқарга бориб, бир йил Хўтанда, тўққиз йил Еркентда истиқомат қилган, сўнгра ватанига қайтиб, 1910 йил 13 ноябрь, пайшанба куни Ушда вафот этган. Соқибни етмиш йилки ёшда давра қилганлар. Қабри ўз хилхоналари Сармозорда.

Салоҳиддин Соқибнинг Хўган ва Еркентда туриб, рафиқаси Тожиносига ёзган шеърини мактубларини опаси Самар Бону эҳтиёт юзасидан ўз девонига киритган. Бу ошиқона мактублар бадий жиҳатдан баланд савияда бўлганидек, эру хотин орасидаги самимий муносабатнинг ёрқин намунасидир. Биз мана шу ошиқона мактублардан бирини муҳтарам ўқувчилар муҳокамасига ҳавола қиламиз.

Эй, сени дардингни айтиб уйқудин уйғонаман,  
Бодан жоми висолинг нўш этиб мастонаман,  
Чугз янглиғ фурқатингда соҳибни вайронаман,  
Уртаниб ишқинг ўтида қил каби чўлғонаман,  
Дард бирла ҳамнишину ғам билан ҳамхонаман.

Солди савдо зулфи анбар торинг, эй олижаноб,  
Изласам йўқтур Хўтан мулкида андоқ мушкиноб,  
Солди бу бахти қарони бўйнига мушкин ганоб,  
Ҳажр шомида қаро зулфингдек айлаб печутоб,  
Боши янчилгон илоидек ғам била тўлғонаман,



Токи васлинг давлатидан ул кун ўлдим бенасиб,  
Гул юзингсиз лол ўлубдурман мисоли андалиб,  
Фурқатини даштида қолдим заъфарондек саргайиб,  
Дилбарим, танҳонишин бўлдум сенингдин айрилиб,  
Ҳажр водисида «ҳу» деб бўмдик девонаман.

Айлагил лабрез васлинг бодасидин бир аёғ,  
Лола руҳ, рухсори олинг солди кўксум ичра доғ,  
Ут туюшқон жонима ашким сувидан бўлди ёғ,  
Офтобим, кел дами васл айла то ўчган чироғ,  
Оразинг шавқида ҳар тун турфа гул-гул ёнаман.

Ғунча лаб лаълинг ҳадисини ўқубон субҳу шом,  
Сафҳан кўнглумгаки, васфи хатинг айлаб мақом,  
Ғуфтғў айлаб, ўз-ўзум бирла қилғайман калом,  
Қўрган эл, девона дер, оре, барига мап гулом,  
Тун-куни дардинг ўқубон эл аро афсонаман.

То кўнгилай майли дури шаҳворинг ичга соладур,  
Ғўшворинг донасидек кўздан оққан жоладур,  
Ё лабинг гавҳар тўкарда дилдаги парколадур,  
Ё тамонной тишингда боғлаган бугхонадур,  
Шукри-лиллоҳ давлатингда соҳиби дурдонаман.

Гул юзум Тожинисохонимни мен ёд айладим,  
Андалиби зор янглиғ оҳу фарёд айладим,  
Боғи кўнглумни хаёли бирла обод айладим,  
Жўйбори фикрима қаддини шамшод айладим,  
Мунча давлатқа Салоҳийи оғизи шукронаман.

## БОНУ ТАРОНАЛАРИ

Шоир Сирожий хонадони ўз давридаги кучли бир адабий-фалсафий оқимнинг маркази бўлиб, бу оилани ўзига хос бир дорилфунун деб аташ мумкин. Самар Бону мана шу олимлар оиласида дунёга келди.

Бонунинг онаси оқила, фозила аёл бўлган, ҳамма фарзандлари дастлаб оналаридан таълим олиб савод чиқарганлар. Фалсафа ва шеърят назариясини Самар Бону отаси Сирожийдан ўрганди ва бу борада қиз отанинг заковатли шогирди бўлиб қолди.

Бироқ маърифатли, бадавлат хонадон ҳам, ҳусну жамол, фазлу камол ҳам бояқиш Бонуга бахт келтир-

мади, чунки ўтмишда қиз бўлиб туғилишининг ўзи бахтсизлик эди.

Дарҳақиқат, на феодализм жамияти, на капитализм жамияти хотин-қизларнинг зако ва истеъдодини идрок этмади. Бу улуг кучни жамият тараққиёти йўлида ишга солиб кўрмади. Мана шу жиҳатларни кўзда тутиб машҳур рус революцион-демократ танқидчиси Н. Г. Чернишевский бундай деган эди: «Табиат хотин-қизларни кучли, истеъдодли қилиб яратиб, ақл-идрок билан тақдирлаган бўлса-да, бироқ, бу ақл-идрок жамият учун фойдасиз бўлиб қолмоқда. Жамият бу ақлни рад этмоқда, поймол қилмоқда, бўғмоқда. Агар бу ақл-идрок инкор қилинмаган, бўғилмаган ва аксинча ишга солинган бўлса эди, кишилик тарихи ўн марта тез тараққий қилган бўларди».

Агар Н. Г. Чернишевскийнинг бу сўзлари Европа хотинларининг жамиятда тутган мавқеларига нисбатан бир карра тўғри бўлса, мусулмон Шарқдаги аёлларнинг аянч аҳволларига нисбатан минг карра тўғридир. Агар хотинлар оламини мазлумалар деб аташ жоиз бўлса, мусулмон хотинларини мазлумалар мазлумаси, деб айтмоқ тўғрироқ бўлади. Исломи дини, шариат қонуни мусулмон хотинларини ҳар қандай кишилик ҳуқуқидан маҳрум этиб, уларни тўрт девор орасида асоратда тутди.

Кишилик тарихи бир ҳақиқатни тобора очиқроқ, равшанроқ исбот қилмоқда, яъни қаерда зулм, адолатсизлик кучли бўлса, шу ерда озодликка интилиш кучлироқ бўлади, шу ерда норозилик ва исён овози қудратлироқ янграйди. Шу жиҳатдан қараганда, Октябрь инқилобига мазлумалар мазлумаси ҳисобланган ўзбек хотин-қизларининг ўз даврларига, у даврнинг адолатсиз қонуниларига қарши исён кўтаришлари табиий бир ҳол эди. Чунки «Асрлар ўтмоқда, идеялар ҳамиша ҳаракатда, ваҳшийлик эса талвасага тушмоқда: хотин-қизлар ўзларининг инсоний ҳуқуқларини англамоқдалар ва ажойиб қаҳрамонликлари билан мағрур эркакларга: улар осмоннинг ўғлонлари бўлса, хотин-қизлар ҳам осмоннинг шундай қизлари эканлигини исботламоқдалар». (В. Г. Белинский).

«Ажойиб қаҳрамонликлари билан... мағрур эркакларни» ҳайратда қолдирган жасур аёллар ўзбек тарихида шубҳасиз шоиралар эдилар.

Ҳаммага аёнки, мусулмон хотинлари жамият фаолиятига қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум этилиб, тўрт девор орасига қамаб қўйилган асира эди. Асоратда қолган бу мазлумалар учун фаолият майдони қолмаганди. Шунинг учун хотинлар ўз ҳасратини бировга айтолмас, мабодо айтганда ҳам эшитувчи топилмасди. Чорасиз қолган шўрлик аёллар қон-қора қақшаб йиғласа ҳам сас-садо чиқармас, алам оловида ёнса ҳам дуд-тутун чиқармас эди. Алишер Навоий «Лайли ва Мажнун» достонида мусулмон аёлининг мана шу ҳолати баёнида бундай деган эди (Лайлининг Мажнунга мактубидан):

Сен тортибон оҳи оташолуд,  
Мен ўт ёқибон чиқармайин дуд.

### Шоира Надиманинг:

Дардим ичимда, лабларим хандон,

деб қақшашида ҳам шу ҳаёт ҳақиқати бор, албатта.

Феодализм жамияти ва шариятнинг ахлоқ нормалари хотин-қизлар оёғига солинган кўз илғамас кишан эди; «номус», «ҳаё» тушунчаси ҳамиша хотинларнинг йўлларига ров бўлиб, тўсиб келганди.

Мана шу психологик зиддиятлар улуғ шоиримиз Алишер Навоий ва сеvimли шоиримиз Зебунисо асарларида ҳаққоний ифодасини топган:

### Навоий:

Бўлмоқ юз алам уйида маҳбус,  
Бир ён, яна бир ён ўлди номус.  
Бу меҳнати ишқ печ дарич,  
Номус чу кетти барчаси ҳеч.

### Зебунисо:

Лайли зотидан эсам-да, дилда Мажнунча ҳаво,  
Тоғу тош кезгум келур, лекин йўлим тўсгай ҳаё.

Бир томондан табиий истеъдод, иккинчи томондан ана шу оғир вазият ўзбек аёлларини қўлга қалам олиб, ўзларининг тоқатдан ташқари қисматлари ҳақида шеър

ёзишга олиб келган. Улар ўз дардларини, ҳасрат-аламларини, умид-орзуларини шеърга солиб, абадийлаштириб кетганлар.

Чиндан ҳам Октябрь инқилобигача ўзбек жамиятида хотин-қизлар ҳар қандай кишилик ҳуқуқидан маҳрум бўлиб, уларнинг ҳамма инон-ихтиёри ота-она қўлида эди. Дарҳақиқат, очиқ юз билан юриш ҳуқуқидан маҳрум этилган бу мазлумалар мазлумасининг яна қандай ҳуқуқи ҳақида сўз бўлиши мумкин?!

Қиз бўлиб туғилиш бахтсизликнинг боши экани, қиз туққан оналарнинг таҳқирланиб, таъна тошлари остида қолиши, бу ижтимоий иллатнинг ҳанузгача баъзи қолоқ оилаларда ҳукм суриб келаётганини ким инкор қилади? Қизларнинг нисбий «эркинлиги» балоғат ёшигача бўлиб, балоғатга етган қизлар балоларга гирифтор бўлардилар. Бунинг сабаби шуки, қизлар ўн беш-ўн олти ёшларидан бошлаб ўзларига муқобил жинсдан муносиб жуфт қидирадилар. Бу табиий, том маъноси билан инсоний майл, уни жамиятнинг сохта ахлоқ нормалари билан чеклаб бўлмайди, бу табиий оқимга ким гов тўсса, бир-бирига толпиниб турган икки жоннинг ё бахтсизлигига, ёхуд ҳалокатига сабаб бўлади.

Ишқ-муҳаббат пешволари: Фарҳоду Ширин, Лайлию Мажнун, Тоҳиру Зухроларнинг қора тақдирларига йиғламаган ота-она бўлмаса керак. Аммо шу оналарнинг, шу оталарнинг ўз қизлари Ширин, Лайли ва Зухро вазиятига тушиб қолса, улар бирдан шафқат ҳиссини, одамийликни йўқотиб, зўғим, зулм йўлига кириб оладилар. Қизлар қисматига тушган бу адолатсизликни ўйлаб баъзан фарёд қилғунг келади!

Қиз туғиб, уни вояга етказган меҳрибон оналар, бу ҳаёт фаришталарининг сабаби вужуди бўлган муҳтарам оталар нега ўз фарзандларининг табиий майлларига гов бўлганлар, не ҳад билан уларнинг инсоний шарафларини поймол этганлар, буни сира тушуниб бўлмайди. Ҳолбуки улур Навоий инсонни барча мавжудотнинг энг «шарифи» (муътабари, мумтози), деб атаганда, Шарқнинг буюк донишманди Мирзо Бедил одамзодни ардоқлаб «Ҳазрати инсон» деганда, хотин жинсини ҳам кўзда тутган эди!

Инсоннинг жуфтликка майли, фақат жинсий бурч-

нинг ижроси эмас! Жуфтликка интилишни бу маънода англасак, одам билан ҳайвон орасида нима фарқ қолади? Жуфтликдан мурод фақат муқобил жинсларнинг қўшилуви бўлса, инсон ҳаёти жуда мазмунсиз, ўта қашшоқ бўларди. Инсоннинг жуфтликка майли замирида ҳаётнинг давомати бор, руҳий, маънавий яқинлик истаги бор; бу майл замирида табиатнинг бебаҳо ҳадяси— ишқ бор. Ишқ — инсоннинг кўрки, безагидир.

Инсонни (Навойи тили билан) барча мавжудотнинг энг шарифи дедик. Бу шарифлик унинг фазлу камолида, зако-истеъдодидида, лутфида, карамида, марҳаматида, меҳрида, мурувватида, ички-ташқи гўзаллигида, гўзалликка интилишида, ишқ-муҳаббатида намоён бўлади.

Севиш ва севилиш инсонга хос ажиб маънавий бойликдир. Шунинг учун Алишер Навоий:

Бўлмаса ишқ икки жаҳон бўлмасун,  
Икки жаҳон демаки жон бўлмасун!—

деб мағрур наъра тортади.

Биз юқорида ишқ — инсоннинг кўрки, безаги дедик, Навоий эса, ишқсиз ҳаётни тан олмайди. Мана шу мантиқдан чиқиб баҳо берганда, ишқсизлар ким бўлади? Бу саволга мен ўзим ҳам яхши жавоб беришим мумкин. Бироқ, бундан бир аср муқаддам Бону бу сўроққа шундай мукамал, шундай пур маъно жавоб берганки, энди мен қанча допишмандлик қилмай, барибир Бонунинг айтганларини такрорлаган бўламан. Биров айтгани такрорлаш — қалам аҳли учун инқироздан бошқа нарса эмас. Мен буни истамайман, яхшиси Бонунинг «Ишқсизлардан ишқоят» шеърини эшитайлик:

Ишқи йўқ одамни ҳам одам дема,  
Модагову барзагивдин кам дема!

Ишқи йўқ одам мисоли чорпо,  
Тукқан эрмас ҳеч вақт одам ато.

Ишқи йўқ одам ҳамиша ғафлати,  
Ғафлатидур, ғафлатидур, ғафлати!..

Ишқи йўқ одам ҳамиша беҳабар,  
Қайси ишда нафдур, қайси зарар.

Ишқи йўқни жони йўқ, имони йўқ,  
Э биродар, бўлманг андин кўнгли гўқ!

Ишқи йўқ одамга бўлманглар яқин,  
Сўзлади бу сўзни «Маслак муттақин».

Ишқи йўқ одамни билсанг сурати,  
Сурати, ки доимо ҳақ лаънати...

Ишқи йўқ одам мисоли модагов,  
Фикри ёди еб-ичар обу алов.

Ишқи йўқ одамни васфин айтаман,  
Айтиб-айтиб бу жаҳондин қайтаман...

Бу шеър ҳеч қандай шарҳга муҳтож эмас. Ўзбек халқи бу оқила қизининг айтганларини тасдиқлаб: «Ишқи йўқ — эшак, дарди йўқ — кесак», дея муҳр ҳам босиб қўйган. Мен фақат шуни уқтириб ўтмоқчиманки, тафаккур бобида бундай баланд зиналарга кўтарилиш учун ўз асрининг фозиласи, комиласи, ақли расо қизи бўлиш лозим.

XIX асрдан эътиборан ўзбек адабиётида хотинлар овози барала янграй бошлади. XIX аср адабиётига Увайсий, Нодира, Маҳзуна ва Бону овози жўр бўлмаганда, унинг ижтимоий қиймати ҳозиргига нисбатан кўп даража паст бўларди.

Бону табиатан поклиги, маънавий камолоти, шеърый истеъдоди жиҳатидан Нодира, Увайсийлар даражасида бўлса ҳам ўзининг жасорати, мустаҳкам иродаси билан машҳур ҳамасрларидан бир неча зина юқори кўтарилган исёнкор қиз.

Бону севган, севилган қиз эди. Ишқ-муҳаббат деган гавҳарнинг қадр қийматини бошқалардан яхшироқ, чуқурроқ тушунарди. Аммо отаси Сирожий ишқи илоҳидан бошқа ҳеч нарсани тан олмайдиган, эски урф-одатларга, расм-русумларга муккасидан кетган киши эди.

Энди Бонудай оқила қизнинг зўрлаб эрга берилишини кўз олдингизга келтиринг. Оталар учун «таглик-туглик» куёв керак. Бу «таглик-туглик» йигит одамми ёки Бону айтгандай «барзагов» яъни ҳўкизми, унинг нима аҳамияти бор?

Ўтмишнинг мантиқи шу эди. Гарчи бу хил хатту ҳаракат зуҳумдан, зулмдан иборат эса-да, оталар ўз

фарзандларининг жафокорлари эканлигини идрок этмасдилар. Шўрлик қизлар қон-қора қақшаб, баъзан ўлим ҳукмидан оғирроқ ота фармонига бўйсунардилар.

Аммо, Бону бу тоифа «мўмин» қизлардан эмас эди. У «тақдир» деб аталган мавҳум кучга, ижтимоий, жинсий адолатсизликка қарши, оталар истибдодига қарши исён кўтариб:

— Йўқ, ота! Сиз топган киши менинг тенгим эмас! Мен ўзга бир Мажнуннинг Лайлисима, — деб туриб олди.

Бону савдосида саргардон бу «Мажнун» — миштепалик (ҳозирги Марҳамат райони) бир богбоннинг ўғли, Сирожийнинг шогирди Шарифжон эди.

Лекин Сирожий ақлнинг далолатига қулоқ солмай, зуҳум, зулм йўлига ўтди. Бонудай қизни аҳамиятсиз, ортиқча бир ашёдек ўзгага ҳадя қилмоқчи бўлди. Дабдабали тўй Бонунинг ота уйдан қочини билан тугаб, қолоқ тушунчалар, бу тушунчаларга муте оталар биринчи дафъа эл орасида шамгин-шармисор бўлди.

Бону Миштепага, ўз мажнун Шарифжон ҳузурига қочиб борди. Қизининг бу жасоратини беҳадликка йўйган ота Бонунинг оқ қилди, меросидан маҳрум этди, бутун авлод ундан юз ўғирди.

Муҳтарам ота-оналар! Мен сизга мурожаат қиламан: инсоф билан айтинг-чи, бояқини Бону нима гуноҳ қилди? Дилларга нур, кўзларга сурур бағишлаб, ҳаётин янада гўзаллаштирган, уни мазмундор этган, одам боласига илҳом бериб курашга, камол топишга ундаган ишқ — гуноҳ бўлдимми?

Йўқ! Бу қизларининг гуноҳи эмас, оталарининг истибдоди, холос!

Бонуга отаси бунчалар зулм қилганда, ота топган бойвачча кўёв ҳам жим қараб турмади. Орадан ўн ой ўтар-ўтмас бойваччанинг ёлланган жаллодлари Шарифжонни ўлдиришди. Бону ўн тўққиз ёшларида қўлидаги чақалоғи Заҳриддин билан тул қолди. У энди том маъноси билан ёлғиз, кимсасиз, ғариб бўлиб қолади.

Дарҳақиқат, бояқини шонранинг мана бу фарёди шу руҳий ҳолатнинг, шу кайфиятнинг алам-ангез нашиласи эмасми?

Мен ғариб, Бону ғариб, отим ғариб, зотим ғариб,  
Бу ғарибликда юрибман қаҳрабодек сарғариб.

Сарғайиб бир соддадил бечораман, ҳолим хароб,  
Пур жафо-у, пур алам, ғамгин эрурман мустариб,

Мустариб аҳвол мўғурдур мени ялғуз бошим,  
Мен гирифтори қафасмен, мунисимдур андалиб.

Андалибдек термулибмен зору нолон мен янғ,  
Термулон ожизлара бўлғай фаросатлиғ қариб.

Қариб эткай бефаросат то саодатлик кунин,  
Топмағаймен сар батанҳо, по батанҳо ахтариб.

Ахтарай то ўлгуча бир ичкуяр дилхоҳлик,  
Тўлди бағрим, эзди кўксим, кимга айтай қичқириб.

Қичқириб кўнглум ёзолмай термулурман ҳар сари,  
Йўқки бир амма, хола, ё бир опа келса кириб.

Кирибон келса эшикдин гоҳ ногоҳ бир жигар:  
Кўксум очиб кўрсатардим ҳам тақи бағрим ёриб.

Ёрибон бўлмас туфайли, дард бўлғондур дилим,  
Кошки оқса ғарибликда юрак-бағрим эриб,

Эриб оқти Бонуё, икки кўзунгдин дарёлар,  
Йўқ бўлурсан бора-бора рангу рўй ҳам тан сизиб.

Шеърят ҳеч қачон шахсий мусибатлар доирасида қолиб кетмаган. У ҳамиша кенг ижтимоий мазмун касб этиб, бирор синф, бирор ижтимоий табақанинг кайфияти, руҳий ҳолати, орзу-умидлари инъикос этган ойна бўлиб қолади. Бону ижодига ҳам ана шундай кенг маънода, ўзбек жамиятининг ярмини ташкил этган барча хотин-қизларнинг, ҳамма бонуларнинг<sup>1</sup> куйга солинган фарёди деб қараш зарур.

Зотан анқов феодализм жамиятидан, диний хурофотлардан, эски бидъатлардан биргина Самар Бону эмас, ҳамма бонулар озор чекардилар. Ҳамма жойда мусулмон аёли хўрланар, таҳқирланар, унинг иззати нафси, хотинлик ғурури поймол қилинади.

<sup>1</sup> Бону — уй бекаси, хоним маъносида бўлиб, «Бонулар» иборатида бу сўз «хотинлар», «аёллар» маъносини ифода этади. (Т. Ж.).



Ҳамма мусулмон ўлкаларида боёқиш қизларнинг тақдири бир хил эди, ҳамма жойда ошиқ-маъшукдан жудо, ҳамма шоираларнинг созида жудоликдан дод, фироқдан фарёд садоси эшитиларди.

Бу давронинг исботи учун дейрли бир даврда яшаган, уч миллатга мансуб уч шоиранинг шеърларидан намуналар келтираман:

Афғон шоираси Биби Марямдан:

Токай, э золим, балойи меҳнати дунё кашам?  
Ҳасрати рӯи гулу он ғунчаи лабҳо кашам,  
Ҳусни хўбу наргиси шаҳло қадн зебо кашам,  
Нест бўйи васли жонон оҳ то уқбо кашам,  
Бас чунин жавру ситам тобут-борам мекуний.

Турк шоираси Назиҳа хонимдан:

Йўқми раҳминг ҳолима, эй ғунча лаб,  
Нолакорам фурқатинг-ла рўзу шаб,  
Оҳима, фарёдима сен сен сабаб,  
Нолакорам фурқатинг-ла рўзу шаб...

Хотири вайрони обод этмадинг,  
Панжаи ҳижрондан озод этмадинг,  
Васлатинг-ла, севдигим, шод этмадинг,  
Нолакорам фурқатинг-ла рўзу шаб...

Нозук хонимдан:

Ендим фироқ ўтида бедуду бешарора  
Парво надур, бу билмас, юз хаста куйса нора.

Хунбору хунфишондур икки кўзим йўлингда,  
Кел, эй жафо шиорим, раҳм айлаюб канора.

Токай жафо қилурсен, эй моҳи олам аро,  
Йўқми дилингда зарра ойини лутфикора.

Кел, о, тажассум ойла, помехрибон нигорим,  
Айлармусен тараҳҳум йўлингда интизора?

Ераб, сиёҳ бахтим, бир кун оқармаюрми,  
Токай жафо қилурсен, эй моҳи олам аро,

Ераб, бу турлу меҳнат бир охири бўлурму?  
Еки бу ҳасрат ила элтар мени мазора?

Афсус, кечди умрим, нокому хаста қолдим,  
Мумкинмидур жаҳонда кўрмак сени дубора?

Уч шоира — ҳиротлик Биби Марям, истамбуллик Назиҳа хоним ва қўқонлик Нозук хоним бир хил ҳасратда ёнмоқдалар, бир хил дарддан азоб чекмоқдалар, бир аламдан фарёд этмоқдалар; бу — жудолик алами, бу — фироқ дарди, бу — хотинлик шарафи поймол этилган, таҳқиқланган мусулмон аёлининг ижтимоий адолатсизликка қарши норозилик овози, ўзлари яшаган карқулоқ, ҳимматсиз жамиятга қарши исён овозидир.

Бону бу тарихий бадбахтликнинг, бу жинсий таҳқиқлашнинг шоҳиди бўлиб, хотин зотининг тоқатдан ташқари ғам-аламларини, азоб-изтиробларини, фарёду фиғонларини куйга солиб, тарих саҳифасига ёзиб кетди,

Бону айтур бу оламда, ки ғамсиз юрмадим ҳаргиз,  
Бу дунё даврини шодмону хандон сурмадим ҳаргиз.

Жаҳонда юрдиму турдим неча чектим жафоларни,  
Жафосини кўрдим, эй дўстлар, вафосини кўрмадим ҳаргиз.

Жаҳонда ҳар бало бўлса баҳам бўлди ғариб бошим,  
Ситам бирла аламларни суриб ёндирмадим ҳаргиз...

Дарҳақиқат, шоиранинг бу алам-ангез мисраларида мусулмон оламидаги кўп бонуларнинг дилидаги, тилидаги аламлари куйга солинган.

Бироқ бу ижтимоий адолатсизлик, бу жинсий таҳқиқ, бу бахтсизлик бўрони Бонунинг иродасини синдирилмади. Шоира нафис, ўйноқи шеърларининг бирида қисматига тушган дард-аламлар оғир бўлса ҳам, ўз йўли тўғрилигини, бу йўлни энг даҳшатли кучлар тўсса ҳам ёнмаслигини — қайтмаслигини айтиб, бундай хитоб қилади:

Енмағил, Бону, кирган йўлингдин  
Олдингини тўсса шери дағолар!..

Бону шеърини истеъдодига ота-бобо мероси деб қарайди; қўлига қалам олиб шеър ёзаркан ўзбек, форс-

тожик классик шоирлари: Хўжа Ҳофиз, Амир Алишер Навоий, Шамси Табризий, улуғ бобоси Ҳувайдони ёдлаб, шулардан мадад тилайди:

Мерос дедим боболардин рубои,  
Қолиб мерос бу сўзларнинг матои.  
Аголар ҳурматидин сўзладим сўз,  
Рубои<sup>1</sup> машғулидурман шабу рўз.

Ўз ижодини классикларга эҳтиром билан бошлаган шоира аста-секин камол топиб, Навоий, Фузулий ва Ҳувайдога тажнис, татаббуъ қилиб, бу забардаст шоирлар билан шеърӣ мусобақага киришади.

Радифгўйлик Шарқ классик адабиётида чуқур томир ёйган, кенг тарқалган адабий анъана. Ўзбек ва тожик адабиёти тарихида бу анъана айниқса кенг қулоч ёйган. XIX аср Фарғона ва Хоразм шоирларининг Навоийга эргашиши, шаклда шу улуғ санъаткорга тақлид қилиши моҳият эътибори билан XIX асрнинг XV аср билан радифгўйлиги эди.

Радифгўйлик — бир шоирнинг бошқа шоир газалига, унинг вазнини, қофия, радифларини сақлаган ҳолда, шу руҳда жавоб ғазал ёзишидан иборат бир санъатдир.

Бизнинг мавзу-баҳсимиз Самар Бону улуғ шоирлар билан радифгўйлик қилиб, бу санъатда зўр муваффақият қозонган, бунини сиз қўйидаги мисолларда очиқ кўришингиз мумкин.

#### Ҳ у в а й д о и

Айладим ишқинг аро, эй шўх, афгон ўзга навъ.  
Айлағондек эл аро Мажнун ҳайрон ўзга навъ.  
Гул юзунгин, гулча оғзингин кўруб кўнглам қуши,  
Айламас парвоин гулзору гулистон ўзга навъ.

#### Б о н у :

Келди бул кун қонима ноз ила жонон ўзга навъ,  
Қомати раъноси чун сарви хиромон ўзга навъ.  
Айдим: Эй жоним, қадам қўй дийда гирёним уза,  
Хуш келибдурсен дедим тахти Сулаймон ўзга навъ.

<sup>1</sup> Рубо, рубоӣ сўзларини Бону шеър маъносиде қўллайди. (Т. Ж.).

### Х у в а й д о:

Зулайхойи замон, ишқ офати даврондурур ул шўх,  
Малоҳат мисри ичра Юсуфи Канъондурур ул шўх.

Ўтубдур бу жаҳондин Ширину Узро ҳам Лайли.  
Алардек нозанин симин бадан Чимёндурур ул шўх.

### Б о н у:

Ғариб жонимга қилди ҳар куни юз минг жафо ул шўх,  
Вафони изладим андин бўлубдур бевафо ул шўх.

Зулайхое замонида туғилди мисри Ўш ичра.  
Менга ул Юсуфи Канъон каби қўйди баҳо ул шўх.

Юқорида келтирилган мисолларни бир-бирига таққослаб кўрган ҳар бир зийрак ўқувчи Бону бадий камолотнинг қайси зинасида эканини дарҳол пайқайди. Бу жиҳат изоҳга муҳтож эмас. Мен бу мисоллардаги лирик қаҳрамонларнинг маконлари, жинслари ҳақида сўзламоқчиман.

Хувайдонинг ҳавасини келтирган «шўх» Ширин ва Лайли каби «позанин», «симин бадан», бунинг устига чимёнлик, яъни шоирнинг ҳамқишлоқ қизи, Бону ғазалида куйланган «шўх» шоиранинг ҳамшаҳри — «мисри Ўш ичра» (Ўш шаҳрида) туғилган Юсуфдек гўзал йиғит. Бу шеърлардаги жуғрофий аниқлик, жинсий тафовут — баъзиларнинг: «шоиралар эрлар овозини такрорлайди, уларнинг ғазалларида қайси жинс ҳақида сўз бораётганини билиб бўлмайди», деган даъволарни бир пул қилиб қўяди.

Фузулий мухлислари унинг мумтоз бир байтини мудом тилга олиб, шоирга таҳсин ўқийдилар. Дарҳақиқат, бу байт шундай юксак баҳога сазовордир. Мана шу байт:

Маҳшар гуни гўрам дерам ул сарв қомати,  
Гар онда ҳам гўрунмаса, гел, гўр қиёмати...<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Фузулий. Девон, 184-бет, ЎзССР Давлат бадий адабиёт нашриёти. Тошкент, 1961 йил нашри.

Фузулийнинг фусункор ғазалларидан бири шу байт билан бошланади. Аммо ғазалнинг бошқа байтлари бу фикрнинг мантиқий давоми эмас, улар бошқа мавзуда, бошқа фикрларнинг баёни. Агар таъбир жоиз бўлса, Фузулийнинг бу ғазали турли қимматли тошлардан тuzилган бир шода маржонга ўхшайди.

Ғазалнинг биринчи байти Бонунинг ҳам ҳавасини келтирган, аммо Бону бу мумтоз байтнинг «нуқсон»ини ҳам пайқаган. Бу байтдаги «нуқсон» шундан иборатки, қиёматда сарв қомат маҳбубни кўриб унга бир нарса демоқ, унда ҳам кўринмаса, қиёмат кўтариб ғавво солмоқ учун маҳбуб фироқида бу оламда куймоқ керак. Аммо у даражада аламзада бўлмоқ учун Фузулийда асос йўқ, у даражага кўтарилиш учун Фузулий ғазалида зина йўқ.

Бону ўзининг нафис ғазалларида бирида Фузулийнинг шу «хато»сини тuzатади.

Сенга мен дил бериб бўлдим туну кун оҳ деб пошод,  
Санам ҳажрингда қилгаймен бу ўтган умримн барбод,

деб бошланган бу ғазал ўқувчини мисрама-мисра бундан кейинги воқеаларга тайёрлаб боради. Лирик қаҳрамон, бу пасткаш дунёнинг қўлида жоним қафасдаги тўти кабидир, қиёмат яқинлашганда, бу қафасдан «оҳ» деб озод бўламан, бордию шунда ҳам:

Агар адлингга олмай куйган элни куйдирар бўлсанг,  
Бузар маҳшарни Бону қичқурурда дод деб бедод —

шаклида хотима ясаб, лирик қаҳрамоннинг бу даражага келишини асослайди. Фузулий ғазалининг биринчи байтида айтилган фикр Бону ғазалининг охириги — хотималовчи байтида келади. Бошқа байтлар бу даражага чиқиб, охириги сўзни айтиш учун зинапоя вазифасини бажаради. Шу тариқа Фузулийда мавҳумроқ кўрилган фикр Бонуда табиийлик, реаллик касб этади.


Классик адабиёт муҳибларидан бирига Бонунинг шу ғазалини ўқиб берганимда, у киши, Бону Фузулийдан ўтказиб юборибди, дейдилар. Бу баҳо тўғрими, йўқми, ўзингиз ўйлаб кўринг.

Бону ижоди ҳақидаги суҳбатни яна давом эттириш мумкин эди. Лекин бунга эҳтиёж йўқ, чунки зийрак ўқувчилар аллақачон Бонунинг маънавий, ижтимоий ва бадиий қиёфаси ҳақида бир фикрга келиб қолдилар. Бас, шундай экан, шоиранинг ҳар бир шеърини таҳлил қилиш — муҳтарам ўқувчининг зеҳну зақосига нисбатан нописандлик бўларди.

Аммо замон бонуларига айтадиган бир маслаҳатим бор: Сизлар кирган йўл тўғри, у мақсад сари олиб бормоқда, истиқболингиз порлоқ, шунинг учун:

Енмағил, Бону, кирган йўлингдин,  
Олдингги тўсса шери дағолар!..





Самар-Бонунинг даст хати







## БОНУ ҒАЗАЛЛАРИ

### НОЗУК АДОЛАР

Ёраб, бошимда кўпдур ҳаволар,  
Номинг-ла тўлди арзу самолар.

Шукри висолинг айлаб туну кун,  
Илкимни очдим — қилдим дуолар.

Ҳар кимни кўрсанг Хизр била кўр,  
Учрар қошингга кўп раҳнамолар.

Шери жаёндек, фили дамондек  
Кўюнгда ётмиш минг мубталолар.

Кўюнг сўроғин қилди набилар,  
Байтул ҳазанда бўлди фанолар.

Юсуф жамолинг даъвосин этди,  
Уч йилга сотди ўн бир ағолар.

Зикрингни айтди тайр ила ваҳший,  
Тўлдир аларга кўху даромлар.

Юз минг тил била минг-минг фарзанд,  
Ишқинг бошида қилгай наволар.

Мажнун бошида савдойи зулфунг,  
Юз минг менингдек бахти қаролар.

Лайли юзидан анвори ҳуснинг,  
Андек жаҳонда кўп худнамолар.

Қўҳи гамишда қолмиш балога,  
Фарҳод янглиғ юз минг гадолар.

Шаккар лабингни шаҳдида ўлмиш  
Ширин мисоллиқ нозук адолар.

Шому саҳарлар ёдингни айлаб,  
Бону ўқуйдур ҳамду санолар.

## БЕНАВОЛАР

Ҳолимни айтай, эй жонфизолар,  
Бордур кўнгилда кўп муддаолар.

Эй ёру дўстум, айланг насиҳат,  
Қилгай тараҳҳум марди ҳудолар.

Билмай ўзумни ҳасратдадурмен,  
Мендин ўтарму букун хатолар.

Дарди санамда қоматим хамдур,  
Билгайму қадрим қадди дутолар.

Дарди ситамда ҳолим мукаддар,  
Борму машигдек ҳеч бенаволар.

Солди худойим бу даҳр ичинда  
Мискин бошимга юз можаролар.

Рўзи азалда қилмиш муқаррар,  
Пешонам узра мундоғ наволар.

Эл таън этарлар, бўлдинг нечук деб,  
Қадримни билмас ҳирсу ҳаволар.

Ҳардам унутқум ўзимни билмай,  
Олгай қўлумни пири ҳудолар.

Енмағил, Бону, кирган йўлингдин,  
Олдингни тўсса шери дағолар!..

### ҒАМСИЗ ЮРМАДИМ ҲАРГИЗ

Бону айтур бу оламда, ки ғамсиз юрмадим ҳаргиз,  
Бу дунё даврини шодмону хандон сурмадим ҳаргиз.

Жаҳонда юрдиму турдим неча чектим жафоларни  
Жафосин кўрдум, э дўстлар, вафосин кўрмадим ҳаргиз.

Аё дўстлар, ки мен ёлғуз, ғариби бенаво қулмен,  
Топай аҳл-аёл, атфол деюб қайгурмадим ҳаргиз.

Ки саккиз йил бўлур отам шикори Ёркенг айлаб,  
Муборак юзларин кўруб, кўзум тўйдурмадим ҳаргиз.

Ки кўрмакни қўюб, э тан, бўлак эмди талаб қилғил,  
Шарифим сарри пойидин ўзум жўкурмадим ҳаргиз.

.....

Жаҳонда ҳар бало бўлса баҳам бўлди ғариб бошим,  
Ситам бирла аламларни суруб ёндирмадим ҳаргиз.

### МЕРОС ДЕДИМ БОБОЛАРДИН

Илоҳи сайиҳди Қул Хожа Аҳмад,  
Анингдек яхшилардин бўлса беҳад.

Илоҳи ҳурмати ул Хожа Ҳофиз,  
Менам бўлсам рубонӣ нчра маҳфуз.

Илоҳи ҳурмати Амир Алишер,  
Баҳаққи Сўфи Оллоёрдек эр,

Илоҳи ҳурмати ул Шамси Табриз  
Мени бу ерда расво қилмагайсиз.

Илоҳи роҳати дилдур Ҳувайдо,  
Бобом инсбатлари қилгайму шайдо.

Тасаддуқ мең бўлай, султони олам,  
Чимиён халқига сиздур мукаррам.

Мерос дедим бобомлардин рубонӣ  
Қолиб мерос бу сўзларнинг матон.

Сўнгги бобом бу Ушда Сармазори,  
Тасаддуқ руҳингиздин қил мадори.

Баҳаққи руҳингизни айладим ёд,  
Рубоъ айтиб кўнгулни айладим шод.

Отамлар Мавлавий Ёркентда ҳазрат,  
Рубоъ айттим қилиб онларни ҳурмат.

Меннинг ҳаддиммуди сўз сўзламоққа  
Рубойға боқиб мен кўзламоққа.

Отамлар ҳурматидин сўзладим сўз,  
Рубой машғулидурман шабу рўз.

Ғарибу пур алам бир соддадурман  
Рубоъ айтиб бу дунёдин енгилман.

### ИШҚСИЗЛАРДИН ШИКОЯТ

Ишқи йўқ одамни ҳам одам дема,  
Модагову барзаговдин кам дема!

Ишқи йўқ одам мисоли чорпо,  
Туққан эрмас ҳеч вақт одам ато.

Ишқи йўқ одам ҳамиша ғафлати,  
Ғафлатидур, ғафлатидур, ғафлати!

Ишқи йўқ одам ҳамиша беҳабар  
Қайси ишда нафдур, қайси зарар.

Ишқи йўқни жони йўқ, имони йўқ,  
Э биродар, бўлманг андин кўнгли тўқ!

Ишқи йўқ одамга бўлманглар яқин,  
Сўзлади бу сўзни «Маслак муттақин».

Ишқи йўқ одамни билсанг сурати,  
Сурати, ки доимо ҳақ лаънати...

Ишқи йўқ одам мисоли том эрур,  
Билсанг онинг мисли гови хом эрур.

Ишқи йўқ танни, биродар, тан дема,  
Ассалом айтиб келса кимсан дема!

Ишқи йўқ одамни кўрсанг жоча кўр,  
Юзига боди шамолни оча кўр!

Ишқи йўқ одамга бўлма меҳрибон,  
Меҳрибондиг ҳеч бўлур, андин гумон.

Ишқи йўқ одам юзи совуқ бўлур,  
Тан ичинда имони оруқ бўлур.

Ишқи йўқ одам худодин беҳабар,  
Беҳабардур, беҳабардур, беҳабар!

Ишқи йўқ одамнинг қўнгли қап-қаро,  
Мен билодурман они чуни чаро.

Ишқи йўқ одам мисоли модагов,  
Фикри-ёди еб-ичар обу алов.

Ишқи йўқ одамни васфин айтаман,  
Айтиб-айтиб бу жаҳондин қайтаман.

Ишқи йўқдин сўз келди сўзладим,  
Ишқ ўтига мен ўзимни кўзладим.

Ишқ ўтида куйсаму кул бўлсаму,  
Ишқ элини изла-изла ўлсаму!..

Ишқ ўтида куйганимни сони йўқ,  
Сони бўлса, дўстлар, имкони йўқ.

Ишқ ўтида куйди жоним қолмади,  
Беҳабар одамлари ҳеч билмади.

Ишқи йўқ одамлардин дод этай,  
Ушбу сўзда ишқ элини шод этай.

Ишқи йўқ одам мунини фаҳм айламас,  
Маънию мағзини асло чайнамас!

Ишқ элини фаҳми бўлса англасун,  
Ишқ эли жону жигарин доғласун!

Ишқ агар бўлса юракда заррача  
Панд айгдим мен сизларга бир неча.



Ишқ сирини хотиримға келтуриб,  
Маънисини яхшиларға билдуруб.

Ишқ сирини қилойин энди фош,  
Анғласун ҳар кимни бўлса бағри тош,

Тош агар бўлса бу сўз нарм айласун,  
Муз каби бағрингни бу гарм айласун.

## МЕНИНГ ҲОЛИМ ХАРОБ АЙЛАБ

Кўрунг бир дилбари золим менинг ҳолим хароб айлаб.  
Ёқуб ишқ оташин жонимга, бағрим кабоб айлаб.

Кўзим телмуртуруб ёттим, баса кўп хор бўлди бош,  
Кириб хилватда ҳолим сўрмади чандин азоб айлаб.

Тилокимдур анинг васли, туну кун ёлвориб ҳақдин,  
Очиб илким дуога йнгладим кўзлар пур об айлаб.

Ётиб ҳажрингда беморе, бўлубман беҳуду хомуш,  
Аё тан, сен нечук деб сўрмадинг мунча итоб айлаб.

Талабгори висолингмен, нечукдин билмадинг ҳолим,  
Кириб олдимга бир соат, чиқарни кўп шитоб айлаб.

Яқинлик айладим чун ўтларингга, ҳижлатим кўпдур  
Мени куйдурғали шамъи юзунгни бениқоб айлаб.

Хумор айлаб кўзингни ҳам қабоқингни сузиб боқсанг,  
Битай шаънингга юз дафтар мошоирлик китоб айлаб,

Кўзинг жаллоди бераҳму, камон абруларинг ўқлар  
Мени бечоранинг чун ўлтурурға иштироб айлаб.

Гаҳи хушман, гаҳи нохуш, гаҳи беҳуш, гаҳи боҳуш  
Бу Бонуни хароб эттинг сочинг мушкин таноб айлаб.

## БОНУ ҒАРИБ

Мен ғариб, Бону ғариб, отим ғариб, зотим ғариб,  
Бу ғарибликда юрибман қахрабодек сарғариб.

Сарғайиб бир соддадил бечораман, ҳолим хароб,  
Пур жафоу, пур алам, ғамгин эрурман мустариб.

Мустариб аҳвол муғлуғдур мени ялғуз бошим,  
Мен гирифтори қафасмен мунисимдур андалиб.

Андалибдек термулибмен зору нолон мен яна,  
Термулон ожизлара бўлғай фаросатлиғ қариб,

Қариб эткай бефаросат то саодатлик кунин,  
Топмағаймен сар батанҳо, по батанҳо ахтариб,

Ахтарай то ўлгуча бир ичкуяр дилхоҳлик  
Тўлди бағрим, эзди кўксум, кимга айтай ахтариб,

Қичқириб кўнглум ёзалмай термуларман ҳар сари,  
Йўқки бир амма, хола, ё бир опа келса кириб.

Кирибон келса эшикдан гоҳ ногоҳ бир жигар:  
Кўксум очиб кўрсатардим ҳам тақи бағрим ёриб.

Ерибон бўлмас туфайли, дард бўлғондур дилим,  
Кошки оқса ғарибликда юрак-бағрим эриб.

Эриб оқти, Бонуё, икки кўзунгдин дарёлар  
Йўқ бўлурсан бора-бора рангу рўй ҳам тан сизно.

### ГУССАДИН ФОРИҒ БУЛАЙ

Ғуссадин фориг бўлай рухсори олингни кўруб,  
Шаҳидин лаззат топай ширин мақолингни кўруб,

Дарда тўлдум, ғамга сўлдум, билмади қайғумни эл,  
Дардима дармон топармен юзда холингни кўруб.

Ишқи зиндониға ҳар кун бир асири зормен,  
Қай кунни озод бўлгай ой жамолингни кўруб.

Ҳазрати Юсуф жамолидур юзунгни партави,  
Иўқ харидор анга ҳусни бокамолингни кўруб.

Кўҳи Қоф аҳли кўруб бир-бирлариға сўзлашур,  
Хурлар хижолат топар феъли маолингни кўруб.

Лабларингга боғ аро ғунча табассум қилғуси,  
Сарвлар бергай салом навбар ниҳолингни кўруб.

Мушки амбарнинг иси бўйингни олдида хижил  
Синди оҳуйи Хўтан мушкин ҳилолингни кўруб.

Неча кун ўтти, жудолик даштида лабташнамен.  
Баҳра топсам кошки ширин зулолингни кўруб.

Ё паримусан, Эрам боғини товусимусан,  
Жон берур Бону малак янглиғ хисолингни кўруб.

### ЕР ЖАБР ЭТТИ

Ёр жабр этти дилим гарду ғуборин тозалаб,  
Ширин-у Узро-у Лайли онлара андозалаб.

Гулгун этти ашки селобим тўкуб ҳар рўзу шаб,  
Усма-у элик, уфо-у ҳам кўзини ғозалаб.

Дилбарим қаттиқ кўнгуллик, маҳвашим нозук  
Тешти кўксум, эзди бағрим ноз узра нозалаб,  
бадан,

Фош этма, эй табибо, ишқи дардин тут ниҳон,  
Иста мақсудинг худодин ўзлигингни созалаб.

Э ҳаким аҳли, билиб дардимни изҳор этмаким,  
Топмади ҳеч шайъ муроде кори ишқ овозалаб.

Ғорат этти мулки танни шоҳи ошиқлар келиб,  
Бир қуше учди қўлимдин кўк сари парвозалаб.

Фуқаро маҳвашлара қочди бу Бону бош эгиб,  
Ал амон этти рақиблардин билинг дарвозалаб,

### СЕНИНГ ИШҚИНГДА, Э ЖОНОН

Сенинг ишқингда, э жонон, битиб дафтар ёзай  
бот-бот.  
Юрар билмай, турар билмай, мудом йўлдин озай  
бот-бот.

Ақл озиб, бошим қотти, турарға тоқатим тоқдур  
Олиб илкимга теша ҳар замон тоғлар қозай бот-бот.

Келойин деб берур ваъда ўшал нозук бадан гулруҳ  
Сепиб сув кўз ёшим бирла анго мен йўл тузай бот-бот.

Агар бир келмаса гулруҳ рақиблардин қилиб парҳез,  
Иложин топмайин ночор менам кўнгул узай бот-бот.

Анинг дардида йиғла-йиғла-ю, кўз ёш бўлур кўл-кўл,  
Чўмуб ул кўллара, мен оби ҳайвондек сузай бот-бот.

Кўнгулда ишқи завқидин иморатлар бино бўлгон,  
Тополмай ишқ давосин ул уйларни бузай бот-бот.

Бу Бону чанд сол ўтти, билинг бир мушти хок ўлди,  
Қалам Исо дами бўлсун, менам жон киргузай бот-бот.

### ҲАМИША ҒАМЛИ ҚУЛЛАРҒА

Ҳамиша ғамли қулларға билинлар ошно давот,  
Ки ғурбат дудида қап-қаро дилга рўшно давот.

Худойим лутф этиб берган давот ила қалам-қоғоз,  
Сени қадрингни билмаслар тасаддуқмен сенго давот.

Йироқ бирла яқинларға ариза сўзни еткургон,  
Ки кўп мўминга ғамхўрлик сенга жоним фидо давот.

Бу ишқ дардини айталмай юракка ғуссалар тўлса,  
Ёзарға дард-аламларнинг қалам бирла гувоҳ давот.

Қалам бирла сенга куч келмасун кам-кам ёзай дафтар,  
Туман сўзни қилай бир сўз била билсанг адо давот.

Худоё, шукр минг бисёр қаламдек ғамгузорим бор,  
Ки минг дардга даво этган табиби дилрабо давот.

Жаҳонда бу давот ила қалам қадрини ким билгай?  
Билай қадрингни дер Бону, керакдурсен менго давот.

### УЛ ШҶХ

Ғариб жонимга қилди ҳар куни юз минг жафо ул шўх,  
Вафони изладим андин, бўлубдур бевафо ул шўх,

Зулайхое замонида туғилди мисри Уш ичра,  
Менга ул Юсуфи Канъон каби қўйди баҳо ул шўх.

Қийиб курта китони сочлари узра ярошиқдур  
Келодур бирсари боқиб фаоли маҳлуқо ул шўх.

Билолмас ишқи қадрини ситам кўп еткурар ҳар кун  
Ибо бирла ишоратни қилурди жо-бажо ул шўх.

Тамоми бош аёғи хўрбдур ўзга ярошуқда,  
Билиб бўлмас анинг зиндони ишқ ичра фано ул шўх.

Кўриб чоҳи занахдонин ҳамиша банди зиндонман,  
Анинг пероҳанин кўзга қилурдим тўтиё ул шўх.

Бу Миср ичра қаҳатликда жамолидин берур неъмат,  
Висоли Юсуфин Бонуга кўргазди худо ул шўх.



### СЕНИНГ ИШҚИНГДИН, Э ДИЛБАР

Сенинг ишқингдин, э дилбар, қилурмен ҳар замон  
сад дод,  
Чидолмай дарди ҳажрингдин қилурмен дод деб фарёд.

Қолиб ишқинг жафосидин муҳаббат тоғини кавлаб  
Чопиб боғиға ғамнинг тешасини йиғлади Фарҳод.

Қолиб ишқинг аро ҳайрон биёбонлар аро Мажнун,  
Қадингдин ўргилай Мажнун мени ҳам қилғай эрдинг ёд.

Мени дардинг адо қилди, ажални қувладим қочти,  
Улумумга яқин, кел эмди сен, эй кўзлари жаллод.

Аё золим сифат маҳваш, менга ҳеч келмади раҳминг  
Мени қатлим учун олдинг қўлингға ханжари фулод.

Сенинг ошиқларинг кўпдур баҳосиз бебаҳо бўлма,  
Пучак пулға баҳо бўлди неча пайғамбарий авлод.

Муҳаббат лаззатин Бону Зулайхо мисридин сўрди,  
Бўлурманму, аё дўстлар, бу ишқ зиндонидан озод.

### ФАЛАК ОЗОРИДИН САД ДОД

Менга маккори золим макр этиб юз шевада гўллаб,  
Бериб минг ваъдани қилмас вафо, айёрдин сад дод.

Бошимга ёғдурур борони ғамни ёзу қиш тинмай,  
Кўруб кажликни дедим мен фалак озоридин сад дод.

Оғиз оша етушканда бурунни тегдуруб тоша,  
Анга қул бўлдим, э дўстлар, жаҳон маккоридан сад дод.

Вафо тоғини кавладим бошимга текдуруб теша,  
Қилибдур пора-пора золими хунхордин сад дод.

Висоли бокамолидин айирмоқ қасдини кўзлар,  
Ёқиб рашк ўтининг ишқ эллара ағёридин сад дод.

Бу ғам гирдобидан фориг бўлолмай кўз ёшим оқти,  
Деди Бону амон бермас менга ҳар кордин сад дод.

### БҮЛДИ ДИЛ ХУНОБЛАР

Бу фалак кажравлигидин бўлди дил хуноблар,  
Ашк боримдин тўкилгай коса-коса облар.

Зулми ағёра чидалмай ишқ майини нўш этиб,  
Кунда-кунда хун ютиб бағрим тўла зардоблар.

Фурқату ғам бир сари, ишқнинг балоси бир сари,  
Жон қутулмас икисидин бас бўлиб бетоблар.

Шарҳи дилни арз этарға дардмандон топмадим,  
Сабру тоқат қолмади, кетти кўзумдин хоблар.

Муддаоинг не санам, қилдинг ситам уст-устина,  
Юргузуб ҳукмингни ҳардам қулдуғинг шитоблар.

Офитоби ғамда қолдим, қил бошимға соя бахт,  
Толей шумум синиқдур, синди дурри ноблар.

Муштари, Миррих ситоранг сувға тушди, Бонуё,  
Кўз ёшинг дарё бўлиб, тортти сени гирдоблар.

### ЖОНФИЗО СЎЗЛАР

Юрак зардобидан доим қилибон ҳасрато сўзлар,  
Битиб ашъорлар доим, ҳамиша жонфизо сўзлар.

Бу дунё корибориға таним тоқат қилолмайдур,  
Тополмай лаҳзае ором, қилиб вовайлато сўзлар.

Ки мен олудаи ғамда, не қайгурмен, аё дўстлар,  
Куюб жоним, эзиб бағрим забоним муддао сўзлар.

Юрогим қон бўлуб оқти, десам ҳеч ким хабар  
Тилармен ушбу кунларда ато бирлан ано сўзлар.  
олмас,

Ҳама ғамдин ўлум дарди ёмондур, э дилосолар,  
Шикаста дил бўлуб ҳардам ки бир сўзни яно сўзлар.

Ўлум қилди ғариб, мунглуғ атойи офтобим йўқ,  
Бўлуб онларни ёдида қилуб ҳардам дуо сўзлар.

Баложў-у, ситамкашлар аро оворасидурман,  
Қалам, қоғозга ғам айтсам ҳама олам менго сўзлар.

Дедилар: «Не бало бўлди сенга, бу сўзни сўзларсен?»  
Бу сўзларни деган-чун менга ёру ошно сўзлар.

Сўзим меодини билмас шикамсер, дил бутун мардум.  
Тегар ўқ ҳар қаёндин ушбу мискин дил яро сўзлар.

Ҳама эл етти мақсуда, етолмай йўлда қолганмен,  
Ғам илкида бир ожизи ғариби бенаво сўзлар.

Тушиб бошимға бу савдо пароканда сўз айтурмен,  
Бу Бонуға на бўлди деб менга халқи ҳудо сўзлар.

### УНУТМАСМЕН СЕНИ ҲАРГИЗ

Танимда токи жоним бор унутмасмен сени ҳаргиз,  
Хаёлингға кетурмагил демасмен ўзгани ҳаргиз.

Ётубман остонангда сенинг ҳажри фироқингда,  
Бу ёткон кимдурур деб келмадинг бир сўргани ҳаргиз.

Жафоу жабри кўп солдинг, аё э раҳми йўқ золим,  
Юбормадинг хаёлинг итларини кўргани ҳаргиз.

Агар бир васл уйида ой юзунг шамъини ёндурсанг,  
Рақиби русияҳлар қўймади ёндургани ҳаргиз.

Қўйингда ёстаниб нобуд бўлса хок-пойингда  
Висолимни талаб қилган демайдурсан мени ҳаргиз.

### БУЗАР МАҲШАРНИ БОНУ...

Сенга мен дил бериб бўлдим туну кун оҳ деб  
ношод,  
Санам ҳажрингда қилгайман бу ўтган умрими барбод.

Чиқарга жон яқин бўлди рақиблардин ҳазар эттинг,  
Умр нахлин суғортирсанг на бўлғой қомати шамшод?

Ишимдур юз туман мушқил, мени ёрдан бўлак билмас,  
Қийин бўлди менинг ҳолим, аё эй ёр, сендин дод.

Фалак, чархинг бузулсин, мен гариб бошида чўрулдинг,  
Менга ҳар вазҳа зулм эттинг, нетой жониммудур фўлод?

Ҳама эл орзусига етиб бисёр шод ўлди,  
Мени вайрона кўнглум бу жаҳонда бўлмади обод...

Қи бу дун илкида тутқун қафасда тўтидур жоним,  
Қиёмат йид бўлганда бўлурман «Оҳ!» еб озод...

Борурмен дод деб ул кун яқо йиртиб бўёб қоним,  
Жамолиннга бўлуб восил, ўшал бўлғай эдим мен шод.

Ўшал кунда, менинг куйганларимдан сен эмасму деб  
Умидим кўпдур ул соат мени адлинг билан қил ёд.

Агар адлингга олмай, куйган элни куйдирар бўлсанг,  
Бузар маҳшарни Бону қичқирурда дод деб бедод!..

### ҲЕЧ КИШИ МЕНДЕК

Ҳеч киши мендек жаҳонни айшидин безор эмас,  
Интизорлик тортмоқ учун доимо тайёр эмас.

Ишқи савдоси кўнгулда, ўзга ғам йўқ дилда ҳеч,  
Ҳеч киши бағри менингдек доимо афғор эмас.

Орзуйи васли бирла беҳуду хомушмен,  
Ҳеч киши васлини тополмай толиби дийдор эмас.

Даҳр доғидин юрогим таҳ-батаҳ қон боғлади,  
Ҳеч киши мендек юроги даста-даста хор эмас.

Ҳар кеча тонг отгуча оҳу фиғоним ғулғадур.  
Булбули бечора афғони букун бекор эмас.

Гулшани мақсуд андин сабзу хуррам бўлмағай,  
Ким баҳор абри масаллик дийдаси хунбор эмас.

Боргоҳи кибриёга ул қачон даркордур,  
Ишқи бирла қон ютуб, дарди била бемор эмас.

Ишқ давосин қилур тонг отгуча ғафлаттадур  
Ошиқ эрмас ул киши дарди била бедор эмас.

Орзуйи васли бирла рўзу шаб бемор ўлуб,  
Ҳусса бирла қон ютуб бағри анинг зангор эмас.



Остонида ётиб дарди билан хоксор ўлуб,  
Ошиқи дилхасталар ўлса кўйида ор эмас.

Бонувё, ҳар субҳидам оҳинг худоға тухфа элт,  
Қулки бехизмат келибдур хўжаға даркор эмас<sup>1</sup>.



---

<sup>1</sup> Китобдаги умумий тартибга риоя қилиб, Бонунинг фақат йигирма газали берилди. Шоиранинг бошқа шеърлари билан танишишни истаган китобхонлар муаллифнинг «Бону» номли асарига мурожаат қилишлари мумкин. (Ред.)



### СУНГГИ СУЗ УРНИДА

Китобларга муқаддима ва хотима ёзиш гўё фарз бўлиб қолган, лекин бу китобга сўнгги сўз ёзиш мен учун қарз. Бундан мурод: китобхонларга яна баъзи маълумотларни арз этмоқдир.

Биз охириги мақолада турли касбдаги бир мунча кишиларнинг номларини тилга олиб ўтдик. Булар — бизга мактуб орқали турли-туман маълумотлар юбордилар, ишнимизни енгиллатиш учун баъзи тадқиқотлар олиб бордилар, сафарга чиққан чоғимизда ўз ишларини ташлаб, бизга ҳамроҳ бўлдилар. Хўш, булар кимлар? Булардан Абдулҳамид Абдуризоқов — боғбон, Имомиддин Қосимов — бухгалтер, Амонулло Валихонов — математика муаллими, Шарофиддин Салоҳий — савдо ходими эканини юқорида зикр қилиб ўтган эдик. Бу йигитларнинг ҳар бири ўз касбидан ташқари яна бир фазилатга эга. Бу фазилат уларнинг адабиётга бўлган чексиз муҳаббатларида ва яхшигина шеърнй қобилиятларидадир.

Шунн ҳам айтиш керакки, булар ҳаммалари шеъринтда аруз вазинининг намояндяларидир. Буларнинг ҳар бири биров наҳ урмайдиган яхшигина шеърлар ёзадилар. Лекин нашр эттиришга эътибор бермайдилар. Улар гўё ўзлари учун, ўз ёру дўстлари учун ёзадилар. Энг гўзал шеърлари улфатлар орасида ўқилиб, ҳаммага манзур бўлган тақдирда, шаҳардаги ҳофизлар репергуаридан жой олади, куйга тушиб, тўй-томошаларда халқимизга завқ-шавқ бағишлайди.

Мен ана шу камтарин шоирларнинг шеърларидан баъзи намуналар келтирмоқчиман, лекин бундан аввал уларнинг севгили мавзулари ҳақида андак сўзлашга эҳтиёж бор. Буларнинг доимий мавзулари абадий навқирон — ишқ мавзундир. Дарҳақиқат, инсон учун ишқдан яқин мавзу йўқ.

Ишқ — вужудимизнинг маънавий қисмидир. У қалб гулшанида ўсади-ю, **охири бутун борлигимизни қамраб** олади, Ишқнинг маъ-

давний ҳаловати тугён урганда, ақл ҳам, ирода ҳам унга бўйсунади. Лайли билан Мажнунни тилларда дoston этган қудрат — шу; Фарҳод билан Ширинни абадийлаштирган шён-шуҳрат — шу. Ҳофизнинг жаҳоний шуҳрати шундан; Фузулий рубобининг дилраболиги шундан. Ишқ — инсонлиқнинг моҳияти, унинг зебу зийнагидир. Ишқ — инсондаги маънавий камолот ишонидир.

Ишқ — шарқ шеърятининг фалсафий, демак: марказий мавзудир; бинобарин, бу мавзу минг йиллар давомида шарқ мутафаккирлари томонидан турлича талқин этилмоқда. Ишққа идеалистик ва материалистик қараш бор. Мутасаввифлар ишқни «илоҳий» деб кўкка олиб чиқадилар, бошқа шоирлар эса, ишқ — инсоний, инсонга хос фазилат деб қарайдилар ва уни кўкдан ерга олиб тушадилар. Демак: ишқ ҳақидаги бир-бирига зид талқинлар моҳият эътибори билан икки фалсафий оқимнинг — идеализм билан материализмнинг тўқнишидан, курашидан иборатдир.

Бизнинг замондошларимиз куйлаган ишқ, албатта, ер ишқидир. Бу ҳаммамиз бошдан кечирган инсоний муҳаббатдир. Бу эскирмайдиган, ўлмайдиган — абадий мавзудир. Шоир Маҳжур мана шу мавзуда «Ишқ» радибли беш байт шеър ёзиб, шу фикрни ривожлантириб, газалини тугаллаш учун Мунир Мунизодага беради. Шоир Мунир бу фикрни ривожлантириб, яна беш байт ёзиб газалини тугаллайди. Мана бу шеър:

### Маҳжур<sup>1</sup>

Юзидин парда олгоч ул қуёш, бўлдим забун ишқ,  
Қошнинг чинидин бўлди вужудим сарнағун ишқ.

Эл ичра шуҳратим мажнунлиг эрса не ажабдурким,  
Мени оворан дашти миҳан қилди жунуни ишқ.

Анинг кўйида ором олғали жисмими хок этдим,  
Вале кўкка совурди тупроғим охир қуюни ишқ.

У Ширин ишқни ҳаср этмасин хоқонинг ўғлига,  
Мени Фарҳод атабдур, балки кўҳи Бесутуни ишқ.

Менга тенгситмасин Тоҳирни ул Зухрон афлоким,  
У сувга ғарқ эди, мен ғарқай дарёйи хуни ишқ.

<sup>1</sup> Муҳаммадхон Исҳоқов — Маҳжур — асли андижонлик. Мен бу киши билан 1939 йилда Навоий юбилейи комитетида ганишган эдим.

## Мунир

Муҳаббат бир муаммодурки ақл андин эрур ожиз,  
Хирад тирноғидин ечилмади ҳаргиз тугуни ишқ.

Сочин занжирига то бенаво кўнглумни банд этдим,  
Бўлубман. зулфи янглиғ поймолу вожгуни ишқ.

Ҳадиси ишқдин бедардлар олдида сўз очма,  
Киши ҳаргиз етолмас ишқ сиррига бидуни ишқ.<sup>1</sup>

На ёлғиз булбули шайдо шаҳиди ишқ бўлмишдур,  
Кийибдур эғнига гул ҳам либоси лолагуни ишқ.

Муниро, ишқ шарҳин булҳавасларча қилиб бўлмас,  
Ўқиб Маҳжурдек то бўлмагунча зуфунуни ишқ.

Ишқни Маҳжурдан кўра Мунир чуқурроқ талқин этгани очиқ кўриниб турипти. Мен бу шеърни шарҳлаб турмай, китобхонларнинг ўз муҳокамаларига ҳавола қиламан.

Имодиддин Қосимовнинг асосий касби бухгалтерлик. Бу касб билан шеърят орасида ҳеч қандай муносабат йўқ. Шунга қарамай, Имодиддин «Улфат» таҳаллуси билан ўйноқи газаллар ёзади. Унинг кўпгина шеърлари халқ ҳофизлари репертуаридан муқим жой олган. Намуна учун бухгалтер шоирнинг «Истасанг» радибли газалидан уч байт келтираман:

Эй кўнгул, жон ўйнагил, ишқ ичра жонон истасанг,  
Бўлмагай ҳосил сенга жонон, агар жон истасанг.

Чекмаса жонинг тикан захмини келмас қўлга гул,  
Ташла дарё ичра ўзни дурри ғалтон истасанг...

Улфато, қилсанг талаб ёрингни васлин; иста кўп  
Қўлга охир келгуси борича имкон истасанг.

Андижоннинг заки, хуштаъб йигитлари ҳақида нима деса бўлади? Андижонлик биродарларимнинг юриш-туришларига, суҳбатларига алоҳида эътибор билан разм солдим. Уларнинг суҳбатларида кўпинча шеърдан баҳс этилади, Одамлари шеърфаҳм, нуқтадон кўриндилар. Шунинг учун Андижон Пединститутининг бухгалтеригина

<sup>1</sup> Бидуни ишқ — ишқ бўлмай туриб,

эмас, математика муаллими Амонулло Валихонов ҳам «Боқир» та-  
халлуси билан шеър ёзар экан, Амонуллонинг Бобир газалига боғ-  
лаган бир мухаммаси ёру дўстларига жуда манзур бўлибди, ростги-  
ни айтсам, бу мухаммас менга ҳам гоят даражада манзур бўлди.  
Мана шу мухаммаснинг икки байди:

Не хушким, ўлкамиз хурсандликларнинг маконидур,  
Улуғ-ёш шоду хуррам, айшу нўшнинг пайту онидур,  
Саҳар булбул тилида комронлиғ дostonидур,  
Баҳор айёмидур, доғи йигитлиғнинг авонидур,  
Кетур соқий, шароби-нобким ишрат замонидур.

Гаҳе қир бағрига ел сабза мавжидин бериб тўлқун,  
Гаҳе боғ қўйнига кун нури тобидин тўкиб олтун,  
Гаҳе булбул чекиб чун рангу бўй завқида лаҳну-ун,  
Гаҳе саҳро узори лола шаклидин эрур гулгун,  
Гаҳе саҳни чаман гул чеҳрасидин арғувонидур.

Сиз бу гўзал мухаммасни ўқиб, Амонулло деганлари мадрасада  
тахсил кўрган, аруздан хабардор, мўйсафид бир киши бўлса керак,  
деб ўйламам. Ўўқ, Амонулло ҳали жуда ёш. Шунга қарамай, унинг  
Бобирдек улуғ санъаткорга бас келадиган мухаммас боғлаши шоёни  
тахсилдир. Бу мухаммасни ўқиб туриб, Амонулло фақат математик-  
кина эмас, яхшигина шоир ҳам дегинг келади.

«Икки шоиранинг адабий меросини излаб» сафар қилишимга  
сабаб бўлган Абдулаҳад Азизов ҳам Анисий тахаллуси билан шеър  
ёзади. Лекин, у шоирликни касб эмас, фазилат деб билади. Абдул-  
аҳад Азизовнинг асли касби чилангар, Унинг бир маромда болға  
ўришидан илҳом париси чўчимас, ҳуркмас экан. Қўйдаги икки байт  
ана шу чилангар шоир Анисийдандир;

Қўзғолон солгай кўнгил мулкига дилдор ўйнаса,  
Жилва айлаб, силкиниб ул шўхн айёр ўйнаса,

Ўйнаса ўйнаб юрак, потраб келур бўғзимга жон,  
Ғамза бирла саҳна майдонида ҳар бор ўйнаса.

Боғбон Абдулҳамид ака «Хуррам» ва «Доғий» тахаллуси билан  
шеър ёзар, ўзи гоят даражада камтар, хокисор ва хушназокат одам  
экан. Абдулҳамид Абдураззоқов 55 ёшлар чамасида бўлса ҳам,  
улфатлари уни «минг ёшга кирган» деб ҳазиллашиб юрарканлар.  
Бунинг сабаби шуки: Абдулҳамид ака кўп тарихий воқеаларни ёд би-  
ларкан. Бошқача айтганда, бу одам тирик тарих экан. Агар кўчада

кетаётган бир болани кўрсатиб: «Бу кимнинг ўгли?» деб сўрасангиз, Абдулҳамид ака у боланинг етти пуштигача сизга айтиб беради.

Қўйидаги байтларга қараб, бу богбоннинг шоирлик истеъдодини ўлчаш мумкин:

Муяссар бўлди менга бахту иқбол, ёр келганда,  
Ўзи хилват қилиб кулбамга, беағёр келганда.

Я н а:

Кўзимда жилва қилур, ҳуснидан жило кўринур,  
Қарашда, мижжалари остида ҳаё кўринур.  
Ҳаё билан қараш рамзида ибo кўринур,  
Қарори йўқ бу юрак дардига даво кўринур  
Не бахтки лутф қилур кўзда, ошно кўринур.

Бу камтарин одамларнинг равон, ўйноқи шеърларини ўқиб, уларни вояга етказган (табиатан шоир) ўзбек халқига офарин дейсан, киши.

Ҳурматли китобхон! Мен сизга айтмоқчи бўлган «қисса» анжумига етди — тугади. Сизни шаҳарма-шаҳар олиб юриб, турли одамлар билан таништирдим. ҳеч ким ўқимаган ажойиб шеърый асарлар билан ошно қилдим. Агар булар сизнинг тасаввурингизни бир оз кенгайтирган, сизга андак эстетик завқ берган бўлса, мен чеккан заҳматларимга минг қатла рози бўлардим.

Тошкент, 1959 йил.



## БИЗ ФЙДАЛАНГАН МАНБАЛАР РУИХАТИ

Ушбу рисолага материал излаб, УзФА Шарқшунослик институти шарқ қўл ёзмалари фондидаги қуйидаги китобларни кўриб чиқдик.  
(Рақамлар билан китобларнинг инвентар номерлари кўрсатилган)

«Намунаи адабиёти тожик»	— 3241
«Кобул» журнали	— 8773
«Таворихи хамсаи шарқин»	— 1200
«Мунтахабут-таворих»	— 594
«Адабиёт парчалари»	— 1077
«Машҳур хотинлар»	— 3839
«Шўро»	— 8758
«Тазкираи Ҳусайний»	— 3678
«Субҳи гулшан»	— 3120
«Олами ислом»	— 1590
«Миръоти олам»	— 5
«Баёз»	— 4179
«Тазкираи хавотин»	— 3478
«Баёз»	— 5333
«Баёз»	— 1326
«Баёз»	— 3904
«Баёз»	— 1944
«Девони Махфий»	— 1269, 1851, 1871, 1898
«Тазкираи салотин»	— 2513
«Мажмуаттиш-шуаро»	— 273
«Баёз»	— 2666
«Баёз»	— 5028
«Девони Вайсий»	— 1837
«Машоҳири нисвон»	— 9307
«Баёзи Нодира»	— 4182
«Ашъори Рожи Марғилоний»	— 5868
«Мифтоҳут-таворих»	— 5225
«Баёзи янги»	— 347
«Бисту се адиба»	

«Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси» (II том)

Зебушисо. «Шеърҳо»

«Терма баёз» (Муаззамхон шеърларини ўз ичига олган китоб.

Музайяна Алавиянинг хусусий кутубхонасида)

«Ашъори нисвон»